

Т.Ш. Мажидов

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА АТРОФ МУҲИТНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАДАНИЯТИ



**ТОШКЕНТ
2021**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ НАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ НАЗИРЛИГИ

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН СУВ РЕСУРСЛАРИДАН МУКАММАЛ ФОЙДАЛАНИШ
“СУВЧИ” ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ**

Т.Ш. Мажидов

**СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
ВА АТРОФ МУҲИТНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШ МАДАНИЯТИ**

/ МОНОГРАФИЯ /

**ТИҚХММИ Илмий Кенгашининг қарори билан
чоп этишга тавсия қилинган**

**ТОШКЕНТ
2021**

Монография Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти Илмий Кенгаши томонидан чоп этишга
таъсир этилган (2021 йил 25 февралдаги 7-сонли баённома)

УДК 631.6.02.:628.1:502

КБК 74.20

М-2

Монография Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги
ҳамкорлигида, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти қошидаги Ўзбекистон сув ресурсларидан мукаммал
фойдаланиш "Сувчи" Жамоат Бирлашмаси томонидан 2000-2020 йилларда
басқаришган лойиҳа ва грантларнинг материаллари асосида тайёрланган.

Монографияда сув ва атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисида
умумбашарий, минтақавий ва миллий муаммоларга ҳамда уларнинг
ечимларига оид маълумотлар берилган. Сув ресурсларини шакллантириш
тақсимланиши ва самарали фойдаланишни ташкил этишга оид ҳатфлар
конвенциялар, қарорлар ва қоидалар; минтақавий келишувлар, битимлар
ҳамда миллий кодекслар, қонунлар, қарорлар ва низомлар келтирилган.

Монографиядан Оммавий-ахборот воситалари ходимлари, Олий ўқув
юртларининг сув ресурслари ва экология ҳамда география йўналишлари ва
мутахассисликлари талабалари, Олий ўқув юртлари ёки илмий-тадқиқот
институтларининг таянч докторантураси ва докторантурасида таълим
олаётган илмий ходимлар ҳамда мустакил изланувчилар, ўрта
мактабларнинг география ва табиатишунослик фанлари ўқитувчилари, Сув
хўжалиги ходимлари, экологлар, ёшлар ташкилотлари, сув хўжалиги ва
экология йўналишида фаолият кўрсатадиган нодавлат-ношароат
ташкилотлари мутахассислари ҳамда бошқалар фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар:

Муродов Р.А. - Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти «Гидромелиоратив тизимлардан
фойдаланиш» кафедраси профессори, т.ф.д

Ишпулатов З.Э. - Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги
"Сув ресурслари" бўлими бошлиғи.

Т.Ш.Мажидов

/ Сув ресурсларидан фойдаланиш ва атроф-муҳитни химоя қилиш маданияти /
МОНОГРАФИЯ. –Тошкент, ТИҚХММИ, 2021. - 389 бет.

© Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти (ТИҚХММИ), 2021 йил

© Т.Ш. Мажидов

СЎЗБОШИ.

Ушбу монография, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги Ўзбекистон сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш “Сувчи” Жамоат Бирлашмаси томонидан 2000-2020 йилларда бажарилган лойиҳа ва грантларнинг материаллари асосида тайёрланди.

Монографияда трансчегаравий дарёларнинг сувларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Халқаро конвенциялар ва қоидалар: 1923 йил 9 декабрда Женевада имзоланган – “Гидроэлектрэнергия ишлаб чиқаришнинг бошқа давлатларга таъсири тўғрисида”ги биринчи халқаро шартнома; 1966 йил Хельсинки шаҳрида имзоланган “Халқаро дарёларнинг сувларида фойдаланиш қоидалари” тўғрисидаги халқаро қоидалар; Европа иқтисодий комиссиясининг 1992 йил 17 мартда Хельсинки шаҳрида қабул қилинган “Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро қўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги халқаро конвенция; БМТнинг 1997 йилда Нью-Йорк шаҳрида қабул қилинган “Халқаро ер усти сув оқимларидан кемалар катновидан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳукуқи тўғрисида”ги халқаро конвенция ҳамда 1958 йил 25 июнда Афғонистоннинг Қобул шаҳрида имзоланган “Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ҳукумати ва Афғонистон ҳукумати қироллиги ўртасида Совет Иттифоқи билан Афғонистон чегараси участкасида Амударё сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш бўйича биргаликда ишларни олиб бориш тўғрисида”ги қарори каби ҳужжатлар, “Сувчи” Жамоат Бирлашмаси Директорлар Кенгаши раиси Т.Ш.Мажидов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб келтирилди.

Монографияни тайёрлашда ва уни расм ҳамда схемалар билан безашда “Сувчи” Жамоат Бирлашмасининг аъзолари А.А.Хўжакулов, Б.Муҳаммадиев, О.Амиров, У.М.Мирходжиева, Ф.Т.Мажидов, М.А.Махмудова ҳамда “Сувчи” Жамоат Бирлашмасининг Нукус филиали директори Р.М.Кошековлар фаол иштирок этдилар.

Монографиянинг “Сув ҳаёт шарбати” номли бўлимида сувнинг инсоният ҳаётида тутган ўрни, гидролог олимларнинг ер шаридаги сув ресурслари тўғрисидаги маълумотлари, чучук ва ичимлик суви муаммоси, ер юзи мамлакатларида сувнинг тақсимланиши, Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудида сув ресурсларининг шаклланиши ва истеъмол қилиниши, Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссияси ва унинг вазифалари, Ўзбекистон Республикасида сув ресурслари ва унинг иқтисодиёт соҳалари бўйича тақсимланиши, сув тежаш технологиялари ва уларни татбиқ қилишда ҳукумат томонидан берилаётган имтиёзлар, дунёда ва мамлакатда иқлим ўзгариши, иқлим ўзгариши туфайли минтақадаги музликларнинг камайиб кетаётганлиги, атмосфера ва сув ҳамда тупроқнинг ифлосланиши, чиқиндилар, Ўзбекистон Республикасида чиқиндилар билан шуғулланувчи ташкилотлар, чиқиндиларнинг йиллик ҳосил бўлиш динамикаси, каттиқ майший чиқиндиларининг йиллик ҳосил бўлиш динамикаси, каттиқ майший чиқиндиарни кўмиш полигонлари, бир йилда ҳосил бўлган саноат ва майший чиқиндилар ҳамда уларнинг қайта ишланган қисми, каттиқ майший чиқиндиларнинг морфологик таркиби, каттиқ майший чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, саноат чиқиндиларининг ҳосил бўлиши. санитар тозалашга ихтисослашган мавжуд техникалар сони, санитар тозалашга ихтисослашган корхоналар, аҳолини санитар тозалаш хизмати билан қамраб олиш даражаси, чиқиндилар билан боғлиқ қонунчилик талабларини бузиш ҳолати содир этилганда қўриладиган чоралар ва экологик таълим-тарбия тўғрисида маълумотлар берилган.

Монографиянинг “Сув ва инсон” номли қисмида ичимлик сувининг инсон организмга таъсири, инсон органларидаги сув миқдори ва бир кишига кунлик сув миқдори, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш, сув олиш иншоотлари, ер ости сувларининг жойлашиши, ер ости сувларидан фойдаланишда қўлланиладиган иншоот ва мосламалар, қувурли ва шахтали қудуқлар ҳамда булоқлар бошига қўриладиган каптаж турлари, сувнинг сифати ва уни ошириш йўллари, коризлар ҳамда қишлоқларда ҳожатхоналарни ўрнатиш ва майший оқова сувларни олиб кетувчи канализация тизимини қуриш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Монографиянинг “Адабий бўлими”да “Сув олтиндан азиз” номли ривоят, “Сув уволи” номли ҳикоя, “Сув қадри” номли кичик ҳикоя, “Сув париси ” номли фантастик ҳикоя, “Табиат билан уйғунлик” номли қатра, “Тарихларда қолган денгизим” ва “Сув - бу ҳаёт” номли шеърлар, “Сув, сув, сув ва яна сув ҳақида”, “Табиат сув ва инсон” “Тома-тома кўл бўлур” номли публицистик мақолалар ҳамда “Биласизми?”, “Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонман”, “Тарих доно муаллим” ва “Ўзбекистон миллий энциклопедияси саҳифалари сув ҳақида” номли маълумотномалар ва сув тўғрисидаги ўзбек халқ мақоллари берилган.

Монографиянинг “Сув ресурсларини бошқариш, тақсимлаш ва самарали фойдаланиш” номли бўлимнинг “Трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш, тақсимлаш ва самарали фойдаланиш” қисмида, давлатлараро сув манбаларидан фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилишда ҳукуматларнинг ҳаракати, халқаро сув ҳуқуқларининг энг муҳим қисми ҳисобланган, «адолатли ва оқилона фойдаланиш» қондасига мос келиши кераклиги, сув манбаларидан “адолатли ва оқилона фойдаланиш”, қирғоқ олди мамлакатлари, “Ўзининг қўшниларига зиён етказмаслиги”, халқаро ер усти сув оқимларнинг “ифлосланишини олдини олиш, камайтириш ва назорат остида сақлаш”, халқаро ер усти сув оқимлари бошқарувини амалга оширувчи “умумий ташкилот” тузиш тўғрисида асосий қоидаларга амал қилиш лозимлиги, бугунги кунгача халқаро конвенцияларга қўшилган Марказий Осиё мамлакатлари, халқаро ва миллий дарё ҳавзалари бўйича шартнома ва келишувлар, Орол денгизи ҳавзасидаги давлатлараро (трансчегаравий) дарёлар ва ирригация-мелиорация тизимлари, халқаро конвенциялар, қоидалар ва қонунлар, 1923 йил 9 декабрда Женевада имзоланган – “Гидроэлектрэнергия ишлаб чиқаришнинг бошқа давлатларга таъсири тўғрисида”ги биринчи халқаро шартнома; 1966 йил Хельсинки шаҳрида имзоланган “Халқаро дарёларнинг сувларида фойдаланиш қоидалари” тўғрисидаги халқаро қоидалар; Европа иқтисодий комиссиясининг 1992 йил 17 мартда Хельсинки шаҳрида қабул қилинган “Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро қўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги халқаро конвенция; БМТнинг 1997 йилда Нью-Йорк шаҳрида имзоланган “Халқаро ер усти сув оқимларининг кемалар қатнамайдиган турларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида”ги халқаро конвенциялар ҳамда уларнинг иловаларда келтирилган тўлиқ матнлари, минтақавий Марказий Осиёда трансчегаравий сув ресурсларини тақсимлаш тўғрисидаги келишувлар ва уларнинг иловаларда келтирилган тўлиқ матнлари, миллий қонун, қоидалар ва низомлар, Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш, тақсимлаш ва самарали фойдаланиш тўғрисидаги қонун ва қарорлар, Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» қонуни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини белгилаш тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонуни ва уларнинг матнлари ҳамда “Сувчи” Жамоат Бирлашмаси жамоасининг мамлакатимиз аҳолисига мурожаатномаси келтирилган.

Монографиядан Оммавий-ахборот воситалари ходимлари, Олий ўқув юр்தларининг сув ресурслари ва экология ҳамда география йўналишлари ва мутахассисликлари талабалари, Олий ўқув юр்தлари ёки илмий-тадқиқот институтларининг таянч докторантураси ва докторантурасида таълим олаётган илмий ходимлар ҳамда мустақил изланувчилар, ўрта мактабларнинг география ва табиатшунослик фанлари ўқитувчилари, Сув хўжалиги ходимлари, экологлар, ёшлар ташкилотлари, сув хўжалиги ва экология йўналишида фаолият кўрсатадиган нодавлат-нотижорат ташкилотлари мутахассислари ҳамда бошқалар фойдаланишлари мумкин.

Монографияда баъзибир камчиликларни кузатсангиз, айниқса инглиз ва рус тилларидан таржима қилинган халқаро конвенциялар, қонунлар, битимлар ҳамда келишувлардаги хоталар тўғрисида маълумот ва таклифларингизни юборсангиз муаллиф сизлардан жуда миннатдор бўларди. Таклифларни қуйидаги манзилга, юборишингиз мумкин.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Қори-Нижзий кўчаси, 39-уй, Ўзбекистон сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш «Сувчи» Жамоат Бирлашмаси, телефон/телеграм: +99890 3531630, +99890 4211630 . E-mail: suvchi2001@yahoo.com, Веб - сайт: www.oosuvchi.uz

КИРИШ.

Инсон ва табиат бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон табиатни эмас, балки табиат инсонни бошқариши керак. Агар инсон табиатга бирор бир ўзгариш киритмоқчи бўлса, аввало шу йўналишдаги табиат қонуниятларини тўла-тўқис ўрганиб, киритиладиган ўзгариш табиатга ҳеч қандай зарар етказмаслигига илмий ишонч ҳосил қилгандан сўнггина ушбу ўзгартиришни киритиш лозим.

Ҳозирги кунда дунёда умумбашарий муаммолар кўпайиб бормоқда: иқлим ўзгариши ва у туфайли ер юзида техноген ҳолатларнинг кўпайиб бориши; сув ресурслари, айниқса ичимлик сувининг камайиб бориши; озон қатламининг емирилиш; ҳар хил химикатлар билан табиатнинг ифлосланиши; чиқиндилар ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Бу муаммоларнинг ҳосил бўлишига ким айбдор? Албатта инсонлар. Улар табиатдан ҳеч қандай асоссиз, аёвсиз равишда фойдаланишмоқда. Катта шаҳарларнинг чиқинди сувлари ҳамда корхоналарнинг ташлама сувлари дарёларга оқизилмоқда ва дарёлар орқали океанларга узатилмоқда, ер юзини кислород билан таъминловчи йирик ўрмонлар кесилмоқда, табиат ва инсоннинг ўзига катта зарар етказадиган йирик иншоотлар барпо қилинмоқда, бутун заминни ифлослантирувчи органик ёқилғилардан керагидан ортиқча фойдаланилмоқда, чиқиндилар билан она замин тўлдирилмоқда. Аммо ҳозиргача инсон ҳосил бўлаётган муаммоларга етарлича эътибор бермаяпти. Ҳосил бўлган муаммоларни ҳар хил тадбирлар ўтказиб ҳал қилиш мумкин. Аммо вақт ўтгандан сунг баъзи муаммоларни ечиш имкони бўлмайди у инсониятга хавф солувчи қайтмас жараёнга айланади.

Маълумки ҳар бир миллат ва мамлакатнинг ўзига хос қадриятларидан ташқари, умумбашарий қадриятлар ҳам мавжуд. Масалан, ота-онани ҳурмат қилиш, табиат ҳамда сув ва нонни эъзозлаш, тинчликни сақлаш, миллатлар ва динлар ўртасида дўстлик ва меҳр оқибатни мустаҳкамлаш. Бугунги кунда, ер юзидаги барча миллат ва мамлакатларда мана шу қадриятларга амал қилмайдиган, ўз манфаатини табиат ҳамда жамият қонунларидан устун қўядиган йирик компаниялар ва кишилар сони кўпаймоқда. Натижада ер юзида инсоният ҳаётига хавф туғдирадиган муаммолар сони ортиб бормоқда.

Агар инсон бирор хавф туғилишини билса, ўзини муҳофаза қилиш учун маълум чоралар кўради. Агар билмаса, чорасиз қолиб ўзини ўлимга маҳкум этади. Ер юзидаги деярли барча мамлакатлар аҳолисининг кўпчилиги, умумбашарий муаммолардан хабарсиздир. Шунинг учун бу муаммолар кундан-кунга, йилдан-йилга кўпайиб инсон ҳаётига хавф солиш даражасида жиддий тус олмақда. Масалан, аҳоли хабардорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган чиқиндилар муаммосини олиб қарасак, бу муаммони бўйича ер юзида, минтақада ва мамлакатда аҳвол қандай эканлигидан хабардор кишилар кам. Агар ер юзининг барча фуқаролари, чиқиндилар инсон саломатлигига қандай зарар етказишини билсалар, бу муаммо жуда тез фурсатда ҳал этилишини кутиш мумкин. Шунинг учун умумбашарий, минтақавий ва миллий муаммолардан ер юзи аҳолисининг хабардорлигини ошириш билангина умумбашарий фалокатларнинг олдини олиш мумкин.


Бу борада мамлакатимизда, Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида, Тошкент ирригация ва кишлок ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги Ўзбекистон сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш “Сувчи” Жамоат Бирлашмаси томонидан 2000 йилдан бошлаб ўтказган тадбирларидан ташқари 2017-2020 йилларда, Европа Иттифоқининг “Ўзбекистонда сув ва атроф-муҳит масалалари бўйича хабардорликни ошириш ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш” лойиҳаси бўйича ҳар хил тадбирлар, республикамизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида, аҳолининг ҳар хил қатламлари-маҳаллалар аҳолиси, давлат ва нотижорат-нодавлат ташкилотлари, маҳаллалар фуқаролар йиғини раислари, ёшлар ташкилоти, журналистлар, олий ўқув юртларининг талабалари, мактаб ўқитувчилари, болалар ёзги дам олиш уйлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ҳамда Ички ишлар вазирликларига қарашли академик лицей талабалари ва бошқалар билан ўтказилди.

Тадбирлар семинарлар, семинар ўқишлари, давра суҳбатлари, сув манбалари ва иншоотлари ҳамда экологик танг вазият объектларига медиа турлар, болалар уйи тарбияланувчилари ҳамда болалар ёзги дам олиш уйларида интеллектуал ўйинлар шаклида олиб борилади. Ўтказилган тадбирлар оммавий ахборот воситалари-газета, журнал, радио, телевидение, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб қилинди.

Юқоридагиларга қосиман биз қандай ирк ва қандай миллат, қайси мамлакат фуқароси ва қандай касб эгаси бўлишимиздан қатъий назар она табиат олдида, уни асраб авайлаш йўлидаги ишларда, унинг неъматларини келгуси авлодларга бекаму-куст етказиш йўлида экологик қонуниятларни бузмаслик ва уларга амал қилиб яшаш, қолаверса, ичимлик сувини тежаб ишлатиш билан боғлиқ ишларда ҳаммамиз бирдек масъуллигимизни унутмаслигимиз керак.

1. СУВ ҲАЁТ ШАРБАТИ.

Улуғ рассом, олим ва мутафаккир Леонардо да Винчи сувни «Ҳаётнинг шарбати» деб атаган эди. Ҳақиқатдан ҳам ер юзида таркибида сув бўлмаган ҳамда сувсиз ҳаёт кечираоладиган на бирорта тирик жонзот ва на бирорта ўсимлик топилсин. Ҳаво (кислород)дан сўнг сув-инсонлар, ҳайвонот ва ўсимликлар ҳаётида асосий ўринни эгаллайди. Инсон овқатсиз беш ҳафта ва ундан кўпроқ аммо, сувсиз фақат бир неча кунгина яшай олиши мумкин. Гидролог олимларнинг хабарига кўра, ер шари юзасининг 73,5 % сув билан қопланганига қарамасдан унинг атиги 2,0-2,3 % истеъмол учун яроқлидир (1-расм). Унинг 79% абадий музликларга, 20 % ер ости сувларига, 1 % эса дарё ва кўлларга тўғри келади. Бу кўрсаткич сувдан оқилона фойдаланмаслигимиз оқибатида янада қисқармоқда (1а-расм).



1-расм. Ер юзида сув тақсироти:

а-ер юзида сувнинг сифат жиҳатидан тақсимланиши; б- Ер юзи аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлиги

Ҳозирги кунда ер юзасида яшайётган 7,831 млрд. аҳолининг 2,08 млрд. (26,5 %) тоза ичимлик сувига муҳтож, 2,49 млрд. (31,8 %) эса санитар талабларга жавоб бермайдиган сувдан фойдаланишга мажбур, 1,97 млрд. (25,2 %) аҳоли йўл қўйиб бўлмайдиган санитар-гигиеник шароитда кун кечирмоқда. Соҳа мутахассисларининг тахминларга кўра 2025 йилга бориб, ер юзаси аҳолисининг ҳар 10 нафаридан 6 нафари, ёки 5,5 млрд. аҳоли тоза ичимлик суви етишмайдиган ҳудудларда яшашга мажбур бўлади. Ер юзи аҳолисининг фақатгина 1,29 млрд. (16,5 %), санитария талабларига жавоб берадиган ичимлик суви билан таъминланган холос (1б-расм). Агар жаҳон ҳамжамияти томонидан тегишли чоралар қўрилмаса, бу ҳолат йилдан-йилга ёмонлашиб бораверади.

Сув билан қопланган майдон, Марс планетаси майдонидан 2,5 марта ва Ой юзасидан 10 баробар каттароқдир. Агар барча сув миқдорини ер шарининг юзасига бир хил баландликда жойлаштирсак, унда ер юзаси 3795 метр сув остида қоларди, уларнинг оғирлиги $1,5 \times 10^9$ млн. тоннага тенг экан. Ер шарининг сув захиралари $1\,385\,984\,000\text{ км}^3$ ни ташкил қилади. Океан ва денгизларда умумий сув захираларининг 96,5 фоизи ёки $1\,338\,000\,000\text{ км}^3$ тўпланган.

Ҳозирги вақтда, чучук сув муаммоси йилдан йилга кескин тус олиб, иқтисодий,

ижтимоий ва экологик муаммоларни келтириб чиқармокда. Жуда кўп районларда, истеъмол қилинган сувларнинг қайтариб олинмаслиги ва табиий сувларнинг хавфли ифлосланиши, сув баланси ҳамда экологик шароитнинг жуда сезиларли, баъзи ҳолларда эса асл ҳолига қайтмайдиган ўзгаришларга олиб келмокда.

Ҳозирги вақтда, тоза сув истеъмол қилиш муаммоси худди, дунёда тинчликни сақлаш масаласи каби кескин бўлиб қолмокда. Бугунги кунда, инсоният олдида одамлар соғлигини ҳимоя қилиш ва аҳолини соғломлаштириш муаммоси турибди.

Ҳозирги кунда ер юзида мамлакатлар ва уларнинг аҳолисини сув билан таъминланганлик даражаси канадалик олим Али Шади томонидан тажрибалар асосида ўрнатилган мезон асосида белгилаб чиқилади. Ушбу мезон бўйича аҳоли жон бошига бир йилда 1700 м^3 дан ошиқ сув миқдори тўғри келса - сув тақчиллиги йўқ, $1700\text{-}1000 \text{ м}^3$ сув миқдори тўғри келса - сув тақчиллиги бошланган, 1000 м^3 дан оз сув миқдори тўғри келса - сув тақчиллиги мавжуд деб ҳисобланади.

Агар ер юзидаги барча сув ресурсларини ер юзи аҳолиси сонига бўлсак ($1\,385\,984\,000:7,831=$)177 млн. м^3 дан, агар чучук сувлар миқдорини бўлсак ($1\,385\,984\,000$ млрд. м^3 ни $2,3\% = 31\,877\,632$ млрд. м^3 ни ташкил қилади: $7,831=$) $4\,072,0 \text{ м}^3$ дан тўғри келади.

Демак, ер юзи аҳолисининг ҳар бирига йилига ўртача $4\,072,0 \text{ м}^3$ сув миқдори тўғри келади. Аммо ер юзи бўйлаб сув ресурслари бирдай тақсимланмаган. Шунинг учун баъзи мамлакатларда аҳолини сув билан таъминланганлиги ўта юқори бўлса, баъзиларида жуда паст (1-жадвал).

1-жадвал

Ер юзи мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган сув ҳажми, (м^3)

Сув ресурслари етарли бўлган			Сув ресурслари тақчил бўлган		
№	Мамлакатларнинг номи	Сув ҳажми м^3 (м)	№	Мамлакатларнинг номи	Сув ҳажми м^3 (м)
1	Суринам	470 000	1	Миср	960
2	Конго	310 000	2	Бурунди	550
3	Янги Гвинея	185 000	3	Сурия ва Исроил	450
4	Габон	125 000	4	Саудия Арабистони ва Ливия	95,3
5	Канада	98 000	5	Уммон	91,6
6	Янги Зеландия	90 000	6	Қатар	45,3
7	Гвинея	75 000	7	Бирлашган Араб Амирлиги	33,4
8	Либерия	70 000	8	Қувайт	6,9

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган сув миқдорлари қандай аҳволда эканлигини қараб чиқамиз.

1.1. Марказий Осиё сув ресурслари ва уларни тақсимланиши.

Орол денгизи ҳавзаси худудида йилига ўртача $114\text{-}116$ млрд. м^3 сув ресурслари ҳосил бўлади (2-жадвал, 2-расм). Ушбу сув ресурсларини Марказий Осиё давлатлари ўртасида тақсимлашни, Оролни асраш халқаро жамғармаси таркибидаги Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссияси томонидан амалга оширилади (1-схема). Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссияси таркибидаги “Сирдарё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси ҳамда “Амударё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси, лимит бўйича тақсимланган сув ресурсларини амалий жиҳатдан мамлакатларга бўлиб беради ва ундан самарали фойдаланишни назорат қилади ҳамда халқаро гидротехник иншоотларни ишончли эксплуатация қилинишини таъминлайди.

Орол денгизи ҳавзасидаги давлатлар ҳудудида шаклланадиган
ва истеъмол қилинадиган сув ресурслари (млрд.м³)

Давлатлар	Амударё ҳавзаси		Сирдарё ҳавзаси		Орол денгизи ҳавзаси	
	Шаклла- надиган	Истеъмол қилина- диган	Шаклла- надиган	Истеъмол қилина- диган	Шаклла- надиган	Истеъмол қилина- диган
Ўзбекистон	5,14	38,91	6,39	17,28	11,53	56,19
Қирғизистон	4,04	0,38	26,79	4,03	30,83	4,41
Тожикистон	44,18	9,88	0,38	2,46	44,56	12,34
Қозоғистон	-	-	2,50	12,29	2,50	12,79
Туркменистон	2,79	21,73	-	-	2,79	21,73
Афғонистон, Эрон	22,19	7,44	-	-	22,19	7,44
Жами	78,34	78,34	36,06	36,06	114,40	114,40


ОРОЛНИ АСРАШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ

**ДАВЛАТЛАРАРО СУВ ХЎЖАЛИГИНИ
МУВОФИКЛАШТИРУВЧИ КОМИССИЯ**

**"СИРДАРЁ" ҳавзаси сув
хўжалиги бирлашмаси**


**"АМУДАРЁ" ҳавзаси сув
хўжалиги бирлашмаси**

1-схема. Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссияси таркибидаги халқаро сув хўжалиги бирлашмалари.



2-расм. Орол денгизи ҳавзаси давлатлари ҳудудида шаклланадиган сув ресурслари ҳажми.

Али Шади мезонига кўра Марказий Осиё мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган сув миқдори 3-расмдаги графикда келтирилган.



3-расм. Орол ҳавзаси мамлакатларида ҳар бир аҳоли сонига йилига олинадиган ер ости ва ер усти сувлари миқдори


1.2. Ўзбекистон Республикаси сув ресурслари ва улардан фойдаланиш.

Мамлакатимиз халқ хўжалиги тармоқлари, айниқса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини сувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки табиий шароитининг ўзига хослиги, яъни атмосфера ёғинларининг миқдори, сув сатҳлари ва далалардаги буғланишга нисбатан 15÷20 марта камлиги туфайли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий қисми бўлган пахта, ғалла, полиз экинлари, боғ ҳамда бошқа маҳсулотлар етиштириш, суғорма деҳқончилик орқали амалга оширилади.

Мамлакатимиз ҳудудида, Марказий Осиё мамлакатларида ҳосил бўладиган сув захираларининг ўртача 10 %, мамлакатимиз эҳтиёжи учун талаб қилинадиган сув миқдорининг эса атиги 20 % ҳосил бўлади. Етишмаган сув ресурслари, қўшни мамлакатлар-Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудидан келаётган сув захиралари билан, маълум тўловлар эвазига тўлдирилади.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли сонининг ўсиши, саноат, энергетика, балиқчилик ва бошқа иқтисодиёт соҳаларида ҳам сув истеъмол қилишнинг кўпайиши натижасида лимит бўйича ажратиладиган сув миқдори етмай қолиши мумкин. Республикамизда аҳолининг истеъмоли ва маиший эҳтиёжларини сув билан таъминлашга биринчи даражали вазифа деб қаралади. Ўзбекистон Республикаси “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасида “Сув объектлари, аввало, аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини ва маиший эҳтиёжини қондириш учун фойдаланишга берилади” деб кўрсатилган. Шунинг учун аҳоли эҳтиёжи учун етишмаётган сув, қишлоқ хўжалиги учун ажратилган сувни камайтириш орқали таъминланади.

Юқоридагиларга асосан, 2008 йилгача қишлоқ хўжалигига мавжуд йиллик сув миқдорининг 92 % ажратилган бўлса, (4-расм), бугунги кунда бу миқдор 90 % ни ташкил қилмоқда (5-расм). Келажакда аҳоли сонининг ўсиши билан бу фоиз янада камайиши мумкин. Аммо қишлоқ хўжалиги аҳолини иш билан, озиқ-овқат билан, кийим-кечак билан ҳамда бюджетни валюта билан таъминлайдиган асосий соҳалардан ҳисобланади. Шунинг учун аҳоли сонининг ўсиши билан қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини



4-расм. 2008 йилгача иқтисодиёт соҳаларининг сув билан таъминланиши

ошириш, янги ерларни ўзлаштиришга тўғри келади. Бунинг учун албатта қўшимча сув ресурслари зарур бўлади. Юқоридаги маълумотлар ва башоратларга асосан иқлим ўзгариши билан сув ресурслари кўпайиш ўрнига камайиб бориши кузатилади. Муаммони ечишнинг бирдан-бир йўли сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва бунинг учун иқтисодиётнинг барча соҳаларида сув тежовчи технологияларни қўллаш зарур бўлади.



5-расм. 2012 йилдан бошлаб иқтисодиё соҳаларининг сув билан таъминланиши.

Шунинг учун ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча иқтисодиёт соҳаларида айниқса, қишлоқ хўжалигида сув тежаш технологияларига катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда республикаимиз қишлоқ хўжалигида қуйидаги сув тежаш технологияларидан фойдаланилмоқда.

1. Калта эгатлар билан суғориш.
2. Томчилатиб суғориш.
3. Ёмғирлатиб суғориш:
 - узоққа сув отувчи насадкалар билан;
 - микроспринклерлар ёрдамида.
4. Эгатларга плёнка тўшаб суғориш.
5. Тупроқ остидан суғориш.
6. Гидрогель гранулаларидан фойдаланиб суғориш.
7. Кўчма эгилувчан пластик қувурлар ёрдамида суғориш.
8. Лазер мосламалари билан ерни текислаш.
9. Ва бошқалар.

Сув тежаш технологияларини татбиқ қилиш учун мамлакатимиз ҳукумати томонидан сув истеъмолчиларига жуда кўп имтиёзлар берилмоқда.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” 4087-сонли қарорига асосан:

- ҳар бир гектарига 8 млн сўм субсидия тақдим этилмоқда;
- кредит миқдорининг 10 фоизли пункти тўлаб берилмоқда;
- бутловчи қисмлар ва хом ашё 2021 йилга қадар божхона божидан озод этилмоқда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирилиги ҳузуридаги узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4161-сонли қарорига асосан:

- ҳар бир гектарига 8 млн. сўм субсидия тақдим этилмоқда;
- суғориш қудуғи ва насос станциялари қуришга 120 млн.сўм субсидия берилмоқда;
- бутловчи қисмлар ва хом ашё 2021 йилга қадар божхона божидан озод этилмоқда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 мартдаги “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4243-сонли қарори билан:

- кредит миқдорининг 10 фоизли пункти тўлаб берилмоқда;
- суғориш қудуғини қазिशга ҳар бир метри учун 100 минг сўм субсидия берилмоқда;
- бутловчи қисмлар ва хом ашё 2021 йилга қадар божхона божидан озод этилмоқда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4246-сонли қарори билан:

- ҳар бир гектарига 6 млн. сўм субсидия тақдим этилмоқда;
- суғориш қудуғи ва насос станцияларини қуришга 120 млн.сўм маблағ берилмоқда;
- бутловчи қисмлар ва хом ашё 2021 йилга қадар божхона божидан озод этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирокида 2019 йил 19 сентябрь куни сув ресурсларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда Президентимиз томонидан сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг асосий вазифа эканлиги қайд этилди. Бундай технологиялар самарадорлиги Фарғона вилоятининг битта фермер мисолида таҳлил қилинганда, сув сарфи харажатлари 50 %, ўғит 37 %, ёқилғи 35 % қисқарган. Шу боис кейинги йилда қўшимча 200 минг, 2025 йлгача 1 млн. га экин майдонида сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Ўтказилган жуда кўп дала синовлари натижасида, томчилатиб суғориш усули билан қатор оралаб экиладига экинларда 40% гача, боғ ва узумзорларда 60% гача сув ресурсларини тежаш мумкинлиги асослаб берилган.

Сув тежаш технологияларини жорий этишдаги асосий муаммолардан бири, ускуналар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар қувватининг («Eco Drip Lux» МЧЖ, ҚК «Acar-Mak-San» МЧЖ, «Pipe technologies» МЧЖ, «Debyut» ПК, ҚК «Махсус полимер заводи» МЧЖ, «Шўртангазкимё» МЧЖ, ҚК «Махсус полимер заводи» МЧЖ, «Exim Plast» МЧЖ) кичиклигидир. Ҳозирги кунда улар томонидан 80-90 минг га суғориладиган ерларга етадиган бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади холос. Ваҳоланки 2020 йилдан бошлаб йилига 200 минг га етарли бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилиши зарур.

Юқорида келтирилган Али Шади мезонига кўра, мамлакатимизда 1940-2050 йиллар оралиғида аҳоли жон бошига тўғри келадиган сув миқдори 3-жадвалда келтирилган.

Мамлакатимизда аҳолисининг сув билан таъминланганлик даражаси

Тадқиқ қилинаётган йиллар	Республикага ажратиётган сув лимити ³ миқдори, м	Республикада ҳудудида шаклланадиган сув, м ³	Республика аҳолиси сони	Али Шади мезони бўйича таъминланиш, м ³	
				лимит бўйича	мамлакат бўйича
1940		11 530 000 000	6 500 000		1774
1960	42 745 000 000****		8 549 000	5000*	1350
1970	46 926 250 000****		12 110 000	3875*	952
1980	60 253 200 000****		15 940 000	3780*	724
1990	61 772 900 000****		20 300 000	3043*	568
2000	54 575 100 000****		24 650 000	2214*	468
2006	58 600 000 000		26 312 500	2227	439
2007	52 700 000 000		27 072 200	1947	426
2008	43 900 000 000		27 533 300	1595	419
2009	50 200 000 000		28 001 400	1793	412
2010	57 200 000 000		28 453 700	2010	406
2011	48 800 000 000		29 340 000	1664	393
2012	56 100 000 000		29 770 000	1885	388
2013	54 000 000 000		30 240 000	1786	382
2014	51 800 000 000		30 760 000	1684	375
2015	55 100 000 000		31 300 000	1760	369
2016	54 600 000 000		31 850 000	1715	362
2017	56 280 000 000		32 512 000	1731	355
2020	53 280 000 000**		34 400 000***	1549	336
2030	53 280 000 000**		38 600 000***	1380	299
2040	53 280 000 000**		42 300 000***	1260	273
2050	53 280 000 000**		45 100 000***	1182	256

* - 2004 йил “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари” мавзусида А.А.Жалолов маърузаси;

** - 2006-2017 йиллар учун ўртача миқдор;

*** - башорат, Давлат статистика қўмитаси;

**** - ҳисобланган миқдорлар.

1.3. Марказий Осиёда сув ресурсларининг бугунги аҳволи.

Маълумки, ўтган асрнинг бошларида йилнинг иссиқ даврларида эриб, дарёларни сув билан тўйинтирган музликларнинг ўрни, қиш даврида ёққан қор ва ёмғирлардан ҳосил бўлган музликлар билан тўлдирилар эди. Аммо инсониятнинг бетартиб ва номутаносиб фаолияти натижасида кейинги йилларда ер юзида вужудга келган иқлим ўзгариши натижасида, музликлар ўрни тўлмай йилдан-йилга камайиб бормоқда. Баъзибир олимларнинг фикрича, Марказий Осиё ҳудудидаги музликларнинг камайишига, Орол денгизи тубидан кўтарилаётган, таркибида ҳар хил тузлар бўлган чанг-тўзонлар эмиш. Бу фикрга асос сифатида улар, музликлардан олинган намуналарда, Орол денгизи тубидан кўтарилган чанг тўзонлардагига ўхшаш минерал тузлар ҳам борлигини кўрсатмоқдалар.




6-расм. Ер юзида XIX асрнинг охиридан бошлаб температуранинг кўтарилиши.

Глобал иқлим ўзгариши - охириги 100 йилликдан кўпроқ вақт оралиғида кузатилган ер юзи иқлим тизимининг ўртача температурасини узоқ муддатда ўзгариши (6-расм). Унинг асосий сабаби инсоннинг салбий (антропоген) фаолияти. 1750÷1800 йиллар оралиғида дунёда ўртача $0,8 \div 1,2$ °C глобал иқлим ўзгаришига инсон жавобгардир.

Иқлимнинг исиб бориши Орол ҳавзасидаги барча мамлакатларда кузатилмоқда. Глобал иқлим исishi тезлиги 1950 йилдан бошлаб ўртача $0,13^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилади. Марказий Осиё мамлакатларида иссиқликни ўзгариши ҳар 10 йилга қуйидагиларни ташкил қилади:

- Қозоғистонда - $0,26^{\circ}\text{C}$ (1936-2005 йиллар);
- Қирғизистонда - $0,08^{\circ}\text{C}$ (1883-2005 йилларда);
- Ўзбекистонда - $0,29^{\circ}\text{C}$ (1950-2005 йилларда);
- Тожикистонда - $0,10^{\circ}\text{C}$ (1940-2005 йилларда);
- Туркменистонда - $0,18^{\circ}\text{C}$ (1961-1995 йилларда).



7-расм. Ўзбекистонда иқлим ўзгариши динамикаси

Ўзбекистон Республикасида иқлим исиши тезлиги ўртача тезликдан 2 баробар кўплиги кўриниб турибди (7-расм).

Сув манбалари, ер усти ҳамда ер остида жойлашган бўлиб, улар доимо бири-бири билан узвий боғлиқдир. Океанлар, денгизлар, дарёлар, каналлар, сув омборлари, кўллар, булоқлар, сойлар – ер усти, сизот ва артезиан сувлари эса, ер ости сув манбаларини ташкил қилади. Табиатда сув тўхтовсиз ҳаракатда бўлади. Шунинг учун сув бир ҳолатдан иккинчи – суюқлик ҳолатидан буғ, қор ва муз ҳолатига ўтиб туради. Сувни табиатда айланишининг асосий сабабчиси, бутун ер юзига тушиб турадиган куёш нуридир (8-расм).


Куёш нурлари таъсири остида барча сув манбалари (океанлар, денгизлар, дарёлар, кўллар, сойлар, булоқлар, сув омборлари каналлар ва бошқалар) юзасидан тўхтовсиз, кўп миқдорда сув буғланиб туради. Ёпиқ экологик ҳудуд ҳисобланган Марказий Осиё ҳудудидан атмосферага кўтарилган буғлар, кучли ҳаво оқимлари билан юзлаб ва минглаб километр масофага (дунё океанларига) олиб кетилади. Орол денгизи сувга тўлиб турган вақтларда унинг юзасидан кўтарилаётган буғ устунни ҳаво оқимларини ўтказиб юбормаган, натижада Марказий Осиё ҳудудидан кўтарилган буғлар ёғингарчилик (қор, ёмғир, шудринг) сифатида яна қайтиб шу ҳудудларга тушган. Орол денгизи қуриб қолгандан сунг буғ устунлари йўқлиги сабабли, кучли глобал ҳаво оқимлари минтақамиз атмосферасида ҳосил бўлган буғларни дунё океанларига олиб кета бошлаган.

Кучли глобал ҳаво оқимлар минтақамиз атмосферасида ҳосил бўлган буғларни дунё океанларига олиб кета бошлагандан сунг ҳамда кейинги ўн йилликларда ер юзининг глобал исиши ва иқлим ўзгариши натижасида, яъни неча миллион йиллик табиий мувозанат антропоген аралашувлар сабабли бузулганлиги туфайли, дунёда жуда кўп музликлар эриб, эриган музликларнинг ўрни тўлмасдан уларнинг камайиши кузатила бошлади.



8-расм. Табиатда сувнинг айланиши.


Масалан, дунёдаги энг катта музликлардан бири бўлган Тожикистон Республикасидаги Федченко (уzunлиги -77 км, эни - 2,4 км ва чуқурлиги 1,0 км) музлиги 1933-1976 йиллар оралиғида узунлиги 1400 м га, 1976-2006 йиллар оралиғида 700 м га қисқариши ва чуқурлиги ўртача 50 м га ҳамда юзаси 38 % га камайгани кузатилди (9-расм).



9-расм. Иқлим ўзгариши натижасида Федченко музлиги (Тожикистон) ўлчамлари ва ҳажмининг қисқариб бориши.

Тожикистондаги Гормо музлигининг узунлиги 1931-2005 йиллар оралиғида 7,0 км га, Батруд музлиги узунлиги 1931-2005 йиллар орасида 8,2 км га қисқарган (10а,б-расмлар).


Зарафшон музлиги узунлиги 1931-2005 йилларда 2,0 км га, Қирғизистондаги Абрамов музлиги узунлиги 1971-2005 йилларда 500 м га қисқарган ва бу ҳолат йилдан йилга салбий тус олмоқда (11а,б-расмлар).



10-расм. Иқлим ўзгариши натижасида Горма ва Батруд музлиги (Тожикистон) ўлчамлари ва ҳажмининг қисқариб бориши.

1.4. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва муҳофазаси.

Инсон таъсири натижасида ер юзи ўзгармоқда. Инсониятнинг органик энергетик ресурсларни ўйламасдан энергетикада, транспортда, катта завод ва фабрикаларда қўллаши, атом энергетикаси ва катта шаҳарлар чиқинди сувларини дунё океанларига ташлаши натижасида атроф-муҳит ўзгармоқда. Ер юзида иқлимнинг ўзгариши кузатилмоқда, мангу музликлар эримокда, шаҳарлар сув остида қолмоқда, ўрмонлар ёнмоқда. Ер юзининг жуда кўп мамлакатларида инсонларни ичимлик сувининг етишмаслиги, қурғоқчилик ва очарчилик қийнамоқда, янги-янги касал турлари пайдо бўлмоқда, жуда кўп флора ва фауна турларининг бутунлай йўқолиши кузатилмоқда. Юқорида келтирилган салбий ўзгаришларнинг барчаси миллион йиллар табиат томонидан ўрнатилган табиий мувозанатни инсоният томонидан ўйламасдан бузулиши натижасида юз бермоқда. Шунинг учун ҳам улуғ инглиз файласуфи Френсис Бэкон “Табиат унга бўйсунуш билан енгилади” деган эди.



11-расм. Иқлим ўзгариши натижасида Зарафшон ва Абрамова (Қирғизистон) музлиги ўлчамлари ва ҳажмининг қисқариб бориши

Ҳозирги кунда ер юзида қуйидаги экологик муаммолар мавжуд ва бу муаммолар янада кучайиб бормоқда:

- ерларнинг чўлланиши: *1,0 млрд.га яқин;*
- ер усти сувларининг ифлосланиши: *гидросферани ифлослантирувчи умумий масса йилига 15 млрд. тоннани ташкил қилади;*
- ер ости сувларининг камайиб кетиши: *40 % дан ортиқроқ;*
- кишлоқ хўжалик ерларининг деградацияси: *дунёда 2 млрд. га ҳосилдор ерлар;*
- ичимлик сувининг етишмаслиги: *ер юзининг 40 % аҳолиси ичимлик сув етишмаслигидан азоб чекмоқда;*
- ерларни йўқотиш (сув босиши, шўрланиш ва бошқа факторлар туфайли): *инсоният ҳар йили 12 млн. га ерларни йўқотмоқда;*
- иқлим ўзгариши қочоқлари: *йилига 15 млн. киши;*
- сув тақчиллиги қочоқлари – *йилига 300 млн киши (2030 йил-700 млн).*

Юз бераётган фалокатларни олдини олиш ва тўхтатиш учун нима қилиш керак? Биринчи навбатда табиатга нисбатан инсонни ички дунёсини ижобий ўзгартириш, сўнгра органик энергетик ресурслардан фойдаланишни секин-аста ва бутунлай тўхтатиш ҳамда унинг ўрнига қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.


1.4.1. Атмосферанинг ифлосланиши.

«*Агар чанг бўлмаса, инсон минг йил яшар эди*» деган эди улуғ ҳакам Абу Али Ибн Сино. Атроф-муҳитни (табиатни) атмосфера - ҳаво, сув ва тупроқ ташкил қилади. Уларни ифлослантирмасак табиат ифлосланмайди.

Атмосфера ҳавоси, табиий ва антропоген манбалар ҳисобига ифлосланади. Атроф – муҳитни ифлослантирувчи моддалар икки хил усулда ҳосил бўлади: **доимий манбалардан** (заводлар, фабрикалар, ёқилғи-энергетик комплекслари ва металлургия саноатидан); **ҳаракатланувчи манбалардан** (ҳаракатланувчи машина ва механизмлардан).

Ҳаракатланувчи манбалар-машина ва механизмлар ҳисобланиб, улар органик моддалардан ташкил топган ёқилғи-мойлаш материалларини истеъмол қилиш мобайнида атроф-муҳитни зарарли газлар билан ифлослантирадилар. Бундан ташқари ёқилғи-мойлаш материалларини ташишда, механизмларни ёғга тўлдиришда тўкилиши ҳамда маҳкамланмаган қисмлардан томчилаб оқиши сабабли ер ва сув манбаларини ифлослантирадилар.

Хавонинг ифлосланиши худуднинг физик-географик ва иқлим шароитига ҳам боғлиқдир. Масалан, шаҳарларда транспорт воситалари ҳамда завод ва фабрикаларнинг кўп жойлашганлиги сабабли, уларда энг кўп чиқинди моддалари атроф-муҳитга чиқарилиши кузатилади (12-расм). 13-расмдаги графикда энг кўп чиқинди моддалари Тошкент шаҳрида (300 минг т/йил), Тошкент вилоятида (207,7 минг тонна/йил) ҳамда Фарғона вилоятида (136,2 минг тонна/йил) атроф-муҳитга чиқарилаётгани кўрсатилган.




12-расм. Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича ҳаракатланувчи манбалар томонидан атроф-муҳитга чиқарилаётган ўртача йиллик чиқинди моддалар миқдори

Республикаимиз ҳудудида стационар ва ҳаракатланувчи объектлардан атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарли чиқинди моддаларни ушлаб қолиш ва хавфсизлантириш ишлари олиб борилади. Бунинг учун:

- стационар объектларда чанг-газ тозаловчи янги қурилмаларни ишга тушириш ва эскиларини капитал таъмирлашлардан чиқариш;
- автотранспортнинг кўп қисмини газ ёқилғисига ўтказиш;
- мотор ёқилғиси ва автомобил йўлларининг сифатини яхшилаш;
- республикада ишлаб чиқариладиган автомобилларнинг экологик кўрсаткичларини яхшилаш;
- республикада эксплуатация қилинаётган автотранспорт воситаларининг экологик ҳолати давлат назоратини кучайтириш ва бошқалар.

13-расмда республикаимиз ҳудудида ушлаб қолинган ва зарарсизлантирилган ифлослантирувчи моддалар миқдори графиги келтирилган.

Аммо ҳозирги кунда анчагина корхоналарнинг объектлари тозалаш қурилмалари билан жиҳозланмагани учун, тозалаш тизимларининг самарадорлиги жуда катта ораликда 45 % дан 99,5 % гача ўзгариб туради.



13-расм. Ушлаб қолинган ва зарарсизлантирилган ифлослантирувчи моддалар миқдори.

Ҳаммага маълумки бугунги кунда Орол денгизи бўйида жойлашган мамлакатлар, вилоятлар доимо хавф остида яшайдилар. Температуранинг кескин ўзгариши натижасида ҳосил бўлган кучли шамоллар қуриган Орол, тубидаги чанг-қум аралаш тузларни кўтариб узоқ-узоқларга элиб ташлайди. Масалан, 27-28 май кунлари Марказий Осиёнинг деярли барча малакаталаридан чангли-қумли, чангли-тузли ва чанг бўронлар кўтарилган. Энг кучлиси Орол денгизида бўлиб ўтган (14-расм).

Орол денгизи тубидан ҳар йили 75 млн. тонна чанг ва заҳарли тузлар (сульфат ва хлорид тузлари) кучли шамоллар билан ҳавога кўтарилади. Иқлимшуносларнинг маълумотларига кўра, 27-28 май кунлари кучли шамол қуриган Орол тубидан катта миқдорда чанг ҳамда унга аралаштириб қум ва тузларни ҳавога кўтарган. Ёмғирдан кейин ёққан чанг-туз аралаш қоришма ердаги барча нарсаларни қоплаб қолган, айниқса қишлоқ хўжалик экинларига катта зарар етказган. Олинган намуналарни ўрганиш натижаларини кўрсатишича, ҳаводаги мумкин бўлган чангни миқдори 5,9 баробарга кўп бўлган.

Тузли-чангли бўронлар Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм-Бухоро-Навоий вилоятлари, Туркменистоннинг Ташауз ва Лебоб вилоятларида юз берган. 2019 йил 14 июнь куни кечкурун Қорақалпоғистоннинг пойтахти Нукус шаҳрида ва бир неча туманларида кучли шамол эсиб, қум бўрони кузатилди (15-расм). Шамолнинг тезлиги 17-27 м/с гача эканлиги кузатилди. Бўрон натижасида шаҳар чанг-тўзон билан қопланган, кучли шамол натижасида кўп қаватли уйларнинг томи учиб кетиб ерга қулаб тушган, бозорлардаги расталар бузилган. Шу куни бундай воқеалар Хўжайли, Шуманай ва Тахиатош туманларида ҳам рўй берган.

a)



б)



в)



г)



14-расм. 27-28 май кунлари Қарақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ва Туркменистоннинг Тошауз вилоятларидаги чангли- тузли бўроннинг кўринишларидан лавҳалар

a)



б)



15-расм. 2019 йил 14 июнь куни кунни Нукус шаҳрида бўлиб ўтган чангли бўрон етказган талофатлар

1.4.2. Сув ресурсларининг ифлосланиши.


Маълумки сув ресурслари ер усти ва ер ости манбаларидан ташкил топади. Ер усти манбалари (ер юзидаги, минтақадаги ва мамлакатимиздаги манбалар) тўғрисида юқорида маълумотлар бериб ўтилган. Қуйида мамлакатимиз ҳудудидаги ер ости сувлари тўғрисида маълумот берилмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудидаги ер ости сувларидан асосан аҳолини ичимлик суви билан, саноатни сув билан таъминлашда, яйловларни ва ундаги озуқабоп экинларни суғоришда ва қисман қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслари қўмитасининг маълумотларига кўра, мамлакатимиздаги умумий ер ости сувлари ресурслари 75 580 560 m^3 /кунни ёки 875 m^3/s ни ташкил қилади. Шундан фойдаланишимиз мумкин бўлган қисми

Фойдаланиш мумкин бўлган чучук ва шўрланган ер ости сувлари захиралари тўғрисида
маълумот

Минераллашганлик даражаси, г/л	Микдор кўрсаткичлари		
	млн.м ³ /кун	м ³ /с	%
1,0 гача	25 822 050	298,9	40,4
1,0÷1,5	8 411 640	97,35	13,1
1,5÷3,0	33 097 660	255,76	34,5
3,0÷5,0	4 486 890	51,92	7,1
5,0 юқори	3 168 290	36,67	4,9
ЖАМИ	63 986 530	740,6	100



16-расм. Фойдаланиш мумкин бўлган умумий ва чучук ер ости сувларининг вилоятлар кесимида тақсимланиши


740,6 м³/с га тенг. Ичимлик суви сифатида фойдаланишимиз мумкин бўлгани эса атиги 40,4 % ни ташкил қилади (4-жадвал).

Минераллашгани 1,0 г/л гача бўлган катта чучук сувлар захиралари асосан Тошкент (28,5 %), Самарқанд (13,7 %), Сурхондарё (13,1 %), Наманган (12,8%) ва Андижон вилоятларида тўпланган. Бухоро ва Навоий вилоятлари чучук ер ости сувлари билан таъминланмаган (0,3 % дан кам), Қарақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ер ости чучук сувлар захираси тўлиқ тамом бўлган (0 %) (16-расм).



17-расм. Сув ресурсларини ифлослантувчи асосий манба

Ер усти ва ер ости сувлари ўзаро доимо бир-бири билан боғлиқ бўлади. Ер усти сувларининг ифлослантирилиши албатта ер ости сувларининг сифатига таъсир қилади. Сув ресурсларини ифлослантирувчи асосий манба суғорма деҳқончилик ҳисобланади. Сув ресурслари ифлосланишининг 78 % ни коллектор-дренаж тармоқлари, 18 % ни саноат тармоқлари ва 4 % ни коммунал-маиший сектор ташкил қилади (17-расм).



18-расм. Коллектор-дренаж тармоқлари сувларининг ташлаб юбориш ва фойдаланиш

Коллектор-дренаж тармоқлари сувларининг 47 % дарёларга ташланади, 3 % суғоришда фойдаланилади қолган 50 % га яқини табиий пастликларга ташлаб юборилади. Шунинг учун ҳам сув ресурсларини асосий ифлослантирувчи манбалар, коллектор-дренаж тармоқлари ҳисобланади (18-расм).

Ер ости сувларининг интенсив ифлосланиши Чирчиқ-Тошкент, Ангрен-Оҳангарон, Фарғона-Марғилон, Навоий ва Самарқанд саноат районларида юз беради.

Ер ости сувларини қишлоқ хўжалиги билан ифлослантириш, суғорма деҳқончилик билан шуғулланадиган барча ҳудудларни қамраб олади. Маиший корхоналар билан ер ости сувларини ифлослантириш манбаи, шаҳар ва туман марказлари ҳисобланади.

Ер ости сувларининг ифлосланиши тўғрисидаги маълумотлар “ГИДРОИНГЕО” институтининг гидрогеологик станцияларидан олинади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг ер ости сувлари ҳолати, ҳар бир ҳавза бошқармаси қошидаги вилоят Мелиоратив экспедициялар томонидан ўрганилади. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига қарашли вилоятлардаги Мелиоратив экспедициялари, ўзларига биркирилган майдонлардаги кузатув кудукларидан ҳар 10 кунда бир мартадан намуналар олиб уларни таркибини текшириб борадилар.


1.4.3. Тупроқнинг ифлосланиши.

Инсониятни иш, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маънавий-маиший манбалар билан таъминлайдиган ердир. Ернинг ҳолатини табиий тутиш, ҳосилдорлигини ошириш учун унга зарар етказмайдиган усулларни қўллаш, келажак авлодларнинг тўкин-сочин яшашига, мамлакатнинг барқарор ривожланишига олиб келади. Мамлакатимизнинг умумий ер майдонини соҳалар бўйича тақсимланиши 5-жадвалда келтирилган.

Қишлоқ хўжалигига таалуқли ерлар умумий ер майдонининг 50,4 % ни ташкил қилади (5-жадвал). Собиқ иттифоқ даврида қишлоқ хўжалиги ерларидан экстенсив (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдорини ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эмас балки, экин майдонларини кўпайтириш ҳисобига ошириш) усулда фойдаланиш ва қуйида келтирилган сабабларга кўра, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб кетди. Ерларнинг ҳар хил тузлар билан ифлосланиши натижасида экинларнинг ҳосилдорлиги кескин камайиб кетади (19-расм).

Ўзбекистон Республикасининг ер фонди

№	Ер фондининг тавсифи	Жами майдон		Шундан, суғориладиган	
		минг га	%	минг га	%
1	Қишлоқ хўжалиги ерлари	22371,3	50,4	4200,6	97,8
2	Аҳоли пунктлари ерлари	237,8	0,5	48,5	1,1
3	Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа ерлар	1970,9	4,4	11,4	0,3
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация ерлари	72,4	0,2	0,6	0,8
5	Тарихий, маданий аҳамиятга бўғлиқ ерлар	0,30	0,0	0,0	0,0
6	Ўрмон фонди ерлари	8543,8	19,2	25,5	0,6
7	Сув фонди ерлари	825,3	1,9	4,5	0,1
8	Заҳира ерлар	10388,5	23,4	4,2	0,1
ЖАМИ ЕРЛАР		444410,3	100	4295,3	100



19-расм. Экинлар ҳосилдорлигининг тупроқ шўрланишига боғлиқлиги: шўрланмаган ерларда – $88 \div 100$ %; кучсиз шўрланган ерларда – $64 \div 88$ %; ўртача шўрланган ерларда – $16 \div 64$ %; кучли шўрланган ерларда – $0 \div 16$ %.


Суғорма деҳқончиликда ерларнинг шўрланиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

- қўллатиб суғориш ва керагидан ортиқча кўп сув бериш, ирригация тизимларидан зовурларга сувнинг ташланиши, тупроқ бонитетининг пастлиги;
- суғориш суви сифатида минерализацияси юқори бўлган сувдан фойдаланиш, суғориш тармоқлари ФИКнинг юқорилиги;
- ер юзига яқин минераллашган ер ости сувларининг буғланиши, қўллатиб суғориш, тузларнинг суғориш суви билан далаларга олиб келиниши, дренажнинг йўқлиги, етишмаслиги ёки ишчи ҳолатда эмаслиги ва бошқалар;
- суғориладиган ерлар яқинига қурилган сув омборларидаги сув сатҳининг баландлиги, зовурларнинг ўсимлик билан тез қопланиши, экинларни вақтида суғорилмаслиги.

Ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, ҳосилдорлик тушиб кетиши натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра, 2007 йилнинг 29 октябрда

“Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни янада такомиллаштириш мақсадида 2013 йил 19 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2017 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1958-сонли қарори қабул қилинди.

2008-2012 ва 2013-2017 йилларда олиб борилган тадбирлар натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланди. Шўрланмаган ерларнинг миқдори кўпайди, кучли ва ўртача ҳамда кам шўрланган ерларнинг миқдори камайди. 20-расмда 2008-2012 ва 2013-2017 йилларда олиб борилган тадбирлар натижасида ерларнинг ҳолатини ўзгариши таққосланган.



20-расм. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини ўзгариш динамикаси

Таққослашдан кўриниб турибдики, ўтказилган тадбирлар натижасида: шўрланмаган ерлар миқдори 5,9 % га ошган, кам шўрланган ерлар миқдори 0,6 % га, ўртача шўрланган ерлар миқдори 3,7 % га, кучли шўрланган ерлар миқдори эса 1,6 % га камайган.

2017 йил 27 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-1958-сонли қарорига асосан ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш тўғрисидаги ишлар давом этмоқда. Олиб бориладиган тадбирлар натижасида келажакда, мамлакатдаги барча қишлоқ хўжалик ерлари шўрланмаган ерлар қаторига ўтказилади.


1.5. Маиший ва саноат чиқиндилари, уларни тўплаш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш.

Бугунги кунда маиший чиқиндилар – умумбашарий экологик муаммога айланиб бормоқда. Статистик маълумотларга асосан, ер юзи аҳолисининг ҳар бирига бир йилда ўртача 300 кг, бир кунда эса $(300/365 =) 0,822$ кг чиқинди тўғри келар экан. Мамлакатимиз аҳолиси сонини 33,72 млн. (24.10.2019 йил) эканлигини ҳисобга олсак, бир кунда - $0,822 \times 33\,720\,000 = 27\,717\,840$ кг чиқинди ҳосил бўлар экан. Ер юзи аҳолиси эса бир кунда - $0,822 \times 7700000000 = 6\,329\,400\,000$ кг чиқинди ҳосил қилар экан. Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича кунлик ташланаётган маиший чиқиндиларнинг фақат учдан бир қисми қайта ишланади, қолгани эса аста-секинлик билан ОНА сайёрамизни қопламоқда.

Дунёнинг деярли барча мамлакатларида қаттиқ маиший чиқиндилар аҳоли жон бошига ҳар йили 1 фоизга ошмоқда. Ҳозирги кунда чиқиндиларнинг 800 дан ортиқ тури қайд этилган бўлиб, улар сонининг келгусида янада ортиши башорат қилинмоқда. Энергетика, рангли ва қора металлургия, кимё саноати ва қурилиш индустрияси объектлари чиқинди ҳосил қилувчи, атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий манбалар ҳисобланади (21-расм). Таҳлилларга кўра, сўнгги йилларда республикада йилига 100 миллион тоннадан ортиқ саноат чиқиндиси (унинг 14 фоизи токсик чиқиндилар тоифасига мансуб), 35 миллион тоннага яқин маиший чиқинди ҳосил бўлади. Чиқиндихоналар ва

чиқинди сақлаш омборхоналарида 2 миллиард тоннага яқин саноат, қурилиш ва маиший чиқинди сақланаётгани ҳамда улар 12 минг гектар майдонни эгаллаб турганини инобатга олсак, чиқиндиларнинг салбий таъсирини тасаввур этиш қийин эмас.

Чиқиндилар муаммоси фақатгина ишлаб чиқарувчилар ёки соҳа мутахассисларининг вазифаси эмас, балки муаммонинг ечими ўзимиз. Биз уни қанчалик тез, қандай усул ва технологиялардан самарали фойдаланиб, муаммо ечимини бартараф этсак, келажак учун шунча экологик соф, тоза ва бой табиатни асраб қолишимиз мумкин.



21-расм. Чиқиндиларнинг классификацияси

Шуниси диққатга сазоворки, баъзи турдаги чиқиндиларнинг парчаланиш муддати бир неча асрларни ташкил қилади. Масалан: озиқ-овқат қолдиқлари 10 кундан 1 ойгача; газета қоғози 1 ойдан 1 йилгача; картон қутилар 1 йилгача; қоғоз 2 йил; ёғоч 10 йилгача; темир арматура 10 йилгача; темир банкалар 10 йилгача; оёқ кийим 10 йилгача; бетон, ғишт 100 йилгача; авто аккумуляторлар 100 йилгача; фольга 100 йилгача; консерва қутилари 90 йилгача; батареякалар 100 йилгача; резина автобалонлар 100 йилгача; пластик 100 йилдан ортиқ; полиэтилен пакетлар 200 йил; алюмин идишлар 500 йил; шиша 1000 йилни.


Қуйида Ўзбекистон Республикасида маиший ва саноат чиқиндилари, уларни тўплаш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш жараёнларини кўриб чиқамиз.

Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, чиқиндиларни тўплаш ва уларни утилизация қилиш муаммосининг ажралмас қисмидир.

Чиқиндиларни ҳосил бўлиши, уларни сақлаш, ташиш, ишлов бериш ва йўқотиш, соғлиқни сақлашда, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан самарали фойдаланишда ва барқарор ривожланишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.


Чиқиндилар муаммосини ҳал қилишда унинг алоҳида элементлари қаралмасдан балки, комплекс бошқаришни амалга ошириш лозим. Комплекс бошқариш, хавфли чиқиндиларни тарқалишини олдини олиш, имкон даражасида минимум миқдорга олиб келиш ҳамда қайта ишлов бериб уларни атроф-муҳитга зарар етказмасликни таъминлашдан иборат.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларни бошқаришда қуйидаги ташкилотлар фаолият кўрсатади: Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси; Соғлиқни сақлаш вазирлиги; «Ўзкоммунхизмат» вазирлиги; «Саноатгеоконтех-назорат» агентлиги ва бошқалар.



22-расм. Саноат чиқиндиларининг йиллик ҳосил бўлиш динамикаси:
полигонлар сони - 75 дона; майдони - 9477,4 га; чиқинди миқдори - 2,4 млрд.тонна.

Ушбу ташкилотлар ўз фаолиятини чиқиндиларни бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунлари ҳамда «Хавфли чиқиндиларни трансчегаравий ташиш ва уларни йўқотишни назорат қилиш тўғрисида»ги Базель конференциясининг талабларига асосланган Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясининг шартлар ва қоидаларига асосан олиб борадилар.



23-расм. Қаттиқ маиший чиқиндиларининг йиллик ҳосил бўлиш динамикаси:
полигонлар сони - 221 дона; майдони - 1493,2 га; чиқинди миқдори - 18 млн.тн.

1. Мустақиллик йилларида миллий саноат жуда ривожланиб кетди. Шунинг учун саноат чиқиндиларининг миқдори ҳам йилдан-йилга кўпая бошлади. Ўзбекистон Республикасида саноат чиқиндиларининг ҳосил бўлиш динамикаси диаграммасида унинг ошиб бориши кузатишмоқда (22-расм).

2. Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндиларининг йиллик ҳосил бўлиш динамикаси диаграммасида ҳам чиқиндилар миқдорининг йилдан-йилга ошиб бориши кўриниб турибди (23-расм).

24-расмда қаттиқ маиший чиқиндиларини кўмиш полигонлари кўрсатилган. Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг кўпайиб бориши, албатта аҳоли жон бошига тўғри келадиган майдонларга боғлиқ. Аҳоли зич жойлашаши туфайли, уларни сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ва атроф-муҳитни тоза сақлаш қийинлашади.

24-расмдан кўриниб турибдики, аҳоли зич жойлашган вилоятларда (Наманганда– 0,083, Фарғонада–0,077, Андижонда– 0,076 ва Самарқандда-0,078 га/одам (6-жадвал) қаттиқ маиший чиқиндиларни кўмиш полигонлари сони кўпроқдир, кам жойлашган вилоятларда эса, полигонлар сони озроқ.



24-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қаттиқ маиший чиқиндиларни кўмиш полигонлари

6-жадвал

Ҳар бир одамга тўғри келадиган экин майдонлари

№		Ҳар бир одамга тўғри келадиган экин майдонлари, га/одам				
		2007	2008	2009	2010	2011
1	2	3	4	5	6	7
1	Қорақалпоғистон Республикаси	0,265	0,263	0,262	0,260	0,252
2	Андижон	0,083	0,082	0,081	0,80	0,076
3	Бухоро	0,130	0,128	0,126	0,124	0,119
4	Жиззах	0,247	0,245	0,240	0,237	0,226
5	Қашқадарё	0,172	0,169	0,165	0,162	0,155
6	Навоий	0,109	0,108	0,106	0,105	0,104
7	Наманган	0,093	0,092	0,090	0,088	0,083
8	Самарқанд	0,086	0,085	0,083	0,081	0,078
9	Сурхондарё	0,123	0,121	0,119	0,116	0,111
10	Сирдарё	0,374	0,371	0,365	0,352	0,345
11	Тошкент	0,122	0,121	0,120	0,118	0,115
12	Фарғона	0,085	0,084	0,082	0,081	0,077
13	Хоразм	0,141	0,139	0,134	0,132	0,128
Республика бўйича		0,124	0,122	0,120	0,118	0,114

3. Ўзбекистон Республикасида 2017 йил давомида саноат ва маиший чиқиндиларни ҳосил бўлиши. 2017 йилда маиший чиқиндилар 8,4 млн. тоннани, саноат чиқиндилари 114,7 млн.тоннани, ҳаммаси бўлиб 123,1 млн. тоннани ташкил қилган (25-расм).



25-расм. 2017 йилда ҳосил бўлган саноат ва маиший чиқиндилар.

4. Ўзбекистон Республикасида 2017 йил давомида маиший чиқиндиларни ҳосил бўлиши. Мамлакатда яшаётган 32 млн. аҳолидан 7 млн. тонна, юридик шахслардан 1,4 млн. тонна, ҳаммаси бўлиб 8,4 млн. тонна чиқинди ҳосил бўлган (26-расм). Улардан бор-йўғи 7,7 % қайта ишланган ҳолос.




26-расм. 2017 йилда ҳосил бўлган маиший чиқиндилар ва уларни қайта ишланган қисм.

5. Ўзбекистон Республикасида 2017 йил давомида маиший чиқинди турларнинг қайта ишланиши. Ҳосил бўлган чиқинди турларининг атиги 7,7 % - 640,9 минг тоннаси қайта ишланган (27-расм).




27-расм. Қайта ишланган чиқинди турлари

6. Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг морфологик таркиби. Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг таркибида энг кўп чиқиндиларни: Бошқа турдаги майда фракцияли чиқиндилар-31,83 %; озиқ-овқат-27,53 %; энг хавфли чиқиндилар ҳисобланган полимер ва полиэтилен чиқиндилар-7,91 % ни ташкил қилади (28-расм).



28-расм. Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг морфологик таркиби.

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қаттиқ маиший чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи ҳар бир киши, кунига ўртача 0,6 кг бир йил давомида 200 кг маиший чиқинди ҳосил қилади.



29-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қаттиқ маиший чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши.


Бу кўрсаткич вилоят марказлари ҳамда шаҳарларда яшовчи киши бошига кунига ўртача 0,87 кг, бир йилда эса 300 кг ни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2017 йил давомида ҳосил бўлган қаттиқ маиший чиқиндилар миқдори 7 млн. тоннани ташкил қилди. Умумий ҳосил бўлган чиқиндиларнинг 3,9 млн. тоннаси ёки 46 % Андижон, Наманган, Фарғона (2 млн. тонна ёки 22 %), Тошкент (1,1 млн.тонна ёки 11 %) ҳамда Самарқанд (799,7 минг тонна ёки 7 %) вилоятларига тўғри келади (29-расм).

8. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида саноат чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2017 йил давомида ҳосил бўлган саноат чиқиндилари миқдори 114,7 млн. тоннани ташкил этди. Умумий ҳосил бўлган чиқиндининг 112,3 млн. тоннаси ёки 98 % Навоий (48,7 млн. тонна ёки 42 %), Жиззах (7,7 млн.тонна ёки 7 %), Самарқанд (5,4 млн. тонна ёки 5 %), Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳри (50,3 млн. тонна ёки 44 %) ҳудудларига тўғри келади (30-расм).




30-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида саноат чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши.

9. Ўзбекистон Республикаси санитар тозалашга ихтисослашган корхоналарда мавжуд техникалар сони. Санитар тозалашга ихтисослашган техникалар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. 2021 йилга бориб республиканинг барча шаҳарлари ва қишлоқлари етарли санитар тозалаш техникалар билан таъминланадилар (31-расм).



31-расм. Ўзбекистон Республикасида санитар тозалашга ихтисослашган мавжуд техникалар сони.


10. Республикада санитар тозалашга ихтисослашган корхоналар. Санитар тозалашга ихтисослашган корхоналар сони ҳозирги кунда (2018 йил учун) етарли эмас (32-расм). Корхоналар сони 2021 йилда, 4362 донга санитар тозалашга ихтисослашган техникалар сонини бошқариш учун етарли бўлиши лозим.



32-расм. Республикада санитар тозалашга ихтисослашган корхоналар.

11. Республика ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолининг санитар тозалаш хизмати билан қамраб олиш даражаси. 2021 йилга бориб санитар тозалашга ихтисослашган махсус

техникалар сони 4362 донага етиб, аҳолини 100 % санитар тозалаш хизмати билан қамраб олади (33-расм).



33-расм. Аҳолини санитар тозалаш хизмати билан қамраб олиш даражаси.

12. Юридик ва жисмоний шахсларнинг чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда жавобгарлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-495-сон «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни имзоланди.

Мазкур Қонуннинг асосий мақсади – атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларни олдини олиш, аниқлаш ва чек қўйиш бўйича ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали мавжуд қонунчилик нормаларини янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш масъулиятининг оширишга, шунингдек махсус ваколатли давлат органлари иш фаолиятини тезкор ва самарали ташкил қилишга хизмат қилмоқда. Ушбу қонунга асосан, чиқиндилар билан боғлиқ қонун талаблари бузулганда фуқаролар ва юридик шахслар қуйидагича жавобгарликка тортиладилар (7-жадвал).

Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш бўйича самарали тизимни яратиш, уларнинг фуқаролар соғлиғи ва атроф-муҳитга зарарли таъсирини бартараф қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 17 апрелда «2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4291-сонли қарори қабул қилинди.

5.1-иловада Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича асосий қонун ва қарорлар ҳамда 5.2-иловада эса, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенция ва битимларнинг номлари келтирилган.

Чиқиндилар билан боғлиқ қонунчилик талабларини бузиш ҳолати содир этилганда қўриладиган чоралар

Бузулиши мумкин бўлган талаб турлари	Жавобгарликка тортилувчилар			
	Биринчи марта		Иккинчи марта	
	Фуқаро	Мансабдор шахс	Фуқаро	Мансабдор шахс
	Маъмурий жазо		Маъмурий жазо	
Саноат, маиший ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш	Энг кам иш ҳақининг 3-5 баравари *(608 190 сўмдан 1 013 650 сўмгача)	Энг кам иш ҳақининг 5-7 баравари *(1 013 650 сўмдан 1 419 110 сўмгача)	Энг кам иш ҳақининг 5-7 баравари *(1 013 650 сўмдан 1 419 110 сўмгача)	Энг кам иш ҳақининг 10-15 баравари *(2 027 300 сўмдан 3 040 950 сўмгача)
Белгиланган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суяқ маиший чиқиндиларни тўкиш	Энг кам иш ҳақининг 0,5-3 баравари *(101 365 сўмдан 608 190 сўмгача)	Энг кам иш ҳақининг 3-5 баравари *(608 190 сўмдан 1 013 650 сўмгача)	Энг кам иш ҳақининг 3-5 баравари *(608 190 сўмдан 1 013 650 сўмгача)	Энг кам иш ҳақининг 5-10 баравари *(1 013 650 сўмдан 2 027 300 сўмгача)
Санитар тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талабларни бузиш	Энг кам иш ҳақининг 0,5-3 баравари *(101 365 сўмдан 608 190 сўмгача)	Энг кам иш ҳақининг 3-7 баравари *(608 190 сўмдан 1 419 110 сўмгача)	Энг кам иш ҳақининг 0,5-3 баравари *(101 365 сўмдан 608 190 сўмгача)	Энг кам иш ҳақининг 3-7 баравари *(608 190 сўмдан 1 419 110 сўмгача)

* - ойлик маошлар миқдори ошиши билан маъмурий жазо учун белгиланган жарима миқдори ҳам ошиб бораверади.

1.6. Экологик таълим-тарбия.

Экологик маданиятни ривожлантириш–экологик тарбиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир.

1. Экологик маданият–табиат тўғрисидаги билимлар, табиатни энг юксак миллий умуминсоний қадрият деб ҳисоблаб унга маъсул муносабатда бўлиш.

2. Экологик таълим–экологик ахборот ва кўникмани ўзлаштиришга қаратилган мақсадли, режали ва тизимли жараён бўлиб, у табиат тўғрисида билимларни, табиат ва жамият ўртасидаги муносабат, табиатни ўрганиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича маҳоратни шакллантиришга қаратилган.

3. Экологик таълим–тарбия оила, катта ёшдагилар иштирокисиз тўла ва кенг камровли бўла олмайди.

4. Кичик ёшда ривожланиш даврида, инсон шахс сифатида шаклланади, унинг дунёкараши, ҳислат ва фазилатлари келгусида унинг ҳаракатларини, муносабатларини, жумладан атроф-муҳитга бўлган муносабатини белгилайди. Оила экологик маданиятни шакллантирувчи, анъана, урф-одат ва қизиқишларни сақловчи ва келгуси авлодга етказувчи асосий бўгин ҳисобланади. Катталарнинг тажрибаси, билимлари, ҳаракатлари орқали болалар ўз фаолиятини шакллантиради.

Экологик таълим-тарбияда ҳар бир бўгин оила, боғча, мактаб, коллеж, олий ўқув юртлари ва иш фаолияти узвий кетма-кетликда ифодаланиб, ўз вазифасини бажаради, аммо улар бир билан ўзаро боғлиқ, узлуксиз ҳолда экологик таълимни ташкил этади (34-расм).



2-схема. Экологик таълимнинг узвийлиги.

Экологик таълим экологик маданиятни, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатни бўлишни шакллантиради. Бунинг учун албатта ҳар буғунга мос равишда экологик билимлар бериш лозим.

Экологик муаммоларнинг тобора глобал аҳамият касб этиб бораётганлиги инобатга олиниб, сўнгги йилларда муҳим устувор вазифалар билан бир қаторда атроф муҳит муҳофазаси, экологик маданият, экологик таълим-тарбия, экологик маърифат масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг эътиборга олиб, 2019 йилнинг 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 434-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш” концепцияси тасдиқланди.

Ушбу концепцияда Экологик таълимнинг долзарблиги мамлакатимиз табиати, экотизимлари, атроф муҳитни беқарорлик ва издан чиқишдан асраш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, ушбу ўта жиддий, ҳаётий масалаларга аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшлар ҳисса қўшиши зарурлиги билан белгиланади.

2. СУВ ВА ИНСОН.

Сув, ҳаво(кислород)дан сунг - инсонлар, ҳайвонот ва ўсимликлар ҳаётида асосий ўринни эгаллайди. Экинларнинг 80-95% оғирлиги ва ҳайвонларнинг 70 % оғирлиги сувдан ташкил топган. Инсон мияси оғирлигининг 80% махсус тоза сувлар билани шаклланган. Инсоннинг жигари, буйраги, териси ва ўпкаси унинг қонини ва бутун организмни ҳамма хавфли ва кераксиз моддалардан тўхтовсиз тозалаб туради. Бундан ташқари уларнинг зиммасига яна саноат, қишлоқ хўжалиги ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан тоза сув манбаларига ташланган ифлослантирилган сув таркибидаги тузлар, органик моддалар ҳамда заҳарли химикатлардан тозалаш каби ортиқча жараён ҳам юкланади. Ичимлик сувига аралашган, инсон организмга хос бўлмаган бегона моддалар, одамларнинг руҳий ҳолатини издан чиқаради. Инсон танасига алкагол, никотин, наркотик, заҳарловчи ва бошқа зарарли моддалар киритилганда унда бўладиган салбий ўзгаришлар ҳаммага маълум.

Айниқса ёш болалар организми ифлос сувдан жуда тез ҳалок бўлади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш қўмитасининг хабарига қўра, ер юзида қунига 1000 бола ифлос сув истеъмол қилиши натижасида ич оғриғи касалликлари билан оғриб, ҳаётдан кўз юммоқда.

Инсон организми сувсиз яшай олмайди. Бизнинг организмимиздаги ҳар бир клетка сув талаб қилади. Агар клетка қуриб қолса, у ишлашдан тўхтаб қолади. Ҳаттоки, ўпка юзаси суюқлик билан ҳўлланмаса у кислородни қабул қила олмайди. Организм овқатни ҳам сувсиз ўзлаштиролмайди. Унинг ёрдамида овқатдаги оксил моддалари, крахмал ва ёғлар инсон организмнинг нормал фаолияти учун зарур бўлган моддаларга айлантирилади. Сув, ошқозонни нормал ишлаши ва овқат ҳазм бўлгандан сунг организмдаги қолдиқ массани чиқариб юбориш учун ҳам жуда зарур.

Инсоннинг буйраги ва ковуғи, териси ва ўпкаси, овқат ҳазм бўлиши даврида ҳосил бўладиган заҳарли моддалардан фақатгина сув орқали тозаланади. Ўпка пуфакчалари ҳўл ҳолатдагина нормал ишлаб туради. Буруннинг шиллиқ пардалари, томоқ, буғиз ва нафас олиш йўллари ҳам доимо ҳўлланиб туриши керак. Организм нафас олиб турганда 0,5 литргача сув йўқотади, агар ҳаво қуруқ бўлса бу миқдор яна ошиб боради. Тери орқали жуда кўп миқдорда сув буғланади.

Буйракнинг фаолияти учун кўп сув керак бўлади. Буйракдан ўтаётган ҳар бир литр сув, организмдан 9 граммдан ортиқ чиқиндиларни олиб чиқади. Буйракнинг фаолияти учун сув миқдори 0,25 литрдан кам бўлмаслиги шарт. Ҳеч қачон ўз фаолиятини тўхтатмайдиган буйрак, доимо сув талаб қилади (35-расм ва 8-жадвал). Организмдаги ҳар қандай жараёнлар суюқ қон ёрдамида амалга оширилади. Инсон қони сувга қараганда 10% қуюқроқдир. Суюқ қон(плазма)нинг 80% сувдан ташкил топган, шунинг учун у одам организмда эркин айланиб юриб, овқатларни, ҳар хил газларни, ноорганик тузларни ва озиқ-овқат моддаларини керакли органларга ташиб беради. Инсон организми клеткалари учун зарур бўлган барча нарсалар суюқ қон орқали етказиб берилади (ҳаттоки ўзи ҳосил бўлиши учун ҳам зарур моддаларни ҳам). Инсон танасининг иссиқлик ҳарорати доимо бир хил бўлади. Бу ҳарорат 36,6 градусга тенг бўлиб, иқлим ва атроф - муҳитнинг ҳар қандай таъсирига қарамасдан ҳар доим бир хил миқдорда туриши керак. Фақат терлаш натижасида инсон организми 1 соатда 0,5 литр сув йўқотиши мумкин. Ҳаво совуқ бўлганда одам терламайди ва ҳамма сувлар унинг тўқималарида тўпланиб қолади. Ҳаракатни бирдай бўлишини сақлаш учун бизнинг танамиз жуда катта ишларни бажаради.

Таҷрибалар шуни кўрсатадики, тинч ҳолатда турган инсон, куннинг нормал намлик даврида, бир кунда, тери ва ўпкаси орқали 300 граммга яқин суюқлик йўқотади. Инсон танаси доимо ўзича ёғланиб туради, ёғ сифатида эса сув хизмат қилади. Сув, тана қисмларини бир-бирига ишқаланишдан сақлайди, у суюқларни буғумларда бемалол эркин ҳаракат қилишига ёрдам беради. Тизза в тирсакларни сув билан ёғламасдан букиш мумкин эмас. Суюқлик инсон организмдаги гидравлик



35-расм. Инсон органларидаги сув миқдори

8-жадвал. Бир кунлик истеъмол сув меёри

Оғир- лик, кг	Бир кишига 1 ку лик истеъмол сув меёри, литр				
	Кам ҳара- катли	Ўртача ҳара- катли	Кўп ҳара- атли		
50	1,55	2,00	2,30		
60	1,8	,30	2,65		
70	2,20	2,55	3,00		
80	2, 0	2,95	3,3		
90	2,80	3,3	3,60		
100	,1	3,60	3,9		

системанинг асоси бўлиб, ундаги ҳар хил босимларни ҳосил қилади ва уларни бир маромда ушлаб туради.

Мушакларнинг активлик даражасини сувсиз ушлаб туриш мумкин эмас, чунки мушакларнинг 3/4 қисми сувдан ташкил топган. Мана шунинг учун сув етишмаганда инсон организми чарчаб қолади. Организм ўзига керакли миқдордаги сувни қуйидаги йўллар билан доимо топиб олади.

Биринчи йўли – таркибида сув мўл бўлган озиқ – овқат маҳсулот-ларидан: мевалар, шарбатлар, ичимликлар, суюқ овқатлар ва бошқалардан.

Иккинчи йўли - организм қабул қилаётган овқатлар ҳам суюқлик манбаи ҳисобланади. Масалан, тухумнинг 70% , шафтолининг 81% сувдан ташкил топган. Бизга маълум бўлган ҳамма қаттиқ ва қуруқ озиқ – овқат маҳсулотларининг 25% ҳам сувдан ташкил топган.

Учинчи энг муҳим йўли – инсон организмидаги химик реакциялар натижасида ишлаб чиқариладиган **метоболик** сувдир. Инсон бир кунда ўртача 2,5 литр сув истеъмол қилади, унинг организмида эса 5 литргача сув айланиб юради. Организмдаги ва истеъмол қилинадиган сув миқдорлари орасидаги (2,5 литр) фарқ **метоболик** сув дейилади.

Организмда сув тақчиллиги сезилганда безларнинг шира чиқариши ва сулак миқдори камаяди, қобиклар қуриб боради ва биз чанқаганлигимизни сезамиз. Бу сезги бизга, организмимизни тезда сув билан таминлаш зарурлиги ҳақида хабар беради. Сув етишмаслиги ошиб борганда қуйидаги белгилар - бош оғриғи, асаб бузилиши, овқат ҳазм бўлмаслиги ва бошқалар ривожланиб боради. Организм сув қабул қилиши билан бу белгилар тезда йўқолади. Инсон организми оғирлигига нисбатан 6-8% суюқлик йўқотганда инсоннинг юраги урушдан тўхтаб қолади.

Инсоннинг сувга бўлга кунлик эҳтиёжи. Жуда кўп халқаро ташкилотларнинг ҳисоб-китобларига кўра 1 кишига 1 кунда қуйидагича сув зарур бўлар экан (литрда): ичишга – 2÷3; овқат тайёрлашга – 3; шахсий гигиенага (юз-қўл, тиш ва бошқалар) – 6÷8 литр; ваннада ювиниш учун-150; унитазга – 15; идиш товоқларни ювишга- 7÷12; кир ювишга – 100.

Аммо инсонни ичимли ва маиший эҳтиёжлари учун сувга бўлган талаби кундан-кунга ошиб бормоқда. Шаҳарларда:

- 1890 йилда, 11 литр;
- 20-асрда 60÷70 литр;
- 2008 йилда 350÷500 литрни ташкил қилмоқда.


БМТ маълумотларига кўра, 2000 йил орасида сайёра аҳолиси бор йўғи 3 бараварга ошганда, ичимлик суви истеъмоли 7 бараварга ошди. 2050 йилга бориб, сайёра аҳоли сони 9 млрд.гача ўсиши кутилмоқда.

Сув ресурсларининг ер юзи мамлакатларида бир текис тақсимланмаганлиги сабабли, ҳозирги кунда сув тақчиллигида яшаётган мамлакатларнинг аҳолиси келгусида сув етишмаслиги қочоқларига айланишлари мумкин.

2.1 Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш.

Табиатда сувнинг айланишига асосан, айниқса қор заҳиралари, об-ҳавонинг тозалиги, атроф-муҳитга зарар келтирадиган ишлаб чиқариш корхоналарининг деярли йўқлиги ва бошқаларга асосан, тоғли ҳудудларда йил бўйи тоза ҳолда сақланади. Об-ҳавонинг иссиқи туфайли қор заҳиралари аста - секин эриб, кичик ирмоқлар ҳамда жилғалар орқали сойларга ва кичик дарёларга келиб тушади.

Тоғли ҳудудларда ер усти манбалари – сойлар, жилғалардан ва булоқлардан ичимлик учун олинадиган сув, ифлослантирувчи манбалар (қабристонлар, чиқиндилар йиғиладиган ва ҳайвонлар суғориладиган жойлар, машина-трактор парклари, қассобхоналар ва бошқалар) йўқ жойлардан олишни ҳамда унинг миқдори йил бўйи ўзгармаслиги керак. Шунинг учун сув олиш иншоотлари манбанинг чуқурроқ жойида ва қирғоқдан узоқроқда жойлашиши зарур (36-расм).



36-расм. Қирғоқдан узоқроқда жойлашган сув олиш иншооти:

1-сув қабул қилгич; 2-сув ўтказувчи қувур; 3-сувни очиш-ёпиш мосламалари; 4- қирғоқда жойлашган сув қабул қилувчи қудуқ; 5-насоснинг сўрувчи қувури; 6-насос; 7-сувни сизиб ўтказувчи тур-сетка; 8-ажратгич девор.


Водопровод тармоғисиз маҳаллаларга, ичимлик суви олиб келинадиган ариқлар атрофи моллар, қўй-эчкилар, ит-мушуклар ва бошқа ҳайвонлар киролмайдиган қилиб бекитилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Маълумки ҳозиргача қишлоқ аҳолисининг бир қисми, ичимлик сувини ариқлардан, сойлардан, булоқлардан ва ҳовузлардан олиб истеъмол қилади. Ҳовузлар одатда маҳаллаларни кесиб ўтадиган, сой ва булоқларнинг тоза сувини олиб келадиган ариқларга яқин ўрнатилади. Унинг томонлари ёки диаметри 5-10 м ва ундан кўпроқ, чуқурлиги 3-5 м тўртбурчак ёки айлана шаклида бўлиб, ариқдан келатган бир қисм сув, ҳовузнинг бир томонидан киритилиб, иккинчи томонидан чиқарилиб яна ариққа қўшиб юборилади. Ҳовузлар қишлоқ аҳолисининг сонига қараб, маҳалланинг энг говжум жойларида қазилади ва унинг сув олинадиган томонидан ташқари барча томонлари бекитилиб, атрофига манзарали дарахтлар экилади.


Ер ости сувларини—грунт, артезиан ҳамда булоқ сувлари ташкил қилади (37а-расм) ва уларнинг таркибида оқар сувларидек лойқалар бўлмайди. Артезиан сувлари, иккала сув ўтказмайдиган қатламлар орасига жойлашган бўлиб (37б-расм), ер устидан сизиб

кирадиган сувларга аралашиб кирадиган ҳар хил ифлос аралашма(пестицид, гербицид ва бошқа)лардан ҳимояланган бўлади. Шунинг учун юқори санитар сифатга эга бўлади. Худди шунингдек, булоқ сувлари ҳам юқори сифатли бўлади. Буларнинг акси, ер ости сувлари, ер устидаги ҳар хил аралашмалар билан ифлосланган бўлиши мумкин.

а)



б)



37-расм. Ер ости сувларининг жойлашиши:


1-атмосфера ёгинлари; 2-ер ости сувларининг тўйиниш области; 3-верховодка; 4-грунт сувлари; 5-артезиан қудуғи; 6-босимли сувларни пасайиш соҳаси; 7-сув ўтказмайдиган қатламлар; 8-артезиан сувлари; 9-пъезометрик чизик.

Ер ости сувларидан фойдаланишда қуйидаги иншоот ва мосламалардан фойдаланиш мумкин.

1. Қувурли (штангали чуқур поршенли насос) қудуқ – «качалка»лар.
2. Шахтали қудуқлар.
3. Булоқ суви бошига қуриладиган каптажлар.

Қувурли қудуқлар – «качалка»лар жуда оддий механик мослама бўлиб, ҳозирги кунда водопровод тизимлари билан таъминланмаган республикаимиз қишлоқлари аҳолисининг 60-70 % ундан фойдаланишади. 38-расмда штангали поршенли насос қурилмасининг насоснинг схемаси (а), умумий кўриниши (б ва в), фильтри (г) ва ўрнатилган умумий кўриниши (д) тасвирланган.

Бу кудуклар ер устидан 5-7 м пастда жойлашган сувларни кўтариб беради. Агар «качалка» дастаги 1 минутда 30 марта кўтариб туширилса кудукдан ўртача 20 литр сув кўтариб олинади. Мослама қувурини ерга қоқишни осонлаштириш учун, сузгичининг пастги қисмига бурғу маҳкамланган. Қувурнинг юқори қисми охирига, поршенли насос билан уланадиган қисмига қабул қилиш клапани ўрнатилган.




38-расм. Штангали поршенли насос:

а-схемаси; б-поршенли насос; в-умумий кўриниш; г-фильтри; д-ўрнатилиши. 1-сўриш қувури; 2-цилиндр; 3-поршень; 4-вилька; 5-штанга; 6-босим қувури; 7-дастак; 8-фильтр билан бирга бурғу.


Штангали қувурли чуқур поршенли насос цилиндрдан-2, Кс-клапанли сўриш қувуридан-1, босим клапани—Кб билан бекитиладиган тешик поршендан-3, вилька-4 билан уланган, поршенни ҳаракатга келтирувчи штанга-5 ва босимли қувурдан иборат бўлиб, қуйидагича ишлайди. Поршень юқорига кўтарилганда босим клапани — Кб бекилади, сўриш клапани — Кс очилади ва бир вақтнинг ўзида сув цилиндрга ўамда босимли қувурга ўтади. Поршень пастга ҳаракатланганда сўриш клапани-Кс ёпилади, босим клапани-Кб эса очилади ва суюқлик поршен орқали унинг юқорисидаги ҳажмига ўтади. Бу вақтда босимли қувурга сув ўтиш йули берк бўлади, яъни бу насос худди бир ҳаракатли поршенли насос каби ишлайди

Шахтали қудуклар — унчалик чуқур жойлашмаган (20 метрдан кўп бўлмаган) босимсиз ер ости сувларидан фойдаланишда қўлланилади. Шахтали қудуклар материалига кўра-қопламасиз (39а-расм), ғишт (39б-расм) ёки харсангтош (39в-расм), йиғма темир-бетон (39г-расм) ва ёғоч (39д-расм) билан қопланган, айлана ва тўртбурчак шаклида бўлиши мумкин. Шахтали қудукларнинг диаметрлари ва томонлари 1,5 ÷ 2,0 метр бўлиб (баъзи ҳолларда 3,0 ÷ 4,0 м), ер ости сувлари асосан, қудукнинг тубидан ва қисман тубидан маълум баландликкача бўлган деворларидан йиғилади. Қудуклардаги сувнинг чуқурлиги 1,0 ÷ 2,0 метрдан кам бўлмаслиги лозим.



39-расм. Деворлари ҳар хил материаллар билан қопланган шахтали қудуқлар: а-ғиштли; б-ийгма темир-бетон; в-ёғоч; з-қопламасиз ; д-харсангтошли.


Кўтарилиб чиқаётган булоқлар каптажи (40-расм) - тубсиз цилиндр шаклида бўлиб, булоқ сувлари унинг остидан чиқади ва доимо бир хил сатҳда сақланади. Иншоотнинг тепа қисми бекитилади. Фақатгина кириб- чиқиш учун тиркиш қолдирилади. Каптаж ичидаги бассейнга, йиғувчи идишга сув ўтказадиган, оғзи сузгич-тўр билан қопланган қувур ўрнатилади. Иншоотга ифлос ер усти сувлари ва бошқа чиқиндилар тушмаслиги учун, унинг атрофи ҳимоя кўтармалари ҳамда ер усти сувларини кетувчи айланма каналчалар билан ҳимоя қилинади



40- расм. Кўтарилиб чиқаётган булоқлар каптажи:

1-сувли қатлам; 2- сув қабул қилиш камераси; 3-кириб-чиқиш тирқиши; 4- сув узатиш қувури; 5-сувни очиш-ёпиш мосламалари.

Пастга тушувчи булоқлар каптажи (41-расм) – тоғ ён бағирларидан чиқиб пастга оқаётган булоқ сувлари, йиғиб олиниб махсус иншоот ва мосламалар орқали исеъмолчига узатилмаса, улар ифлосланиб ичимликка яроқсиз ҳолга келади. Сувни йиғиб олувчи бундай каптажлар, тоғ-ён бағирларига ўрнатилиб, одатда пишган ғишт ёки қуйма темир-бетондан қурилади ва икки бўлимдан иборат бўлади. Биринчи бўлим сувни қабул қилиш учун хизмат қилади. Тоза булоқ суви иккинчи бўлимга ўрнатилган қувур орқали йиғувчи иншоот ёки заҳира идишига узатилади. Каптаж камераси музлаб қолиш ва сел сувларидан ҳимоя қилиниши керак. Каптажларни шамоллатиб туриш учун уларга шамоллатиш қувурлари ўрнатилади



41-расм. Пастга тушувчи булоқлар каптажи:

1-сувли қатлам; 2- сув қабул қилиш камераси; 3-кириб-чиқиш тирқиши; 4- сув узатиш қувури; 5-тўсиқ-девор.

2.2. Сувнинг сифати ва уни ошириш усуллари.

Физик хоссаларига нисбатан сув рангсиз, ҳидсиз ва тамсиз бўлиб, температура-си йил бўйи ўзгармасдан 7÷12 градусга тенг бўлиши керак. Унинг сифат кўрсаткич-лари давлат стандарти O`zDSt 951:2011 “Марказлаштирилган хўжалик-ичимлик суви билан таъминлаш манбалари, гигиеник, техникавий талаблар ва танлаш қоидалари” талабларига жавоб бериш шарт. Танлаган манбалардаги сувнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартининг рухсат этилган максимал концентрацияга тўғри

келадиган бўлиши керак. Ичимлик суви, сув таъминоти тармоқларига юборгандан сўнг, унинг сифати О'зДСт 950:2011 "Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш" стандартига киритилган кўрсаткичлар бўйича сувда: микробларнинг умумий сони, *Escherichia coli* гуруҳидаги бактериялар сони, таъм, ҳид, ранг, лойқалиги, кальций, магний, азот бирикмаларининг асосий тузлари, сувни зарарсизлантиришдан кейин қолдиқ хлор мунтазам назорат қилиб борилади.

Табиий сувларнинг химик таркиби, ундаги умумий тузлар миқдори билан ҳарактерланади. Ичимлик сифатида ишлатиладиган сувларнинг минерализацияси 1 г/л дан ошмаслиги керак. Табиатдаги сувларнинг таркиби хилма – хилдир. В.Н.Бернадскийнинг классификациясига асосан, таркибидаги тузлар миқдори(г/л)га қараб табиий ичимлик сувлари қуйидаги 4 асосий гуруҳга бўлинади:

- чучук сув – тузлар миқдори $< 1,0$ г/л;
- кам шўрланган сув - тузлар миқдори – $(1\div 10)$ г/л;
- шўр сув - тузлар миқдори – $(10\div 50)$ г/л;
- ўта шўр сув - тузлар миқдори – > 50

Ер усти сув манбалари одатда чучук сувли бўлади, аммо ҳозирги вақтда сувининг таркиби 1 г/л дан ошиқ минераллашган дарёлар мавжуд

Водопровод суви, шаҳар ёки қишлоқ сув билан таъминлаш системасига етиб келгунча тоғлар, водийлар, далалар, таркибини ҳар хил фойдали тузлар билан бойитадиган геологик жинслар ва бошқалардан ўтиб жуда оғир ҳамда мураккаб йўлни босиб ўтади. Бизга етиб келгунча у ўз йўлида таркибига инсон фаолияти натижасида ҳосил бўлган хавфли моддаларни ҳам эритиб қўшиб олиб келади. Манбалардан тозалаш станцияларига олиб келинган сув, тиндиргич ҳамда сузгичлардан ўтказилиб зарарли микроблардан тозаланади ва ичимлик сувига айлантирилиб истеъмолчиларга узатилади.

Аммо бугунги кунда, шаҳарлар ва туман марказларидан узоқда жойлашган кўплаб қишлоқларимизни тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг имконияти йўқ. Шунинг учун сув танқислиги шароитида ва сифатли сув бўлмаганда, унинг сифатини яхшилашни, яъни зарарсизлантиришни оддий усулларини қўллаш мумкин.

Сувни зарарсизлантириш – аҳолини етарли ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда инсон саломатлигига зиён етказмаслик мақсадида, хўжаликда ишлатиладиган ва ичимлик сувини микроорганизмлардан тозалашдир. Сувни зарарсизлантириш кимёвий ва физик усуллар ёрдамида амалга оширилади.

Физик усулларга - қайнатиш, ультра бинафша нурлар, гамма нурлари ва ультратовушлар ёрдамида зарарсизлантириш қиради. Қайнатиш сувни зарарсизлантиришнинг муҳим усулларида бўлиб, бу жараёнда сувдаги барча микроорганизмлар ўлади ва сувнинг табиий мазаси бузилмайди. Лекин кўп миқдордаги сувни қайнатишнинг имкони йўқ.

Кимёвий усулларга – сувни хлорлаш, озонлаш, гипохлорит натрий ва гипохлорит кальций ҳамда бошқалар билан ишлов бериш қиради. Аммо бу усуллардан узоқ вақт фойдаланилганда инсон саломатлиги учун зарарли бўлиши мумкин.


Оддий тозалаш усули. Қайнатиш усули билан кундалик ичимлик суви ва маиший эҳтиёжлар учун зарур бўлган сув миқдори билан таъминлаш жуда қийин. Шунинг учун қишлоқ жойларида ичимлик суви ва маиший эҳтиёжларга сарфланадиган сув миқдорини тўлиқ таъминлайдиган оддий сув тозалаш қурилмаси билан танишиб чиқамиз.

Қишлоқ жойларидаги ҳовлиларда яшовчи оила аъзоларининг ичимлик ва маиший эҳтиёжлари учун сувни зарарсизлантиришнинг қуйидаги оддий усулларида фойдаланиш мумкин (42-расм). Бу усул одатда баландлиги 1,2 м бўлган қумли-шағалли фильтр-сузгич бўлиб, унинг таркибига қуйидаги асосий материаллар қиради:

- сузгичнинг энг тагига тўшаладиган, йириклиги $60\div 100$ мм, қалинлиги 20 см бўлган йирик тош;
- унинг устига тўшаладиган йириклиги $50\div 60$ мм, қалинлиги 15 см бўлган майдаланган шағал;
- унинг устига тўшаладиган йириклиги $30\div 40$ мм, қалинлиги 13 см шағал;

- унинг устига тўшаладиган йириклиги 10÷20 мм, қалинлиги 12 см бўлган майда шағал;
- унинг устига йириклиги 0,5÷1,5 мм, қалинлиги 60 см бўлган, лойлардан ювилган тоза кварц қуми.

Сузгичнинг деворлари ғиштдан, тошлардан ва бошқа материаллардан қурилиб, (туби ҳам) сув ўтказмайдиган материаллар (цемент қоришмаси) билан қопланади (9-расм). Сузилиб тоза бўлган сувни олиш учун, унинг туби 1 : 10 қияликда ўрнатилади. Тозаланадиган сув, тепадан пастга оқиб ўтганда қум оралиғида лой ва бактериялар ушлаб қолинади, кейинги қатламлардан сизиб ўтиб тозаланган сув, унинг энг тубидаги деворига ўрнатилган қувур орқали тоза сув идишига олинади. Тозаланиш жараёни бошлангандан 15-20 соат вақт ўтгач, сузгичнинг сувидан фойдаланишни бошлаш мумкин (42-расм)



42-расм. Оддий сув тозалаш иншооти:

1-тозаланиб тушаётган сув; 2-йирик тош; 3-майдаланган шағал; 4-шағал; 5-майда шағал; 6-майда кварц қуми; 7-тоза сув идиши

Лой ҳамда бактерияларни тозаловчи қумда маълум вақтдан кейин ёпишқоқ ифлос массали 2 см қалинликдаги қоплам ҳосил бўлади ва сузгичнинг тикилиб қолиши натижасида тоза сув сарфининг камайиши кузатилади. Шунинг учун ҳар ойда сузгичнинг юқори қисмига тўшалган ифлосланган қум олиб тозаланади ёки манбаси кўп бўлса янгиси тўшалади.

Бундай сузгичларни ишлаш даври 8-10 йилни ташкил қилади. Кўрсатилган вақтдан сунг сузгични барча ташкил қилувчилар олиб ташланади. Агар материаллар бемалол арзон бўлса янгилари тушалади, топилиш қийин бўлса эски материаллар тозаланиб қурилади ва қайтадан тўшалиб ишга туширилади. Бундан ташқари филтр ҳар 2-3 йилда бир марта тўхтатилиб шамоллатилиши лозим. Шунинг учун бундай сузгичлардан ховлингизда 2 донаси (1 донаси заҳира) бўлса, оилангиз тўхтовсиз тоза сув билан таъминланган бўлади.

Ушбу оддий сув тозалагич филтр билан 1 кунда 800÷1000 литр сув тозалаб бериш мумкин. Агар қишлоқ жойларида 1 кишига 1 кунда 30÷40 литр сув меъёр бўлса, унда ушбу тозаланган сув билан 25÷35 кишини таъминлаш мумкин.

Маълумки, водопровод тизими йўқ қишлоқ жойларида, сув истеъмол қилиш меъёрига асосан киши бошига 30÷40 литр тоза сув белгиланган. Бир ҳовлида ўртача 4 оила истиқомат қилса ва ҳар бир оила 4÷5 кишидан иборат бўлса, ҳовлида 16÷20 киши яшаши мумкин. Ҳовлига қурилган 1 дона сузгич кунда максимал 800 ÷ 1000 литр сувни тозалаб


бериши зарур. Ушбу сифимдаги сувни тозалаб бериш учун сузгичга қуйидаги миқдорда материаллар зарур бўлади. 9-жадвалда узунлиги 2,0 м, эни 1,0 м ва баландлиги 2,0 м бўлган сузгичнинг (42-расм) асосий характеристикалари келтирилган.

9-жадвал

Сузгичнинг характеристикалари

Сузгич таркибига кирувчи материаллар уларнинг қалинлиги,ўлчамлари ва миқдори																
йирик тош			майдаланган шағал			шағал			майда шағал			қум			сув	
t, см	d, мм	W, м ³	t, см	d, мм	W, м ³	t, см	d, мм	W, м ³	t, см	d, мм	W, м ³	t, см	d, мм	W, м ³	t, см	W, м ³
20	60÷100	0,4	15	50÷60	0,3	13	30÷40	0,26	12	10÷20	0,24	60	0,5÷1,5	1,2	50	1,0

Бундан ташқари тоғли ҳамда тоғолди қишлоқларида экинларни суғориш ва ичимлик суви сифатида коризларнинг сувларидан фойдаланса бўлади. Коризлар бир неча минг йиллардан бери Марказий Осиё ва Закавказия мамлакатларида қўлланиб келадиган иншоотдир. Улар ер ости сувларининг йўналишида, бир тўғри чизиқда қазилиб, сунгра бир-бирлари билан ер остида бирлаштириладиган қудуқлардир (43-расм). Қудуқларни бири-бирига улайдиган лахмнинг баландлиги 1,0 м ва эни 0,50 м ни, узунлиги эса бир неча километрни ташкил қилиши мумкин. Кориз қудуқларининг орасидаги масофа 20÷50 м ни, чуқурликлари эса 2 м дан (охирги қудуқ) 50 м гача (бошдаги қудуқ) бўлиши мумкин. Кориздан чиқаётган сув суғориш каналларига ёки ичимлик суви қабул қилиш иншоотларига олиниши мумкин. Кориз узунлиги бўйича маълум нишабликда ўрнатилади ва унинг деворлари ёғоч устунлар ёки тошлар билан мустаҳкамланади.



43-расм. Кориз ва қудуқларнинг жойлашиш схемаси:

1-қудуқлар; 2-қудуқларни бирлаштирадиган лаҳм; 3-сув қабул қилиш иншооти

Ифлос сувлар таркибида қуйидаги касалликларни келтириб чиқарувчи бактериялар мавжуд: ич терлама; ичбуруғ; сарғайма ва бошқалар. Шунинг учун доимо ичимлик суви ва маиший эҳтиёжлар учун сувни тозалаб истеъмол қилган маъқул. Бу ҳар бир кишининг соғлиги гаровидир.

2.3. Қишлоқларда ҳожатхоналарни ўрнатиш ва маиший оқава сувларни олиб кетувчи канализация тизимини қуриш.

Республикаимиз аҳолисининг катта қисми, бир қаватли уйларда яшади ва ҳовлиларига ўрнатилган индивидуал ҳожатхона ҳамда канализация тизимларидан фойдаланишади. Бундан ташқари, ҳар бир алоҳида яшаётган хўжалик санитар – гигиеник, маиший - хўжалик эҳтиёжлари (ичиш, овқат тайёрлаш, қозон-товоқлар ва кир ювиш, ювиниш, суғориш ва бошқалар) учун сув ишлатишади. Ифлос оқова сувларни ва ҳожатхона чиқиндиларини тозалаш жуда ката санитар-гигиеник аҳамиятга эгадир.

Ушбу чиқиндилар нотўғри сақланса ёки нотўғри жойга жойлаштирилса аҳолининг соғлиги учун катта хавф туғдиради. Шунинг учун юқоридаги шароитда яшайдиган аҳоли ўз ҳовлиларига ифлос сувлар ва ҳожатхона чиқинди (нажас ва сийдик)ларини йиғиб оладиган махсус чуқурчалар ўрнатишлари лозим.

Умумий канализация тармоғи бўлмаган қишлоқ жойларида оқова – ошхона ва ҳожатхоналардан чиқаётган ифлос сувлар қуйидагича йиғиб олинади.

1. Ҳожатхона ва маиший-хўжалик эҳтиёжларидан чиққан ифлос сувлар, ҳожатхона чуқурчасига узатилади.

2. Ҳожатхона ва маиший-хўжалик эҳтиёжларидан чиққан ифлос сувларни, қабул қилувчи чуқурчалар алоҳида-алоҳида ўрнатилади.

Ҳожатхона ва маиший-хўжалик эҳтиёжларидан чиққан ифлос сувлар узатиладиган чуқурча. Санитар-гигиеник ва маиший-хўжалик эҳтиёжларидан чиққан ифлос сувлар, ошхона ва хоммоларга қурилган махсус қувурлар орқали, ҳожатхона ўрнатилган чуқурчага узатилади. Чуқурча ва ҳожатхона ўрнатиладиган жой, яшаш жойидан ҳамда ичимлик суви олинadиган кудук ва ҳовузлардан камида 30 м нарида, пасткам жойларга, шамол ҳамда ер ости сувларининг йўналиши бўйлаб ўрнатилиши зарур (44-расм).




44-расм. Ҳовлидаги ҳожатхона ва канализация қудуғининг жойлашиш схемаси.

Чуқурчаларнинг деворлари сув ўтказмайдиган ва ўзидаги суюқликларни чиқариб юбормайдиган қилиб химояланиши лозим. Бундай чуқурчаларнинг ҳажми, оиладаги киши бошига 300 литрни сиғдириши ва камида ҳар 6 ойда бир марта тозаланишини ҳисобга олиб қазилади. Имкон булса ҳожатхона чуқурчасини ҳар ойда бир марта тозалаб турган маъқул Чуқурчадан олинган гўнг бошқа чуқурчага кўмиб ташланади. Ишлаб турган ва тозиланган чуқурча ҳамда кўмилаётган гўнгни хлорлаш лозим. Санитар-гигиеник қоидаларга асосан чуқурчадан чиққан гўнгни, гўнг сифатида фойдаланиш тавсия қилинмайди. Чунки унинг

а)

б)



45-расм. Оддий ҳожатхоналарнинг конструкциялари:

а-ёғоч; б-темир-бетон; 1-шамоллатиш қувири; 2-ахлат йиғувчи чуқурнинг қопқоғи; 3-сув ўтказмайдиган лойли девор; 4-бетон девор; 5-ахлат йиғувчи чуқур; 6-тутиш девори; 7-шамоллатиш тирқиши.

таркибида ҳар хил касалликлар келтириб чиқарувчи кўплаб микроблар борлиги сабабли, ерга солингандан сунг тупроқ орқали озука модда сифатида ўсимликларга ўтади. Ушбу озука моддаларидан озикланган ўсимлик мевалари ҳам микроблар билан зарарланади. Микроблар билан зарарланган мева ва полиз экинларини истеъмол қилган инсонлар ҳар хил касалликларга чалиниши мумкин.

Туман марказларида ички (уй) тизими умивальник, ванна, унитаз, ваннахонадаги душ ва қувурлардан иборат. Канализация ҳиди чиқмаслиги учун қувур тармоғи билан санитария асбоблари (ванна, унитаз ва бошқалар) орасига затвор-оқава сув ўтадиган ёйсимон эгилма қувур ўрнатилиб, уйдан чиққан сув аввало тиндиргичга, кейин ер ости қувурлари (ер ости фильтрацияси майдони)га қуйилади.

Оқава сув миқдори суткасига 3 м³ дан ошмайдиган уй-жойлар учун филтрловчи қудуқлардан фойдаланилади. Қудуқларга сув тиндиргич (септик) орқали оқиб ўтади. Тиндиргич уйдан 5÷20 м масофага жойлаштирилади. Канализация қудуқлари 1,2 м чуқурликда ётқизилади. Тиндиргични ғиштдан ва бетондан қуриш мумкин. Ёишт деворли тиндиргичнинг икки сирти цементли қоришма билан сувалади ва силлиқланади, асоси эса бетон билан қопланади.

Тиндиргич томи темир-бетон плитадан ёки смолаланган ёғоч шчитдан бўлиши мумкин ва унинг устидан рубероид қавати қопланиб, устидан 150÷500 мм қалинликда тупроқ билан ёпилади. Тиндиргичнинг энг қулай шакли-цилиндрикдир. Деворининг қалинлиги 250 мм дан кам бўлмаслиги керак. Уйдан тиндиргичгача уланган канализация қувири, тиндиргичдан чиқадиган қувурдан сал баландроқ жойлашиши лозим.

Тиндиргичдан тушадиган ва у ердан чиқадиган оқава сув тройник- (диаметри 100 мм ли уч тармоқли қувур)лар орқали бўлади. Улар оқава тушадиган ва чиқадиган жойларга ўрнатилади. Тройникларнинг устки тешиклари очик қолади, пастги тешиги эса оқава сув сатҳидан 400 мм пастда бўлиши керак. Оқава сувлар чўян, пластмасса, асбестоцемент, сопол қувурларда (диаметри 100 мм ли) оқизилади.

Тақсимловчи қудуқларнинг ички диаметри 400 мм бўлиб, цилиндрик шаклга эга ва

девори ғиштдан (250 мм қалинликда) ишланади. Агар қудуқнинг девори (150÷200 мм қалинликда) бетондан қурилса, унда унинг ички диаметри 700 мм олинади. Бу қудуқларнинг ҳам темир-бетон қопқоқлари бўлиб, устидан рубероид ёпилади ва 200÷400 мм қалинликда тупроқ солинади. Тақсимлаш қудуқларидан дренаж қувури бир, икки ва уч томонга йўналтирилиши мумкин. Дренаж қувурларига келаётган оқавани тўхтатиш ёки бошқариш учун қудуқ ичида ёғоч тўсгич-шибер (задвижка) ўрнатилади.

Тақсимловчи қудуқ ичидан қувурлар очиқ бетон новларга ўтади. Ҳар бир тармоқдаги дренаж қувури узанлиги 20 м дан ошмаслиги керак.

Ҳожатхона ва маиший-хўжалик эҳтиёжларидан чиққан ифлос сувларни, қабул қилувчи алоҳида-алоҳида чуқурчалар ўрнатиш. Участкадаги ҳожатхоналарга маиший-хўжалик эҳтиёжларидан чиққан ифлос сувларни ташлашнинг имкони бўлмаса, ҳар қайсиси учун алоҳида-алоҳида чуқурчалар ўрнатилади.

Участкадаги ҳожатхоналарни канализацияга улаш имкони бўлмаганда, улар алоҳида ҳар хил конструкцияларига асосан қурилади. Ҳожатхоналарни ҳар қандай материаллардан қуриш мумкин. Санитария талабларига кўра у қудуқдан 20 м масофада жойлаштирилади. Ҳожатхонанинг курсиси қопқоқ билан зич ёпилиши лозим. Ҳожатхона қуришда унинг ўрасига алоҳида аҳамият берилади. Ўра изоляцияланган ва зич бўлиши керак. Ёғоч ва темир-бетондан тайёрланган оддий ҳожатхоналарнинг конструкциялари 45-расмда келтирилган.

3. АДАБИЙ БЎЛИМ

Сув олтиндан азиз. (ривоят)

*«Сувни ҳаёт учун зарур нарса
дейиш гуноҳ, сув ҳаётнинг ўзидир»
(Ҳадислардан)*

Шаҳардаги чойхоналарнинг биридаги шарқираб оқаётган ариқ устига ўрнатилган чорпояда икки йигит дам олмоқда. Дарахтлардаги тўрларга осилган беданалар чиройли хониш қилмоқдалар. Дастурхонда барча нозу-неъматлар бисёр. Аччиққина қилиб дамланган кўк чой, кўзаларга солинган муздеккина булоқ суви ва қимиз, қази-қарта, мева-чева, нон ва ёғли патирлар. Дастурхонга иштаҳани очадиган ҳидлар таратиб турган қайноққина шўрва тортилди. Дўстлар иштаҳа билан шўрвани тановул қилишаркан улар ўртасида суҳбат қизиб кетди.

-Чойдан ол дўстим, шу десанг шаҳримизни, унинг мана бундай гўзал чойхоналарни яхши кўраманда. Қара ҳамма жой озода, тартибли, Сувларни шақираб оқиб туришини айтмайсанми.

-Ҳа, нимасини айтасан дўстим, шаҳримиз менга ҳам жуда ёқади. Биласанми дўстим, биздан анча узоқда бизнинг шаҳардан ҳам чиройли, гўзалроқ зиёратгоҳ шаҳар бор дейишади. Айниқса у ердаги булоқ сувлари шифобахшлиги билан ажралиб турурмиш. У шаҳарнинг чиройли табиатидан ташқари, гўзал асори-атиқи бинолари, улуғ инсонларнинг мақбаралари, дунё илмини ўзига йиғган жуда антиқа кутубхона, мадарасалар ва бошқа инсон кўли билан яратилган гўзаллик намуналари мавжуд дейишади. Фақат бир оғир томони-у ҳам бўлса ўша шаҳарга бориш учун жуда машаққатли етти кунлик саҳрони кесиб ўтиш лозим экан.

- Дўстим бир бориб кўрсак бўларкан, қийин бўлса нима бўпти, бойлигимиз ҳам ўзимизга етарли, бақувват туяларимиз бор. Шу баҳонада савдо-сотиғимиз ҳам жонланиб қолармиди.

-Бўлмаса бундай қилайлик, биттадан бақувват туяларимизни сафарга тайёрлайликда керакли нарсаларни олиб икки кундан сунг шаҳардан чиқиш дарвозаси ёнида учрашайлик. Сунг биргаликда бамаслаҳат йўлга тушамиз, нима дейсан?

-Яхши маслаҳат, бўлмаса омин, бўлажак сафаримиз беҳатар бўлсин, эсон-омон бориб келайлик.

Икки дўст ўринларидан туришиб уйларига отланишиб ва йўл тайёрлигини кўра бошлашибди. Шартга кўра улар икки кундан сунг, шаҳардан чиқиш дарвозаси ёнида юк ортилган туялари билан келиб учрашибди ва йўлга равони бўлишибди.

-Мана умримизда кўрмаган юртларни кўриб келамиз, ишқилиб сафаримиз хайрли бўлсинда дўстим.

-Сафаримизнинг яхши бўлиши ўзимизга боғлиқ. Мен яхши тайёргарлик кўрдим. Сувдан тортиб тузу қотган нонгача ҳамма нарсани ўзим билан олдим, насиб бўлса қийналмаймиз.

-Ҳа, кўриб турибман, олган нарсаларинг бир туя юк бўлибди, туянгни бели букулиб қолибди, бу ҳолада туянг жуду тез чарчаб қоладику. Лекин мен уларнинг ўрнига икки ҳамён олтин олдим. Бу олтинларга сен туяга юкланган нарсаларни барчасини сотиб олса бўлади. Ахир бекорга «Пул бўлса чангалда шўрва» деб бежиз айтишмаганку одамлар» деб кулибди.

-Албатта, ҳар ким топганини олади, лекин олтин ҳамма вақт ҳам жонинга аро киравермаслиги мумкин.

-Ҳи, хи, хи омон бўлсак кўрамиз дўстим, қани кетдик бўлмасам.

Улар йўлга тушишибди. Шаҳар ва қишлоқларни ортда қолдиришиб, йшлни саҳрода эттиришибди. Қуёш қаттиқ қиздириб томоқлар қақрабди. Йўлга олтин тангалар олган йигит сувсизликдан қийнала бошлабди, аммо дўстидан сув сўрашга ғурури йўл қўймабди. Улар йўлда давом этишибди. Ҳаддан ташқари сувсираган йигит ийманибгина

-Дўстим, кун пешиндан оғди, шаҳар ва қишлоқлар ортда қолиб саҳрода кетяпмиз. Иссиқдан томоғларим қақраб кетди. Бирпас дам олиб ташналигимизни қондирмасак бўлмайди, сувингдан берчи.

-Ҳаҳ, чида дўстим, йўлимиз ҳали узоқ, мен ҳам бир қултум сув ичганим йўқ, тоқат қилиб келяпман. Бунинг устига ҳув узоқдаги қуюнни кўряпсанми? Бўрон бошланадиганга ўхшайди. Йўлимиз яна чўзилиши мумкин.

Саҳрода кучли шамол туриб қум тузони кўтарилибди. Дўстлар бурон тўхтагунча пана-пастқамда жон сақлашибди. Улар йўлда яна олға давом этишибди. Қуёш шунчалик қиздира бошлабдики, йўловчилар сувсизликдан қийнала бошлашибди. Шунда сув кўтариб борётган йигит мешдан бир қултум сув ичибди. Мешдаги сувга интиқ бўлиб қараб турган дўсти иложсизликдан

-Эҳ, вой, воҳ, бўрон мени роса ҳолдан тойдирди, сувингдан бер, сувингдан бир-икки қултум бермасанг ҳолим хароб, мана сенга ўн дона олтин танга сувингдан узат.

-Эйй, олтинингни нима қиламан, сувни асрамасам бўлмайди, бу бўронда йўлимиз янада қийинлашади, ўзим ҳам бор-йўғи бир қултум сув ичдим холос.

-Менга қара, менга қара, дўстимсан ё душманам, майли олтинларимнинг ярмини сенга бераман, лекин менга сувингдан бер, илтимос!

-Бунинг ҳеч иложи йўқ, сув ўзимга керак, сувсиз қолиб ажалимдан беш кун бурун ўлишни истамайман. Бўрон ҳам пасаймоқда, тезроқ юрақолайлик.

Улар йўлда олға давом этишибди. Бўрондан сунг қуёш саҳрони жуда қаттиқ қиздира бошлабди. Сувсизликдан тинка-мадори қуриган олтинли йигит ғурурни ҳам йиғиштириб қўйиб, бир қултим сув беришини сўраб дўстига ялина бошлабди.

-Эҳ, воҳ, дўстим қара анча йўл юрдик, бошқа юргулик ҳолим қолмади, сув бер, сууув, бўлмаса ўлиб қоламан, ялинаман, ҳамма олтинларим сеники, барини ол, лекин менга тўйиб ичиш учун бир мартагина сувингдан беер, жон дўстим!

-Эйй, сув, сув, сув, майли сенга сув бераман, ма мешни ол.

-Раҳмат, раҳмат, раҳмат! – йигит ютоқиб сув ича бошлади.

-Сен, «Пул бўлса чангалда шўрва» деб бойликка бино қўйдинг. Оқибатда мени ҳам, ўзингни ҳам қийнадинг, истагинингча ич, менга сенинг олтинларинг керак эмас. Сени синаш учун шундай йўл тутганлигим учун мени кечир дўстим. Ўйлайманки, сув олтиндан азиз деган ҳикматнинг маъносини назаримда энди тушунгандирсан.

-Ҳа дўстим тушундим, ҳаммасини тушундим дўстим!

-Ҳа яхши, ҳув анави кўриниб турган бизнинг манзилимиз, сувга тўйган бўлсанг тезроқ етиб олайлик қани кетдик.

-Кетдик дўстим!

Зиёратлари тугагач, иккала дўст бамаслаҳат йўлга зарур нарсаларни олиб эсон-омон ватанларига етиб келишибди ва ўзаро дўстликда узоқ ҳамда бахтли ҳаёт кечиришибди.

Сув уволи. (хикоя)

- Ҳой Каримжон, нима қиляпсан, топ-тоза кран суви билан машинангни ювиб ундан чиққан ифлос сувни яна ариққа оқизиб қўйибсана, увол эмасми, ана ариқдаги сувдан олиб ювмайсанми, бир челақ сув билан мошинангни топ-тоза қилиб ювса бўладику.

- Э –э –э, Убайдулла ота, ҳа деб бурнингизни тўғри келган ишга тикаверасизми, ахир водопровод суви билан машинамни юваётган бўлсам, бу сув учун пулини мен тўлаб қўйганманку, сиз тўламагансизку.

- Э —э —э қанақанги одамсан ўзи, ҳамма нарсани пулга чакаверасанми, пул билан ўлчанмайдиган муқаддас нарсалар ҳам борку ахир бу дунёда. Бир соат сув тўхтаб қолса югирасан челагингни олиб қўшни маҳаллага, агар умуман сув тўхтаб қолса нима қиласан?

- Бўпти мана ҳозир тугатаман, чойхонага тоза машинада борай деган эдим-деб пунғиллаганича водопровод қувурига уланган шлангдан келаётган сувни тўхтатди Карим “кичкина”.

Маҳаллада истиқомат қиладиган Карим “кичкина” тадбиркор бўлиб, ўз машинасида Қозоқистон, Қирғизстон ва Россияга қатнар, ўзимизда камёб молларни олиб келиб фойдасига сотиб тиркчилик қиларди. Ўзига тўқ, аммо ҳавойи бўлганлиги сабабли, маҳаллада уни кўпчилик ёқтирмасди. 6-синфда ўқиб юрганида 2-синфдаги бир ўқувчининг жиғига теккан ва ўзидан анча ёш-кичкина боладан калтак еганлиги учун уни маҳалла-куй орқаворотдан “кичкина” лақаби билан аташарди.

Убайдулла ота нафақага чиққунча қишлоқ мактабида физика ўқитувчиси, мактаб завучи ва директори лавозимларида ишлаб келган, Карим “кичкина”га ҳам вақтида физикадан дарс ўтган эди.

Ишларини тугатган Карим “кичкина” топ-тоза қилиб ичимлик сувига ювилган машинасини миниб, маҳалла марказидаги чойхонага кириб борди. Чойхонада уни энди йиғила бошлаган улфатлари кутиб олди. Улфатлари-ўзи билан бир синфда ўқиган синфдошлари ҳамда маҳалланинг ўзига тенгқур бошқа йигитлари эди. Бугунги улфатчиликка маҳалла йигитларидан бири, ҳозирги кунда Зарафшон шаҳрида меҳнат қилаётган Ҳасан геолог ҳам келган экан. Ҳаммалари шарқираб оқаётган канал устига ўрнатилган чорпояга чиқиб жойлашдилар ва яхши ниятлар қилишиб юзларига фотиҳа тортишдилар.

Улфатчилик бошланди. Дастурхонда йўқ нарсанинг ўзи йўқ эди. Кўнгилхуш ичимликлар, ҳар хил меваларнинг шарбатлари, газли-газсиз сувлар, кўк-қора чойлар. Қитъай-қитъай қилишгандан сунг дастурхонга паловхонтўра тортилди, суҳбат кизиб кетди. Дунё ва мамлакатимиздаги ўзгаришлар, Америка Президенти билан шимолий Корея раҳбари ўртасидги келишмовчиликлар, агар Америкалик баъзи сиёсатшуносларнинг гапи тўғри бўлса, Американинг янги Президенти Трампни сайловларда ғолиб бўлишга россиялик хакерлар сабабчи эканлиги, россиялик медик олимлар одамни қаритмайдиган дори ихтиро қилганликлари, қишлоқдошлари Ақрам амаки 71 ёшда бўлишига қарамасдан ўғил кўргани, ўтган куни ўғлини уйлантирган Юлдаш “бодрингчи” зикналик қилиб столларга арақ тортмагани ва бошқа янгиликлар тўғрисида роса суҳбатлашишдилар.

Карим “кичкина” пиёласида қолган чойнинг тагини чорпоя тагидан ўтаётган ариққа сепиб юборди. Бир оз вақт ўтиб сигаретасининг қолдиғини ҳам ариққа иткитиб юборди. Сигарета кетидан бир пиёла олма сокини сипқирди ва кутида қолганини яна пиёласига қуйиб, бўшаган идишни ариққа ташлаб юборди. Буни кузатиб турган Ҳасан геолог:

- Каримжон, иссиқ тафтини босиб сизга ҳузур-ҳаловат бағишлаётган ариқни мунча хор-зор қиласиз. Кузатиб турибман чойнинг тагини ҳам, сигарета қолдиғини ҳам, ҳаттоки шарбатнинг елим идишини ҳам ариққа улоқтирдигиз. Нима, ариқ сизга ахлатхонами? Ахир болалигимизда бу ариқда оқизоқ-оқизоқ ўйнаб нон ердик, сувини қалпоқларимизга солиб ичардик.

- Э —э —э, бугун нима бўлди ўзи сенларга, ҳамманг ақл ўргатасан, биринг машинангни водопровод сувига ювма дейсан, биринг ариқни ифлос қилма дейсан. Нима сенлар менга хўжайинмисанлар?

- Ҳеч ким сизга хўжайин эмас, лекин олдингиздан оққан сувнинг қадрига етмаслигингиз кўриниб турибди. Ахир ариқнинг пастида жойлашган қишлоқ аҳолиси шу ариқдан сув ичишади, мол-қолларини, экинларини суғоришади, барибир тушунмас экансиз, ҳайф сизга!

- Ҳа деб дағ-даға қилаверма, сув етти юмаласа яна тозаланиб кетаверар экан деб кўп эшитганман.

Ҳасан геолог “сенга гап уқтириб бўлармиди” оҳангида қўлини силтаб ўрнидан туриб кетди. Хуллас ўтиришга совуқчилик тушди. Ҳамма Ҳасан геологни ҳақлигини сезиб туришсада, бирор киши Карим “кичкина”га бошқа гап гапирмади. Ўтириш тугаб ҳамма уй-уйига тарқалди.

Икки кун ўтиб Карим “кичкина” навбатдаги сафарга тайёргарлик кўра бошлади. У сафарга доимо ўзининг “Нексия” русумли машинасида қатнаш эди. Майда-чуйда харажатларга асқотар деб боришда Россиягача машинасига 3 кишидан иборат йўловчи олар эди, икки киши орқа ўриндикда, бир киши ўзи билан олдинги ўриндикка жойлашарди. Йўловчиларни топиб, улар билан олдиндан йўл ҳақи ва кетадиган кун ҳамда соатини келишиб олар эди. Аксига олиб бу сафар Россияга борувчи йўловчилар топилмади, фақат бир киши Қозоқистоннинг Олма ота шаҳригача бориш истагини билдирди. Узоқ кутишнинг иложи йўқлигидан Карим “кичкина” бир йўловчини олиб йўлга тушди.

Карим “кичкина” қиш кунлари кундузи, иссиқ бўлганлиги сабабли ёз ойларида кечаси йўл юрар эди. Тонг отар-отмас йўлга тушишганлиги ва деярли дам олмасдан йўл босишганлиги сабабли, кун ботишга томон Олма ота шаҳрига кириб келишди. Йўловчини келишилган манзилга етказиб, сунгра ўзи қабилар тўпланадиган чойхонага борди. Овқатланиб бўлгач, чорпоядаги ёстиққа ёнбошлаб хаёл суриб, уйку элтиб кўзлари юмилиб бораётганини сизди ва хонага ўтиб кроватга чўзилди. Дам олмасдан узоқ йўл юрганлиги сабабли, тезда ухлаб қолди. Туш кўрибди, тушида машинаси билан шўр сувли жуда катта қудуққа тушиб кетган эмиш ва машина секин-аста Карим “кичкина”ни олиб пастга чўка бошлабди. Машина билан чўкаётган Карим “кичкина”нинг оғзи-бўрнига сув кириб ачиштира бошлабди ва нафаси сиқилиб типирчилай бошлабди. Пешоналарини тер босган Карим “кичкина” хансираб уйқудан ўйғониб кетди. Шашлик тайёрлаш учун чойхоначи кўмирни ўт олдирган ва очик қолган хона деразасидан кўмирнинг қоп-қора тутунини унинг димоғини ачитаётган экан.

Карим “кичкина” ухлаб қолгани ва вақт алламаҳал бўлиб, қуёш юқорига кўтарилиб тафтида атрофни қизитаётганини кўриб, кечга томон йўлга тушишни режалаштирди. Кунни бекор ўтказмасдан машинасини “полный бак” қилиб ёқилғига ҳамда телефонини “зарядка”га тўлдирди, йўлга озиқ-овқат, сув ва бошқаларни ғамлади, озгина мизғиб ҳам олди. Қош қорайиб озгина салқин тушиши билан Карим “кичкина” йўлга отланди.

Машина текис йўлларда елдек учиб борди. Сўнгра эса йўлни қисқартириш учун чойхоначи тушунтирган нотеккисроқ йўлга бурилди. Йўл анча ноқулай экан. Машина нотекис йўлда силкиниб силкиниб борди. Қоронғулик ичида биронта йилт этган ёруғлик кўринмади. Машина илгарилаб бораверди. Қандайдир ҳайвон машина ёруғида йўлни кесиб ўтди. Шофёр беихтиёр илкис тормоз босди. Ўнқир чўнқир йўлдан катта тезликда келаётган машина сирпаниб кетди. Шофёр машинани бошқара олмай қолди, машина чир айланиб, кўз юмиб очгунча бўлмай қандайдир дарага тушиб кетди. Карим “кичкина” хушини йўқотди. У ўзига келганда эса кун тиккага келган, тиззаси зирқираб оғирди.

Машина юмшоқ қум уюми устига тушган, ғилдираклари қумга ботиб қолганди. Карим кичкина бир амаллаб машинадан тушди. Атрофга аланглаб бир оз юрди. Оёғининг оғриганига чидолмади. Теваракда ҳеч ким йўқлигини билди. Ерга ўтириб олди. Тиззасини силамоқчи бўлганди жаззилаб оғриди. Тиззаси лат еганини сизди. Кўйлагини ечиб олиб тиззасини боғлади. Оғриқ бироз босилгандек бўлди. Томоғи қақраб сув ичгиси келди. Кўзлари билан изланди. Сув кўринмади. Атрофда кўмир қолдиқлари ва қумликлар бор эди. У эски кўмир шахтасига тушиб кетганини тушунди. Нима қиларини билолмай чорасизликдан қарахт бўлди. Бу жарликдан чиқиб кетишни иложи йўқ эди. Кун қизиб кетди. Ташналиги ортди. Ўз аҳволини мушоҳада қилишга ҳоли келмай, фақат сув топишни ўйлади. Ўрнидан туриб сув топиш илинжида узун ва кенг жарлик бўйлаб секин-секин кета бошлади. Анча илгарилади аммо сувдан дарак бўлмади. Кун қиздира бошлади. Тиззасидаги оғрик кучайди. Юраги қалтиради. Бир томчи сувга зор бўлиб атрофга жавдираб қаради. Ҳовлисидаги кечаю кундуз қрандан оқиб турувчи ичимлик сувини

эслади. Бехудага оқиб боғ томондаги ариққа бориб кўшилиб кетишини уволини биринчи бор ўйлаб кўрди. – Эссизгина, зилол сувни исроф қилар эканманда, - деди ўзига ўзи. Қани энди биир хўпламгина сув бўлсайди, - дея орзуланди. У кўшниси Убайдулла отанинг, - сув оллоҳнинг неъматиди, увол қилсанг бир куни сувнинг уволи тутади, сувнинг бир томчисига зор бўласан – деган сўзларини эслади. Энди тиззасидаги оғрик ҳам кучайди. Куз олди қоронғулашди. Ўтириб қолди. Хаёли қочди, - ҳовлида ариқ ёнига боришга эриниб, зилол ичимлик сувига машинасини юваётганмиш. Сувга оғзини олиб борса сув қочармиш. Охир бўлмагач машинасидан оқиб тушаётган ифлосланган сувга ҳовучини тутиб ичибди. Ичармиш–ичармишу, аммо ташналиги ҳеч қонмасмиш. У базўр кўзларини очиб атрофига қаради. Ташналикдан жони бўғзига келди. Кунгли озди, сувнинг уволи тутаетганини ҳис қилди, ҳушидан кетди.

Кўзларини базур очган Карим “кичкина”га айлана шаклидаги хона, унинг ҳар хил ёғочлардан терилган шипи-томи, тартибсиз сочилиб ётган қандайдир коса-товоқлар, соқолли чол алас-элас кўрина бошлади, ташқаридан итнинг ҳуриши эшитилди. Карим “кичкина” тирикманми ёки йўқми деган хаёлда қўли билан оёғини ушлаб кўрди ва оғриқдан кўзидан ўт чиқиб кетди.

-Ҳа турдингми қардош баурим, жуда кўп ухладинку. Мен сени кўмир шахтасидан кеча эрталаб топиб олган эдим, бир ярим кун ўзингга келолмадинг, ёмон хаёлларга бориб турган эдим, худойга шукур кўзингни очдинг. Қани туриб бир юз кўлингни ювиб олгин, овқатланамиз.

-Ота мен қаердаман, қандай бу ерга келиб қолдим?

-Мен чўпонман баурим, бир нечта кўйларим йўқолиб қолган эди, кўпинча улар мана шу шахтага тушиб кетишади ва қайта чиқиша олмайди, агар вақтида бориб чиқармасанг ўлиб қолишади. Кеча эрталаб шу кўйларимни ахтариб шахтага тушган эдим, кўйларни топа олмадим, аммо сени топиб олдим. Аҳволинг оғир, ҳушинг ўзингда йўқ эди, базур шахтадан чиқариб эшагимга ортиб олиб келдим, яхшиям кўйларим йўқолиб шахтага тушган эканман, бўлмасам аҳволинг не кечарди, оллоҳим сени бир ўлимдан асраб қолди баурим. Карим “кичкина”нинг ичи музлаб кетди, бир ўлимдан қолганини ҳис қилди.

Карим “кичкина”нинг аҳволи оғир эди. Қаттиқ урилишдан унинг ўнг оёғи шишиб кетган, қўл тегизилса жизиллаб оғиррди, бир қадам одимласа жони ҳалқумига келарди. Қозоқ чол унинг оёғига қандайдир малҳам суриб, малҳамни устини қоғоз билан ёпиб, эски-туски латталар билан боғлаб қўйди.

Чолнинг ўтови катта йўлдан анча олисда жойлашган, бирор кишига хабар беришнинг ҳеч имкони йўқ эди. Қозоқ чол жуда барвақт туриб кўйларини ҳайдаб яйловларга олиб кетар, кеч қайтар, овқатланиб бўлишгандан сунг жуда тез ухлаб қолар эди. Чолнинг гапига қараганда ҳар 15-20 кунда унинг ўғиллари унга ичимлик суви ва озиқ-овқат олиб келишар экан, куни кеча келиб кетишибди.

Кунлар бир зайлда ўтар. Қозоқ чол эрта кетиб кеч қайтар, Карим “кичкина” кун бўйи зерикиб ўтирар, бунинг устига бир кишига мўлжалланган сув ва озиқ-овқат ҳам ниҳоясига етиб борар эди. Карим “кичкина” ўз ҳолидан ўзи уялар, иложсизлигидан нима қиларини билмай ўзини ўзи койирди. Убайдулла муаллим билан Ҳасан геологлар айтган гаплар тез-тез ёдига тушар ва ўзининг нақадар ноҳақ эканлигини ҳис қиларди. Агар эсон-омон уйига етиб олса, улардан кечирим сўрашга, ўзи хор бўлса ҳам сувни ҳеч қачон хор қилмаслиққа, бир вақтлар ўзига ўхшаган бефарқ одамларга сув бўлмаса ҳаёт бўлмаслигини бир умр тушунтиришга бир кунда неча бор азму-қарор қиларди.

Баурим- деди бир кун қозоқ чол, ўғилларим яна 5-10 кундан кейин келишади, шунинг учун сувимизни ҳам озиқ-тўғимизни ҳам тежаб ишлатишимизга тўғри келади. Чўпон чол бу гапни ҳеч қандай қизғанишсиз гапирган бўлсада, ўзини айбдор деб сезган Карим “кичкина”га жуда оғир ботди. Унинг соғлиги кундан-кунга яхшиланиб борарди. Аммо сувни ҳам, озиқ-овқатни таги ҳам охирлаб қолган эди. Тўғри, қозоқ чол бирор та кўзичокни сўйса овқат бўларди, аммо уни пиширишга ҳам сув керак эди. Кўйлар ичадиган сув одамнинг ичиши учун яроқсиз эди.

Барвақт турган чўпон чол бир бўлак нон билан бир сопол товоқда сувни дастурхонга қўйиб, баурим мана бу сенга берадиган охирги емишим деб чиқиб кетди. Карим “кичкина” чўпон унга илиниб ўзининг охирги ризқини ҳам унга берганини, ўзи очнаҳор қўйларни яйловга олиб кетганини сезиб турарди.

Ҳолсизланиб ухлаб қолган Карим “кичкина” гуриллаган машина овозидан ўйғониб кетди. Секин юриб ўтовдан чиқди.

-Кимсен?, “Прадо” маркали машинадан тушиб қўл телефонида ким биландир гаплашиб келаётган йўгон гавдали йигит савол билан Карим “кичкина”га мурожаат қилди. Улар ўтовга киришди ва Карим “кичкина” бўлиб ўтган барча воқеаларни чолнинг ўғлига сўзлаб берди, ҳаттоки ўзининг сувга бўлган илгариги муносабати ва шу туфайли ҳаётдан олган сабоғи, ва бундан кейин сувни қандай қадрлаш кераклиги тўғрисида тўлиб-тошиб сўзлади.

МИРТОҲИР

Сув кадри. (кичик ҳикоя)

Сигирини қидириб юрган Сунбула роса чарчаган экан. Йўл бўйидаги шохлари синдириб олинган ёлғиз қайрағочни тагига келиб ўтирди. Офтоб қиздиргандан- қиздирди. Сунбуланинг томоғи қақраб кетди. Ўрнидан турди. Анчагина чўлнинг ичкарисига кириб кетганини пайқайди.

Атрофда ҳеч зоғ кўринмайди. Яқин ўртада отар бўлиши керак эди. Аммо, атроф жимжит. Сунбула қўлидаги аллақачон суви тугаб кетган шиша идишни тагига яна умидвор қаради. Қуп- куруқлигини кўриб отиб юбормоқчи бўлди. Аммо, фикридан қайтди. Сув топилса, солишга идиш бўлгани маъқул деб ўйлади. Чанқоғи кучайди. Йўлни чамалади. Ҳали бери катта йўлга чиқолмайди. Яқин кўриниб турган қум барханлари оралаб юриб чўпонлар айтган эски қудуқни топиш мумкинлигини ўйлади. Ташналикдан қутилиш учун ўша томонга йўл олди. Қум барханларини ошиб ўтар экан кўз олдида ёввойи бир гўзаллик намоён бўлди. Янтоқ, шувоқ каби ўсимликларни шохларида рангбаранг қушчаларни учиб-кўниб юрганини кўриб завқи ошди. Оёқ остида ўсган исириқларни юлиб олгиси келди. Лекин кўтариб юриш дахмасидан қочди. Илгарилаб бораверди. У тепаликдан бу тепаликка ўтиб юриб қудуқни кидирди. Офтоб энди тепадан уриб бераётганди. Сувни излади.

-- Шу атрофда бўлиши керак эди-ку, тавба қаёққа йўқолди экан. Ёки адашиб кетдиммикин йўғ-ей, ундай эмасдир. Сунбула ўзига –ўзи гапираётганини фаҳламади ҳам. Яна ғудрана бошлади.

– Қизиқ, соат неча бўлди ўзи? Қуёш мунча қиздирмаса. Сувсизлик ёмон экан-ку, ташналикдан ҳеч ҳам бундай қийналмаганман. Эҳ, сувжон қаердасан. Топилақол. Сув менга раҳм қил, йўлимга чопиб чиқа қол. Чанқаб кетдим.

Сунбула ҳовлиси этагидаги сувга ҳар куни супиринди оқизиб юборишини эслади. Энаси ҳар доим уни бу ишидан норози бўларди. Сув бир куни ўзига зор қилади. Сувни ҳурматлашни ўрган деб кўп бора айтганини ҳам эслади. Уни бу ҳолга тушишига ўзи айбдордек туюлди. Сув топишдан умидини узиб ортга қайтмоқчи бўлди. Ортига бурилиб кета бошлади. Анча йўл юрди. Аммо сувдан ҳам, сигирдан ҳам дарак йўқ. Бир пайт қамишзор ичидаги эски зовурга дуч келди. Қамишларни икки ёнга қайириб ичкарилади. Сувдан умидвор бўлди. Зовур ичига қараб у ерда бир сигир дам олиб ётганини кўрди. Зовурда сув йўқ эди. Яхшироқ қараб ўзининг сигири эканлигини таниди. Қамишга осилиб, зовур ичига сигири ёнига тушди. Зовур ботқоқликдан иборат экан бир зумда тиззагача ботди. Қўрқиб кетди. Сигири дам олиб ётмаган, тўртта оёғи ҳам ботиб қолган экан. Сунбула тобора ботиб бораверди. Уриниб кўрди. Фойдаси бўлмади. Бир оёғини тортиб олса иккинчиси баттар ботаверди. Ёрдамга ҳеч зоғ йўқ, қўрқувдан юраги уюшиб кетди. Харакат қилавериб чарчади. Атроф тик қирғоқ экан бирон чиқиш йўли ҳам йўқ. Эҳ, бирон таянч нуқта бўлса

эди. Атрофга аланглади. Қамишлар қирғоқда қолганди. Ўйланиб туриб бирдан калласи ишлаб кетди. Сигирни бўйнига осилиб, оёқларини тез ботқоқдан суғуриб олди. Бир зумда сигир устига чиқиб қирғоққа отилди. Қамишларни чангаллаб тепага кўтарилди.

Кутилиб олиб бир оз нафасини ростлади. Сўнгра сигирига қаради. Сигир атрофдаги тик қирғоққа қараб - қараб қўяётганини пайқади. Сигир қай томон интилишни билмаётгандек эди. Сунбула теваракни пайпаслаб юриб, шиша синиғи ва бир бўлак учли темир топди. Бу эски трактор омочи эди. Шошилиб тик қирғоқни ўйиб пастга қиялик йўл ҳозирлашга тушиб кетди. Шунчалар ғайрат ва иштиёқ билан ишладики, ярим соатларда бинойидек зина ҳосил бўлди. Энди Сумбула сигирини чорлай бошлади. Қўлидаги бир сиким ўтни кўрсатиб –мах, мах, - деяверди. Ниҳоят сигир жонлангандек бўлиб қимирлади ва бир неча сонияда ясалган зинага чиқиб олди. Сумбула йиғлаб юборди. Сигирнинг бўйнидан кучоқлади. Бироздан сўнг қирғоққа чиқиб олишди. Сигир ҳеч нима бўлмагандек ўт ейишга тушиб кетди. Сумбула унга қараб ўтирди. Кеч кириб бораётганди. Сигирни калта бўйинбоғидан тутиб йўлга тушди. Бу ёғига сигирнинг ўзи йўл бошлаб кета бошлади. Кўпгина сувсиз қақраб ётган экин майдонларидан ўтиб, сув тошиб ётган далага ҳам етиб келишди. Сунбула ховучини тўлдириб сув ичди. Сигир ҳам чанқаб қолибди, сувдан бош кўтармай анча ичди. Сунбула эгатлардан тошиб чиққан сувни беҳудага дала четига халқоб бўлиб димланиб қолаётганини кўрди. Далада ҳеч зог йўқ. Кундузи сув талашиб муштлашишдан тоймайдиган, кечга бориб эътиборсиз бўладиган чала деҳқонлардан биринчи бор норози бўлди. Сувни исроф бўлиши унга ёқмади. Катта лоток ариқ томон юрди. Етиб боргач дамбани бураб сув йўлини тўсди. Сув тақсимотида тартиб ўрнатиш кераклигини ич-ичидан хис қилди. Сигирини етаклаганча режалар тузиб борди. Қишлоққа етиб келгач эса, уйига эмас хўжалик идораси томонга бурилди. Унда сув тежамкорлигига оид янги ғоя туғилганди.

Сув париси. (фантастик ҳикоя)

Чеки–чегараси кўринмас сувлик. “Паҳлавон” номли замонавий кема ҳам сувнинг даҳшат солиб гуввиллашидан, тўлқинларни асов отдек осмонга сапчишидан чўчиб қолгандек. Энг охирги технологиялар асосида ясаиб жиҳозланган кема ҳам ўз мувозанатини тиклолмай силкиниб турарди. Лангар учига реактив маёқ ўрнатаётган матрос навбатдаги силкинишдан қалқиб кетиб йиқилиб тушди. У палубага тушиши керак эди, лекин уни шамол кўтариб денгизга улоқтирди. У эс - ҳушини йўқотди. Сув тубига чўка бошлади. Шу зумда яна ўша, ёш пайтидаги аклини ўғирлаган ифори туйди. Таниди.

Бир зумдан сўнг кимдир уни кафтида кўтариб олиб кета бошлади. Ўз нафаси билан жонига ором берди. Жасур ғайри табиийликни сезиб турарди. Уни қандайдир ям-яшил, алвон гулларга тўла маконга олиб бориб бир муддат изоляторда сақлашди. Жасур уни сув тубидан ўша ўзи билган сув париси қутқарганлигини билди.

У ўзини мослашиш камерасидан чиқаришларини тахминан уч соатлар кутди. Ташқарига чиқиб илк хис қилгани, атрофни озодалиги ва тоза мусаффо ҳаво бўлди. Гўё соф ҳаво уни томоғини силаб ўтгандек, томирларини шодлантиргандек туюлди. Атрофга қараб ҳайърати ошди. Пахтани таниди. У бу ерда дарахтдек эди. Барглари катта- катта елпиғичдай, узун момик толали чаноклар нақд ош товоқдек келарди. Дала четидаги ғалати ойнаванд машиналардаги, ўзгача тамойиллар асосида ишловчи кўчма тўқув дастгоҳларининг узун шнурлари пахтани тўғридан-тўғри даладаги пахта дарахтларидан олаётган эди. Дастгоҳларнинг вазифаси теримчиликми ёки тўқувчиликми Жасур билолмади. Шовқин йўқ, майингина шитирлаш бор эди холос.

Жасурни овқатланишга таклиф этишди. Худди спорт кийимидек кумуш рангли ихчам кийимлар кийган қиз уни баланд ойнаванд уйга олиб кирди. Жасурнинг иссиққина чой ичкиси келди. Аммо унга қандайдир гиёҳ солинган сут беришди холос. Жасур бу ерда одам камлигига эътибор берди. Унга ҳамрохлик қилиб юрган қиздан сўради.

- Нега бу ерда одам кам?
- Одам бизда етарли, туғилиш эҳтиёжга қараб бўлади.
- Кексалик ёши неча ёш?
- Саволни тушунмадим, кексалик нима?
- Масалан бобо, бувиларнинг ёши нечада?
- Ҳа, менинг бобом 306 ёшдалар, дадалари билан Зооллогия тизимида ишлайдилар.
- Бобонгизни дадаси ҳам борми?
- Ҳа албатта.
- Балки, бобонгизнинг бобоси ҳам бордир?
- Йўқ, ўтган йилда оламдан ўтган.
- Ажабо, сизнинг ёшингиз нечада?
- Камолот ёшидаман.
- Камолот ёши неча ёшда бўлади?
- 100 ёшда.

Жасурда суҳбатни давом этказиш истаги қолмади. Тез- тез осмонда учар жисмларнинг пайдо бўлиши, тартиб интизом, биологик бошқарув тизими ҳақида керагидан ортиқ билишни истамади. Бу тартибли оламдан кўрқа бошлади. Бу ер ости дунёси ёки ернинг қиявонлигидаги оламми билолмади. Қиздан сув парисини сўради. Қиз унга мустаҳкам ойнаванд девор ортидаги сувликни кўрсатди. Жасур қиз ишора қилаётган орқа томонга қараб шоффоф сувда уларга қараб турган сув парисини кўрди. Унга кўл силтаб - олиб кет, - дея қичқирди. Унинг овози гулдирос солиб юборди. Олдидаги қиз кулоқларини бекитди. Жасур денгиз томонга югуриб кетди. Етиб боргач ойнаванд деворга суянган эди, ўз-ўзидан сувликнинг ичида пайдо бўлди. Шошилиб сув юзасига сузиб чиқди. Сув париси унга хайрихоҳ қаради.

Кетишни истайман, деди унга Жасур. Орага жимлик чўкди. Жасур зум ўтмай ўзини скафандр ичида кўрди. Сув париси уни олиб кета бошлади. Сув париси билан кетишар экан сув ости, одамлар томонидан қанчалик ташландиқлар билан тўлдирилганлигини кўрди. Йўқ нарсани ўзи йўқ эди. Ёғочлар, машина шиналари, шиша идишлар ва уларнинг синиқлари, ҳар хил қурилиш чиқиндилари, ўлган ҳайвонларнинг шишган таналари, қоғоз, картон, газетелар, эски газламалар, йиртилган балиқ тўрлари, ҳар хил ёғли идишлар, битум, асфальт қолдиқлари, пластмасса ҳамда полиэтилен чиқиндилари ва бошқалар билан тўлиб-тошган эди. Жасур сув париси олдида шунчалик хижолат эдики, бирор нима дейиш учун тилига гап келмасди.

Бирмунча вақтдан сўнг кема кўзга ташланди. Сув париси уни зумда манзилга етказганди. Жасурнинг хаёлида ўша кун, пари билан илк танишуви жонланди ...

Жасурнинг ярим тунда уйқуси қочди. Ота-онаси дам олишга кетганига уч кун бўлган бўлсада уларни қаттиқ соғиниб эслади. Ўрнидан туриб айвонга чиқди. Ҳавлидаги бир ҳовучгина суви бор бўлган ҳовузчага қаради. Ҳовузча четида сиёҳранг гуллар очилиб турарди. Бу гулларни ўтган йили иккинчи мучал ёшини нишонлаш арафасида бозордан сотиб олганди. Бу гул кўчатларни сотган кампир унга – қизларимни эҳтиёт қил, сувсиз қолмасин – дегани ёдига тушди. Жасур қари кампир гулларни эркалаб қизларим дер эканда деб ўйлаб, кулимсиради. Бироз ўй суриб турдида ҳар доимгидек кўчага чиқди. Қўшнисининг дарвозаси олдидаги шарриллаб сув оқиб турган кранни бекитиб қўйди. Кўча бўйлаб оқиб ўтган тош ариқнинг лойқа сувига жимгина қараб ўтирди. Кўча ёруғ эди. Сув жуда ифлосланган. Сув юзасида чиқинди мойлари қалқиб, турли туман нарсалар сув юзини тўсиб турарди. Сувнинг ранги кўримсиз зангори эди. Жасур яқингинада сув хўжалиги бошқармаси ташкил этган курсда ўқиб келган ва шаҳар сув хўжалигида иш бошлаганди. Авваллари сув билан иши йўқ эди. Эндиликда эса одамларни сувга бўлган муносабати бу қадар ёмонлигидан ларзага келаётган ва маҳалла кўйда учраган сув тизимини таъмирлашни бурчидек билмоқда эди. Очиқ турган жўмакларни ёпар, сувни қадрламайдиган, унга чиқиндиларни ташлайдиганлар билан доимо уришувли бўларди. Лекин тарғиботлардан фойда бўлмаётган эди.

Жасур ота-боболардан қолган ибрат-тахорат олишдаги сув тежамкорлигига риоя этилиши ҳақида ўйлаб қолди. Сувнинг пок сақлашни, тежаб ишлатишни ҳам кундалик қондаси бўлиши кераклигини ҳис қилди. Шаҳар бошқа шаҳарлардан ҳам тоғлардан ҳам олисда, денгизга яқин жойда эди.

У эрталаб ишга бориб, кўнгилга ғулғула солувчи, чучук сув заҳираларини айланиши ўзгарганлиги ҳақидаги хабарни эшитди. Шаҳарга шундоққина яқин денгиз, шиддат билан шаҳардан узоқлашмоқда эди. Сувни бошқариб бўлмас, у сатҳи пасайиб кетаётган ўз ўзани томонга ошиқиб борарди. Шулар ҳақида ўйлаб боши қотди. Шаҳар ҳокими чорлови билан ҳозир бўлган олимлар ҳам бирон нима қилишга ожиздай туюлди. Кекса бобосининг сув эшитади, тушунади, сув тирик мўъжиза - деган гапларини эслаб ҳижолат тортди. Атрофидаги мусаффо сувга ёрдам беришни ўйлай олмаганидан дили оғриб кўча кезиб юрди. Сув балки эътиборсизликдан, ёмон муносабатдан қочиб кетаётгандир деб ўйлади.

Жасур кўча четидаги ариқ бўйлаб борар экан бирдан қулоғига инграган нолиш чалинди. Ариқ сувидан ярим белигача чиқиб турган нозиккина кўғирчоқдек ёш қизга кўзи тушди.

Уни олдига келди. Қизгинанинг ғайри – табиий нигоҳига қараб донг қотди. Нима деб ўйлашни билмади. Бирон сўз айтиш истаги йўқолди. Ҳушсиз қизни бир даста гулдек кўтариб ўз ҳовлисига ошиқди. Қиздан бегона хушбўйлик таралмоқда эди. Қизни чорпояга ётқизиб қўйиб, доктор чақирмоқ учун телефонга ёпишди. Шу пайт қиз ўзига келиб тоза сув сўради. Жасур ошхонага ошиқди челақдан бир коса сув олиб чиқди. Қиз сувни симирди. Яна кўпроқ сув сўради. Жасур олиб чиққан бир челақ сувни бошидан қуйди. Кузлари чарақлаб кетди. Йигит уни эгнидаги яшил либосига бақатўнлар осилганига қараб унга бошқа либос берди ваннахонани кўрсатдида сўз қотди. Агар ўзингни яхши ҳис қилаётган бўлсанг ювиниб олишинг мумкин. Либосинг ҳам ёмон бўлиб қолибди. Қизча навдадеккина абжир эди, жилмайиб бош ирғадида ваннахонага кириб кетди. Жасур энди бафуржа ўйлай бошлади. Бу ким, ариқда нега тун пайти йиқилиб ётибди экан? Жавоб топа олмади. Жуда кичик ва жуда гўзал экан деган фикр-ҳушини олди. Тонг яқинлашиб қолганди. Нонушта тайёрлади.

Қиз ваннахонада узоқ қолиб кетди. Жасурнинг хавотири ошди. Эшикни таққиллатиб чақириб кўрди. Жавоб йўқ. Ичкарига кириб қизнинг ванна тўла сувга кўмилиб олганини кўрди. Қизнинг ярми балиқ эди. Қўрқиб кетди. Аммо қандай куч таъсирида билолмадикуя, кетишга ошиқмади. Қараб тураверди. Қиз ванна тагида хотиржам ухлаётган эди. Жасур ўзидаги ўзгаришга хайрон бўлди, у нималарнидир тушунаётгандай эди. Бироз қараб турдида, сўнгра, индамай чиқиб кетди. Ниҳоят тонг ёришиб кун тиккага келди, қиздан бўлса дарак йўқ. Жасур ҳавотирланди ва яна ваннахонага кирди. Жимгина сув тубида кўзларини юмиб ётган қизга мурожаат қилди.

-- Мунча уйкучи бўлмасанг, чиқ сувдан!

-- Вой, ухлаб қолибман, тоза сувга етолмай қийин аҳволда эдим—дедида қиз ундан чиқиб туришини сўради.

Жасур чиқиб кетди. Ўзини эртақда юргандек ҳис қилди. Бу унга ёқди.

Бир оздан сўнг қиз ҳам чиқиб келди. Жасур ундан исмини сўради.

-- Исм маслакка мос бўлиши керак менинг исмим “қут-барақа” эди, ҳозир эса исмим “тоза сувга зор”, мен ёрдамнингизга муҳтожман, мени тоза сув бор жойга элтиб қўйсангиз яна “қут-барақа”га айланаман, бундан ҳаммага наф бўлади деди қиз.

-- Сув париси эканлигингни билипман, аммо, сўзларингга тушунмадим? – хайратланди Жасур унинг сўзларидан.

-- Менинг онам сув оқими билан келиб қолган, кутилмаганда мен туғилдим.

-- Мени олиб кетолмас эди. Менга улғайишим учун тоза сув керак эди.

-- Мени гул коса ичига яшириб гулни сизга сотди, онам ҳовлингизда тоза сувли ҳовуз борлигини биларди. Мен сизларнинг тоза сувли кичик ҳовузингизда улғайдим. Тез-тез кўчадаги катта ариқча ҳам бекиниб чиқиб юрардим. Катта ариқ суви ифлосланиб кетибди, мен унга тушиб қайтиб чиқолмай қолдим. Бор гап шу холос. Ҳовузчаларингиз

суви ҳам чиқиндига тўлди. Яшаб бўлмаяпти.

-- Жасурнинг кўнглида жентльменлик уйғонди. Қиздан сўради.

-- Қандай ёрдамим тегиши мумкин?

-- Мени денгизга элиб қўйсангиз. Менга ярим соатда етиб бориш имкони керак. Чунки сувсиз бундан ортиқ туролмайман.

-- Демак кетиб қолмоқчисан шундайми? Эндигина танишдик-ку? Қолгин.

-- Балки бир куни ҳовлингиздаги, кўча ариқларидаги сувлар зилол бўлар ва бизнинг яшашимизга шароит яратилар. Обиҳаёт мусаффо бўлса, баҳрамандлик яхши натижа беради. Шунда биз ҳам бир оғимиз зилол сувда, бир оғимиз қуруқликда яшай оламиз.

-- Ҳа, бир куни бундай мусаффоликка эришамиз албатта, шунда қайтиб келасан тўғрими?

-- Ҳа, келаман.

-- Ваъда берасанми?

-- Ваъдани ёлгон сўзловчилардан сўраш керак. Биз ўз сўзимизни жуда эъзозлаймиз, амалиётини таъминлаймиз.

-- Ол, мевалардан тўйгунча еб ол. Мен ҳозир машина топиб келаман, денгизга бир зумда етамиз.

Қизнинг нигоҳи ҳайратланарли даражада чараклаб атрофга хушбўй ифор таралди, унга ширин сўз жуда ёққанди. Жасур бундай бегона гўзалликни, бундай хушбўйликни аввал учратмаган эди. Мамнун бўлиб ўтирди. Улар кулишиб хушчақчақ бўлишди. Шу куни йигит қизни кетишини истамаган бўлсада, олиб қолишга шароит йўқлиги учун денгизга элиб қўйганди. Чунки, сув парисига тоза зилол сув керак эди.

Шаҳардаги аҳолининг бепарволиги Жасурни жаҳлини чиқарар, сувдан фойдаланишни назорат қилувчи ташкилотда ишлаётганига кўп бўлмасдан аксарият одамларнинг кўзига балодек кўриниб қолганди. Шаҳарнинг шимолий ғарб томонидан оқиб ўтувчи марказий каналнинг бўйларига қурилган молхона, товуқхона, чўчқахоналарнинг оқова сувдан анча нарига кўчириш ҳақидаги талаблари кўпчиликка ёқмади. Оқибат ишдан бўшатилди. Мана энди кемада эпчил матрослардан бири бўлишга уриниб ётибди.

Сув париси унга ҳар замон кўриниш берар, ундан нималарнидир кутарди. Кемадаги чиқиндиларни сувга улоқтиришган пайтларда Жасур сув парисидан уялар, ичкарига кириб кетарди.

Сув париси уни зумда кема ёнгинасига келтириб қўйди ва ўзи кўздан ғойиб бўлди. Жасурнинг юрагида катта масъулият юки пайдо бўлди. Ўзи атрофидаги табиатни асраш ва поқлигини таъминлаш учун жуда кўп иш қилиши кераклигини ҳис қилди. Айни пайтда бунга тайёрлигини ҳам сезд.

Табиат билан уйғунлик. (қатра)

Ҳамкасблар тоғга дам олишга чиқишди. Холида саёҳат давомида миқ этмай борарди. Улар тоғ ёнбағридан тепага қараб кетишаётганди. Ҳамма бир-бирига гап сотиб борар, кимлардир қўшиқ ҳам хиргойи қилаётганди. Табиат қўйнидаги зиёфат учун кўтариб олган масаллиқларини қандай пиширишни маслаҳат қилиб боришарди. Фақат ўша ёруғ сайхонликка етиб келишганларида Холида бирдан уйғонгандай бўлди. Ўша ерда туя боқиб юрган кампирнинг-анави чиройли кўринган сайхонликка чиқманглар, беҳосият жой-деб огохлантиришига қулоқ тутмай, илгарилади. Уни нимадир чорлагандек туюлди.

Тоғ чўққисидан шарриллаб оқиб тушаётган сув, тоғ ёнбағридан туртиб чиқиб турган харсанг тошларга урилиб ҳар томонга сачраб турибди. Заррин сув томчилари биллурдек тиниқ эди. Юракни ҳаққиртирадиган бокиралик бор эди унда. Холида тасаввурида харсанг тошларни чўмилаётган айиқ болаларига ўхшатди. Биллур сув тепадан бир чиройли бўлиб тушиб келар, гўё қалбига тоғ ишқини жойлаб олган ҳилқат каби гузал ва виқорли эди. Чўмилаётгандек кўринган “айиқ болалари” эса янада уни сахий

ва мурувватли кўрсатмоқда. Оламда биллурдек зилол сувданда гўзалроқ, саховатли, мушфиқ ва меҳрибон эзгуликнинг бошқа тимсоли бормикин. Оллоҳнинг сувдек бебаҳо неъматини таърифлашга суз топиш қийин. Кўнгилда шукроналик уйғонади. Сувдек қадри баланд неъмат олийнинг асраб авайлашдек бурч ўзини эслатади. Бундай ҳолат, кўнгилдаги ҳижолатпазлик, ҳалимлик, соддалик, оддийлик табиат кўйнига чиққандагина рўй-рост ўзини кўрсатади. Холида бир оз анграйиб турди-турдида, рўпарасидаги “Ажина уяси” деб аталувчи сайхонликка кўркмай югуриб чиқди. Ҳайратланиб аланглади, сўнг шалоладек жаранглаган товушда ўз-ўзидан кулиб юборди. Кулгуси акс-садо берди. Атроф фавкулодда жуда гўзал эди. Холида бу ерни хосиятли “Аномал зона” эканлигини сезди. Ёш қизалокдек қувониб айланди. Митти гулчалардан гулчамбар ясаб бошига кийди. Рақсга туша бошлади.

Гўё шабода моддийликка айланиб, уни кучоқлаб айлантираётгандек. Бу ерда ҳамма нарса ажойиб эди. Гулларнинг ифори ўткир, хаттоки ниначини қанот қоқиши ҳам эшитилади. Митти қушчаларнинг қанот қоқиб учиши шовқинли, капалакларнинг йирик кўзлари кулиб, ҳайратланиб қарайди. Гулларнинг ифори чорлаб ортидан эргаштиради. Холиданинг юраги завқ-шавққа тўлди. Гулчечаклар ҳидини симира-симира, хушбўйликдан маст бўлиб ифорлар ортидан югурди. Ёнбағрликда тўхталиб, ийманиб турган сулувдан сулув гулчаларни ўпа кетди.

Титраб турган қизғалдоқни нафис, кучсиз ифорини ҳам ҳис қилди, туйди. Унинг қаршисида тиз чўқди. Унинг ожизгина, камтаргина туришига ва айни пайтда жуда нозик, жуда ошқора гўзаллигига лол қаради. Шабодага суяниб ўрнидан турди, бойчечаклар бош кўтарган бу сайхонлик, жажжи бўтакўзлар қарсак чалаётган бу сайхонлик жуда жуда гўзал эди.

Уруғ ташиб юрган чумолилар оёғи остида ўрмалашарди. Уларни босиб олмаслик учун четланиб бориб, забардаст қоя тагига етиб борди. Сув қўшиғи хаёлини олди. Сув қуйлаётганди, аммо у буни энди эшитди. Нигоҳлари билан уни ям-яшил бутасимон ўсимликлар орасидан қидириб топди. Оҳ, мунча гўзал, мунча зилол бу шаршара. У тоғ тепасидан тушиб келаётган сувнинг жилдираган, қўнғироқдек қўшиғига жўр бўлди. Овозидаги шикасталик ўзига ёқди. Сув овози юрагининг туб тубигача етиб борди. Вужуди таранг тортилган Уднинг ипидек созланди мулоиймлашди.

Бутун вужудида енгиллик, ором уйғонди. Соч турмагини ечиб, шаршара сувига ювди, кўйлаклари шалаббо, қувончи эса чексиз бўлди. Табиат билан уйғунликни ҳис қилди. Сувни меҳрибонлигини билди. Сувни муздек лекин ёқимли кучоғидан чиққиси келмади.

Сайхонлик четидаги шериклари уни бу ҳолатига ҳайратланиб қараб туришарди. Улар туя сути билан сийлаётган кампирнинг ташвишли сўзидан хушёр тортишди.

- Ана шерикларингни ажина чалди, чилдирмасига ўйнатиб, энди сувга пишаяпти. Уни қутқариб олиш керак. Ҳар доим эмасу, лекин, сутдай ойдин тунларда ва шундай шукуҳли кунларда ажиналар ҳам сайрга чиқишади. Ёўлидан чиқиб қолган анови киздек қулоқсизларни довдиратиб кетади.

Саёҳатчилар бу сўзларга ишониб-ишонмай турган бўлсаларда, хавотирлари ортди. Сўнг улардан иккитаси Холидани қайтариб олиб келиш учун ўрнларидан туришди.

Кампир яна огоҳлантирди.

- Сизлар журналистлар экансиз, мен бу соҳа одамларини яхши кўраман. Лекин айтиб қўяй, Сайхонликка шоирлар кирмасин.

- Нега? –ҳаммалари баробар ўгирилиб кампирга қарадилар.

- Негаки, шоирларнинг руҳий қобиғи юпқа, таъсирчан бўлади, шу сабаб уларни ҳам тез жин чалиши мумкин. Атрофга анграймайдиган саал, кўнгли қаттикроғларинг боринглар.

Холидани қаршилигига қарамай сирли сайхонликдан олиб чиқишди. У бўлса, ҳаммани сайхонлик сиридан баҳра олишга ундарди. Шериклари уни аяган бўлишди. Сени саалгина жин чалдиёв дейишди. Ёўк, -менга табиат қалбини очди, сизларни бу бахтдан бебаҳра қолаётганингизга ачинаяпман, - деди Холида ва шерикларини сўзига ишонтира олмагач, ҳеч кимга қарамай ортига-шаҳарга қайтиб кетди. У саёҳатдан оладиган завқни, руҳий қувватни олиб бўлганди.

Инобат СУЛТОН

Ш Е Ъ Р Л А Р.

Тарихларда қолган денгизим.

Осиёнинг қоқ марказида, барқ урарди бир чексиз уммон,
Берунийнинг тасаввурида, Танис* эди бу тенгсиз уммон.
Жўғрофия аҳли дер уни, ҳа бу юз миллион йилдан нарида,
Замин ютиб сувларин уни, ғойиб бўлди унинг қаърида.

Қолди Орол мерос бўлиб, шу уммоннинг асли-наслидан,
Турон деган саҳрода қалқиб, ранг оларди осмон аксидан.
Ҳаёт берар Тянь-шань, Помир, бағридаги бор бисотидан,
Сув ташийди иккита томир, шу тоғларнинг саховатидан.

Орол деган асли қуруқлик, уммон суви узра бир нордир,
Орол энди шунчаки қумлик, башардан у ёрдамга зордир.
Оллоҳ берган обу-ҳаётни, ўйламасдан кадр-қимматин,
Инсониятнинг тараққиёти, билмади ҳеч неъмат қийматин.

Чўлқуварлар атом асрида, чўлда боғу-бўстон яратди,
Шоирлари илхом таъсирида, бунга қўшиқ, дoston яратди.
Бироқ, Аму ва Сир сувларин, олиб кетди саҳро қаърига,
Қанча чўзса томирларин, етказолмай Орол бағрига.

Денгиз тубин тузли чанглари, кезмоқдадир мовий кенгликда,
Эримокда муз ҳарсанглари, муҳит энди салбий тангликда.
Денгиз сувга тўлмайди, бироқ, муаммодир чучук сув ўзи,
Биз истаган бўлмайди, бироқ, ёрилсаям минг булоқ кўзи.

Мен Оролга саёҳат қилдим, кўраяпман инсон изларин,
Башар қилган заҳматни билдим, ҳаёт қоплар қумли тузларин.
Ўрмонзорга айланар саҳро, яшилликка бурканар замин,
Жонзодлар ҳам олади баҳра, кўриб буни мен бўлдим амин.

Ватанимнинг узоқ ғарбида, гуллаган бир шаҳарни кўрдим,
Қат кўтарган унинг бағрида, яшил фаслу-баҳорни кўрдим.
Халқ заҳматин кузатдим бир паст, Мўйноқ Сити бўлмоқда бунёд,
Лас-Вегасга қилмайман ҳавас, менга Мўйноқ унданда зиёд.

**Элдошимиз Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича: “Турон заминидagi энг катта Қора ва Қизилқум саҳролари қачонлардир, баҳри уммон остида бўлган”. Беруний буни Танис (Танаис) океани деб атаган.*

Миллион йиллар давомида Ер қобизидagi кучли геологик ўзгаришлар, тектоник ҳаракатлар, zilzilалар туфайли океан сувларининг бир қисми Ҳинд океанига чекинган, Марказий Осиёдаги Озар (Хазор) Каспий денгизи ва Орол кўли ундан мерос қолган.

**Каландаров Бахтияр Рахимович,
Ўзбекистон Экологик партияси Урганч шаҳар ташкилоти раиси**

С у в б у – ҳ а ё т.

Сув бу – ҳаёт манбаи
Дея хурсанд бўламиз
Аммо сув қандай келар
Буни ўйлаб кўрмаймиз.

Ер юзида сувлар кўп
Харитага қарасак
Аммо ичимлик суви
Етарлича эмас хўп.

Азизларим бу мавзуга
Лоқайд бўлманг ҳеч қачон
Бонг урайлик дунё бўйлаб
Сувни тежанг ҳар қачон.

Бу борада тарғиботчи
Бизмиз азиз устозлар
Бежизга айтилмаган
Сув – ҳаётнинг шарбати.

Эшгўраева Шарофат
Сурхондарё вилояти Шеробод тумани 52-мактаб Биология фани ўқитувчиси

Сув, сув, сув ва яна сув ҳақида.

Гулоб шарбатини тўйиб ичсанг ҳам
Сувсиз ташналигинг асло бўлмас кам
(Х. Деҳлавий)

Сувсиз ҳаёт йўқ. Буни ҳаммамиз биламиз. Сув билан табиат жонланади, ҳаёт ниш уради, яшашга ошиқади, куч қувватга киради. Ҳаёт жилваланади.

Сув учун давлатлар ўртасида даҳшатли урушлар олиб борилган, сув йўлини ўзгартиганда унинг қирғоқларидаги гуллаган водийлар ер юзидан йўқолиб кетган, сув манбалари қирғоқларида қудратли давлатлар вужудга келган. Ҳаттоки қиз болага совчилар келганда, қизнинг яқинлари совчилардан йигитнинг турар манзили сув келадиган ариқнинг бошидами ёки охиридалигини сўрашган. Агар йигит ариқнинг охирида яшайдиган бўлса, қизни унга беришга рози бўлишмаган.

Сув Оллоҳ берган неъмат. Сувни боболаримиз эъзозлаганлар. Сув ҳамиша табиатнинг асосий унсури деб қаралган. «Сувга супринди ташлама», «Сувга тупурма», «Қудукқа тош ташлама», деган гапларга кишилар риоя этганлар. «Оқар сув бошида яшайдигинлар асал ичади, сув охирида яшайдиганлар захар ичади» деган гаплар бежиз айтилмаган.

Ўзбек халқи учун сув доимо муқаддас саналган. Ноннинг ушоғи ҳам нон бўлганидек, сувнинг томчиси ҳам сувдир. Сувнинг бу дунёда муқаддаслиги, азизлиги рост. Ҳеч биримиз инкор қилмаймиз. Ислом тарихига оид китобларда ёзилишича, охиратда Оллоҳнинг назари тушган бандаларга куч-қувват бахш этиш учун аввал Ҳавзи кавсардан сув тугилар экан. Гуноҳкорларга бу сувнинг бир томчиси ҳам насиб бўлмайди. Демак, сув бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам азиз, муқаддас экан.

Ҳалқимиз учун сув шунчаки «ҳаётий муҳим модда», шунчаки «ресурс» эмас, балки аввало улуғ қадриятдир. Умумбашарий қадриятларимизга мувофиқ қадимда Наврўзнинг биринчи ўн кунлиги сув байрами сифатида нишонланар экан. Ҳозирги кунда 22 март бутун дунёда «Сув куни» деб байрам қилинади.

Табиат, сув ва инсон.

Сув табиатнинг энг ноёб, нодир ҳамда бебаҳо бойликларидан бири ҳисобланади. У бутун тирик жонзот, инсон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси учун ҳаёт, яшаш манбаидир. Сув табиий атроф-муҳит мувозанатини сақлаб, уни мўътадил ҳолатда ушлаб турувчи асосий омил ролини ўйнайди. Шунингдек, сув саноат, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун асосий ишлаб чиқариш воситалардан ҳисобланади.

Сув ҳаётимизнинг мазмуни, умримизнинг бир бўлагидир. Сайёрамизда сув пайдо бўлганидан кейингина ҳаёт пайдо бўлган. Шу сабабдан ота-боболаримиз сувни тоза сақлашга, ундан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берганлар.

Дарвоқе, сув инсоннинг нафақат нафсини, чанқоғини қондиришга, балки уни поклаш учун, иймонини, эътиқодини мустаҳкам сақлаш учун ҳам зарур бўлган табиий воситадир. Сув беҳад катта қудратга эга. У энг митти гиёҳдан тортиб, жамики жонзотга ҳаёт бахш этади. Бизга қувонч, яхши кайфият бағишлайдиган, турфа гуллардан тортиб, барча боғ-роғлар, полиз экинлари сув билан тирик.

Тарихшунос олим С.А. Семеновнинг хулосасига кўра қадимги цивилизация ўчоқларида (Миср, Месопотамия, Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё) бирон бир қабила, миллат, ёки давлатни босиб олиш учун авваламбор уларни сувсиз қолдирганлар. Бунинг учун душманлар дарё, канал ёки ариқларда ўрнатилган сув иншоотларидан фойдаланганлар, яъни улар орқали сувни тўхтатиб қўйганлар, аҳоли пунктига оқаётган сувни бошқа жойларга буриб қишлоқ ёки шаҳарларни сувга бостириб юборганлар. Ҳозирги кунда ҳам, айниқса иссиқ ва суғорма деҳқончилик тарқалган ўлкаларда, сув иншоотлари миллат ва давлат хавфсизлигини таъминлаб турувчи омил сифатида қаралади. «Сув учун кураш ҳаёт учун кураш» деб бежиз айтишмаган. Зеро, инсоният ҳаёти давом этиши учун одамлар сув манбаларини, аввало тоза тутишлари, сунгра эҳтиёт қилишлари лозим.

Сувнинг кенг тарқалганлиги ва унинг инсонлар ҳаётидаги аҳамияти катталиги туфайли қадимдан ҳаёт манбаи ҳисобланади. Қадимги дунё файласуфларининг фикрича, сув тириклик учун зарур бўлган 4 унсур, яъни олов, ҳаво, тупроқнинг биридир.

Жумладан, тарихий-адабиёт ёдгорлигимиз бўлмиш Авестода сувга алоҳида муносабат билдирилган. Тоза сув билан боғлиқ кўл, қудуқ ва булоқларга ҳар қандай нопок нарсалар яқинлашмаслиги керак, деб ҳисобланган. «Покиза сув ва ёниб турган олов қаршисида гуноҳ қилган зотнинг дўзахда топғуси жазоси бу дунёнинг жамийки дарду озорларидан мудҳишдир» деб огоҳлантирилган.

Муқаддас Қуръони Каримда ҳам сув билан боғлиқ оятлар келтирилади. «Сизлар ўзларингиз ичадиган сув ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизми?» (*Воқиъа сураси*)... барча жонли мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизнинг кўрмадингларми?» (*Анбиё сураси*).

XX аср охирига келиб инсоният олдида сув тақчиллиги муаммоси пайдо бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан келажакда инсониятни тоза сув билан таъминлаш муаммоларига бағишланган Сув ресурслари бўйича 3-жаҳон форуми ўтказилди (2003, Киото). 2003 йил Халқаро тоза сув йили деб эълон қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Атроф-муҳит муҳофазаси» дастури (ЮНЕП) маълумотларига кўра сайёрамиздаги дарёларнинг ярми жиддий ифлосланган. Ер шари аҳолисининг 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда. Яна 30 йилдан сўнг тоза ичимлик суви танқис ресурс бўлиб қолиши мумкин. Ҳар йили тоза ичимлик суви танқислиги туфайли 1,2 млн. киши турли хил хасталикларга дучор бўлмоқда. Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЕ) маълумотида кўра, ҳар йили 5 млн. киши ифлосланган ва сифатсиз сувдан истеъмол қилишга мажбур бўлмоқда.

Бундай шароитда сув заҳираларидан тежамли оқилона, самарали, илм-фан тавсиялари асосида фойдаланиш ва унинг муҳофазасини тўғри таъминлаш бугунги куннинг биринчи даражали вазифаларидан биридир.

Тома-тома кўл бўлур.

Ҳаётнинг бир ҳақиқати бор: ким нимани хор қилса, ўшанга зор бўлади. Айниқса сувни исроф қилиб бўлмайди. Сув – бу сайёрамизнинг асосий табиий бойлиги ҳисобланади. Сувни ичамиз, кундалик эҳтиёжларимиз учун ишлатамиз, лекин ҳозирги вақтда ичимлик сувининг дунё бўйича танқислигини ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

Одам оч қолса бир амаллаб уни тўйдириш мумкин. Ташна бўлса-чи? Ташналикнинг, сувсизликнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Бугунги кунимизга назар ташласак: биров сувни зар деб билса, яна биров уни бебилиска сарф қилади. Ичимлик суви жўмракларидан сув тўхтамай оқиб ётса ҳам, ювинишда ва кир ювишда истеъмолга яроқли сувни ҳаддан зиёд ишлатса ҳам биров «Ҳой, сувни бекорга сарфлама, увол қилма, тўхтатиб қўй» демайди. Тежашни сувнинг қатрасидан бошламоқ керак. «Катра-қатра йиғилиб дарё бўлур» ёки «Тома-тома кўл бўлур», деб халқимиз бежизга айтмаган.

Минг йиллар давомида сув ўзбек халқи учун фақат моддий фаровонлик омили бўлибгина қолмай, айна чоғда маънавий юксаклик тимсоли ҳам бўлиб қолди. Тарихий ва маданий қадриятлар билан бир қаторда халқимизнинг ўзига хос анъаналари, хусусан, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш борасидаги тажрибалари ҳам авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолди.

Йирик давлат арбоби, буюк саркарда, дилбар шоир, забардаст тарихчи Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Китобу - с салат» рисоласида сувни тежаш, уни эҳтиётлаб сарфлаш ҳақида жуда таъсирли, насиҳатомуз шеърлар битган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг, «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам») деб номланган 4 жилдлик ҳадислар тўпламида келтирилишича, Расуллоҳ (саллалоҳу алайҳи ва саллам) сувни жуда тежаб ишлатганлар.

Ўтмишда ота-боболаримиз ариқ ва анҳорлардаги оқар сувни истеъмол қилишарди, чунки ўзанларда ичишга ярайдиган топ-тоза сув оқар эди. Ҳозирги кунда эса баъзиларимиз хонадон чиқиндилари, ахлатларни тўғридан-тўғри оқар сувларга ағдарамиз. Ўз - ўзидан маълумки, бундай ариқлардаги сувга қўл ҳам ювиб бўлмайди. Чунки бундай сув ниҳоятда ифлосланган ва унда касаллик тарқатувчи микроблар мавжуд.

Фахриддин Гургоний ўз давридаёқ сувни ифлос қилмаслик ҳақида ўта таъсирли, фойдали фикрлар билдириб, шундай мисралар ёзиб қолдирган эди.

*Бугун чашма сувин қилсанг агар хор,
Бошқа ичолмассан бу сувдан зинхор.*

Баъзан «Сабр косаси» тўлган сув, биз одамлардан росмана ўч олаётганга ўхшайди. Турли ичак касалликлари, қичишма, тошма, ўсимта, жигар касалликлари, сув аллергияси, хуллас сувнинг ифлосланиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар ортиб бормоқда. Буни тиббиёт ташхислари ҳам тасдиқлаяпти.

Тошкентнинг Ҳозирги Шайхонтоҳур туманидаги Чорсу меҳмонхонаси ўрнида қачонлардир «Уккоша» булоғи тинмай қайнаб ётар эди. «Уккоша» булоғининг кўзи ёпилиб, суви чиқмай қолганлиги катта фожиа эмасдир, аммо улкан Орол денгизининг қуриши эса катта фожиадир.

Кўпчилик Ҳозирги вақтда Орол денгизи муаммоси сув манбаларининг танқислиги натижасида рўй берди, деб ҳисоблайди. Тўғри, янги ерларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилиши, саноатнинг жадал ривожланиши, янги коллектор ва каналларнинг қазилиши ҳам бу муаммо сабабчиси албатта. Аммо, биринчи навбатда бу инқироз сувдан самарасиз фойдаланиш, ҳаддан зиёд сув исрофгарчилигига йўл қўйиш оқибати, десак янглишмаган бўламиз.

Сув – ҳаётнинг ўзидир, уни увол қилишга ҳаққимиз йўқ. Унинг ҳар томчисини авайласақгина юртимизни тўкин сочинлик, ҳаётимизни фаровонлик тарк этмайди.

Биласизми: ?

- ер сайёрасининг 70 фоизи сув билан қопланган, ана шу сувнинг атиги 2,5 фоизини чучук сувлар ташкил этади, қолган сувлар ер ости сувлари бўлиб, тупроқнинг намланишига хизмат қилади, натижада инсонлар дунёдаги чучук сувнинг 1 фоизидан ҳам кам миқдордан фойдаланадилар;
- дунёда жамики касалликларнинг 80 фоизи санитария–гигиена шароити ҳамда сув ифлосланиши туфайли содир бўлмоқда;
- инсон организмнинг 70 фоизи сувдан ташкил топган бўлиб, кўзнинг эса 97 фоизи сувдан иборат экан;
- инсон овқатсиз 30 кун ҳаёт кечириши мумкин, лекин сувсиз 1 ҳафта ҳам яшай олмас экан;
- Лондонда бир киши кун давомида 170 литр, Парижда 160 литр, Брюсселда 85 литр, бизнинг Тошкент шаҳрида эса 370 литр сув сарфлайди;
- мамлакатимизда тоза сув захирасининг 90 фоизидан кўпи қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилади;
- 1960 йилдан бошлаб суғориш учун ишлатиладиган сув миқдори 60 фоизга кўпайди;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун катта миқдорда сув талаб қилинади. Масалан, 1 кг. гуруч етиштириш учун 1 м³ дан 3 м³ гача сув талаб қилинади, 1 тонна дон етиштириш учун 1000 тонна сув керак бўлади;
- Ўзбекистон сув ресурсларининг 90 фоизи суғорма деҳқончиликка сарфланади ва 1 гектар майдонни суғориш учун ўртача 6-10 минг м³ га яқин (Исроилда 5,6 минг м³) сув сарфланади;
- шуни билингки 1 дақиқа очиқ қолган водопровод жўмрагидан 15 литр сув бекорга оқиб тушади;
- Ўзбекистонда минерал сувлар аксарият ҳолларда 50 - 100 метр чуқурликда жойлашган. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, минерал сув тепага кўтарилиши давомида гравитацион, биологик, энергетик кучлар таъсирида одам организми учун зарур бўлган элементлар билан бойийди. Шунинг учун халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти тоза ичимлик суви манбаи сифатида ер ости сувларини маъқул топади.

Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг.

Бир гуруҳ Нобель мукофотида сазовор бўлган олимлар сув билан боғлиқ тадқиқот олиб бордилар, улар томонидан тоза, бир хил сувга турлича таъсир ўтказилди. Масалан, ҳар хил мусиқа, шовқин, ранг, ёруғлик ва ҳоказо. Таъсирлар турлича давомийликда ўтказилгандан сўнг, сув бир хил шароитда музлатилган. Натижада бир тоифадаги сув бирига ўхшамаган кристаллар ҳосил қилгани аниқланган.

Сувга ҳар хил мазмундаги сўзлар билан таъсир қилинган ва ҳосил бўлган муз кристаллари суръатга олинган. Ижобий мазмундаги сўзларга Сув ҳамиша чиройли кристаллар ҳосил қилиш билан жавоб қайтарар, гўё ўз шодон туйғуларини япроқларини очаётган гулгунча шаклли чиройли кристалларда намоён этарди. Аксинча, салбий мазмунли сўзларни тинглаганда Сув умуман кристалл ҳосил қилолмасди. Сувга «бахт» сўзи айтилганда, қирралари текис чиройли бриллиантга ўхшаш кристалл пайдо бўлди. «Бахтсизлик» сўзи эса, қанча «уринмасин» шакллана олмади. Шу тариқа бир чашмадан олинган Сувга қарама-қарши мазмунли «яхши-ёмон», «ёқади-ёқмайди», «куч-заифлик», «фаришта-шайтон», «тинчлик-уруш» сингари сўзлар билан таъсир кўрсатилган. Музлаган Сув эзгу сўзларгагина кристаллга айланиб, жавоб қайтарди. Қизиғи шундаки, Сувга ижобий сўзлар инглиз, хитой, француз, немис, италян, корейс тилларида айтилганда шаклан бир хил бўлмасада, чиройли кристаллар ҳосил қилди. Ҳа, Сув, қайси тилда айтилишидан қатъий назар, сўз мазмунини англади. Сув сўз тузилишига эмас, унинг

моҳиятига кўра ижобий-салбий аҳамиятини «тушуниб» кристаллар ҳосил қиларди. Ажаб эмас, Сув сўз ёзаётган инсон қалбини ҳам кўриш қобилиятига эга бўлса! Тадқиқотларимиз жараёнида битта суратдаги кристаллнинг гўзаллигидан ҳамма хаяжонга тушган. Кристалл барқ уриб очилган гулга ўхшарди. Сув ўз шодлигини англатиш учун қулочини кенг ёзган, уни «муҳаббат» ва «эхтиром» сўзи қувонтирган эди. Шунча йиллар мобайнида Сувга эзгу сўзлар айтиб, чиройли расмлар кўрсатиб, даволовчи мусиқалар эшиттириб, ҳосил қилган кристалларидан завқ олитшган тадқиқотчилар, обихаёт «муҳаббат» ва «эхтиром» сўзларидан таъсирланиб ҳосил қилгани янглиғ гўзал кристалларга ҳеч бири тенг келолмасди (46а,б,в-расмлар). Сув мазкур сўзлар ахборотини энг эзгу моҳиятга эга, деб қабул қилган кўринади.

Япон олимлари ғалати тажриба ўтказишган. Сувнинг яхши ва ёмон сузларнинг фарқига бориши текширилган. Уч дона бир хил ҳажмли банкалар ёнма-ён қўйилиб, тоза сув билан тўлдирилган ҳамда уларга бир хил навли гуручдан бир хил миқдорда солинган. Биринчи банкадаги сувга “Сен дунёдаги энг ширин сувсан” деган мактов сўзлари, иккинчи банкадаги сувга “Сен дунёдаги энг ифлос сувсан” деган ёмон сўзлар ва учинчи банкадаги сувга на мактов сўзлари на ёмон сўзлар айtilган. Орадан ўн кун ўтгандан сунг қарашса, биринчи банкадаги сув ва гуруч қандай бўлса тоза ва шаффаф ҳолда қолган, иккинчи банкадаги сув ва гуруч қорайиб бузулиб кетган, учунчи банкадаги сув ва гуруч эса озгина ҳидланиб қолган.

Албатта, шароит, ташқи муҳит (ҳарорат, намлик, босим) ўзгариши билан кристалланиш жараёнининг бошқачароқ кечиши фанда маълум. Аммо сувнинг ҳаётимизда ҳар доим бўладиган воқеалар, шовқин-суронлар, мусиқалар билан боғлиқ эканлиги ва шу асосда таъсирланиши мумкинлиги ақл бовар қилмайдиган мўъжизадир. Нахотки, сув ярим ўтказгичлар сингари ахборотларни саралайди, эслаб қолади ва таъсирланади, жараёнга акс таъсир эта олади?

Сувнинг яхши ва ёмон ёзувларнинг фарқига бориши-«ўқиши» текширилган. Иккита шиша идиш, тоза булоқдан олинган бир хил миқдордаги сув билан тўлдирилган. Шишалардан бирига «Раҳмат», иккинчисига «Сен аҳмоқсан» (46г-расм) ёзувли қоғозлар ёпиштирилган ва музлатгичга қўйилган. Вақт ўтиши билан, музлатгичга қўйилган шишалар ичида муз кристаллари ҳосил бўлган. «Раҳмат» ёзувли шишадаги сув чиройли кристаллар ҳосил қилгани ҳолда, «Сен аҳмоқсан» ёзувини «укқан» идишда ҳеч қандай шаклсиз ёки бутунлай муз кристаллари ҳосил бўлмаган.

Илгари аجدодларимиз «Тушингни сувга айт», «Сувга тупурма, сувга супурма» деб кўп гапиришар эди. Бу қандай хислатки, Оллоҳ яратган табиат ва сувнинг ўзига яраша химояланиши ва таъсирланиши каби қонуниятга асосланган кучи бор?!


Энди сувнинг тузилиши ҳақида фанда маълум жихатларни эслайлик. Сув иккита водород атомининг кислород билан боғланишидан ҳосил бўлган ҳарорат таъсирида ўзгариб туради, музлаганда тораяди. Кимёгарлар фикрича, бирикма қанчалик оддий бўлса, унинг устида илмий – тадқиқот ишлари олиб бориш, молекуланинг таъсирланиш доирасини аниқлаш шунча осон. Аммо оддий сувнинг бу қадар кўп хислатлари ва хусусиятлари борлигидан илк бора воқиф бўляпмиз.

Энди сувнинг «эслаб қолиш» хислатига эътибор берсак. Атрофимизда бўлаётган воқеалар, шовқин– суронлар, тебранишлар алоҳида частота билан тарқалади ва сувга таъсир кўрсатади. Инсонга сезиладиган энергетик фотонлар сувга таъсир этганда сувнинг қизиши ёки совишини, рангининг ўзгаришини кузатиш мумкин.

Инсон организмнинг 70 фоизини, мева–сабзавот ва полиз экинларининг 90– 97 фоизини сув ташкил қилади. Модда, аралашмалар, қотишмалар ичида бирикмалар қанчалик кўп бўлса, унинг бажариши лозим бўлган функциялари ҳам кўпроқ бўлиши ҳаммамизга аён. Демак, сувни инсон организмни бошқарувчи энг катта ҳажмга эга бўлган ягона табиий бирикма, деб айтиш мумкин.

Шундай экан, биз ҳаётимизда уни ўз соғлигимизни яхшилаш мақсадида ишлатишимиз ва бошқаришимиз зарур. Тушимизни сувга айтганимизда, у кўз билан

берилган ёки сўз билан айтилган тебраниш частоталарини ютади ва олиб кетади, биз эса енгил тортгандай бўламиз, ташвишдан халос бўлгандай ҳис қиламиз. Бу сувнинг ҳаётбахш ва шифобахшлигининг яна бир далолатидир.



46-расм. Ҳар хил сўзлар айтилганда ҳосил бўлган кристаллар:

а,б,в - «муҳаббат ва эҳтиром» сўзларининг кристаллари

г-«сен аҳмоқ»; д-«фаришта»; е-«иблис»; и-«жонимга тегиб кетдинг» сўзларининг кристаллари

Биз сувни ҳурмат қилишимиз, севишимиз, борлигига шукр дея, ижобий тебранишларни қабул айлашимиз керак. Ана шунда Сув ҳам, унга қўшилиб биз ҳам ўзгарамиз. Гапнинг пўсткалласини айтганда, моҳиятан барчамиз СУВМИЗ, ахир!

Тарих доно муаллим.

- Ҳиндистондаги қадимги шаҳарлардан бири Мохенжо – Дародаги харобалар текширилганда диаметри 0,5 метрдан 2,5 метргача келадиган қудуқ топилган;
- Римда сувнинг янги манбалари ҳақида мунтазам қайғуришган, эрамизнинг 312 йилида шаҳарга 16,5 км узоқдаги тоза сув манбаларидан водопровод ўтказилган;
- Афинада эрамиздан олдинги VI асрдаёқ қудуқ сувидан фойдаланиш тартибини белгиловчи қонун чиқарилган;
- Перуда «Сув худоси» ибодатхонаси топилган. Унда фонтан ва каналлар бўлган. Улар ибодатхона яқинидаги шаршара суви билан тўлдирилган;
- Қадимги Мисрда ер ости сувларини жуда чуқур қудуқлар қазиб, оддий механизм билан чиқарилган. Бунда сопол, ёғоч, металл (мис ва қўрғошин) қувурларидан фойдаланишган;
- Сирдарё ва Амударё этакларидан, милoddан аввалги 8-7 асрлардан бошлаб, аҳоли суғорма деҳқончилик қилгани ҳақида археологик далиллар мавжуд;

- Амир Темур ва Темурийлар замонида ариқ ва дарёларга, аҳоли сув ичадиган хавзаларга юқори даражада эътибор берилган, Соҳибқироннинг буйруқлари билан нафақат ўз юртимизда, балки Афғонистоннинг Мурғаб, Озарбайжоннинг Байлақон мавзеларида, Қорабўғда катта сув иншоотлари барпо этилган.

Ўзбекистон Миллий энциклопедияси саҳифалари сув ҳақида.

Сув-водород оксид H_2O –водород (11,19%) ва кислород (88,81%) бўлган энг содда кимёвий бирикма. Сув рангсиз, ҳидсиз суюқлик ҳисобланади. Ернинг геологик тузилиши, тарихи ва унда ҳаётнинг пайдо бўлишида, физик ва кимёвий муҳит, иқлим ва об-ҳавонинг шаклланишида сув муҳим аҳамиятга эга. Ҳеч қандай тирик организм сувсиз ҳаёт кечира олмайди. Сув қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги барча технологик жараёнларнинг зарурий кисмидир.

Сув кадастри-мамлакатнинг сув ресурслари тўғрисида тартиблаш-тирилган маълумотлар мажмуи. Сув кадастри жами сувларнинг миқдор ва сифат тавсифлари бўйича ҳисобот олиш маълумотларини шунингдек, сувдан фойдаланишни қайд қилиш ва ҳисобот олиш маълумотларини ўз ичига олади. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, сув кадастри юритишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Сув омбори - тўғонлар ёрдамида сувнинг йиғиш ва сақлаш учун қуриладиган комплекс фойдаланишга мўлжалланган сунъий сув ҳавзаси. Ҳозирги кунда республикамызда ҳажми 20 млрд.м³ га яқин 56 дона омборлари ишлатилмоқда. Сув омбори халқ хўжалигидаги бир қанча тармоқлар (суғориш, сув таъминоти, электр энергияси, кемачилик, балиқчилик, тошқинларга қарши курашиш ва ҳ.к.) эҳтиёжини қондиради.

Ўрта Осиё худудида сув омборлари, асосан, экинзорларни суғориш, энергетика ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун қурилади.

Сув омборлари қурилиши натижасида, Ўзбекистонда 4,3 млн. гектар ерда суғорма деҳқончилик қилиш, сув ресурсларидан гидротехника ва балиқчилик мақсадларида янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари яратилди.

Сув ресурслари - фойдаланиш учун яроқли бўлган ер усти, ер ости сувлари ва тупроқдаги нам заҳиралари, асрий ер усти қатламлари - қутб ва баланд тоғ музликлари, йирик қўлларда тўпланган чучук сувлар ҳамда қайта тикланалиган - дарё оқимлари, ер ости сувларининг ўзгарувчан ва динамик заҳиралари, қўллар ҳажмининг бир қисми ва бошқа турларга бўлинади. Сув ресурслари деганда сув объектлари - океан, денгиз, дарё, қўл, сой, булоқ, ер ости сувлари тушунилади.

Ўрта Осиёда сув ресурслари асосан, дарё оқимлари ва ер ости сувларининг динамик заҳиралари (тикланадиган ресурслар), шунингдек, тоғлардаги музликлар ва қўлларнинг асрий сув заҳираларидан ташкил топган

Сув тўғрисида ўзбек халқ мақоллари.

Оқар сув бошида яшайдигинлар асал ичади, сув охирида яшайдиганлар заҳар ичади.

Сувсиз ерга қуш қўнмас, ўтсиз ерга юрт қўнмас.

Сув келтирар мард киши, экин экар ҳар киши.

Сув- ғўзанинг жони, ўғит- унинг дармони.

Эл ҳаёти ер билан, ер ҳаёти сув билан.

Сувсаганга сув сароб бўлиб кўринар.

Сувнинг қатраси-офтобнинг зарраси.

Сувсиз- ер мозор, сувли-ер гулзор.

Сув тиласанг, Сулаймондан тила

Қатра-қатра йиғилиб дарё булур

Ой сулуви- нур, сой сулуви-сув.

Сувга тупурма, сувга супурма

Ташнанинг тушига сув кирар.

Томчи сувда ҳаёт жилваси.

Томчи сувда тол кўқарар.

Сувнинг томчиси ҳам сув

Қудуққа тош ташлама

Сув-зар, сувчи-заргар.

Тома-тома кўл булур

Тушингни сувга айт

Сув- олтиндан азиз.

4. СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ, ТАҚСИМЛАШ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ.

4.1. Трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш, тақсимлаш ва самарали фойдаланиш.

Марказий Осиё давлатларининг тинч-тотув яшаши ва барқарор ривожланишида мамлакатлараро сув ресурсларини тақсимлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Давлатлараро сув манбаларидан фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилишда ҳукуматларнинг ҳаракати, халқаро сув ҳуқуқларининг энг муҳим қисми ҳисобланган, «адолатли ва оқилона фойдаланиш» қондасига мос келиши керак.

Бу умумий тан олинган қоида бўлиб, ҳар қандай ижтимоий формациянинг ҳуқуқи ҳисобланган ва жуда кўп халқаро келишувларда, ҳукуматларнинг халқаро ер усти сув манбаларига нисбатан ҳаракатини белгилаши акс эттирилган.

Бу қонданинг энг муҳим қисми – ҳавзанинг юқори қисмида жойлашган давлатлар, унинг қуйи қисмида жойлашган “ўзининг қўшниларига зиён етказмаслиги”, етказиладиган зиённи олдини олиш учун барча чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва бажарилиши лозимлигидир. Ушбу қоидага асосан, бошқа давлатларга зиён етказиши мумкин бўлган тадбирлар режалаштирилаётганда, бир қанча халқаро расмий меъёрлар ва қоидаларга амал қилишдан ташқари, ўзаро огоҳлантириш ва маълумотлар алмашиш ҳамда маслаҳатлашиш зарур.

Бундан ташқари трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги жуда кўп халқаро (минтақавий ва миллий) ҳужжатларда, илгаридан деҳқончилик қилиниб келинаётган қишлоқ хўжалик ерларига, ҳавзада бўлаётган ҳар қандай ўзгаришларга қарамасдан доимо белгиланган миқдордаги сув ресурслари етказиб берилиши кўрсатилган.

Марказий Осиёдаги трансчегаравий ер усти сув оқимларини бошқариш учун албатта узоқ йилларга мўлжалланган халқаро шартномалар тузиш лозим. Халқаро шартномалар Орол ҳавзаси ёки алоҳида-алоҳида Амударё ва Сирдарё ҳавзалари учун ишлаб чиқиши мумкин. Тузиладиган шартномаларнинг асосини, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган халқаро конвенциялар ёки улардаги қуйидаги асосий қоидалар ташкил қилиши лозим:

- халқаро деб, фақатгина ер усти сув оқимларини эмас, балки уларнинг ҳавзасини ҳам қабул қилиш;

- халқаро ер усти сув оқимларининг сув манбаларидан **“адолатли ва оқилона фойдаланиш”**;

- бошқа сувдан фойдаланиш турларига нисбатан «алоҳида имтиёздан фойдаланадиган дахлсиз сувдан фойдаланиш тури» бўлмаслиги;

- қирғоқ олди мамлакатлари, **“ўзининг қўшниларига зиён етказмаслиги”**;

- халқаро ер усти сув оқимларнинг **“ифлосланишини олдини олиш, камайтириш ва назорат остида сақлаш”**;

- халқаро ер усти сув оқимлари бошқарувини амалга оширувчи **“умумий ташкилот”** тузиш.

Ҳар қандай ер усти сув оқимининг ҳавзаси унинг бошланиши ва охиридан иборат. Масалан, Сирдарё ҳавзасининг бошланиши, Қирғизистондаги кичик дарёлар ва ирмоқлардан ташкил топиб Орол денгизида тугаса, Амударё ҳавзасининг бошланиши эса Афғонистон, Эрон, Тожикистондаги кичик дарёлар ва ирмоқлардан ташкил топиб, Орол денгизида тугайди. Ҳавза бўйлаб жойлашган барча мамлакатлар ушбу ер усти сув оқимларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқлидир. Чунки, ҳавзани имтиёзсиз ёки имтиёзли қисми йўқ. Ҳавзанинг ҳар бир қисми сув тўплашдан ташқари бошқа функцияларни ҳам бажаради. Ҳавзанинг ҳар бир мамлакат ҳудудидаги қисми, ҳавзанинг юқори қисмидан келаётган сув ресурсларини хавфсиз қабул қилиши, ўтказиши ва қўшни мамлакатга зиён етказмасдан узатиши лозим.

Йирик гидротехник иншоотларнинг қурилиши натижасида қуйи оқимда жойлашган мамлакатлар ва бутун минтақага қуйидаги ижтимоий, иқтисодий, экологик ва бошқа зарарлар етказилади:

- дарёларнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатларнинг 65-70 % суғориладиган ерлари сув билан таъминланмайди;
- шу ерларда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган ва истиқомат қиладиган 40 % дан ортиқ аҳоли тирикчилик манбаидан жудо бўлади;
- атроф-муҳит ландшафтининг кескин ўзгаришига, чўлланишга олиб келади;
- сифатли сув билан таъминланмайдиган аҳоли ўртасида ҳар хил касалликлар кўпаяди;
- дарёлар пастги қисмлари флора ва фаунасининг камайиб кетишига, баъзиларининг бутунлай йўқолиб кетишига сабаб бўлади;
- сув кам оқадиган ёки умуман оқмайдиган дарёлар ўзанларининг аста-секин емирилишига ва баъзи жойларда кўмилиб йўқолишига олиб келади;
- эндигина бир қисми сув билан тўлдириладиган Орол денгизи, яна сув билан таъминланмай қолади;
- Сирдарёнинг юқори оқимида жойлашган мамлакатлар айби билан ҳосил бўлган Айдар-Арнасой кўлининг қурилиши натижасида, минтақада жуда катта тузли майдонни эгаллаган иккинчи Орол ҳосил бўлади, натижада минтақада тез-тез кучли туз буронлари кузатилади ҳамда Марказий Осиё ёпиқ экосистемасининг ҳалокати содир бўлиши мумкин;
- жуда катта сув устуниси баландлиги ва ҳажмига эга бўлган энергетик сув омборлари, табиий фалокатлар(зилзила, қор ва муз ҳамда тоғ кўчиши ва бошқалар) ва террористик гуруҳларнинг ҳаракати туфайли ишдан чиқарилса, минтақага ҳар томонлама жуда катта зарар келтирилади;
- ва бошқалар.

Марказий Осиё мамлакатлари ёпиқ экосистемада ҳаёт кечиради. Минтақанинг маълум жойида ҳосил бўлган салбий ҳодиса, бутун минтақага зарар келтиради. Минтақа умумий уйимиз бўлганлиги сабабли, уни асраб-авайлашимиз, унинг сув ресурсларидан келишган ҳолда фойдаланишимиз ва келажак авлодларга яроқли ҳолда қолдиришимиз лозимдир. Шунинг учун минтақа мамлакатлари, халқаро ер усти сув оқимларини бошқариш, тақсимлаш ва самарали фойдаланишда халқаро конвенциялар тартиб қоидаларни ҳисобга олиши - уларнинг барқарор ривожланиши ва тинч-тотув яшашига замин бўлиб хизмат қилади.

Халқаро конвенциялар ишлаб чиқилган давргача, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш, икки томонлама ва кўп томонлама қабул қилинган шартномалар асосида олиб борилган. Масалан: Европа мамлакатлари-Австрия, Болгария, Венгрия, Руминия, Югославия, Чехословакия, Германия, Россия, Швейцария, Италия, Польша ҳудудидан ўтувчи, узунлиги 2850 км бўлган Дунай дарёси сувларидан фойдаланиш бўйича биринчи шартнома 1774 йилда тузилган, ушбу шартномага 1774-1856, 1856-1945 ва 1948 йилларда ўзгартиришлар киритиб борилган; Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) ва Мексика ўртасида 1944 йилда Колорадо, Тижуан ва Рио-Гранде дарёлари; Ҳиндистон ва Покистон ҳукуматлари ўртасида 1960 йилда Инд дарёси; АҚШ ва Канада ўртасида 1961 йилда Колумбия дарёси; Комбоджа қироллиги, Лаос халқ демократик республикаси, Таиланд қироллиги ва Вьетнам социалистик республикалари ўртасида 1995 йилда Меконг дарёси сувларидан фойдаланиш тўғрисида шартномалар тузилган (10-жадвал).

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳаттоки Покистон ва Ҳиндистон ўртасида уруш кетаётган даврда ҳам, Инд дарёси сувини тақсимлаш кўмитаси ишлаб турган ва келишилган шартнома асосида иккала мамлакат сув билан таъминлаб турилган. Қудратли мамлакат бўлишига қарамасдан АҚШ, Мексика ва Канада мамлакатлари билан тузилган шартномага сўзсиз риоя қилиб келмоқда (10-жадвал).

ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ДАРЁ ҲАВЗАЛАРИ БЎЙИЧА ШАРТНОМА ВА КЕЛИШУВЛАР

Дарё ҳавзаси (мамлакатлар)	Масалалар/Муаммолар	Ечимлар
Колорада дарёси (АҚШ/ Мексика)	Оқимни камайтириш ва шўрланганликни кўпайтириш ҳисобига, юқори оқимни экстенсив (сифатга эътибор бермай фақат сонини оширишга) ривожлантириш/дарё оқимидан ортиқча фойдаланиш	- Колорада дарёси бўйича Комиссия тузиш тўғрисида Шартнома; - минимал оқим ва сувнинг сифати аниқланди; - АҚШ ва Мексика ўртасида сувни бўлиш тўғрисида Шартнома тузилди.
Инд дарёси (Ҳиндистон/ Покистон)	Қуйи оқимда жойлашган мамлакатга қисқартирилган оқимни ташлаш (кўчириш) ва суғоришни ташкил қилиш	- Ҳиндистон учун, махсус истисно тариқасида, ирмоқларидан фойдаланиш учун шарқий дарёларни тақсимлаш; - олинаётган сувларни ўрнини қоплаш учун Покистон томонидан сувларни йиғиш; - Ҳиндистон томонидан Покистонга бадал тўлаш; - Покистон учун, махсус истисно тариқасида, ирмоқларидан фойдаланиш учун ғарбий дарёларни тақсимлаш.
Колумбия дарёси (АҚШ/Канада)	Канадада, гидроэнергетика учун юқори оқим сувларини йиғишни ривожлантириш/АҚШ учун тошқин ва суғориш сувларини назорат қилиш.	АҚШда ишлаб чиқарилган энергияни Канада томонидан АҚШга сотиш (сувни йиғганлик учун бадал) ва қайтадан АҚШнинг энергетик тизимида узатишни аниқлайдиган Шартнома (чегара сувлари бўйича Комиссия ҳомийлигида)
Лесото дарёси (Лесото/Жанубий Африка Республикаси)	Коммунал-маиший, саноат ва ирригация-суғориш эҳтиёжлари учун Жанубий Африканинг сувга талаби/Лесотада электроэнергия ишлаб чиқариш.	- Лесотога Жанубий Африка томонида тўланадиган бадални аниқловчи давлатлар ўртасидаги Шартнома; - Лесото учун гидроэлектроэнергия ишлаб чиқариш, Жанубий Африка учун сув ажратиш бериш.
Меконг дарёси (Лаос/Вьетнам/ Таиланд/Кампучия)	Барча давлатларда сувдан кемалар қатнови, гидроэнергетика, коммунал-маиший ва саноатда фойдаланиш	Режалаштириш ва ўз таркиби учун дарё ҳавзаси бўйича Комитет
Сенегал дарёси (Мали/Мавритания/ /Сенегал)	Кемалар қатновини йўлга қўйиш, гидроэнергетика, суғориш ва коммунал-маиший фойдаланиш.	- OMVS ташкил тўғрисида Шартнома; - давлатлар ўртасида, тақсимланган сувдан фойдаланишни ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида олиб бориш.

Ҳозирги кунда, икки, уч ва ундан ортиқ мамлакатлар ҳудудида шаклла- надиган ер усти сув оқимларини бошқаришга бағишланган 700 данадан ортиқроқ халқаро ҳужжатлар мавжуд. Дунё амалиётида, халқаро сувларни бошқариш тўғрисида 4 донa ҳужжат: 1923 йил 9 декабрда Женевада имзоланган – “Гидроэлектрoэнергия ишлаб чиқаришнинг бошқа давлатларга таъсири тўғрисида”ги биринчи халқаро шартнома; 1966 йил Хельсинки шаҳрида имзоланган “Халқаро дарёларнинг сувларида фойдаланиш қоидалари” тўғрисидаги халқаро қоидалар; 1992 йил 17 мартда Хельсинки шаҳрида имзоланган “Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги халқаро конвенция; 1997 йилда Нью-Йорк шаҳрида имзоланган

“Халқаро ер усти сув оқимларининг кемалар қатнамайдиган турларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида”ги халқаро конвенциялар қабул қилинган.

Баъзибир мамлакатлар, трансчегаравий сув манбалари тўғрисидаги ўз муносабатларини, юқорида келтирилган халқаро ҳужжатларларга асосланиб икки, уч ва кўп томонлама тузилган шартномалар ва келишувлар орқали амалга оширмоқдалар. Бу эса, трансчегаравий сув ресурсларини адолатли тақсимлаш ва самарали фойдаланишга, кўшни мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши ва барқарор ривожланишига ҳамда барқарор экологик муҳитни яратишга олиб келади. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳавза мамлакатларининг халқаро конвенция-келишувларни тан олиши, трансчегаравий сув ресурсларини тақсимлаш муаммосини ҳал қилишга йўл очади.


Бугунгача, Марказий Осиё мамлакатларидан Қозоқистон Республикаси 2000 йилда “Трансчегаравий ер усти сув оқимлари ҳамда халқаро кўллардан фойдаланиш ва уларни химоя қилиш” бўйича конвенцияга, 2007 йилда эса, Ўзбекистон Республикаси “Трансчегаравий ер усти сув оқимлари ҳамда халқаро кўллардан фойдаланиш ва уларни химоя қилиш” ҳамда “Халқаро ер усти сув оқимларининг кемалар қатнамайдиган турларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида”ги Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан қабул қилинган конвенцияларга қўшилганлигини эълон қилишди.

Қуйида юқорида келтирилган халқаро шартномалар, қоидалар ва конвенцияларнинг асосий мазмуни ва терминлари билан танишиб чиқамиз.

Трансчегаравий сувлар - икки ёки ундан ортиқ давлат орасидаги чегаралари кесиб ўтувчи ёки чегаралар ичида жойлашган ҳар қандай ер усти ёки ер ости сувларини билдиради (47 ва 48-расмлар).



47-расм. Сув объектининг (Оролнинг) уч давлат чегараларда жойлашиши.




48-расм. Ёнма-ён жойлашган давлатларнинг чегараларида сув объектини (Сирдарёни) жойлашиши.

«Қирғоқбўйи томонлари» - икки ёки ундан ортиқ давлат орасидаги чегаралари кесиб ўтувчи ҳар қандай ер усти ёки ер ости сувлари билан чегарадош бўлган Томонлардир (49 ва 50-расмлар).



49-расм. Сув объекти билан давлатлар чегараларини кесиб ўтиш ва Қирғоқбўйи томонлар



50-расм. Орол денгизи ҳавзасидаги трансчегаравий дарёларнинг давлатлар чегараларида жойлашишнинг тўғриланган схемаси.

Ҳозирги кунда Марказий Осиё ҳудудида 12 дона катта ва ўртача дарёлар, 8 дона сув омборлари, 16 дона йирик коллекторлар, 4 дона сув олиш иншоотлари, 8 дона ўлкан насос станциялари ва 60 донадан ортиқ кичик дарёлар ва ирригация каналлари икки ёки уч мамлакатлар ҳудудида жойлашган (11-жадвал). Бундан ташқари, икки мамлакат чегаралари яқинида жойлашган кўплаб фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқлардаги фуқароларнинг томорқаларига сув узатувчи юзлаб кичик каналлар ва бошқа ер усти сув оқимлари (сойлар, булоқлар, қўллар) мавжуд (51-расм).



51-расм. Трансчегаравий сув ҳавзасига келиб қўшилаётган ва ундан сув олиб кетаётган халқаро сув объектлари

11-жадвал


Орол денгизи ҳавзасидаги давлатлараро (трансчегаравий) дарёлар ва ирригация-мелиорация тизимлари

Т.р.	Объект-нинг т.р.	Ер усти сув оқимларининг номлари	Жойлашган ҳудуди
1	2	3	4
ДАРЁЛАР			
1	1	Сирдарё	Қирғизстон, Тожикистон, Ўзбекистон, Қазоғистон
2	2	Амударё	Афғонистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Қирғизстон.
3	3	Зарафшон	Тожикистон, Ўзбекистон.
4	4	Кашкадарё	Тожикистон, Ўзбекистон.
5	5	Сурхандарё	Тожикистон, Ўзбекистон.
6	6	Панж	Тожикистон, Афғонистон.
7	7	Кизил Су	Қирғизстон, Тожикистон.
8	8	Мурғоб	Афғонистон, Туркменистон.
9	9	Тежен	Афғонистон, Эрон, Туркменистон.
10	10	Норин	Қирғизстон, Ўзбекистон.
11	11	Карадарё	Қирғизстон, Ўзбекистон.
12	12	Чирчиқ	Қазоғистон, Ўзбекистон.
КАТТА СУВ ОМБОРЛАРИ			
13	1	Андижон	Қирғизстон, Ўзбекистон.

1	2	3	4
14	2	Туямуйин	Туркменистон, Ўзбекистон.
15	2.1	Ўзандаги	Туркменистон, Ўзбекистон.
16	2.2	Капарас	Туркменистон, Ўзбекистон.
17	2.3	Султансанжар	Туркменистон, Ўзбекистон.
18	2.4	Кўшбулак	Туркменистон, Ўзбекистон.
19	3	Косонсой	Қирғизстон, Ўзбекистон.
20	4	Чардара-Арнасой	Қазоғистон, Ўзбекистон
ЙИРИК КОЛЛЕКТОРЛАР			
21	1	Карагумен	Қирғизстон, Ўзбекистон.
22	2	Сариксу	Қирғизстон, Ўзбекистон.
23	3	Сардоба	Қазоғистон, Ўзбекистон.
24	4	Марказий Мирзачўл	Ўзбекистон, Қазоғистон.
25	5	Жанубий Қарши	Ўзбекистон, Туркменистон.
26	6	Арнасой	Қазоғистон, Ўзбекистон.
27	7	Бош Бухоро	Ўзбекистон, Туркменистон.
28	8	Дарялик	Ўзбекистон, Туркменистон.
29	9	Чағат-Атабент	Ўзбекистон, Туркменистон.
30	10	Давдон	Ўзбекистон, Туркменистон.
31	11	Шавот-Андрей	Ўзбекистон, Туркменистон.
32	12	Катта-Озерной	Ўзбекистон, Туркменистон.
33	13	Октябр	Қирғизстон, Ўзбекистон.
34	14	Сох-Исфара	Қирғизстон, Ўзбекистон, Тожикистон
35	15	Марказий	Қирғизстон, Ўзбекистон.
36	16	Шимолий	Қирғизстон, Ўзбекистон.
КАТТА СУВ ОЛИШ ИНШООТЛАРИ			
37	1	Карши магистрал каналининг боши	Туркменистон, Ўзбекистон.
38	2	Аму-Бухаро магистрал канали боши	Туркменистон, Ўзбекистон.
39	3	ТМ-1 машина каналаининг боши	Ўзбекистон, Тожикистон
40	4	ТМ-2 машина каналаининг боши	Ўзбекистон, Тожикистон.
КАТТА НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ			
41	1	Карши насос станциялари каскади	Туркменистон, Ўзбекистон.
42	2	Хўжа Бақирган насос станцияси	Қирғизстон, Ўзбекистон.
43	3	Чумчукжар насос станцияси	Ўзбекистон, Тожикистон.
КАТТА ИРРИГАЦИОН КАНАЛЛАР ВА КИЧИК ДАРЁЛАР			
44	1	Зах	Ўзбекистон, Қазоғистон
45	2	Ханим	Ўзбекистон, Қазоғистон.
46	3	Искандар	Ўзбекистон, Қазоғистон.
47	4	Ачинау	Ўзбекистон, Қазоғистон.
48	5	Бўзсув	Ўзбекистон, Қазоғистон.
49	6	Ғазалкент деривация канали	Ўзбекистон, Қазоғистон.
50	7	Юқори Ташкент	Ўзбекистон, Қазоғистон.
51	8	Шимолий Ташкент	Ўзбекистон, Қазоғистон.
52	9	Юқори Далварзин	Ўзбекистон, Қазоғистон.
53	10	«Дўстлик» канали	Ўзбекистон, Қазоғистон.
1	2	3	4

54	11	Жанубий Мирзачўл канали	Ўзбекистон, Тожикистон.
55	12	Катта Фарғона канали	Ўзбекистон, Қазоғистон, Тожикистон.
56	13	Жанубий Фарғона канали	Ўзбекистон, Қирғизстон.
57	14	Савой	Ўзбекистон, Қирғизстон.
58	15	Пахтаобод	Ўзбекистон, Қирғизстон.
59	16	Шимолий Фарғона канали	Ўзбекистон, Тожикистон.
60	17	Катта Наманган канали	Қирғизстон, Ўзбекистон
61	18	Чап қирғоқ Норин канали	Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизстон.
62	19	Угам дарёси	Қазоғистон, Ўзбекистон
63	20	Майлису	Ўзбекистон, Қирғизстон.
64	21	Акбура дарёси	Ўзбекистон, Қирғизстон.
65	22	Аравансой дарёси	Ўзбекистон, Қирғизстон.
66	23	Кугарт дарёси	Ўзбекистон, Қирғизстон.
67	24	Чуст канали	Ўзбекистон, Қирғизстон.
68	25	Қараунгир дарёси	Ўзбекистон, Қирғизстон.
69	26	Чотқол	Қирғизстон, Ўзбекистон
70	27	Гавасай	Қирғизстон, Ўзбекистон.
71	28	Сумсар	Қирғизстон, Ўзбекистон.
72	29	Косонсой	Қирғизстон, Ўзбекистон.
73	30	Чанач	Қирғизстон, Ўзбекистон.
74	31	Подшоота	Қирғизстон, Ўзбекистон.
75	32	Исфайрамсой	Қирғизстон, Ўзбекистон.
76	33	Шоҳимардон	Қирғизстон, Ўзбекистон.
77	34	Сох	Қирғизстон, Ўзбекистон.
78	35	Исфара	Қирғизстон, Тожикистон,
79	36	Хўжа-Бақирган	Қирғизстон, Тожикистон.
80	37	Оқсу	Қирғизстон, Тожикистон.
81	38	Тошқулоқ	Ўзбекистон, Қозоқистон.
82	39	Келес дарёси	Қирғизстон, Ўзбекистон.
83	40	Қараункюр	Қирғизстон, Ўзбекистон.
84	41	Тентаксой	Қирғизстон, Ўзбекистон.
85	42	Чап қирғоқ машина канали	Қирғизстон, Ўзбекистон.
86	43	Чап қирғоқ Учқўрғон канали	Қирғизстон, Ўзбекистон.
87	44	Чангет	Қирғизстон, Ўзбекистон.
88	45	Чартоқсой	Қирғизстон, Ўзбекистон.
89	46	Сумсарсой	Қирғизстон, Ўзбекистон.
90	47	Карши магистрал канали	Ўзбекистон, Туркменистон.
91	48	Аму-Бухаро магистрал канали	Ўзбекистон, Туркменистон.
92	49	Аму-Қаракўл канали	Ўзбекистон, Туркменистон.
93	50	Тошсоқа	Ўзбекистон, Туркменистон.
94	51	Шавот	Ўзбекистон, Туркменистон.
95	52	Палвон-Ғазовот	Ўзбекистон, Туркменистон.
96	53	Қипчоқ Бозсув	Ўзбекистон, Туркменистон.
97	54	Киличниязбой	Ўзбекистон, Туркменистон.
98	55	Жумабой-сака	Ўзбекистон, Туркменистон.
1	2	3	4

99	56	Хан-яб	Ўзбекистон, Туркменистон.
100	57	Туркмен Ярмиш	Ўзбекистон, Туркменистон.
101	58	Катта Ҳиссор канали	Ўзбекистон, Тожикистон.
102	59	Ульянов канали	Ўзбекистон, Туркменистон.
103	60	Чумчукжар олиб келиш канали	Ўзбекистон, Тожикистон.



52-расм. Трансчегаравий сув объектининг чегарасини аниқлаш.

Трансчегаравий сувлар бевосита денгизга қуйиладиган ҳолларда, трансчегаравий сувларнинг чегаралари, уларнинг денгизга қуйиладиган жойини кесиб ўтувчи тўғри чизиқ, қирғоқларида кичик сув чизиғи жойлашган нуқталар орасидаги масофа билан чегараланади. Масалан, Орол денгизига Амударё ва Сирдарёнинг қуйилиш нуқталари (52-расм).

4.2. Халқаро конвенциялар, қоидалар ва қонунлар

4.2.1. Гидроэлектрoэнергия ишлаб чиқаришнинг бошқа давлатларга таъсири тўғрисида. (1923 йил 9 декабрда Женевада имзоланган)

Биринчи Конвенцияда қуйидаги асосий қоидалар келтирилган:

Ушбу Конвенция, шубҳасиз, ҳар бир давлатга тегишли бўлган халқаро ҳуқуқ доирасида, ўз ҳудудида, зарур гидроэлектрoэнергия қувватини ишлаб чиқариш бўйича ҳар қандай фаолиятни амалга оширишига таъсир қилади;

Агар Аҳдлашган давлат, гидроэлектрoэнергия ишлаб чиқариш истагини билдирса, ва бу, бошқа Аҳдлашувчи давлатга жиддий зарар етказса, манфаатдор давлатлар, бундай ишлаб чиқариш дастурини таъминлайдиган битим тузиш учун Музокаралар олиб боришлари керак;

Ҳар бир давлат ҳудудида, гидроэлектрoэнергия ишлаб чиқариш учун қуриладиган ва эксплуатация қилинадиган иншоотлар, ўша давлатда, бундай иншоотларни қуриш ва эксплуатация қилиш қонун ва қоидаларига мос бўлиши керак;

Ушбу Конвенция, уруш пайтида урушаётган томонларнинг, шунингдек, бетараф бўлган партияларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини назарда тутмайди. Шундай бўлсада,

ушбу Конвенция бўйича, уруш даврида, бундай ҳуқуқлар ва мажбуриятлар кучда қолиши керак;

Ушбу Конвенциянинг француз ва инглиз тилларидаги ҳақиқий матнлари, бугунги кун билан саналанган ва Женевада бўлиб ўтган конференцияда қатнашган ҳар қандай давлат, Миллатлар Иттифоқининг ҳар қандай аъзоси ва Миллатлар Иттифоқи, ушбу Конвенциянинг нусхаларини юборадиган ҳар қандай бошқа давлатлар томонидан имзолаш учун 1924 йил 31 октябргача очик;

Ушбу Конвенция, уч давлат номидан ратификация қилинмагунча кучга крмайди;

Ушбу Конвенцияни имзолаган ёки унга қўшилган ҳар қандай давлат, Конвенцияни имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш вақтида, ўзининг мустамлакаси ёки ваколатига эга бўлган барча ёки ҳар қандай колонияларини, хориждаги мол-мулкларини, протекторатларини ёки хориждаги ҳудудларини қамраб олмаганлигини эълон қилиши мумкин;

Келажақда ушбу Конвенциянинг 17-моддасига биноан Конвенцияга қўшилиш учун, рўйхатдан чиқарилган колониялар, хорижий мулклар, протекторатлар ёки ҳудудлар иштирок этиши мумкин;

Ушбу Конвенцияни қайа кўриб чиқиш талаби, ҳар қандай вақтда, Аҳдлашувчи давлатларнинг учдан бир қисми томонидан амалга оширилиши мумкин;

Ушбу Конвенция ҳар қандай давлат томонидан, ушбу давлат Конвенцияга қўшилганидан беш йил ўтгач бекор қилиниши мумкин. Биринчи конвенциянинг тўлиқ матни 5.3-иловада келтирилган

4.2.2 Халқаро дарёларнинг сувларидан фойдаланиш қоидалари. (1966 йил Хелсинки шаҳрида имзоланган).

Ушбу қоидаларда:

“Сувнинг ифлосланиши” атамаси, одамларнинг ҳуқ-автори натижасида халқаро сув ҳавзасидаги сувнинг табиий таркиби, таркиби ва сифатига зарар олиб келадиган ҳар қандай ўзгаришларда қўлланилади;

Халқаро сув ҳавзасининг сувларидан тенг ҳуқуқли фойдаланиш тамойилларига мувофиқ, давлат қуйидагиларга мажбурдир:

а) умумий ҳавзадаги бошқа давлат ҳудудига жиддий зарар келтирадиган, халқаро сув ҳавзасидаги ҳар қандай янги ифлосланишни ёки сув ифлосланишининг ортқча миқдорини олдини олиш;

б) халқаро сув ҳавзасидаги мавжуд ифлосланишни, умумий ҳавзадаги бошқа давлат ҳудудига жиддий зарар етказмайдиган даражада камайитириш учун, барча зарур чораларни қўллаш;

Агар, ушбу Конвенциянинг 10-моддаси 1-банди а) банд остида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, масъулият юкланган давлатдан, умумий ҳавзада жойлашган қўшни давлатга зарар етказувчи ҳаракатларни тўхтатиш ҳамда унга етказилган зарарни қоплаш юклатилади;

“Қирғоқ олди давлати” атамаси, чегараси орқали ёки чегараси бўйлаб оқиб ўтадиган дарёнинг бир қисми ёки қўл жойлашган давлатга нисбатан қўлланилади;

Давлат ҳаёти учун хавф туғдирадиган уруш ёки бошқа қуролли можаролар даврида ёки фавқулодда ҳолатларда, қирғоқбўйи давлати, ушбу банд бўйича ўз мажбуриятларини бажарадиган чоралар қўллаши мумкин, бундай чоралар халқаро ҳуқуқ бўйича унинг бошқа мажбуриятларига мос келади. Қирғоқбўйи давлати ҳар қандай ҳолатда, гуманитар мақсадларда, кемалар қатновини таъминлаши лозим;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига биноан, давлатлар, ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва бошқа манфаатларига дахлдор халқаро низоларни тинч йўллар билан ҳал қилишлари шарт, шундай қилиб халқаро хавфсизлик, тинчлик ва тенг ҳуқуқлик хавф остида қолмаслиги керак;

Агар манфаатдор давлатлар музокаралар йўли билан ўз келишмовчиликларини ҳал қила олмасалар ёки низони ҳал қилиш учун тузилган Қўшма идора ёки воситачи сифатидаги учинчи давлат, ваколотли ташкилот ёки алоҳида шахс ҳам низони ҳал қила олмаса, унда уларга Келишув комиссияси тузиш таклиф этилади;

33-моддага асосан ҳам низолар ҳал қилинмаса, манфаатдор давлатлар, ўзларининг қонуний низоларини вақтинчалик ҳакамлик судига, доимий ҳакамлик судига ёки Халқаро судга беришга рози бўлишлари тавсия этилади;

Ҳакамлик судига оид ҳолларда, манфаатдор давлатларга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан 1958 йилда, унинг ўнинчи сессиясида ишлаб чиқилган, ҳакамлик судини олиб бориш тартиб-қоидалари бўйича намунавий қоидаларга мурожаат қилиш тавсия этилади;

Манфаатдор давлатларнинг ҳакамлик судлари ёрдамига мурожаати, чиқарилган қарорни охириги деб қарашга ҳамда уни виждонан бажаришга бўйсунитишни назарда тутати. Халқаро дарёларнинг сувларидан фойдаланиш қоидаларининг тўлиқ матни 5.4-иловада келтирилган.

4.2.3. «Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро қўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида» ги конвенция. (1992 йил 17 мартда Хелсинки шаҳрида имзоланган)

Таърифлар. Ушбу конвенциянинг мақсадлари учун.

1. **“Трансчегаравий сувлар”**, икки ёки ундан ортиқ давлат орасидаги чегаралари кесиб ўтувчи ёки чегаралар ичида жойлашган ҳар қандай ер усти ёки ер ости сувларини билдиради; трансчегаравий сувлар бевосита денгизга қуйиладиган ҳолларда, трансчегаравий сувларнинг чегаралари, уларнинг денгизга қуйиладиган жойини кесиб ўтувчи тўғри чизиқ, қирғоқларида кичик сув чизиги жойлашган нуқталар орасидаги масофа билан чегараланади.

2. **“Трансчегаравий таъсир”**, физик манбаси тўлиқ ёки қисман у ёки бу Томонларнинг юридикцияси остидаги районда, атроф-муҳит учун эса бошқа Томоннинг юридикциясидаги районда жойлашган, трансчегаравий сувлар ҳолатининг инсон фаолияти туфайли ўзгариши натижасида келиб чиқадиган ҳар қандай муҳим зарарли оқибатлар таъсирини билдиради. Атроф-муҳит учун бундай зарарли оқибатлар қаторига, инсон саломатлиги ва хавфсизлиги, флора ва фауна, тупроқ ва ҳаво, сув, иқлим, ер ва тарихий обидалар ёки бошқа моддий объектларга етказилган зарар ёки бу омилларнинг ўзаро таъсири киради; худди шунингдек улар қаторига, ушбу факторларнинг ўзгариши натижасида юзага келадиган маданий мерос ёки ижтимоий-иқтисодий шароитнинг оқибатлари киради.

3. **“Томон”**, агар матнда бошқача таъриф назарда тутилган бўлмаса, ушбу Конвенциянинг иштирокчиси бўлган томонни англатади.

4. **“Қирғоқбўйи томонлари”**, ўша тронсчегаравий сувлар билан чегарадош бўлган Томонлардир.

5. **“Қўшма ташкилот”**, қирғоқбўйи томонлари ўртасидаги ҳамкорликни амалга оширувчи ҳар қандай икки томонлама ёки кўп томонлама комиссия ёки бошқа ташкилий тегишли тузилма.

6. **“Хавфли моддалар”**, токсик, канцероген, мутаген, тератоген ёки биологик бирикмага эга бўлган моддаларни билдиради, айниқса улар турғун бўлса.

7. **“Энг яхши мавжуд бўлган технология”**, (мазмунини ушбу Конвенциянинг 1-илоvasида белгиланган).

Умумий қоидалар.

1. Томонлар ҳар қандай трансчегаравий таъсирни олдини олиш, чеклаш ва камайтириш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

2. Томонлар тегишли барча чораларни кўрадилар, хусусан:

а) трансчегаравий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ёки таъсир кўрсатадиган, сувнинг ифлосланишини олдини оладиш, чеклаш ва камайтириш;

б) сув ресурсларини экологик асосланган ва оқилona бошқариш мақсадида, атроф-муҳитни асраш ва ҳимоя қилиш учун трансчегаравий сувлардан фойдаланишни таъминлаш;

3. Сувнинг ифлосланишини олдини олиш, чеклаш ва камайтириш бўйича тадбирлар, иложи борида ифлосланиш манбасида амалга оширилади.

4. Ушбу модданинг 1 ва 2 бандларида кўрсатилган чораларни қўллаш пайтида Томонлар қуйидаги принципларга амал қилишади:

- **“ифлословчи тўлайди”** принципига асосан, ифлословчи моддаларнинг тарқалишини олдини олиш, чеклаш ва камайтириш чоралари билан боғлиқ харажатлар ифлословчи томонидан қопланади;

- сув ресурсларини бошқариш, келажак авлоднинг ўз эҳтиёжларини қондириш қобилиятини бузмасдан, бугунги авлоднинг эҳтиёжларини қондириш учун амалга оширилади.

Олдини олиш, чеклаш ва камайтириш.

1. Томонлар трансчегаравий таъсирни олдини олиш, чеклаш ва камайтириш учун тегишли ҳукукий, маъмурий, иқтисодий, молиявий ва техник чораларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади, хусусан.

а) ваколатли миллий органларга, оқава сувларни оқизиш ва назорат қилиш учун олдиндан рухсат бериш орқали, трансчегаравий сувларни нуқтали манбалардан ифлосланишини муҳофаза қилиш;

б) фавқулодда вазиятда ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш;

в) ер ости сувларини ифлосланишини олдини олиш бўйича қўшимча аниқ чоратадбирларни амалга ошириш.

Мониторинг. Томонлар трансчегаравий сувларнинг ҳолатини мониторинг қилиш дастурларини ишлаб чиқади.

Ахборот алмашишуви. Томонлар, имкон қадар қисқа вақт ичида, ушбу Конвенция қоидаларини қамраб олинган масалалар юзасидан кенгроқ маълумот алмашиш имкониятини таъминлайдилар.

Масъулият. Томонлар, масъулият учун меъёрлар, мезон ва тартибларни ўрнатиш бўйича тегишли халқаро савий-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайдилар.

Икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик. Қирғоқбўйи Томонлар, тенглик ва ўзаро дўстлик асосида, ушбу Конвенциянинг асосий принципларига қарама-қаршиликни тугатиш мақсадида, трансчегаравий таъсирни олдини олиш, тақиқлаш ва камайтиришда ўзларнинг муносабатлари ва хатти-ҳаракатларини аниқлаш учун, қатъий бундайлар ҳозиргача бўлмаса, ёки фойдаланиб келинаётган келишув ва шартномаларга ўзгартиришлар киритиш мақсадида, икки томонлама ёки кўп томонлама келишувлар ёки бошқа шартномалар тузадилар.

Биргаликда олиб бориладиган мониторинг ва баҳолаш. Қирғоқбўйи томонлар, атроф-муҳитнинг ифлосланиш параметрлари ва ифлослантирувчи моддалар рўйхатини, трансчегаравий сувларга ташланаётган ташламалар ва уларнинг концентрациялари тўғрисида мунтазам равишда кузатувлар олиб бориш ва назорат қилишга келишиб оладилар.

Жамоатчиликни хабардор қилиш. Қирғоқбўйи Томонлар, трансчегаравий сувларнинг аҳоли тўғрисида жамоатчиликка хабар беришларини, трансчегаравий таъсирни олдини олиш, тақиқлаш ва камайтириш бўйича қабул қилинган ёки режалаштирилаётган чора тадбирлар ҳамда бу чораларнинг самарадорлиги тўғрисида хабардор қилишни таъминлайдилар.

Томонлар йиғилиши. Томонларнинг биринчи йиғилиши, ушбу Конвенциянинг кучга кирган кунидан бошлаб бир йилдан кам бўлмаган муддат ичида қаъирилади. Кейин навбатдаги йиғилишлар, ҳар уч йилда бир марта ёки одатда бажариладиган иш тартиби қоидаларига асосан кўпроқ қаъирилиши мумкин. Томонларнинг навбатдаги йиғилишда,

навбатдан ташқари йиғилиш ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилсалар ёки Томонларнинг бири ёзма равишда сўров юборган бўлса ва бу сўровни томонларнинг учдан бир қисми қўллаб-қувватласа, Томонларнинг барчаси хабар қилинган кундан эътиборон олти ой ичида навбатдан ташқари йиғилишлар ўтказадилар.

Овоз бериш ҳуқуқи. Ушбу Конвенциянинг ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга бўлади.

Низоларни ҳал қилиш. Икки ёки ундан ортиқ Томонлар ўртасида ушбу Конвенцияни талқин қилиш ёки қўллаш тўғрисидаги низо юзага келган тақдирда, улар низоли келишув йўли билан ёки низо томонлари учун мавжуд бўлган бошқа ҳар қандай йўл билан ҳал этишга интилишлари керак.

Имзолаш. Ушбу Конвенция, Хелсинки шаҳрида, 1992 йилнинг 17 мартдан 18 мартгача имзоланган ва бундан кейин, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги Бош қароргоҳида, Европа Иқтисодий Комиссиясининг аъзолари ва Европа Иттифоқининг иқтисодий комиссияси билан маслаҳатлашув мақомидаги давлатлар томонидан 18-сентябрь 1992 йилгача Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашининг 1947 йил 28 мартдаги 36 (IV), 8-бандига мувофиқ минтақавий иқтисодий интеграция ташкилотлари, Европа Иқтисодий Комиссиясининг суверен давлатлар томонидан таъсис этилган аъзо давлатларга Ушбу Конвенция томонидан тартибга соладиган масалаларда ваколатлар берилган, шу жумладан ушбу масалалар бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи ҳам берилган. Конвенциянинг тўлиқ матни 5.5-иловада келтирилган.

4.2.4. «Халқаро ер усти сув оқимларининг кемалар қатнамайдиган турларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида»ги конвенция. (1997 йилда Нью-Йорк шаҳрида имзоланган)

Сув олиш шартномаси. Агар сув оқими давлати, мазкур халқаро сув оқимининг хусусиятлари ва улардан фойдаланиши муносабати билан мазкур Конвенциянинг қоидаларини мослаштириш ва қўллаш зарур деб ҳисобласа, сув оқими давлати консултациялар ўтказди, яъни сув оқими бўйича келишув ёки келишувлар тузиш мақсадида яхши ниятда музокаралар ўтказди.

Сув оқими тўғрисида келишув томонлари. Ҳар қандай сув оқими давлати, ушбу халқаро сув оқимига тааллуқли ҳар қандай келишув тузишга оид музокараларда ҳамда тегишли маслаҳатлашувларда иштирок этишга ҳақли.

Одил ва оқилона фойдаланиш ва иштирок этиш. 1. Сув оқими давлати, ўз ҳудудидаги халқаро сув оқимидан адолатли ва оқилона фойдаланади. 2. Сув оқими давлатлари, халқаро сув оқимларидан фойдаланишда, уларни ўзлаштиришда, ҳимоя қилишда ҳамда адолатли ва оқилона фойдаланишда иштирок этадилар.

Кўп зарар етказмаслик мажбурияти. Сув оқими давлатлари, ўз ҳудудларидаги халқаро сув оқимларидан фойдаланаётганда, бошқа сув оқимлари давлатларига жиддий зарар етказмаслик учун барча тегишли чораларни кўради.

Ҳамкорликнинг умумий мажбурияти. Сув оқими давлатлари, халқаро сув оқимларидан тежамкор фойдаланиш ва етарли даражада ҳимоя қилиш учун суверен тенглик, ҳудудий яхлитлик, ўзаро манфаат ва дўстона муносабат асосида ҳамкорлик қилади.

Турли хил фойдаланишлар ўртасидаги боғлиқлик. Бошқа бирор-бир келишув ёки одат бўлмаса, халқаро сув оқимидан фойдаланишнинг ҳеч қайси тури, фойдаланишнинг бошқа турларидан ажратиб кўрсатиладиган устувор аҳамиятга эга эмас.

Режалаштирилган тадбирларга тааллуқли маълумотлар. Сув оқими давлатлари, бир-бирлари билан маълумот алмашишади ва бир-бирлари билан маслаҳатлашадилар ва зарурат туғилса, халқаро сув оқимининг ҳолати бўйича режалаштирилган чора-тадбирларнинг мумкин бўлган оқибатлари юзасидан музокаралар олиб борадилар.

Режалаштирилган тадбирларни кечиктирмай амалга ошириш. Агар режалаштирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши соғлиқни сақлаш, жамоат хавфсизлиги ёки бошқа бир хил даражада муҳим манфаатлар учун жуда зарур бўлса, ушбу чораларни режалаштирилган давлат, режалаштирилган чораларни кечиктирмасдан амалга оширади.

Экотизимларни муҳофаза қилиш ва ҳимоя қилиш. Сув оқими давлати, алоҳида ва керак бўлганда биргаликда, халқаро сув оқимлари экотизимини муҳофаза қилиш ва сақлашни таъминлайди.

Назорат остида ифлосланишнинг олдини олиш, камайтириш ва сақлаш. Ушбу модданинг мақсадлари учун “Халқаро сув оқимининг ифлосланиши” халқаро сув оқимининг таркиби ёки сифатига тўғридан-тўғри ёки билвосита инсон фаолияти натижасида етказилган зарарли ўзгаришларни англатади.

Ёввойи ёки янги турдаги организмларни киритиш. Сув оқими давлатлари, халқаро сув оқимига бегона ёки янги турдаги организмларни киришини олдини олиш мақсадида барча зарур чораларни кўради, улар бошқа сув оқимлари давлатларига жиддий зарар етказадиган, экотизимга ҳалокатли таъсир қилади.

Бошқариш. Сув оқими давлатлари улардан биронтасининг илтимосига биноан биргаликда бошқариш механизмининг ўз ичига олиши мумкин бўлган халқаро сув оқимини бошқариш бўйича маслаҳатлашувлар ўтказадиган.

Тартибга солиш. Агар бошқача келишувлар бўлмаса, сув оқимлари давлатлари, адолатли асосда, тартибга солиш объектларни қуриш ва уларни эксплуатация қаражатлари билан таъминлаб туришда қатнашадилар.

Зарарли ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни юмшатиш. Сув оқими давлатлари, халқаро сув оқими билан боғлиқ бўлган, табиат кучлари таъсирида ёки инсон фаолияти натижасида ҳосил бўладиган ҳамда бошқа давлатларга зарар келтирувчи, сув тошқини ёки музлаб қолиш, сувдан ўтадиган касалликлар, кўмилиб қолиш, ювилиб кетиш, шўр сувларни кириб келиши, қурғоқчилик ёки чўлланиш каби зарарли ҳолатларнинг олдини олиш ёки юмшатиш учун, ўзлари ва зарур бўлганда биргаликда барча чораларни кўрадилар.

Фавқулодда вазиятлар. Ушбу модданинг мақсадлари учун “Фавқулодда вазият”, сув йўли давлатларига ёки бошқа давлатларга жиддий зарар етказадиган ёки тўғридан-тўғри хавф туғдирадиган, табиатнинг қутилмаган кучлари таъсири натижасида ҳосил бўладиган сув тошқини, муз ёрилиши, кўчкилар ёки зилзилалар ёки инсон фаолияти натижасида масалан, саноат фалокатлари каби вазиятларнинг билдиради. Худудида фавқулодда вазият юзага келган сув оқими давлати, потенциал ҳуқуққа эга бўлган бошқа давлатлар ва зарур бўлганда ваколатли халқаро ташкилотлар билан биргаликда, фавқулодда вазиятнинг зарарли таъсирининг олдини олиш, юмшатиш ва бартараф этиш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни дарҳол қабул қилади.

Қуролли можаролар даврида халқаро сув оқимлари ва иншоотлари. Халқаро сув оқимлари ва уларга тегишли қурилмалар, иншоотлар ва бошқа объектлар, халқаро ва халқаро бўлмаган қуролли можаролар даврида, халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига мувофиқ қўлланиладиган ҳимоядан фойдаланадилар, ва ушбу принциплар ва нормаларни бузиш учун фойдаланилмайди.

Низоларни ҳал қилиш. 1. Ушбу Конвенцияни талқин қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ икки ёки бир нечта томонлар ўртасидаги низо юзага келган тақдирда, манфаатдор томонлар, улар ўртасида бошқа келишув бўлмаса, низони тинч йўл билан қуйидаги қоидаларга мувофиқ ҳал қилишга ҳаракат қилишади. 2. Агар манфаатдор томонлар, улардан бирининг ташаббуси билан ташкил қилинган музокаралар йўли билан келишувга эришмасалар, улар биргаликда учинчи томонга, яхши хизмат кўрсатиш тўғрисида ёки воситачилик тўғрисида, ёки яраштириш тўғрисида ёки вазиятга қараб улар томонидан ташкил қилинган сув оқимининг ҳар қандай ташкилотдан фойдаланишлари тўғрисида ёки низони ҳакамлик судига ёки Халқаро Судга топшириш тўғрисида мурожаат қилишлари мумкин.

Имзолаш. Ушбу Конвенция, барча давлатлар ва минтақавий иқтисодий интеграция ташкилотлари томонидан 1997 йил 21 майдан 2000 йил 20 майгача, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги Марказий муассасаларида имзолаш учун очиқ.

Ратификациялаш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш. Ушбу Конвенция давлатлар ва минтақавий иқтисодий интеграция ташкилотлари томонидан ратификация қилиниши, қабул қилиниши, тасдиқланиши ёки қўшилиши керак. Ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ишонч ёрлиқлари ва ҳужжатлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

Кучга кириш. Ушбу Конвенция, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига ратификация қилинганлиги тўғрисидаги ишонч ёрлиқларини олиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ўттиз бешинчи ҳужжат сифатида топширилганидан сўнг тўқсон кундан кейин кучга киради.

Аслига тўғри матнлар. Ушбу Конвенциянинг араб, хитой, инглиз, француз, рус ва испан тилидаги асл нусхаларининг матнлари ҳақиқий бўлиб, сақлаш учун, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади. Тегишли тарзда имзо чекишга ваколат берилган кўйидаги вакиллар ушбу Конвенцияни имзоладилар. Конвенциянинг тўлиқ матни 5.6-иловада келтирилган.

4.3 Минтақавий.

Марказий Осиёда трансчегаравий сув ресурсларини тақсимлаш.

Собиқ Совет Иттифоқи даврида Марказий Осиёда жойлашган республикалар учун умумий бўлган барча сув ҳавзалари улар мустақилликка эришгандан сўнг трансчегаравий сув ҳавзаларига айланди.

Марказий Осиёнинг бешта давлати сув хўжалиги вазирлари 1992 йил 18 февралда Олмаата шаҳрида Давлатлараро Сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясини (ДСХМК) туздилар ва “Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон ўртасида давлатлараро сув манбалари сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисида Келишув”ни имзоладилар.

Орол денгизи ҳавзаси ҳудудида ўртача йилига 114-116 млрд.м³ миқдорда сув ҳосил бўлади (2-жадвал). Ушбу сув ҳажмини Марказий Осиё давлатлари ўртасида тақсимлашни, Оролни асраш халқаро жамғармаси таркибидаги Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссияси томонидан амалга оширилади (1-схема).

Оролни асраш халқаро жамғармаси таркибидаги Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссияси, Марказий Осиё давлатлари ҳудудида ҳосил бўладиган (махсус экспедициялар ёрдамида аниқланган қорнинг ва музнинг қалинликлари ҳамда ёмғир ёгинлари туфайли ҳосил бўладиган) сув ресурслари миқдорини ҳисоблаб аниқлайди. Аниқланган сув ресурслари миқдори, ҳар бир давлатга тақсимланган лимитдан асосан бўлиб берилади. Йилнинг серсувлигига нисбатан ажратиладиган сув миқдори-лимити ҳар хил бўлиши мумкин. Сув ресурслари мўл бўлган йилларда, тақсимланадиган сув ресурслари миқдори белгиланган лимитдан кўп, сув тақчил бўлган йилларда эса, лимитга нисбатан кам бўлиши мумкин. Марказий Осиё мамлакатларига ажратиладиган сув миқдори-лимити, ҳар бир мамлакат миллий гидромет-хизмати ўз ҳудудида олиб борган кузатувлар натижасидаги башорати асосида тақсимланади.

Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссияси таркибидаги “Сирдарё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси ҳамда “Амударё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмалари, лимит бўйича ажратилган сув миқдорларини халқаро гидротехник иншоотлар ёрдамида мамлакатларга бўлиб беради ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни назорат қилади.

Амударё ҳавзасида давлатлараро сув тақсимоти муаммоси, келажакда Афғонистонни сув бўлган эҳтиёжини ошириш билан қийинлашиши мумкин. Совет иттифоқи даврида, Афғонистон билан СССР ўртасидаги сув бўйича муносабатлар,

1946 йилда икки томонлама қабул қилинган Келишувга ҳамда 1958 йилдаги Қарорга (5.7-илова) асосан тартибга солиниб турган. Аммо бу ҳужжатларда, сувнинг миқдори тўғрисида эмас балки, чегаралари масалалари ўз аксини топган, яъни «иккала мамлакат ўртасидаги сув чегараси, дарёнинг фарватерига (дарёдаги энг чуқур нуқталарни бирлаштирувчи чизик) асосан белгиланади» дейилган.

Ҳозирги кунда Афғонистон ҳудудида, унинг эҳтиёжини қондиришга етарли сув захиралари мавжуд. Келажакда Афғонистон мамлакатнинг жанубий қисмини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун ўз ҳиссасини оширишни (9,0 млрд. м³ гача) талаб қилиши мумкин. Бу ҳолат Панж дарёси оқим режимига ва натижада Амударёнинг сув режимига катта таъсир қилиши мумкин.

Сирдарё ва Амударё бўйича ҳозирги кунгача қабул қилинган давлатлараро ҳужжатлар шуни кўрсатадики, ҳозир фойдаланилаётган Орол ҳавзаси бўйича сув-энергетик ресурсларидан фойдаланиш схемаси, на минтақа, на миллий миқёсда оптимал ҳисобланмайди ва уларга сезиларли ўзгартиришлар киритиш лозим.

Маълумки ер юзидаги жуда кўп мамлакатлар узоқ тарихдан бошлаб трансчегаравий дарё сувларидан фойдаланадилар. Трансчегаравий дарё сувларидан биргаликда самарали фойдаланиш учун қонун ва қоидалар ишлаб чиқишган.

Аммо Марказий Осиё мамлакатлари учун илгари (СССР даврида) умумий бўлган сув манбалари, улар мустақилликка эришгандан (1991 йилдан) сўнг трансчегаравий сув манбаларига айланган. Шунинг учун ҳозирги кунгача, трансчегаравий сув манбаларидан фойдаланишни тартибга соладиган, узоқ муддат фойдаланиш имконини берадиган минтақавий қонун ва қоидалар ишлаб чиқилмаган.

Юқоридагиларга асосан шундай таклифларни бериш мумкин. Амударё ва Сирдарёнинг ҳамда трансчегаравий ҳисобланган бошқа кичик дарёларнинг ва бошқа сув манбаларининг сув ресурсларидан биргаликда келишган ҳолда фойдаланиш учун:

- Амударё ва Сирдарё ҳавзалари учун (алоҳида-алоҳида), шу ҳавзалар атрофида жойлашган мамлакатларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда минтақавий қонун ва қоидалар (конвенциялар) ишлаб чиқиш;

- фақатгина Орол денгизи ҳавзаси учун минтақавий қонун ва қоидалар (конвенциялар) ишлаб чиқиш;

- Орол денгизи ҳавзасидаги сув ресурсларини бошқариш, тақсимлаш ҳамда самарали фойдаланишни назорат қилувчи, мустақил “Орол қўмитаси” ташкил қилиш (қўмита суд, прокуратура, ўлчов асбоблари, сувда ҳаракатланиш мосламалари ва бошқалар билан таъминланиши зарур);

- Амударё ва Сирдарё ҳавзалари учун ёки Орол денгизи ҳавзаси учун ишлаб чиқарилган қонун ва қоидаларни бажарилишини ҳамда “Орол қўмитаси” фаолиятини Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан назорат қилиш.

Ҳозирги кунда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида қисқа муддатли (1-2 йил), икки томонлама ва уч томонлама шартномалар тузилиб (5.8, 5.9, 5.10 ва 5.11-илвалар), уларга асосан давлатлар ўртасида сув муносабатлари олиб борилади.

4.4. Миллий (маҳаллий).

Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш, тақсимлаш ва самарали фойдаланиш.

4.4.1. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни.

Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш, тақсимлаш ва самарали фойдаланишни ташкил қилиш ишлари билан 1996 йилгача Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, 1996-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, 2018 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги шуғулланиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида сувга доир муносабатларни тартибга солиш, сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини белгилаш бўйича ишлар қуйидаги қонун ва низомлар билан амалга оширилади.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» Қонуни (5.12-илова).

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низом (5.13-илова).

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини белгилаш тўғрисидаги Низом (5.14-илова).

1. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни. Ушбу Қонуннинг мақсади сувга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Унинг асосий вазифалари аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари учун сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувларни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Қонун қуйидаги боблардан ташкил топган (5.12-илова).

I-боб. Асосий қоидалар.

II-боб. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

III-боб. Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорати.

IV-боб. Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ва ишга тушириш.

V-боб. Сув объектларида, сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақаларида ва санитария муҳофазаси зоналарида ишларни бажариш.

VI-боб. Сувдан фойдаланувчилар, сув истеъмолчилари ва улар фойдаланадиган объектлар.

VII-боб. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли турлари.

VIII-боб. Сув объектларини фойдаланишга бериш тартиби ва шартлари.

IX-боб. Сувдан фойдаланувчиларнинг ва сув истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

X-боб. Сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш ҳуқуқини бекор қилиш.

XI-боб. Аҳолининг истеъмоли, маиший ва бошқа эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланиш.

XII-боб. Сув объектларидан даволаш, курорт ва соғломлаштириш мақсадларида фойдаланиш.

XIII-боб. Сув объектларидан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш.

XIV-боб. Сув объектларидан саноат мақсадларида ва энергетика эҳтиёжлари учун фойдаланиш.

XV-боб. Сув объектларидан балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш

XVI-боб. Сув объектларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш

XVII-боб. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда жойлашган сув объектларидан фойдаланиш

XVIII-боб. Сув объектларидан сув транспорти эҳтиёжлари учун фойдаланиш.

XIX-боб. Оқинди сувларни оқизиш учун сув объектларидан фойдаланиш.

XX-боб. Сув объектларидан ёнғинга қарши эҳтиёжлар учун ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун фойдаланиш.

XXI-боб. Сув омборлари, гидроузеллар ва бошқа иншоотлардан фойдаланиш.
XXII-боб. Орол денгизи ҳавзасида давлатлараро сувдан фойдаланиш.
XXIII-боб. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш
XXIV-боб. Сувни ва сув объектларини муҳофаза қилиш.
XXV-боб. Сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини олиш ва уни бартараф қилиш
XXVI-боб. Сувдан фойдаланишни давлат йўли билан ҳисобга олиш ва режалаштириш.
XXVII-боб. Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.
XXVIII-боб. Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш натижасида етказилган зарарларни қоплаш.
XXIX-боб. Халқаро шартномалар.

4.4.2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисида низом.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартибини, шунингдек, сув ресурсларининг ифлосланиши, булғаниши ва танқислигининг олдини олиш, сув объектларидан самарали фойдаланиш ва сув ресурсларини оқилона бошқариш учун ушбу зоналарда хўжалик фаолиятини юритиш режимини белгилайди (5.13-илова).

Суғориш сувларини етказиб бериш учун мамлакатимиз ирригация тизимлари 160 минг дона сув хўжалиги иншоотлари, жумладан 800 дона йирик гидротехник иншоотлар жойлашган 180 минг км узунликдаги суғориш тармоқлари, 103 532 км узунликдаги коллекторлар, умумий ҳажми 20 млрд.м³ га яқин 56 дона сув омборлари, 125 дона сув-сел омборлари эксплуатация қилинади. Юқоридаги сув объектларини ишончли эксплуатация қилиш ҳамда улардаги сувларни ифлосланмаслиги, булганмаслиги, камайиб кетмаслиги, ўзанларининг кўмилиб қолмаслиги, қирғоқларининг емирилмаслиги, улардаги флора ва фаунанинг ҳаёт кечиришига нормал шароит яратилиши, қирғоқлари, қирғоқ олди минтақаларини экология жиҳатидан тоза тутиш, уларга туташиб кетган ҳудудларда хўжалик юритилишини қатъий назорат қилиниши ва бошқалар учун уларнинг қирғоқ минтақаси, қирғоқ олди минтақаси ва сувни муҳофаза қилиш зоналари ўрнатилади.

Қирғоқ минтақаси, қирғоқ чегараси (қирғоққа тиралиб турган сув сатҳи) бўйлаб жойлашади. Унинг таркибига, одатда, сувни ҳимоя қилиш зонаси чегарасида пляжлар, қирғоқ камарлари, силжиш участкалари, тош уюмлари киради. Бу ҳудудда қатъий хўжалик фаолияти тартиби ўрнатилади. Қирғоқ бўйи минтақасининг миқдори, сув объект тури ва уларининг жойлашиш ҳолатига нисбатан белгиланади (53-расм).

Қирғоқ бўйи минтақаси, сувни муҳофаза қилиш зонасининг бир қисми ҳисобланиб, қирғоқ минтақаси билан туташиб кетади ва бу ҳудудда қатъий хўжалик фаолияти тартиби ўрнатилади (53-расм).


Сув омборлари ва башқа сув ҳавзаларининг **сувни муҳофаза қилиш зонаси**, уларнинг қирғоқ минтақаси билан туташиб кетган ҳудуд ҳисобланади. Бу ҳудудлар санитария ҳолатини зарур даражада сақлаш, сув объектларидаги сувнинг ифлосланиши ва булғаниши ҳамда кўмилиб қолиши ва камайиб кетишини олдини олиш, худди шунингдек ҳайвонот ҳамда ўсимликлар дунёсини ва сув биологик ресурсларни сақлаб қолиш учун махсус режим ўрнатилади (54-расм).

Сувни муҳофаза қилиш зоналарининг кенглиги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг вазифасидан, уларга туташ ерларнинг хусусиятлари ҳамда улардан хўжалик мақсадларида фойдаланиш шароитлари, шунингдек, жойнинг рельефидан келиб чиққан ҳолда, қуйидагича бўлиши мумкин:

-катта сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари (сиғими 1,1 млрд. куб метрдан 10 млрд. куб метргача бўлган) атрофида — 200 ÷ 250 метр;



53-расм. сүв объектларининг қирғоқ минтақаси, қирғоқ бўйи минтақаси ва сүвни муҳофаза қилиш зоналари.



54-расм. Сүв омборларининг сүвни муҳофаза қилиш зоналари.

-ўртача сүв омборлари ва бошқа сүв ҳавзалари (сиғими 0,6 дан 1 млрд. куб метргача бўлган) атрофида — 150 ÷ 200 метр;

-кичик сүв омборлари ва бошқа сүв ҳавзалари (сиғими 0,2 дан 0,5 млрд. куб метргача бўлган) атрофида — 100 ÷ 150 метр;

-жуда кичик сүв омборлари ва бошқа сүв ҳавзалари (сиғими 0,1 млрд. куб метрдан кам бўлган) атрофида — 50 ÷ 100 метр.

Ушбу Низом таркибига қуйидаги бўлимлар киритилган (5.13 -илова).

1-боб. Умумий қоидалар.

2-боб. Сүв объектларининг сүвни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини ташкил қилиш.

3-боб. Сүв омборлари ва бошқа сүв ҳавзаларининг сүвни муҳофаза қилиш зоналарини ва соҳил бўйи минтақаларини белгилаш.

4-боб. Дарё ва қуримайдиган сойларнинг сүвни муҳофаза қилиш зонасини ва соҳил бўйи минтақасини белгилаш.

5-боб. Каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг сүвни муҳофаза

қилиш зоналари ҳамда соҳил бўйи минтақаларини белгилаш.

6-боб. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти манбаларининг санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш.

7-боб. Даволаш-соғломлаштириш мақсадлари учун фойдаланиладиган минерал сув манбаларининг санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш.

8-боб. Сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарида хўжалик фаолиятини юритиш тартиби.

9-боб. Сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини келишиш ва тасдиқлаш тартиби.

10-боб. Якунловчи қоида.

4.4.3. Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида низом

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини белгилайди (5.14-илова). Унинг таркибига қуйидаги бўлимлар киритилган

I. Умумий қоидалар.

II. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли турлари.

III. Сувдан фойдаланиш объектлари ва сув истеъмоли манбалари.

IV. Сув олиш лимитлари ва уларни белгилаш тартиби.

V. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолини режалаштириш.

VI. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномалар.

VII. Сув ресурсларини олиш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида.

ҳисобга олишни ва ҳисоботни, шунингдек уларнинг мониторингини юритиш тартиби

VIII. Сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли ҳуқуқини тўхтатиш.

IX. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганлик учун жавобгарлик.

X. Жарима санкцияларини қўллашдан тушадиган маблағлардан фойдаланиш.

Мамлакатимизда ер сув ресурслари бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Ер ресурсларини, аторф-муҳитни ва табиий ҳудудларни муҳофаза қилмасдан туриб, сув ресурсларини тозалигига эришиб бўлмайди. Шунинг учун ер ресурсларига оид ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга оид қуйидаги кодекс ва қонунларни қараб чиқамиз .

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” (5.15-илова).

2. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни (5.16-илова).

3. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонуни.

4.4.4. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”.

Ер умуммиллий бойлиқдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади (5.15-илова).

Ер кодексининг таркибига қуйидаги боблар киритилган.

1-боб. Умумий қоидалар.

2-боб. Ер фонди.

3-боб. Ер тузиш.

4-боб. Ерга бўлган мулкчилик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари.

5-боб. Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

6-боб. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар.

7-боб. Аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва кишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари.

8-боб. Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар.

9-боб. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар.

10-боб. Ўрмон фонди, сув фонди ерлари ва захира ерлар.

11-боб. Ерларни муҳофаза қилиш.

12-боб. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назорат.

13-боб. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарар ҳамда кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш.

14-боб. Ер хусусидаги низоларни ҳал этиш ҳамда ер тўғрисида-ги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилиги асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат

4.4.5. Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида қонуни

Ушбу Қонун табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун қуйидаги бўлимлардан ташкил топган (5.16-илова).

I. Умумий қоидалар.

II. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг табиатни муҳофаза этишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

III. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

IV. Атроф табиий муҳит сифатини нормативлар билан тартибга солиш.

V. Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш.

VI. Экология экспертизаси.

VII. Экологик назорат.

VIII. Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий чора-тадбирлари.

IX. Фавқулодда экология вазиятлари.

X. Хўжалик фаолияти ва бошқа йўсиндаги фаолиятга доир экология талаблари.

XI. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик, табиатни муҳофаза қилишга оид низоларни ҳал қилиш.

Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонун билан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлари билан, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

4.4.6. Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида қонуни

Ушбу Қонуннинг мақсади муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун таркибига қуйидаги бўлимлар киритилган (5.17-илова).

- I. Умумий қоидалар.
- II. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш.
- III. Давлат қўриқхоналари.
- IV. Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари.
- V. Табиат боғлари.
- VI. Давлат табиат ёдгорликлари.
- VII. Айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор қўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар.
- VIII. Муҳофаза этиладиган ландшафтлар
- X. Давлат биосфера резерватлари, миллий боғлар ва давлатлар-аро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари типик, ноёб, қимматли табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолишдан, инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсир кўрсатиши олдини олишдан, табиий жараёнларни ўрганишдан, атроф табиий муҳит мониторингини олиб боришдан, экологик маърифат ва тарбияни такомиллаштиришдан иборат.

5. ИЛОВАЛАР.

5.1-илова

Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича асосий қонун ва қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни
4. Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси».
7. Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуни.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуни.
12. «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида».
13. Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонуни.
14. Ўзбекистон Республикасининг «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси тўғрисидаги низом».
15. Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси».
16. «Экологик назорат тўғрисида».
17. «Жамоатчилик назорати тўғрисида».
18. «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

5.2-илова

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенция ва битимлар.

1. Иқлим ўзгариши тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конвенцияси.
2. Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисида Вена Конвенцияси.
3. Озон қатламини емирувчи моддалар тўғрисида Монреал Битими.
4. Катта масофаларда ҳавонинг трансчегаравий ифлосланиши тўғрисидаги Конвенция.
5. Катта масофаларда ҳавонинг трансчегаравий ифлосланиши тўғрисидаги конвенцияга-атмосферага азот оксидини ташлашни ёки уларнинг трансчегаравий оқимини камайтириш тўғрисидаги Битими.
6. Катта масофаларда ҳавонинг трансчегаравий ифлосланиши тўғрисидаги конвенцияга атмосферага олтингутурт чиқаришни камида 30% ёки уларнинг трансчегаравий оқимини камайтириш тўғрисидаги Хельсинки Битими.
7. Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция.
8. Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи флора ва фауна билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги Конвенция.
9. Асосан, сузувчи кушларнинг яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқлик тўғрисидаги Рамсар Битими.

10. Хавфли чиқиндиларни трансчегаравий ташиш ва уларни йўқотиш назорати тўғрисидаги Базель Конвенцияси.

11. Хақаро маданий ва табиий мерос тўғрисидаги Конвенция.

12. Маълумотлар олишга имконият борлиги, жамоатчиликни қарорлар қабул қилишда ва атроф-муҳитга тааллуқли масалалар бўйича одил судловларда қатнашиши тўғрисида Орхус Конвенцияси.

13. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг чўлланишга қарши кураш бўйича Конвенцияси, жиддий қурғоқчилик ва/ёки чўлланиш юз бераётган мамлакатларда айниқса Африкада.

14. Биохилма-хиллик бўйича конвенцияга, биохавфсизлик бўйича Картахен Битими.

15. Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро қўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги халқаро Конвенция.

16. Кўчиб юрувчи ёввойи ҳайвон турларини сақлаш ҳақида Конвенция.

17. Тезда йўқолмайдиган органик ифлослантирувчилар тўғрисида Стокгольм Конвенцияси.

18. Халқаро Метеорологик Ташкилотнинг Конвенцияси.

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ, ТАҚСИМЛАШ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ.

ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯЛАР, ҚОИДАЛАР ВА ҚОНУНЛАР

5.3-илова

Гидроэлектрэнергия ишлаб чиқаришнинг бошқа давлатларга таъсири тўғрисида.

(1923 йил 9 декабрда Женевада имзоланган)

1-модда.

Ушбу Конвенция, шубҳасиз, ҳар бир давлатга тегишли бўлган халқаро ҳуқуқ доирасида, ўз ҳудудида, зарур гидроэлектрэнергия қувватини ишлаб чиқариш бўйича ҳар қандай фаолиятни амалга оширишига таъсир қилади.

2-модда.

Агар, асосланган гидроэлектрэнергия ишлаб чиқариш халқаро тадқиқотлар ўтказишни талаб қилса, келишишган манфаатдор давлатлардан бирининг талабига кўра, ушбу давлатларнинг манфаатларига мос бўлган энг мақбул ечимга эришиш мақсадида мавжуд бўлган, қурилатган ёки лойиҳаланилаётган иншоотларни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш схемаларини тузиш учун, биргаликда амалга оширилаётган бундай тадқиқотлар ўтказишга розилик беришлари керак.

Ишлаб чиқариш дастурига ўзгартиришлар киритишни ҳоҳлаган ҳар қандай шартномадаги давлат, ўтган параграфда келтирилган шартларга мувофиқ, янги тадқиқотлар тўғрисида маълум қилиб қўйиш керак.

Ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш мажбурияти расман қабул қилунгунга қадар, ҳеч бир давлат уни амалга ошириши шарт эмас.

3-модда.

Агар Аҳдлашган давлат, қисман ўз ҳудудида ва қисман бошқа Аҳдлашувчи давлат ҳудудида гидроэлектрэнергия ишлаб чиқаришни амалга ошириш истагини билдирса, ёки бу бошқа Аҳдлашувчи давлат ҳудудида ўзгартиришларга олиб келадиган бўлса, манфаатдор давлатлар, бундай ишлаб чиқариш дастурини таъминлайдиган битим тузиш учун музокаралар олиб боришлари керак.

4-модда.

Агар Аҳдлашган давлат, гидроэлектроэнергия ишлаб чиқариш истагини билдирса, ва бу, бошқа Аҳдлашувчи давлатга жиддий зарар етказса, манфаатдор давлатлар, бундай ишлаб чиқариш дастурини таъминлайдиган битим тузиш учун музокаралар олиб боришлари керак.

5-модда.

Олдинги моддаларда келтирилган шартномаларда қабул қилинган техник услублар, турли мамлакатларнинг миллий қонунчилиги доирасида, фақат сиёсий вазиятга ҳеч қандай муурожаат қилмасдан, фақат битта давлат томонидан гидроэлектроэнергия ишлаб чиқариш каби ҳолларда, қонуний ҳисобга олинishi мумкин бўлган ечимларга асосланиши керак.

6-модда.

Олдинги моддаларда муҳофама қилинган келишувлар, қуйидагиларни таъминлайди:

а) иншоотларни қуриш, техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатация қилишнинг умумий шартлари;

б) манфаатдор давлатларнинг харажатлар, хавф-хатар, иншоотларга етказилган зарар, худди шунингдек, хизмат кўрсатиш бўйича харажатларга адолатли ҳиссалари;

в) молиявий ҳамкорлик бўйича низоларни ҳал қилиш;

г) техник назоратни амалга ошириш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш усуллари;

д) майдонларни муҳофаза қилиш;

е) сув оқимини бошқариш;

ё) учинчи томоннинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

ж) келишувларни талқин қилиш ва қўллашни ҳисобга олган ҳолда, низоларни ҳал этиш усули.

7-модда.

Ҳар бир давлат ҳудудида, гидроэлектроэнергия ишлаб чиқариш учун қуриладиган ва эксплуатация қилинадиган иншоотлар, ўша давлатда, бундай иншоотларни қуриш ва эксплуатация қилиш қонун ва қоидаларга мос бўлиши керак

8-модда.

Манфаатлар мавжуд бўлган халқаро сув ўзанларига ҳозирча қизиқиш бор экан, халқаро қизиқиш ўйғотадиган кемалар қатнайидиган ўзанлар режими бўйича умумий конвенция шартларига асосан, ушбу Конвенциянинг қоидалари билан тартибга солиниш шarti билан, бу каби сув йўллариини бошқариш учун тузилган ёки тузилиши мумкин бўлган умумий конвенция ва махсус ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар сифатида, ушбу Конвенцияга мувофиқ тузилган шартномаларда мавжуд бўлган барча ҳуқуқлар ва мажбуриятлар кўриб чиқилиши керак

9-модда.

Ушбу Конвенция, уруш пайтида урушаётган томонларнинг, шунингдек, бетараф бўлган партияларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини назарда тутмайди. Шундай бўлсада, ушбу Конвенция бўйича, уруш даврида, бундай ҳуқуқлар ва мажбуриятлар кучда қолиши керак.

10-модда.

Ушбу Конвенция, Низомда кўзда тутилган ва конвенция тамойилларига мувофиқ келадиган шартларга асосан, халқаро савдода тақдим этилган қурилмалардан каттароқ қурилмаларни олиб қўйишни талаб қилмайди. Ушбу Конвенция келажакда бундай йирик қурилмалардан фойдаланишни тақиқламайди.

11-модда.

Ушбу Конвенция, Ахдлашувчи давлатларнинг ушбу конвенциядан келиб чиқадиган масалалар бўйича аввалги конвенциялар ёки шартномалар, ёки ушбу мавзу бўйича асосий шартномалар, жумладан, Версал шартномаси, Трианон ва 1924-1918 йиллардаги уруш тугагандан кейин тузилган бошқа шартномалар бўйича келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

12-модда.

Агар Ахдлашувчи давлатлар ўртасида, ушбу Конвенцияни қўллаш ёки талқин қилиш тўғрисида низо юзага келса, ва бундай низо томонлар ўртасида тўғридан-тўғри ёки бошқа тинч тартибли усуллар билан ҳал қилинмаса, юкларни ташиш ва транзит ўтказиш бўйича томонларнинг ўзаро келишувига асосан бошқа маслаҳатлашув, ҳакамлик суди ёки суд орқали масални ҳал қилишга келишмаган бўлсалар, низо томонлари уни, маслаҳатлашиш ва техник ташкилот сифатида Миллатлар Иттифоқи томонидан ташкил қилинган маслаҳатлашиш ташкилотига берилиши мумкин.

Олдинги параграф қоидалари, гидроэлектрэнергетиканинг ривожланиши, миллий иқтисодиётга ёки хавфсизликка жиддий зарар етказишини билдирадиган ҳар қандай давлатга нисбатан қўлланилмайди.

13-модда.

Ушбу Конвенция, давлатнинг бир қисмини ташкил этадиган ҳудудларда ёки ўша суверен давлат ҳимояси остида жойлашган ҳудудларда ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳар қандай ҳолатида, ушбу ҳудудлар алоҳида Ахдлашувчи давлатлар бўладими ёки йўқми деб ҳисобланмаслиги керак.

14-модда.

Ўтган моддаларда таъкидланганлар, Миллатлар Иттифоқи аъзоларига таалуқли Ахдлашувчи Давлатларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига таъсир кўрсатадиган омиллар сифатида қаралмаслиги керак.

15-модда.

Ушбу Конвенциянинг **француз ва инглиз** тилларидаги ҳақиқий матнлари, бугунги кун билан саналанган ва Женевада бўлиб ўтган конференцияда қатнашган ҳар қандай давлат, Миллатлар Иттифоқининг ҳар қандай аъзоси ва Миллатлар Иттифоқи, ушбу Конвенциянинг нусхаларини юборадиган ҳар қандай бошқа давлатлар томонидан имзолаш учун 1924 йил 31 октябргача очик

16-модда.

Ушбу Конвенция ратификация қилиниши керак. Ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар, Миллатлар Иттифоқининг Бош котибига сақлаш учун топширилиши керак, Бош котиб Конвенцияни имзолаган ёки унга қўшилган ҳар бир давлатни бундан хабардор қилади.

17-модда.

1924 йилнинг 1 ноябридан, Женевада бўлиб ўтган конференцияда қатнашган ҳар қандай давлат, Миллатлар Иттифоқининг ҳар қандай аъзоси ва Миллатлар Иттифоқи, ушбу Конвенциянинг нусхаларини юборадиган ҳар қандай бошқа давлатлар ушбу Конвенцияга қўшилишлари мумкин. Қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар, Миллатлар Иттифоқининг Бош котибига юборилади ва сақлаш учун Котибият архивига топширилади. Бош котиб, ушбу Конвенцияни имзолаган ёки унга қўшилган ҳар бир давлатни, бундай сақлаш тўғрисида дарҳол хабардор қилади.

18-модда.

Ушбу Конвенция, уч давлат номидан ратификация қилинмагунча кучга кирмайди. Унинг кучга кириш санаси, Миллатлар Иттифоқи Бош Котибининг ратификация қилиш

тўғрисидаги учинчи ҳужжатни олган кундан бошлаб тўқсонинчи кундан ҳисобланади. Шундай қилиб, ушбу Конвенция, уни ратификация қилинганлиги ёки унга қўшилиш тўғрисида хабар олингандан кейин тўқсон кун ўтгач кучга киради.

Миллатлар Иттифоқи Низомининг 18-моддаси қоидаларига мувофиқ Бош котиб, ушбу Конвенцияни кучга кирган санадан бошлаб рўйхатдан ўтказди.

19-модда.

Миллатлар Иттифоқининг Бош Котиби, ушбу Конвенциянинг 21-моддаси қоидаларига мувофиқ, уни имзолаган, ратификация қилган, қўшилган ёки рад этганлар тўғрисида махсус рўйхат тузиши керак. Ушбу рўйхат, Иттифоқ аъзолари учун доимо очик бўлиши керак ва Кенгаш қарорига биноан имкон қадар тез-тез чоп қилиб турилиши керак.

20-модда.

Юқорида кўрсатилган 11-модда қоидаларига биноан, ушбу Конвенция ҳар қандай давлат томонидан, ушбу давлат Конвенцияга қўшилганидан беш йил ўтгач бекор қилиниши мумкин.

21-модда.

Ушбу Конвенцияни имзолаган ёки унга қўшилган ҳар қандай давлат, Конвенцияни имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш вақтида, ўзининг мустамлакаси ёки ваколатига эга бўлган барча ёки ҳар қандай колонияларини, хориждаги мол-мулкларини, протекторатларини ёки хориждаги ҳудудларини қамраб олмаганлигини эълон қилиши мумкин.

Келажакда ушбу Конвенциянинг 17-моддасига биноан Конвенцияга қўшилиш учун, рўйхатдан чиқарилган колониялар, хорижий мулклар, протекторатлар ёки ҳудудлар иштирок этиши мумкин.

Конвенцияни бекор қилишни, ҳар қандай шундай алоҳида колония, хорижий мулк, протекторат ёки ҳудуд қўллаши мумкин ва ушбу Конвенциянинг 20-моддаси, ҳар қандай шундай бекор қилишга қўлланилади.

22-модда.

Ушбу Конвенцияни қайта кўриб чиқиш талаби, ҳар қандай вақтда, Аҳдлашувчи давлатларнинг учдан бир қисми томонидан амалга оширилиши мумкин.

5.4-илова

Халқаро дарёларнинг сувларидан фойдаланиш қоидалари (1966 йил Хелсинки шаҳрида имзоланган)

I - боб. Умумий қоидалар

1-модда.

Ушбу бобларда баён этилган халқаро ҳуқуқларнинг асосий қоидалари, халқаро сув ҳавзаларидаги сувдан фойдаланишга нисбатан қўлланилади, агар ҳавза давлатлари ўртасида кучга эга бўлган бошқа усуллар-конвенциялар, келишувлар ёки қабул қилинган урф-одатлар бўлмаса.

2-модда.

Халқаро сув йиғилиш ҳавзаси, икки ёки ундан ортиқ давлатни қамраб олган, ва сув бўлиш лимитлари тизими билан аниқланадиган, ер усти ва ер ости сувлари каби, умумий сув оқимининг охирига жойига оқиб келадиган сув ҳавзаси чегаралари билан белгиланадиган географик минтақадир.

3-модда.

"Ҳавза давлати" - бу, ҳудуди халқаро сув ҳавзасининг бир қисми бўлган давлат.

II - боб. Халқаро сув ҳавзаси сувларидан тенг ҳуқуқда фойдаланиш

4-модда.

Ҳавзанинг ҳар бир давлати, ўз ҳудуди чегарасида, халқаро сув ҳавзасининг сувларидан оқилона ва тенг ҳуқуқда фойдаланишда қатнашадилар.

5-модда.

1. Ушбу ҳужжатнинг 4-моддаси мазмуни бўйича оқилона ва тенг ҳуқуқда иштирок этиш, ҳар бир алоҳида ҳолатда барча тегишли омиллар асосида белгиланади.

2. Кўриб чиқилиши керак бўлган омиллар, қуйидагиларни ўз ичига олади, аммо улар билан чекланмайди:

а) ҳавзанинг географияси, шу жумладан, ҳар бир ҳавза давлати ҳудудида сув йиғиш майдонларининг узунлиги;

б) қўшадиган ҳиссаси;

в) ҳавзага таъсир қиладиган иқлим;

г) ўтмишда ҳавзадан фойдаланиш, шу жумладан, мавжуд фойдаланиш;

д) ҳар бир ҳавза давлатининг иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжлари;

е) ҳар бир ҳавза давлатида ҳавза сувларига боғлиқ аҳоли;

ё) ҳар бир ҳавза давлатининг иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун муқобил воситаларнинг солиштирма харажатлари;

ж) бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

з) ҳавза сувларидан фойдаланишда керак бўлмаган чиқиндилардан қочиш;

и) фойдаланишдаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш учун, умумий ҳавзадаги бир ёки кўпроқ давлатларнинг зарарини қоплаш мақсадида мувофикдир;

к) ҳавза давлатининг талабларини қондириш даражасини, ушбу ҳавзадаги бошқа давлатга жиддий зарар етказмасдан амалга ошириш.

6-модда.

Фойдаланиш ёки фойдаланиш тоифаси, исталган бошқа фойдаланиш ёки фойдаланиш тоифасини афзал кўриш ҳуқуқини бермайди.

7-модда.

Ҳавза давлати, халқаро сув йиғиш ҳавзаси сувларидан, мавжуд бўлган оқилона фойдаланишдан, келажакда унинг учун умумий ҳисобланадиган ҳавза сувларидан, бошқа давлатнинг фойдаси учун маҳрум этилмаслиги керак.

8-модда.

1. Мавжуд оқилона фойдаланиш, рақобатбардош мос келмайдиган фойдаланишни ўзгартириш ёки бекор қилиш керак деган ҳулосага олиб келадиган бошқа омилларга қарамасдан, уни давом эттиришни оқлайдиган омиллар устунлик қилганда давом этиши мумкин.

2. Фойдаланиш, бевосита фойдаланиш билан боғлиқ қурилиш бошлангандан бошлаб ҳақиқатдан ҳам мавжуд фойдаланиш деб ҳисобланади, ёки агар бундай қурилиш, мавжуд биргаликда ҳаракат бошланган вақтдан бошлаб ҳақиқий бажаришни талаб қилмаса.

3. Агар фойдаланиш, амал қилиш муддатидан олдин мавжуд бўлган оқилона фойдаланиш билан мос келмаса, мавжуд фойдаланиш деб ҳисобланмайди.

III-боб. Ифлосланиш

9-модда.

Ушбу бобда қўлланиладиган "*сувнинг ифлосланиши*" атамаси, одамларнинг

хулқ-автори натижасида халқаро сув ҳавзасидаги сувнинг табиий таркиби, таркиби ва сифатига зарар олиб келадиган ҳар қандай ўзгаришларда қўлланилади.

10-модда.

1. Халқаро сув ҳавзасининг сувларидан тенг ҳуқуқли фойдаланиш тамойилларига мувофиқ, давлат қуйидагиларга мажбурдир:

а) умумий ҳавзадаги бошқа давлат ҳудудига жиддий зарар келтирадиган, халқаро сув ҳавзасидаги ҳар қандай янги ифлосланишни ёки сув ифлосланишининг ортиқча миқдорини олдини олиш;

б) халқаро сув ҳавзасидаги мавжуд ифлосланишни, умумий ҳавзадаги бошқа давлат ҳудудига жиддий зарар етказмайдиган даражада камайтириш учун, барча зарур чораларни қўллаш.

2. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган қоида, сувнинг ифлосланишига нисбатан қўлланилади:

а) давлат ҳудуди чегарасида, ёки;

б) агар у, ушбу давлатнинг ҳаракати оқибатида, ушбу давлат ҳудудидан ташқарида содир этилган бўлса.

11-модда.

1. Агар, ушбу Конвенциянинг 10-моддаси 1-банди а) банд остида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, масъулият юкланган давлатдан, умумий ҳавзада жойлашган қўшни давлатга зарар етказувчи ҳаракатларни тўхтатиш ҳамда унга етказилган зарарни қоплаш юклатилади.

2. Ушбу Конвенциянинг 10-моддаси 1-банди б) банд остида тушадиган қоидалар бўйича, агар зарар етказган давлатнинг, зарарни тўхтатиш учун зарур чоралар кўришга имконияти бўлмаса, унга, ушбу ҳолатда, мақсадни амалга ошириш учун тенг ҳуқуқ асосида зудлик билан, зарар кўрган давлат билан музокаралар олиб бориш тавсия этилади.

IV-боб. Кемалар қатнови

12-модда.

1. Ушбу боб, бир қисмида кемалар юрадиган дарёлар ва қўлларга таалуқли бўлиб, бўлинган ёки бир ёки ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтади.

2. Дарё ва қўллар, агар улар табиий ёки бошқариладиган ҳолатда, савдо кемалари қатнови учун ёки, уларнинг табиий ҳолатига кўра, шу тарзда ишлатиш мумкин бўлса, **«кемалар қатнови»** деб ҳисобланади.

3. Ушбу бобдаги **«қирғоқ олди давлати»** атамаси, чегараси орқали ёки чегараси бўйлаб оқиб ўтадиган дарёнинг бир қисми ёки қўл жойлашган давлатга нисбатан қўлланилади.

13-модда.

Ушбу бобларга таалуқли ҳар қандай чеклашлар ёки шартларни ҳисобга олиб, ҳар бир қирғоқ бўйи давлатларига, дарё в қўлларнинг ички ўзани бўйлаб эркин кемалар қатнови ҳуқуқига берилган.

14-модда.

«Эркин кемалар қатнови» ушбу бобда берилган атама бўлиб, қирғоқ бўйи давлати кемалари учун тенглик асосида қуйидаги эркинликлар берилган:

а) ички дарёлар ва қўлларнинг ўзани бўйлаб эркин ҳаракатланиш;

б) портларга эркин кириш ҳамда док заводлардан фойдаланиш;

в) товарлар ёки йўловчиларни, бир қирғоқбўйи давлатининг ҳудуди орасида ва бошқа қирғоқбўйи давлатининг ҳудудида, ва қирғоқбўйи давлатларининг ҳудудлари орасида денгизга чиқишда, тўғридан-тўғри ва пересадка билан ташиш.

15-модда.

Қирғоқбўйи давлати, 13 ва 14-моддаларда кўзда тутилган кемалар қатнови ҳуқуқига зиён етказмаслик шарти билан, ушбу давлатнинг юрисдикциясига тегишли бўлган дарё ёки кўлнинг ўша қисмида, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги ва соғлигини муҳофаза қилиш билан чекланмасдан, полиция ҳуқуқларини ҳам амалга ошириши мумкин.

16-модда.

Ҳар бир қирғоқбўйи давлати ўз ҳудудида, хорижий юк кемаларига, юкларни ва йўловчиларни юклашни ёки мана шу ҳудудда юкларни туширишни чегаралаши ёки тақиқлаши мумкин.

17-модда.

Қирғоқбўйи давлати ўз ҳудудидаги дарёлар ёки кўлларда, қирғоқ бўйида жойлашмаган давлатларга кемалар қатнови ҳуқуқини бериши мумкин.

18-модда.

Ҳар бир қирғоқбўйи давлати, мавжуд бўлган воситалар доирасида, дарё ёки кўлларнинг ўз юрисдикциясига кирадиган кемалар қатнайдиган қисмини сақлаб туришга мажбурдирлар.

19-модда.

Ушбу бобда баён этилган қоидалар, полиция ёки маъмурий вазифаларни бажараётган ёки умуман бошқа ҳар қандай давлат ҳокимиятини амалга ошираётган ҳарбий корабллар ёки кемалар учун қўлланилмайди.

20-модда.

Давлат ҳаёти учун хавф туғдирадиган уруш ёки бошқа қуролли можаролар даврида ёки фавқулодда ҳолатларда, қирғоқбўйи давлати, ушбу банд бўйича ўз мажбуриятларини бажарадиган чоралар қўллаши мумкин, бундай чоралар халқаро ҳуқуқ бўйича унинг бошқа мажбуриятларига мос келади. Қирғоқбўйи давлати ҳар қандай ҳолатда, гуманитар мақсадларда, кемалар қатновини таъминлаши лозим.

V-боб. Ёғоч оқизиш

21-модда.

Икки ёки ундан ортиқ давлат ҳудудидан ўтувчи ёки шу ҳудудлар орасидан ўтиб кетадиган сув йўлларида ёғоч оқизиш, агар қонун-қоидалар, қирғоқбўйи давлатлари ўртасида амалда бўлган амалдаги қонунчилик ёки қабул қилинган одатларга асосан, қуйидаги моддаларга мувофиқ, кемалар қатнови қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

22-модда.

Кемалар қатнови учун фойдаланилаётган, халқаро сув йўлининг қирғоқ олди минтақасига эга бўлган давлат, умумий келишув бўйича, қаерда ва қандай шароитда ушбу сув йўли бўйича ёғоч оқизишга рухсат берилишини аниқлаши мумкин.

23-модда.

1. Кемалар қатновини амалга оширмаётган халқаро сув йўлининг қирғоқ олди минтақасига эга бўлган ҳар бир давлат, сув йўлидан бошқача фойдаланишни ҳисобга олиб, бошқа қирғоқ бўйи давлатларига, ҳар бир қирғоқ бўйи давлатлари ҳудуди чегарасида, сув йўли ва унинг қирғоқларидан, ёғоч оқизиш учун фойдаланишга рухсат беришлари тавсия этилади.

2. Бу рухсатнома, ёғоч оқизувчи бригадалар томонидан қирғоқ бўйлаб бажариладиган барча ишларга ҳамда бошқа қирғоқ олди давлати ҳудудида ичкарасида ёғоч оқизиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган ускунани ўрнатишга ёки, агар бу сув йўли оқимини бошқариш учун зарур бўлса, ушбу ускуналар ва тадбирлар билан боғлиқ бўлган барча масалалар, манфаатдор давлатлар ўртасидаги келишувлар асосида аниқланиши лозим.

24-модда.

Қирғоқбўйи давлатига, ёғочларни оқизиш учун қўшни қирғоқ бўйи давлати ҳудудида доимий иншоотлар зарур бўлганда ёки сув оқими режимини тартибга солиш талаб қилинган ҳолларда, бундай тадбирлар билан боғлиқ барча масалалар манфаатдор давлатлар ўртасида келишувлар йўли билан ҳал қилинади.

25-модда.

Ўрмон ёғочларини оқизаётган ёки оқизиши мумкин бўлган, халқаро сув йўлининг қирғоқ олди минтақасига эга бўлган давлатлар, маъмурий ва иқтисодий режимни тартибга солувчи келишувга эришиш учун ва зарур бўлганда биргаликда агентлик ёки комиссия тузиш учун, барча соҳаларда ёғоч оқизишни тартибга солишга ёрдам берувчи музокаралар олиб боришлари лозим.

VI -боб. Низоларни олдини олиш ва бартараф қилиш тартиблари

26-модда.

Ушбу бўлим, ҳавзалар давлатлари ва бошқа давлатларнинг қонуний ҳудудлари ва бошқа манфаатларига таалукли халқаро низоларни олдини олиш ва ҳал қилиш учун, халқаро сув ҳавзаларининг сувларида қўлланилади.

27-модда.

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига биноан, давлатлар, ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва бошқа манфаатларига дахлдор халқаро низоларни тинч йўллар билан ҳал қилишлари шарт, шундай қилиб халқаро хавфсизлик, тинчлик ва тенг ҳуқуқлик хавф остида қолмаслиги керак.

2. Давлатларга, ушбу бобнинг 29-34-моддаларида келтирилган, низоларни бартараф этиш ва ҳал қилиш усулларини изчил равишда кўриб чиқиш тавсия этилади.

28-модда.

1. Давлатларнинг бирламчи вазифаси, амалда бажарилиши мажбурий бўлган шартномаларда кўзда тутилган низоларни бартараф этиш ва ҳал қилиш воситаларига мурожаат қилишдир.

2. Давлатлар, амалдаги шартномаларда кўзда тутилган ва бажарилиши мажбурий бўлган, шартномаларда кўрсатилган, низоларни олдини олиш ва ҳал этиш воситалари билан чекланган.

29-модда.

1. Ҳавза давлатлари ўртасида қонуний ҳудудлар ва бошқа манфаатларга таалукли бўлган низоларни олдини олиш учун, ҳар бир ҳавза давлати, ўз ҳудудидаги сув ҳавзасининг сувлари, улардан фойдаланиш, ушбу сувларга нисбатан амалга ошириладиган ҳаракатлар тўғрисида бошқа ҳавза давлатларини хабардор қилиб туриш тавсия қилинади.

2. Давлат, сув ҳавзасида жойлашган жойидан қатъий назар, хусусан, манфаатларига сезиларли даражада таъсир қилиши мумкин бўлган ҳавзадаги ҳар қандай давлатга, 26-моддада белгилаб қўйилган низо олиб келиши мумкин бўлган, ҳавза режимини ўзгартириб юборадиган ҳар қандай қурилиш ёки қурилма тўғрисида хабардор қилиш керак.

Хабарнома, тавсия этилган ўзгаришларнинг, қабул қилувчи томонидан, мумкин бўлган таъсири самарасини баҳолашга имкон берадиган муҳим фактларни ўз ичига олган бўлиши керак.

3. Ушбу модданинг 2-бандига таалукли билдиришномани қафолатловчи давлат, таклиф этилаётган қурилиш ёки қурилманинг мумкин бўлган таъсири самарасини баҳолаш учун, қабул қилувчига етарли вақт ажратди ва қабул қилувчи, юбуровчи давлатдан кейин ўз фикрини тақдим этади.

4. Агар давлат, ушбу модданинг 2-бандига таалукли хабарлар билан хабардор килолмаса, агар сув ҳавзасининг бўлиниши оқилона ва адолатли деб топилган бўлса, давлат томонидан, сув йиғиш ҳавзаси режимига киритилган ўзгартиришларга вақтинчалик устунликка мос келадиган анаънавий қиймат берилмайди.

30-модда.

Давлатлар ўртасида, 26 - моддада белгилаб қўйилган қонуний ҳуқуқлари ва бошқа манфаатларига оид юзага келган баҳсли ҳолларда, ушбу давлатлар, ечимларни музокаралар орқали ечиш йўлини қидиришлари керак.

31-модда.

1. Агар халқаро сув ҳавзаларида, сувнинг мавжуд ёки келгусида ишлатилишига боғлиқ бўлган низо ёки фойдаланиш масаласи бўлса, ҳавза давлатлари ушбу масалани ёки низони ҳал қилиш учун Қўшма идорага ҳавола қилиши ва ушбу идорага, барча манфаатдор давлатлар манфаатларини кўзлаб, халқаро сув ҳавзаларидан тўлиқроқ ва самаралироқ фойдаланиш бўйича режа ёки тавсияларни ишлаб чиқиш учун, халқаро сув ҳавзасини текшириш тавсия этилади.

2. Қўшма идорага, ўз ваколатига таалукли барча масалалар бўйича манфаатдор иштирок этувчи давлатларнинг тегишли органларига ҳисобат бериш тавсия этилади.

3. Қўшма идоранинг аъзо давлатлари, тегишли ҳолларда, умумий ҳавзага таалукли бўлмаган, аммо шартнома бўйича халқаро сув ҳавзасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган мамлакатларни, Қўшма идоранинг ишларида қатнашиш ёки чиқишлар қилишга рухсат бериш учун уларни таклиф этиш тавсия қилинади.

32-модда.

Агар, манфаатдор давлатлар томонидан кўриб чиқиладиган савол ёки низо, 31-моддада кўрсатилган тартибда ҳам ечилмаса, унда улар биргаликда воситачи сифатида учинчи давлатга, ваколотла ташкилотга ёки алоҳида шахсга мурожаат қилишлари тавсия этилади.

33-модда.

1. Агар манфаатдор давлатлар музокаралар йўли билан ўз келишмовчиликларини ҳал қила олмасалар ёки ушбу Конвенциянинг 31 ва 32-моддаларида тавсия этилган чоратadbирларга розилик билдира олмасалар, ушбу давлатларга, зарар бўйича Комиссия ёки доимий бўлмаган, барча манфаатдор давлатлар учун мақбул бўлган, уларнинг қонуний ҳудудлари бўйича низони ҳал этишга ҳаракат қиладиган Келишув комиссияси ташкил қилиш тавсия этилади.

2. Қуйидаги иловада баён этилган тавсияларни ҳисобга олган ҳолда, Келишув комиссиясини тузиш тавсия этилади.

34-модда.

Манфаатдор давлатлар, ўзларининг қонуний низоларини вақтинчалик ҳакамлик судига, доимий ҳакамлик судига ёки Халқаро судга беришга рози бўлишлари тавсия этилади, агар:

- а) ушбу Конвенциянинг 32-моддасида кўзда тутилгандек комиссия ташкил этилмаган, ёки;
- б) комиссия тавсия этилган ечимни топа олмади, ёки;
- в) тавсия этилган ечим манфаатдор давлатлар томонидан қабул қилинмади, ва;
- г) бошқача келишувларга эришилмади.

35-модда.

Ҳакамлик судига оид ҳолларда, манфаатдор давлатларга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан 1958 йилда, унинг ўнинчи

сессиясида ишлаб чиқилган, ҳакамлик судини олиб бориш тартиб-қоидалари бўйича намунавий қоидаларга мурожаат қилиш тавсия этилади.

36-модда.

Манфаатдор давлатларнинг ҳакамлик судлари ёрдамига мурожати, чиқарилган қарорни охириги деб қарашга ҳамда уни виждонан бажаришга бўйсунитишни назарда тутати.

37-модда.

Ушбу бобнинг аввалги моддаларида назарда тутилган низоларни ҳал қилиш воситалари, минтақавий битимлар ёки муассасалар ва бошқа халқаро ташкилотларнинг иштирокчилари томонидан тавсия этилган ёки талаб қилинадиган рухсат бериш воситаларидан фойдаланишга зарар етказмасдан қўлланилади.

«Халқаро дарёларнинг сувларидан фойдаланиш қоидалари»нинг иловаси.

Низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш учун келишув комиссияси ташкил қилиш бўйича намунавий қоидалар

1-модда.

Комиссия аъзолари, шу жумладан, Президент, манфаатдор давлатлар томонидан тайинланади.

2-модда.

Агар манфаатдор давлатлар, ушбу лавозимларга рози бўлмасалар, ҳар бир давлат иккитада аъзо тайинлайди. Шу тарзда тайинланган аъзолар, Комиссия раиси қилиб тайинланадиган яна бир аъзони танлайдилар. Тайинланган аъзоларнинг розилиги бўлмаса, бу ҳолда аъзо-Президент, ҳар қандай давлатнинг талабига биноан, Халқаро суд Президенти томонидан, агар у тайинламаса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотиби томонидан тайинланади.

3-модда.

Комиссиянинг таркиби, уларнинг профессионал малакаларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро сув ҳавзалари бўйича низоларни ҳал қилиш учун мос бўлган аъзолардан иборат бўлиши керак.

4-модда.

1. Агар комиссия аъзоси ўз вазифасини бажаришдан воз кечса, ёки ўз вазифаларини бажара олмаса, у ушбу илованинг 1-моддасида ёки 2-моддасида кўрсатилган тартибда, у биринчи марта тайинланган тартибда олиб ташланади Қуйидаги ҳолларда:

а) 1-моддага биноан дастлаб тайинланган аъзони, давлатлар, уни ишдан бўшатиш тўғрисида келиша олмасалар; ёки

б) 2-моддага биноан дастлаб тайинланган аъзо, иштирокчи давлат аъзоларни ишдан бўшатиб бўлмайди;

в) ҳар қандай манфаатдор давлатнинг талабига биноан ишдан бўшатиш, Халқаро суд Президенти томонидан, агар у тайинламаса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотиби томонидан танланади.

5-модда.

Томонлар ўртасида бошқа ҳар қандай шаклда эришилган келишув бўлмаса, Келишув комиссияси йиғилишларининг жойини ва иш тартибини белгилайди

«Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро қўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги конвенция.
(1992 йил 17 мартда Хельсинки шаҳрида имзоланган)

Ибтидо

Ушбу Конвенциянинг иштирокчилари,

- трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро қўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш муҳим ва долзарб вазифалар эканлигини, уларнинг самарали ечимига фақат яқин ҳамкорлик орқали эришиш мумкинлигини **англаб,**

- келажакда трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро қўллар ҳолатининг ўзгариши, Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) аъзолари бўлган мамлакатларнинг атроф-муҳити, иқтисодиёти ва фаровонлиги учун салбий оқибатларга олиб келиши ва таҳдид қилиш хавфидан **таъкидлаб,**

- сув муҳитига зарарли моддалар ташланишини олдини олиш, тақиқлаш ва камайтириш ҳамда эвтрофикация (сувни узоқ вақт туриб эскириши-ифлосланиши) ва кислоталикни камайтириш, айниқса денгиз соҳилидаги ифлосланишини камайтириш бўйича миллий ва халқаро чораларни кучайтириш зарурлигини **таъкидлаб,**

- ЕИКга аъзо давлатлар ҳукуматлари томонидан ҳозирги вақтда, трансчегаравий ифлосланишнинг олдини олиш, тақиқлаш ва камайтириш, сув ресурсларини барқарор бошқариш, уларни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича икки ва кўп томонлама асосда ҳамкорликни мустаҳкамлашни **олқишлаб,**

- инсон атроф-муҳитига оид Стокгольм конференцияси Декларациясининг тегишли қоидалари ва принципларига, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг (ЕХХК) якуний актига, ЕХХК иштирокчи давлатлари вакилларининг Мадрид ва Вена учрашувларидаги якуний ҳужжатларига ҳамда 2000 йилгача ва ундан кейин Европа Иқтисодий Комиссияси (ЕИК) аъзолари ва Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича Минтақавий Стратегияга **таъкидлаб,**

- ЕИК ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, трансчегаравий сувларнинг ифлосланишини олдини олиш, чеклаш, камайтириш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича халқаро ҳамкорликка қўмаклашишдаги ўйнаган ролини ва шу билан биргаликда ЕИКнинг сув ресурсларининг, жумладан трансчегаравий ифлосланишини олдини олиш ва кураш соҳасидаги сиёсати Декларациясини эсга олиб; ЕИКнинг сув ресурсларидан самарали фойдаланиш соҳасидаги Декларациясини; ЕИКнинг трансчегаравий сувлар бўйича ҳамкорлик принципларини; ЕИКнинг ер ости сувларидан самарали фойдаланиш бўйича Хартиясини; ва трансчегаравий ички сувларни фалокатли ифлосланишида ҳатти-ҳаракат Кодексини **англаб,**

- ЕИКнинг қирқ иккинчи ва қирқ тўртинчи сессияларида қабул қилинган биринчи сонли қарорлари ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ) иқтисодий давлатларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги иштирок этувчи вакиллари йиғилишининг қарорларига (София, Болгария, 1989 йил 16 октябрь -3 ноябрь), **таъкидлаб,**

- мамлакатлар-аъзолар ўртасида, трансчегаравий сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида ҳамкорликни биринчи навбатда, бир хил сувлар билан чегарадош қирғоқ олди давлатлари ўртасида, айниқса, бундай шартномаларга тузилмаган ҳолатларда, амалга оширишни **таъкидлаб,**

- **қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

1-модда. Таърифлар

Ушбу конвенциянинг мақсадлари учун:

1. «**Трансчегаравий сувлар**», икки ёки ундан ортиқ давлат орасидаги чегаралари кесиб ўтувчи ёки чегаралар ичида жойлашган ҳар қандай ер усти ёки ер ости сувларини билдиради; трансчегаравий сувлар бевосита денгизга қуйиладиган ҳолларда, трансчегаравий сувларнинг чегаралари, уларнинг денгизга қуйиладиган жойини кесиб

ўтувчи тўғри чизик, қирғоқларида кичик сув чизиги жойлашган нукталар орасидаги масофа билан чегараланади,

2. **«Трансчегаравий таъсир»**, физик манбаси тўлиқ ёки қисман у ёки бу Томонларнинг юридикцияси остидаги районда, атроф-муҳит учун эса бошқа Томоннинг юридикциясидаги районда жойлашган, трансчегаравий сувлар ҳолатининг инсон фаолияти туфайли ўзгариши натижасида келиб чиқадиган ҳар қандай муҳим зарарли оқибатлар таъсирини билдиради. Атроф-муҳит учун бундай зарарли оқибатлар қаторига, инсон саломатлиги ва хавфсизлиги, флора ва фауна, тупроқ ва ҳаво, сув, иқлим, ер ва тарихий обидалар ёки бошқа моддий объектларга етказилган зарар ёки бу омилларнинг ўзаро таъсири киради; худди шунингдек улар қаторига, ушбу факторларнинг ўзгариши натижасида юзага келадиган маданий мерос ёки ижтимоий-иқтисодий шароитнинг оқибатлари киради.

3. **«Томон»**, агар матнда бошқача таъриф назарда тутилган бўлмаса, ушбу Конвенциянинг иштирокчиси бўлган томонни англатади.

4. **«Қирғоқбўйи Томонлари»**, ўша тронсчегаравий сувлар билан чегарадош бўлган Томонлардир

5. **«Қўшма ташкилот»**, қирғоқбўйи томонлари ўртасидаги ҳамкорликни амалга оширувчи ҳар қандай икки томонлама ёки кўп томонлама комиссия ёки бошқа ташкилий тегишли тузилма

6. **«Хавфли моддалар»**, токсик, канцероген, мутаген, тератоген ёки биологик бирикмага эга бўлган моддаларни билдиради, айниқса улар турғун бўлса.

7. **«Энг яхши мавжуд бўлган технология»**, (мазмунини ушбу Конвенциянинг 1-илоvasида белгиланган).

I - боб. Барча томонларга таалукли қоидалар

2-модда. Умумий қоидалар.

1. Томонлар ҳар қандай трансчегаравий таъсирни олдини олиш, чеклаш ва камайтириш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

2. Томонлар тегишли барча чораларни кўрадилар, хусусан:

а) трансчегаравий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ёки таъсир кўрсатадиган, сувнинг ифлосланишини олдини оладиш, чеклаш ва камайтириш;

б) сув ресурсларни экологик асосланган ва оқилона бошқариш мақсадида, атроф-муҳитни асраш ва ҳимоя қилиш учун трансчегаравий сувлардан фойдаланишни таъминлаш;

в) трансчегаравий сувлардан оқилона ва адолатли тарзда фойдаланишни, трансчегаравий таъсирга эга ёки таъсир этиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширишда трансчегаравий характерга алоҳида эътибор берилишини таъминлаш;

г) экотизимни тиклашни, зарур бўлганда сақлашни таъминлаш.

3. Сувнинг ифлосланишини олдини олиш, чеклаш ва камайтириш бўйича тадбирлар, иложи борида ифлосланиш манбасида амалга оширилади.

4. Бу чоралар, бевосита ёки билвосита атроф-муҳитнинг бошқа компонентларига ифлосланишни кўчириб ўтказилмаслиги керак.

5. Ушбу модданинг 1 ва 2 бандларида кўрсатилган чораларни қўллаш пайтида Томонлар қуйидаги принципларга амал қилишади:

а) хавфли моддаларни оқиб кетишининг мумкин бўлган трансчегаравий таъсирни олдини олиш чоралари бўйича эҳтиёт чоралари кўриш принциплари, илмий тадқиқотлар, ушбу моддалар орасидаги мумкин бўлган сабаб-оқибатларни ва мумкин бўлган трансчегаравий таъсирни тўлиқ аниқлай олмаганлиги сабабли қолдирилмаслиги керак;

б) **«ифлословчи тўлайди»** принципага асосан, ифлословчи моддаларнинг тарқалишини олдини олиш, чеклаш ва камайтириш чоралари билан боғлиқ харажатлар ифлословчи томонидан қопланади;

в) сув ресурсларини бошқариш, келажак авлоднинг ўз эҳтиёжларини қондириш қобилятини бузмасдан, бугунги авлоднинг эҳтиёжларини қондириш учун амалга оширилади.

6. Қирғоқбўйи Томонлар, ўзаро келишилган сиёсат, дастур ва стратегияни ишлаб чиқиш мақсадида, тенглик ва ўзаро мувофиқлик асосида, шу жумладан, тегишли сув ҳавзаларини ёки уларнинг қисмларини қамраб олувчи, трансчегарвий таъсирни олдини олиш, чеклаш ва камайтириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш учун икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар тузиш йўли билан ҳамда шундай сувлар таъсири остидаги, жумладан, денгиз муҳити трансчегаравий сувларнинг атроф-муҳитини ёки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида ҳамкорлик қилади,

7. Ушбу Конвенцияни қўллаш, экологик муҳитнинг ёмонлашувига ёки трансчегаравий таъсирини ошишига олиб келмаслиги керак.

8. Ушбу Конвенция қоидалари, Томонларнинг, ушбу Конвенцияда назарда тутилгандан кўра, алоҳида ёки биргаликда, янада қаттиқроқ чоралар қабул қилиш ва амалга ошириш ҳуқуқларига дахл қилмайди.

3-модда. Олдини олиш, чеклаш ва камайтириш.

1. Томонлар трансчегаравий таъсирни олдини олиш, чеклаш ва камайтириш учун тегишли ҳуқуқий, маъмурий, иқтисодий, молиявий ва техник чораларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди, амалга оширади ва имкон қадар, уларни бир-бирига мос бўлишига эришиш учун, хусусан:

а) айниқса кам чиқиндисиз ва чиқиндисиз технологияларни қўллаш орқали, ифлослантирувчи моддаларни оқизиш манбасидаги ифлословчи моддаларни ташланишини олдини олиш, чеклаш ва камайтириш;

б) ваколатли миллий органларга, оқава сувларни оқизиш ва назорат қилиш учун олдиндан рухсат бериш орқали, трансчегаравий сувларни нуқтали манбалардан ифлосланишини муҳофаза қилиш;

в) оқава сувларни оқизиш учун рухсатномаларда кўрсатилган чегаравий меъёрларни аниқлаш ҳамда мавжуд бўлган энг яхши технологиялар асосида хавфли моддаларни оқизиш;

г) сув олиш ёки экотизимнинг тегишли сифатини сақлаб қолиш зарурияти билан боғлиқ бўлса, ҳаттоки баъзи ҳолатларда, чиқиндиларни ташлашни тақиқлашга олиб келувчи, кўпроқ қатъий талабларни киритиш;

д) коммунал-маиший оқава сувларга камида биологик тозалашни ёки эквивалент жараёнларни, шу билан бирга, қаерда зарур бўлса шу ерда навбат билан қўллаш;

е) саноат ва коммунал-маиший манбалардан кириб келаётган биоген моддаларни қисқартириш мақсадида, энг яхши технологияларни қўллаш орқали тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

ё) диффузион манбалардан кириб келаётган биоген ва хавфли моддаларни камайтириш учун тегишли чора-тадбирларни экологияга нисбатан, айниқса, асосий манба қишлоқ хўжалиги бўлган ҳолатларда, амалиётда ишлаб чиқиш ва қўллаш (экологияга нисбатан энг яхши амалиётни ишлаб чиқиш учун раҳбарлик принциплари ушбу Конвенциянинг II-иловасида келтирилган);

и) атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва бошқа баҳолаш усуллари қўллаш;

к) сув ресурсларини барқарор бошқариш, жумладан экотизим ёндашувини қўллашни рағбатлантириш;

л) фавқулодда вазиятда ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш;

м) ер ости сувларини ифлосланишини олдини олиш бўйича қўшимча аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

н) фалокатли ифлосланиш хавфини минималлаштириш.

2. Шу мақсадда ҳар бир Томон, ер усти сувлари нуқтали манбаларидаги ташламалар

учун қўлланиладиган энг яхши технологияларга асосланган, зарарли моддалар манбалари бўлган муайян соҳаларга ёки саноат тармоқларига нисбатан ифлослантирувчи моддалар миқдори меъёрий чегараларини белгилайди. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган хавфли моддаларни, нуктали ва диффузион манбалардаги сувга ташланишини олдини олиш, тақиқлаш ва камайтириш учун тегишли чоралар, хусусан, бундай моддаларни ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланишни умумий ёки қисман тақиқлаш мумкин. Халқаро конвенциялар ёки қоидалар таркибида мавжуд, қўлланиладиган, ушбу Конвенцияда ҳам камраб олинган бундан соҳаларнинг ва саноат тармоқларининг ҳамда хавфли моддаларнинг рўйхати инобатга олинади.

3. Бундан ташқари, ҳар бир Томон, тегишли ҳолларда, сув сифатини белгилайди ва трансчегаравий таъсирни олдини олиш, тақиқлаш ва камайтириш учун сув сифати мезонларини тасдиқлайди. Ушбу мақсадлар ва мезонларни ишлаб чиқишнинг умумий тамойиллари ушбу Конвенциянинг III-иловасида келтирилган. Зарурат туғилганда, Томонлар ушбу иловани янгилашга ҳаракат қиладилар.

4-модда. Мониторинг

Томонлар трансчегаравий сувларнинг ҳолатини мониторинг қилиш дастурларини ишлаб чиқади.

5-модда. Тадқиқотлар ва ишланмалар

Томонлар трансчегаравий таъсирни олдини олиш, тақиқлаш ва камайтиришнинг самарали усуллари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда ҳамкорлик қилишади. Ушбу мақсадда Томонлар тегишли халқаро форумларнинг илмий тадқиқотларини ҳисобга олган ҳолда икки томонлама ва/ёки кўп томонлама асосда аниқ илмий тадқиқотларни амалга оширишга ёки кучайтиришга интилади, тадқиқот дастурлари, хусусан, куйидагиларга қаратилган:

а) зарарли моддаларнинг токсиклигини ва ифлослантирувчи моддаларнинг зарарини баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш;

б) ифлослантирувчи моддаларнинг мавжудлиги, атроф-муҳитга тарқалиши ва таъсири ҳамда тегишли жараёнлари тўғрисидаги билимлар даражасини ошириш;

в) асосланган экологик тоза технологияларни, ишлаб чиқариш усуллари ва истеъмол қилиш таркибини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

г) трансчегаравий таъсир кўрсатувчи моддаларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни босқичма-босқич тугатиш ва / ёки уларни алмаштириш;

д) зарарли моддаларни йўқ қилиш учун асосланган экологик тоза усулларни ишлаб чиқиш;

е) трансчегаравий сувлар ҳолатини яхшилашнинг махсус усуллари ишлаб чиқиш;

ё) сув ҳўжалиги объектларини қуришнинг асосланган экологик усуллари ва сув режимини тартибга солиш турларини ишлаб чиқиш;

ж) трансчегаравий таъсир натижасида келиб чиққан зиённи жисмоний ва молиявий баҳолаш.

Тадқиқот дастурлари натижалари алмашинуви, ушбу Конвенциянинг 6-моддасига мувофиқ Томонлар ўртасида амалга оширилади.

6-модда. Ахборот алмашинуви

Томонлар, имкон қадар қисқа вақт ичида, ушбу Конвенция қоидаларини камраб олинган масалалар юзасидан кенгроқ маълумот алмашиш имкониятини таъминлайдилар.

7-модда. Масъулият

Томонлар, масъулият учун меъёрлар, мезон ва тартибларни ўрнатиш бўйича тегишли халқаро сазий-ҳарактларни қўллаб-қувватлайдилар.

8-модда. Ахборотни ҳимоя қилиш

Ушбу Конвенция қоидалари, Томонларнинг миллий ҳуқуқий ва қўлланиладиган қўшимча миллий қоидалари ахбороти тизимларига, ишлаб чиқариш ва тижорат сирларига таалуқли бўлган, жумладан, интеллектуал мулк ёки миллий хавфсизлик манфаатларига таалуқли ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

II - боб. Қирғоқолди томонларга таалуқли қоидалар

9-модда. Икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик

1. Қирғоқбўйи Томонлар, тенглик ва ўзаро дўстлик асосида, ушбу Конвенциянинг асосий принципларига қарама-қаршиликни тугатиш мақсадида, трансчегаравий таъсирни олдини олиш, тақиқлаш ва камайтиришда ўзларнинг муносабатлари ва ҳатти-ҳаракатларини аниқлаш учун, қачонки бундайлар ҳозиргача бўлмаса, ёки фойдаланиб келинаётган келишув ва шартномаларга ўзгартиришлар киритиш мақсадида, икки томонлама ёки кўп томонлама келишувлар ёки бошқа шартномалар тузадилар. Қирғоқбўйи Томонлар, ҳамкорлик амалга ошириладиган сув йиғиш ҳудуди ёки унинг қисми (қисмлари) чегараларини аниқ белгилайди. Ушбу келишув ёки шартномалар мазкур Конвенция таъсир кўрсатадиган долзарб масалаларни, шунингдек, Қирғоқбўйи Томонлар, ҳамкорликни зарур деб ҳисоблашлари мумкин бўлган бошқа масалаларни ҳам қамраб олади.

2. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган келишувлар ёки шартномалар, қўшма органлар ташкил этишни назарда тутиши керак. Ушбу қўшма органларнинг вазифалари, хусусан, мавжуд бўлган келишув ёки шартномаларга зарар етказмаган ҳолда, қуйидагилар учун:

а) трансчегаравий таъсирга эга бўлган ифлосланиш манбаларини аниқлаш учун маълумотларни йиғиш, комплектлаш ва баҳолаш;

б) сувнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичларини мониторинг қилиш бўйича қўшма дастурларни ишлаб чиқиш;

в) ушбу модданинг 2а бандида кўрсатилган ифлосланиш манбалари тўғрисида рўйхатга тузиш ва ахборот алмашиш;

г) Оқава чиқинди сувларни ташлаш учун меъёрий чегараларни ишлаб чиқади ва ифлосланишини камайтириш дастурлари самарадорлигин баҳолаш;

д) ушбу Конвенциянинг 3-моддаси 3-бадининг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, сув сифатининг ягона мақсадлари ва мезонларини ишлаб чиқиш ва мавжуд сув сифатини яхшилаш ва зарурат туғилганда, тегишли чоралар бўйича таклифлар киритиш;

е) нуқта (масалан, коммунал-маиший ва саноат) манбаларидан ва диффузион манбалардан (айниқса қишлоқ хўжалигидан) ифлосланишнинг юқини камайтириш бўйича келишиб олинган ҳаракатлар дастурларини ишлаб чиқиш;

ё) хабар қилиш ва сигнал бериш тартибларини белгилаш;

ж) трансчегаравий таъсири бўлиши мумкин бўлган сувдан ва тегишли қурилмалардан мавжуд ва режалаштирилган фойдаланиш турлари бўйича ахборот алмашиш учун минбар сифатида чиқиш;

з) ушбу Конвенциянинг 13-моддаси қоидаларига мувофиқ энг яхши мавжуд бўлган технологиялар бўйича ҳамкорлик ва ахборот алмашинувига кўмаклашиш, шунингдек илмий-тадқиқот дастурлари бўйича ҳамкорликка ёрдам бериш;

и) халқаро меъёрларга мувофиқ, трансчегаравий сувларга нисбатан атроф-муҳит таъсирини баҳолашни амалга оширишда иштирок этиш.

3. Қуйидаги ҳолатларда, ушбу Конвенциянинг Томони бўлган денгиз бўйи давлати, трансчегаравий таъсирлардан бевосита ва муҳим таъсир кўрса, Қирғоқбўйи томонлар, агар уларнинг ҳаммаси шунга рози бўлсалар, ушбу денгиз бўйи давлатини тегишли равишда Томонлар ташкил қилган, кўп томонлама қўшма органлар фаолиятида иштирок этишга таклиф қилишлари мумкин.

4. Ушбу Конвенцияда кўзда тутилган қўшма органлар, денгиз давлатлари томони-

дан, денгиз муҳитини муҳофаза қилиш учун биргаликда ташкил этилган қўшма органларни, ўз ишларини уйғунлаштириш ва трансчегаравий таъсирни олдини олиш, тақиқлаш ва камайтириш учун ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

5. Агар бир ҳавза доирасида, икки ёки ундан ортиқ қўшма органлар мавжуд бўлса, улар ушбу сув ҳавзаси доирасида, трансчегаравий таъсирни олдини олиш, тақиқлаш ва камайтириш бўйича чораларни кучайтиришга ёрдам бериш учун, ўз фаолиятларини мувофиқлаштиришга интилади.

10-модда. Маслаҳатлар

Томонларнинг истаклари бўйича Қирғоқбўйи Томонлар ўртасида, ўзаро муносабатлар, яхши ният ва яхши кўшничилик асосида маслаҳатлашувлар ўтказилади. Бундай маслаҳатлашувларнинг мақсади, ушбу Конвенция қоидалари билан камраб олинган масалалар бўйича ҳамкорликни ривожлантиришдир. Бундай маслаҳатлашувлар ушбу Конвенциянинг 9-моддаси билан ташкил этилган қўшма органларнинг ёрдами билан амалга оширилади.

11-модда. Биргаликда олиб бориладиган мониторинг ва баҳолаш.

1. Ушбу Конвенциянинг 9-моддасида қайд этилган умумий ҳамкорлик доирасида, ёки аниқ келишувлари асосида Қирғоқбўйи Томонлари биргаликда, трансчегаравий сувларнинг ҳолати мониторингини қилиш, шу жумладан, сув тошқини ва музликларнинг тикилиб қолишини олдини олиш бўйича дастурини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

2. Қирғоқбўйи Томонлар, атроф-муҳитнинг ифлосланиш параметрлари ва ифлослантирувчи моддалар рўйхатини, трансчегаравий сувларга ташланаётган ташламалар ва уларнинг концентрациялари тўғрисида мунтазам равишда кузатувлар олиб бориш ва назорат қилишга келишиб оладилар.

3. Қирғоқбўйи Томонлар, мунтазам равишда бир-бири билан ёки бир-бирига мувофиқлаштириб, трансчегаравий сувларнинг ҳолатини, шунингдек трансчегаравий таъсирни олдини олиш, тақиқлаш ва камайтириш бўйича кўрилган чораларнинг самарадорлигини баҳолайдилар. Ушбу баҳолар натижалари ушбу Конвенциянинг 16-моддасида кўзда тутилган қоидаларга мувофиқ жамоатчиликка етказилади.

4. Ушбу мақсадларда Қирғоқбўйи Томонлар, мониторинг дастурларини ишлаб чиқиш ва қўллашга тааллуқли ўлчаш тизимлари, асбоблар, аналитик усуллар, маълумотларни қайта ишлаш ва баҳолаш тартиб-қоидалари, худди шунингдек, ифлослантирувчи ташламаларни рўйхатга олиш усуллари қоидаларни келишиб оладилар.

12-модда. Биргаликда олиб бориладиган тадқиқотлар ва ишланмалар

Ушбу Конвенциянинг 9-моддасида қайд этилган умумий ҳамкорлик доирасида ёки махсус келишувлар доирасида Қирғоқбўйи Томонлар, ушбу Қирғоқбўйи Томонлар аниқлаган ва тасдиқлайдиган мақсадларга ва сув сифати мезонларига риоя қилиш ва таъминлашга қаратилган аниқ тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга оширадилар.

13-модда. Қирғоқбўйи томонлар ўртасида маълумотлар алмашиш

1. Қирғоқбўйи Томонлар, ушбу Конвенциянинг 9-моддасига мувофиқ, тегишли келишувлар ёки бошқа шартномалар доирасида ҳақиқий маълумотларнинг алмашинувини амалга оширади, хусусан:

- а) трансчегаравий сувларнинг экологик ҳолатини;
- б) илғор технологияларни қўллаш ва улардан фойдаланишда олинган тажриба ҳамда тадқиқотлар ва ишланмаларнинг натижаларини;
- в) ташланмалар ва мониторинг натижаларини;
- г) трансчегаравий таъсирни олдини олиш, тақиқлаш ва камайтириш бўйича қабул қилинган ва режалаштирилган чора-тадбирларни;
- д) оқава сувларни ташлаш учун ваколатли органлар ёки тегишли идора томонидан

берилган ёки тасдиқланган рухсатнома ёки қоидаларни.

2. Ташламалар учун меъёрий чегаралани келишиш мақсадида Қирғоқбўйи Томонлар, ўзларининг миллий қоидалари ҳақида маълумот алмашадилар

3. Агар бошқа маълумотларга ёки маълумотлар мавжуд бўлмаган бошқа маълумотларга эга бўлган бошқа Қирғоқбўйи Томонлар томонидан талаб қилинадиган бўлса, биринчи тоғ томони Томон бу сўровни бажариш учун чоралар кўриши керак, лекин уни амалга ошириш учун сўралаётган Томонлардан маълумотларни тўплаш ва зарурат туғилса, бундай маълумотларни ёки ахборотни қайта ишлашни амалга оширади.

4. Ушбу Конвенциянинг мақсадларини амалга ошириш учун Қирғоқбўйи Томонлар, ривожланиш йўли билан, мавжуд энг яхши технологияни алмашинувини, хусусан: мавжуд технологияларни савдолашиш орқали алмаштириш; саноатда бевосита алоқалар ва ҳамкорлик қилиш, шу жумладан, қўшма корхоналарда; ахборот ва тажриба алмашиш; ва техник ёрдам кўрсатиш. Худди шунингдек, Қирғоқбўйи Томонлар, биргаликдаги кадрлар тайёрлаш соҳасига ўқув дастурларини тайёрлайдилар ва тегишли семинарлар ҳамда кенгашларни ташкил қиладилар.

14-модда. Хабар қилиш ва сигнал бериш тизимлари

Қирғоқбўйи Томонлар, трансчегаравий таъсирга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай вазият тўғрисида дарҳол бир-бирларини хабардор қиладилар. Қирғоқбўйи Томонлар, керак бўлганда, ахборотни олиш ва узатиш учун мувофиқлаштирилган ёки биргаликдаги алоқа, огоҳлантириш ва сигнал бериш тизимларидан фойдаланадилар. Ушбу тизимлар, қирғоқбўйи Томонлар ўртасида келишилган иш тартибига мувофиқ ва маълумотларни узатиш ва қайта ишлашнинг техник воситаларини қўллаш асосида фойдаланилади. Қирғоқбўйи Томонлар, ушбу мақсадлар учун тайинланган ваколатли органлар ёки алоқа марказлари тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар.

15-модда. Ўзаро ёрдам

1. Муҳим вазият юз берганда Қирғоқбўйи Томонлар, сўров бўйича ушбу модданинг 2-банди қоидаларига мувофиқ белгиланган тартибда ўзаро ёрдам кўрсатишлари керак.

2. Қирғоқбўйи Томонлар, жумладан, қуйидаги жиҳатларга нисбатан ўзаро ёрдам кўрсатиш тартибини ишлаб чиқадиладар ва келишадилар, хусусан қуйидаги нуқтаи-назарга асосан:

- а) кўрсатилган ёрдамга раҳбарлик қилиш, текшириш, назорат қилиш;
- б) ёрдам сўраган Томон, кўрсатиладиган маҳаллий хизматлар ва воситаларни, шу жумладан, чегара расмийатчиликларини ҳам осонлаштиш;
- в) ёрдам кўрсатаётган Томонга ва/ёки унинг ходимларига, зиённи қоплаш ва/ёки қайтариш, худди шунингдек, зарур бўлганда, учинчи Томоннинг ҳудудидан ўтаётганда йўл харажатларини қоплаш бўйича чора-тадбирларни қўллаш;
- г) ёрдам хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш шартлари.

16-модда. Жамотчиликни хабардор қилиш

1. Қирғоқбўйи Томонлар, трансчегаравий сувларнинг аҳволи тўғрисида жамоатчиликка хабар беришларини, трансчегаравий таъсирни олдини олиш, тақиқлаш ва камайитириш бўйича қабул қилинган ёки режалаштирилаётган чора-тадбирлар ҳамда бу чораларнинг самарадорлиги тўғрисида хабардор қилишни таъминлайдилар. Шу мақсадда Қирғоқбўйи Томонлар, жамоатчиликка қуйидагилар тўғрисида маълумот беришни таъминлайдилар:

- а) сув сифатининг зарур кўрсаткичлари тўғрисида;
- б) бериладиган, амал қилиш лозим бўлган рухсатнома ва шартлар тўғрисида;
- в) мониторинг қилиш ва баҳолаш мақсадида амалга ошириладиган оқим ва сувдан олинган намуналарнинг натижалари, худди шунингдек, сув сифатининг зарур

кўрсаткичлари ёки рухсатномада кўрсатилган шартларга мувофиқлигини текшириш натижалари тўғрисида;

2. Қирғоқбўйи Томонлар, жамоатчиликни ушбу маълумотлар билан маълум вақт ичида бепул танишишлари ва текшириш мақсадида имконият беради ва жамоатчиликни бундай маълумотларнинг нусхаларини маълум харажатлар эвазига, Қирғоқбўйи Томонлардан олиш учун амалий имкониятлар билан таъминлайдилар.

III - боб. Ташкилий ва сунгги қоидалар

17-модда. Томонлар йиғилиши

1. Томонларнинг биринчи йиғилиши, ушбу Конвенциянинг кучга кирган кунидан бошлаб бир йилдан кам бўлмаган муддат ичида чақирилади. Кейин навбатдаги йиғилишлар, ҳар уч йилда бир марта ёки одатда бажариладигани иш тартиби қоидаларига асосан кўпроқ чақирилиши мумкин. Томонларнинг навбатдаги йиғилишда, навбатдан ташқари йиғилиш ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилсалар ёки Томонларнинг бири ёзма равишда сўров юборган бўлса ва бу сўровни томонларнинг учдан бир қисми қўллавакватласа, Томонларнинг барчаси хабар қилинган кундан эътиборо олти ой ичида навбатдан ташқари йиғилишлар ўтказадилар.

2. Томонлар ўзларининг учрашувларида ушбу Конвенциянинг бажарилишини кўриб чиқадиладар ва шу мақсадда:

а) трансчегаравий сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш мақсадида трансчегаравий сувлардан фойдаланишда ҳимоя қилиш бўйича Томонларнинг сиёсати ва услубий ёндашувларини кўриб чиқадиладар;

б) икки томонлама ва кўп томонлама битимларни тузиш ва амалга оширишда олинган тажриба, ёки бир, ёки бир нечта Томонлар иштирок этадиган трансчегаравий сувларнинг муҳофазаси бўйича бошқа тадбирлар ҳақида маълумот алмашадилар;

в) зарур бўлган ҳолларда, тегишли ЕИК органлари хизматларини ва ушбу Конвенциянинг мақсадларига эришиш билан боғлиқ барча масалалар бўйича махсус ваколатли халқаро қумиталарга мурожаат қиладилар;

г) ўзларнинг биринчи йиғилишида, бажариладиган ишнинг тартиб-қоидаларини консенсус асосида кўриб чиқадиладар ва қабул қиладилар;

д) ушбу Конвенцияга тузатишлар киритиш бўйича таклифларни кўриб чиқадиладар ва қабул қиладилар;

е) ушбу Конвенциянинг мақсадларига эришиш учун зарур бўлган ҳар қандай қўшимча чораларни кўриб чиқадиладар ва амалга оширадилар.

18-модда. Овоз бериш ҳуқуқи

1. Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, ушбу Конвенциянинг ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга бўлади.

2. Минтақавий иқтисодий интеграция ташкилотлари ўзларининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан овоз бериш ҳуқуқини амалга оширадилар, улар ушбу конвенциянинг Томонлари бўлган ўзларининг аъзо давлатларига тенг миқдордаги овозга эгадирлар. Агар уларнинг давлатлари-аъзолари ўзларининг овоз бериш ҳуқуқини амалга оширсалар, ва аксинча, бундай ташкилотлар овоз бериш ҳуқуқини йўқотадиладар.

19-модда. Котибият.

1. Европа Иқтисодий Комиссиясининг ижрочи котиби, қуйидаги котибият вазифаларини бажаради:

а) Томонларнинг йиғилишларини чақиради ва тайёрлайди;

б) ушбу Конвенциянинг қоидаларига мувофиқ Томонларга, қабул қилинган ҳисоботлар ва бошқа маълумотларни тақдим этади;

в) Томонлар томонидан белгиланадиган бошқа вазифаларни бажаради.

20-модда. Иловалар

Ушбу Конвенциянинг иловалари, унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

21-модда. Конвенцияга киритиладиган тузатишлар

1. Ҳар қандай Томон, ушбу Конвенцияга тузатишлар киритишни таклиф қилиши мумкин.

2. Ушбу Конвенцияга тузатишлар киритиш бўйича таклифлар, Томонлар йиғилишида кўриб чиқилади.

3. Ушбу Конвенцияга киритиладиган ҳар қандай тузатишларнинг матни, Европа Иқтисодий Комиссиясининг ижрочи котибига ёзма равишда тақдим этиш ва уни қабул қилиш кутилаётган йиғилишдан камида тўқсон кун олдин барча Томонлар эътиборига етказилади.

4. Ушбу Конвенцияга киритиладиган ҳар қандай тузатишлар, ушбу Конвенция Томонларнинг йиғилишларида мавжуд бўлган, мазкур Конвенция иштирокчилари вакилларининг консессуслари билан қабул қилинади ва ушбу Томонларнинг учдан икки қисми томонидан тузатишни қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжаларни сақлаш учун Депозитарийга топширган санадан тўқсон кун ичида, қабул қилган Томонлар учун кучга киради. Тузатиш киритиш тўғрисидаги ҳужжатларни ушбу Томон сақлашга топширган санадан кейин тўқсонинчи кундан бошлаб тузатишлар, бошқа ҳар қандай Томон учун кучга киради

22-модда. Низоларни ҳал қилиш

1. Икки ёки ундан ортиқ Томонлар ўртасида ушбу Конвенцияни талқин қилиш ёки қўллаш тўғрисидаги низо юзага келган тақдирда, улар низоли келишув йўли билан ёки низо томонлари учун мавжуд бўлган бошқа ҳар қандай йўл билан ҳал этишга интилишлари керак.

2. Ушбу Конвенцияни имзолаш, ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки унга қўшилишда ёки ундан кейин бирон-бир вақтнинг ўзида, ҳар қандай Томон ёзмаравишда Депозитарийга, низога нисбатан, ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ ҳал қилинмаган низоларни ҳал қилишнинг бир ёки ҳар икки усулини ҳам қабул қилган бўлса, ҳар қандай Томон учун мажбурий равишда қуйидаги, низоларни ҳал этиш воситаларини ҳам кўриб чиқади:

а) низоли Халқаро судга юбориш;

б) IV-иловада келтирилган ҳакамлик қилишга мос бажариладиган ишнинг тартиб-қоидалари.

3. Агар низо Томонлари ушбу модданинг 2-бандида қайд этилган низоларни ҳал қилишнинг ҳар икки усулини ҳам қабул қилган бўлсалар, агар Томонлар бошқача келишмаган бўлсалар, низо фақат Халқаро судга юборилиши мумкин.

23-модда. Имзолаш

Ушбу Конвенция, Ҳелсинки шаҳрида, 1992 йилнинг 17 мартдан 18 мартгача имзоланган ва бундан кейин, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги Бош қароргоҳида, Европанинг Иқтисодий Комиссиясининг аъзолари ва Европа Иттифоқининг иқтисодий комиссияси билан маслаҳатлашув мақомидаги давлатлар томонидан 18-сентябрь 1992 йилгача Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашининг 1947 йил 28 мартдаги 36 (IV), 8-бандига мувофиқ минтақавий иқтисодий интеграция ташкилотлари, Европа Иқтисодий Комиссиясининг суверен давлатлар томонидан таъсис этилган аъзо давлатларга ушбу Конвенция томонидан тартибга соладиган масалаларда ваколатлар берилган, шу жумладан ушбу масалалар бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи ҳам берилган.

24-модда. Депозитарий

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби, ушбу Конвенциянинг Депозитарияси ҳисобланади.

25-модда. Ратификациялаш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва қўшилиш

1. Ушбу Конвенция, уни имзолаган давлатлар ва минтақавий иқтисодий интеграция ташкилотлари томонидан ратификация қилиниши, қабул қилиниши, ёки тасдиқланиши керак.

2. Ушбу Конвенция, 23-моддада қайд этилган давлатлар ва ташкилотларга қўшилиш учун очикдир.

3. Ушбу Конвенциянинг 23-моддасида кўрсатилган ҳар қандай ташкилот, ушбу Конвенциянинг иштирокчилари бўлмаса, ушбу Конвенцияда кўзда тутилган барча мажбуриятларни бажарадилар. Бундай ташкилотнинг бир ёки бир нечта иштирокчи-давлатлари, ушбу Конвенциянинг иштирокчилари бўлсалар, ушбу ташкилот ва унга аъзо давлатлар, ушбу Конвенция бўйича ўзларининг мажбуриятларини бажариш учун, ўзларининг масъулиятларига тегишли қарорларни қабул қиладилар. Бундай ҳолларда ташкилот ва унга аъзо давлатлар ушбу Конвенцияда кўзда тутилган ҳуқуқларини бир вақтнинг ўзида қўллашлари мумкин эмас.

4. Ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатларда 23-моддада кўрсатилган минтақавий иқтисодий интеграция ташкилотлари ушбу Конвенция томонидан бошқариладиган масалалар бўйича ўз ваколатлари доирасини эълон қиладилар. Ушбу ташкилотлар, ўз ваколатлари доирасидаги бирон бир муҳим ўзгариш бўлса, Депозитарияга у ҳақда ҳам маълумот берадилар.

26-модда. Кучга кириш

1. Ушбу Конвенция, ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ўн олтинчи ҳужжат топширилгандан сунг, тўқсонинчи кундан кучга киради.

2. Ушбу модданинг 1-бандига биноан, минтақавий иқтисодий интеграция ташкилоти томонидан топширилган ҳар қандай ҳужжат, ушбу ташкилотнинг аъзо давлатлари томонидан сақланган ҳужжатларга қўшимча сифатида қаралмайди.

3. Ушбу Конвенциянинг 23-моддасида кўрсатилган ҳамда ушбу Конвенцияни ратификация қилган, қабул қилган ёки тасдиқлаган, ёки ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ўн олтинчи ҳужжат топширилгандан сунг, ҳар бир давлат ёки ташкилот ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ўзларининг ҳужжатларини топширганларидан кейин тўқсонинчи кундан кучга киради.

27-модда. Чиқиш

Ушбу Конвенция кучга кирган кундан бошлаб, қайсидир Томон учун уч йил ўтгач, ҳар қандай вақтда, ушбу Томон Депозитарияга ёзма равишда хабарнома бериб, ушбу Конвенциядан чиқиб кетиши мумкин. Ҳар қандай бундай ушбу Конвенциядан чиқиш, Депозитарийга хабар қилинган кундан бошлаб тўқсонинчи кундан кучга киради.

28-модда. Аслига тўғри матнлар

Ушбу Конвенциянинг **инглиз, француз ва рус тиллари**даги асл нусхаларининг матнлари ҳақиқий бўлиб, сақлаш учун, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади.

Тегишли тарзда имзо чекишга ваколат берилган куйидаги вакиллар ушбу Конвенцияни имзоладилар.

Бир минг тўққиз юз тўқсон иккинчи йилнинг ўн еттинчи март куни Хельсинки шаҳрида тузилган

ГЛОССАРИЙ

ДЕПОЗИТАРИЙ – халқаро шартноманинг асл нусхасини, унинг тасдиқлангани ҳақидаги ҳужжатларни сақловчи давлат ёки халқаро ташкилот

КОНСЕНСУС – халқаро музокаралар, сиёсий ва бошқа кенгашлар иштирокчилари нуктаи-назарларининг (қарашларининг) яқинлашуви ва мунозаралар натижасида низоли, баҳсли масалалар бўйича эришилган умумий битим.

Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро қўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида» ги конвенциянинг иловалари

1-илова

“Мавжуд энг яхши технология” атамасининг таърифи.

1. “Мавжуд энг яхши технология” атамаси, (сувга ҳар хил зарарли) ташламаларни ташлашни, (хавфли газларни) чиқариб юборишни ва (саноат ва маиший) чиқиндиларни чегаралаш учун махсус чоралар сифатида амалий мувофиқлигини тасдиқлайдиган жараёнларни, қурилмалар ёки эксплуатация қилиш усуллари ишлаб чиқишдаги охириги ютуқларни билдиради. Жараёнлар, қурилмалар ёки эксплуатация қилиш усуллари, умуман олганда ёки ҳар бир алоҳида ҳолатда энг яхши технология эканлигини аниқлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

а) охириги вақтда муваффақиятли синовдан ўтган жараёнлар, қурилмалар ва эксплуатация қилиш усуллари;га;

б) техник тараққиёт ва илмий билимларнинг ўзгариши ҳамда муаммоларнинг тушинилишига;

в) бундай технологияларни иқтисодий жиҳатдан ишлатиш имкониятига;

г) янги ва мавжуд корхоналарда жиҳозларни ўрнатиш вақтига;

д) тегишли ташламалар ва оқимларнинг характери ва ҳажмига;

е) кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияларга.

2. Шундай қилиб, муайян жараён учун “Мавжуд энг яхши технология” вақт ўтиб, технологик тараққиёт, иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсири остида ва илмий билимлардаги ўзгариш ва муаммоларни тушуниш асосида ўзгаради.

2-илова

Экологик жиҳатдан энг яхши амалиётни ишлаб чиқиш учун раҳбарлик принциплари.

1. Муайян ҳолатларда энг яхши экологик амалиётни ташкил этадиган, энг мос чораларни танлашда, уларнинг муҳимлигига қараб қуйидагилар келтирилган:

а) муайян фаолиятни ёки маҳсулотни танлашнинг экологик оқибатлари, улардан фойдаланиш ва якуний йўқотиш тўғрисида жамоатчилик ва фойдаланувчиларга ахборот ва билимларни тарқатиш;

б) маҳсулотнинг ҳаётий айланиш жараёнининг барча жиҳатларини қамраб оладиган яхши экологик амалиёт кодексларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

в) фойдаланувчига, маҳсулот билан боғлиқ, атроф-муҳит учун хавфли, уни ишлатиш ва охириги истеъмол қилишни билдирадиган ёрлик;

г) жамоатчилик учун содда бўлган йиғиш ва йўқотиш тизимлари;

д) қайта ишлаш, қайта тиклаш ва иккаламчи фойдаланиш;

е) фаолият, маҳсулот ёки маҳсулотга нисбатан иқтисодий воситаларни қўллаш;

ё) бир қатор чеклашлар ёки тақиқларни таъминлайдиган лицензиялар бериш тизими.

2. Қайси бирлаштирилган чоралар энг яхши атроф-муҳит амалиёти эканлигини аниқлашда, умуман олганда ёки ҳар бир алоҳида ҳолатда, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш керак:

а) атроф-муҳит учун хавфли;

I) маҳсулотга;

II) маҳсулот ишлаб чиқаришга;

- III) маҳсулотдан фойдаланишга;
IV) маҳсулотни охирги чиқариб ташлашга;
б) камроқ ифлослантирадиган жараёнлар ёки моддаларга алмаштириш имкониятларига;
в) фойдаланиш доирасига;
г) потенциал экологик афзалликлар ёки муқобил материаллар ёки фаолиятнинг етишмаслиги;
д) илмий билимлардаги тараққиёт ва ўзгаришларга ҳамда муаммоларнинг тушунилишига;
е) амалга ошириш учун вақтни белгиланганлигига;
ё) ижтимоий ва иқтисодий оқибатларига.
3. Шундай қилиб, маълум бир манба учун энг яхши экологик амалиёт, вақт ўтиши билан технологик тараққиёт, ижтимоий ва иқтисодий омиллар таъсири остида, шунингдек, илмий билимларни дунёда ўзгариши ва муаммоларни тушуниш асосида ўзгариб туради.

3-илова

Сув сифатининг мақсадли мезонлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқишда раҳбарлик принциплари.

- Сув сифатининг мақсадли мезонлари ва кўрсаткичлари:
- а) мавжуд сув сифатини яхшилашга ва, зарурат туғилганда, ҳимоя қилиш мақсадларини ҳисобга олишда;
б) муайян вақт ичида ўртача даражадаги ифлослантиришларни (айниқса зарарли моддаларни) муайян даражада камайитиришга қаратилган;
в) сув сифатига нисбатан аниқ талабларни (ичимлик учун хом сув, суғориш ва ҳақозо) ҳисобга олиш;
г) нозик ва махсус муҳофазаланган сувлар ва уларни ўраб турган атроф-муҳит учун аниқ талабларни (масалан қўллар ва ер ости сувлари ресурсларини) ҳисобга олиш;
д) сув сифатини сақлаб қолиш ва яхшилаш билан боғлиқ вазиятни, ўрта ва узок муддатда текшириш мақсадида, экологик таснифлаш усуллари ва кимёвий индексларни қўллашга асосланган қоидалар ўрнатилади;
е) мақсадли кўрсаткичларга эришиш даражаси, шунингдек айрим ҳолларда, талаб қилиниши мумкин бўлган, ташламалардаги ифлослантирувчиларни чегаравий меъёрларига асосланган қўшимча ҳимоя чоралар ҳисобга олинади.

4-илова

Ҳакамлик суди

1. Ушбу Конвенциянинг 33-моддаси 2-бандига асосан, қандайдир низони муҳокама қилиш учун ҳакамлик муҳокамасига топширган Томон ёки Томонлар, ҳакамлик муҳокамага топширилган ҳакамлик предмети тўғрисида котибиятга хабар беришади ва хусусан, ушбу Конвенциянинг талқин ёки татбиқ қилишда ҳосил бўлган низога оид моддаларни кўрсатадилар. Котибият олинган ахборотни Ушбу Конвенциянинг барча Томонларига тақдим қилади.

2. Ҳакамлик суди уч аъзодан иборат бўлади. Низода қатнашувчи даъвогар Томон ёки даъвогар Томонлар, худди шундай, бошқа Томон ёки бошқа Томонлар биттадан ҳакамни тайинлайдилар, тайинланган икки ҳакам, ўзаро келишган ҳолда, суд раиси вазифасини бажарувчи учинчи ҳакамни тайинлайдилар. Тайинланган учинчи ҳакам, низолашувчи Томонларнинг фуқароси бўлмаслиги, унинг яшаш жойи Томонларнинг худудида бўлмаслиги, уларнинг ташкилотларида хизмат қилмаслиги, ёки қандайдир бошқа томондан ушбу ишга тааллуқли бўлмаслиги лозим.

3. Агар, иккинчи ҳакамлик судьяси тайинланганидан кейин икки ой ўтгач, ҳакамлик судининг раиси тайинланмаган бўлса, унда ҳоҳлаган Томоннинг илтимосига биноан, Европа иқтисодий комиссиясининг Ижрочи котиби, раисни

4. Агар низолашувчи Томонлардан биттаси, сўровни олгандан сунг икки ой ичида ўзининг ҳакамлик судини тайинламаса, бошқа Томон бу тўғрисида, Европа иқтисодий комиссиясининг Ижрочи котибини хабардор қилади, Ижрочи котиб кейинги икки ой ичида ҳакамлик суди раисини тайинлайди. Тайинланган ҳакамлик судининг раиси, ҳали ўзининг ҳакамлик судьясини тайинламаган Томондан, кейинги икки ой ичида ўзининг ҳакамлик судьясини тайинлашни сўрайди. Агар у тайинланган муддатда ҳакамлик судьясини тайинламаса, ҳакамлик судининг раиси бу тўғрисида Европа иқтисодий комиссиясининг Ижрочи котибини хабардор қилади, Ижрочи котиб кейинги икки ой ичида ҳакамлик судьясини тайинлайди.

5. Ҳакамлик суди ўз қарорини, халқаро ҳуқуқ ва ушбу Конвенциянинг қоидаларига мувофиқ ҳал қилади.

6. Ушбу Илованинг қоидаларига асосан ташкил этилган ҳар қандай ҳакамлик суди, ўзи бажарадиган шахсий иш тартиби қоидаларини ишлаб чиқади.

7. Ҳакамлик судининг бажарадиган иш тартиби масалалар, худди шунингдек, моҳияти масалалари бўйича қарорлари, унинг аъзоларини кўпчилик овози билан қабул қилинади.

8. Суд фактларни аниқлаш учун барча тегишли чораларни кўриши мумкин.

9. Низолашаётган Томонлар ҳакамлик судининг фаолиятига ёрдам берадилар ва, хусусан, уларнинг кўлида бўлган куйидаги барча воситаларни қўллайдилар:

а) Ҳакамлик судига барча тегишли ҳужжатларни, шартлар ва маълумотларни берадилар;

б) Зарур бўлганда, Ҳакамлик судига, гувоҳларни ёки экспертларни чақириб уларнинг кўрсатмаларини эшитишга имкон берадилар.

10. Томонлар ва ҳакамлик судьялари, ҳакамлик муҳокамаси жараёнида ўзлари олган махфий тартибда олган ҳар қандай маълумотларнинг махфийлигини таъминлашлари шарт.

11. Ҳакамлик суди, томонлардан бирининг илтимосига кўра, вақтинчалик ҳимоя чораларини тавсия қилиши мумкин.

12. Агар низо томонларидан бири ҳакамлик судига келмаса ёки ўз ишни ҳимоя қила олмаса, бошқа томон суддан, судни давом эттиришни ва унинг якуний қарорини чиқаришни сўраши мумкин. Бир томоннинг судда йўқлиги ёки бир Томоннинг суд муҳокамасида қатнашмаганлиги, ишни муҳокама қилишга тўсқинлик қилмайди.

13. Ҳакамлик суди тўғридан-тўғри, низоларнинг моҳиятидан келиб чиқадиган қарама-қарши даъволарни эшитиши ва улар бўйича қарор қабул қилиши мумкин.

14. Агар Ҳакамлик суди ишнинг ўзига хос ҳолатларига асосланмаган ҳолда бошқача қарор қабул қилмаса, низо томонлари суд харажатларини, шу жумладан, суд аъзолари хизматларига тўланадиган тўловларни тенг равишда тақсимлайди. Суд барча харажатларни рўйхатга олиб, Томонларга ушбу харажатлар бўйича якуний ҳисоботни тақдим этади.

15. Ушбу Конвенциянинг ҳоҳлаган Томони, низо масаласида ҳуқуқий характерга эга бўлган ва ушбу масалани ҳал қилиш натижасида таъсир этиши мумкин бўлган ҳар қандай муҳокамада, суднинг розилиги билан иштирок этишга ҳақли.

16. Суд ўзининг узил-кесил ташкил қилинган кунидан бошлаб беш ой муддатда, агар у муддатни беш ойдан ортиқ бўлмаган яна бир даврга чўзиш мумкин деб ҳисобламаса, ўзининг якуний қарорини эълон қилади.

17. Ҳакамлик судининг қарори, сабабларни тушунтириш билан олиб борилади. Унинг қарори ҳамма Томонлар учун узил-кесил ва мажбурий ҳисобланади. Ҳакамлик суди ўз қарорини низо Томонлари ва котибиятга етказди. Котибият олинган ахборотни Ушбу Конвенциянинг барча Томонларига юборади.

18. Низолашаётган томонлар ўртасида якуний суд қарорини талқин қилиш ёки уни амалга ошириш тартиби бўйича юзага келадиган ҳар қандай келишмовчиликлар, ушбу қарорини чиқарган ҳакамлик судига, ҳар қандай Томондан берилиши мумкин, ёки ишни кўриб чиққан Ҳакамлик судининг хизматида фойдаланишнинг бошқа имкони бўлмаса, шу мақсадда, худди шу усулда ташкил қилинган, биринчи ташкил қилинган Ҳакамлик судига ўхшаш, бошқа судга мурожаат қилишлари мумкин.

«Халқаро ер усти сув оқимларининг кемалар қатнамайдиган турларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида»ги конвенция.
(1997 йилда Нью-Йорк шаҳрида имзоланган)

Ушбу Конвенциянинг иштирокчилари:

- дунёнинг кўплаб минтақаларида халқаро ер усти сув оқимларининг кемалар қатнамайдиган турларидан фойдаланишни муҳимлигини **англаб**;
- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг 13-моддаси «а» бандини назарда **тутган ҳолда**, Бош Ассамблея, халқаро ҳуқуқнинг прогрессив ривожланиши ва уни кодекслаштиришни рағбатлантириш мақсадида, тадқиқотлар ташкил этади ва тавсиялар беради;
- халқаро сув оқимларининг кемалар қатнамайдиган турларидан фойдаланишни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ қоидаларининг муваффақиятли кодекслаштирилиши ва прогрессив ривожланишини **ҳисобга олиб**, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг 1 ва 2-моддаларида кўрсатилган мақсад ва принципларни илгари суриш ва амалга оширишга ёрдам беради;
- кўплаб халқаро сув оқимларига таалуқли муаммоларни жумладан, истеъмол ва ифлосланиш даражасини ошганлигини **ҳисобга олган ҳолда**;
- асосий (рамочная) конвенция, халқаро сув оқимларидан фойдаланиш, уларни ўзлаштириш, сақлаш, бошқариш ва ҳимоя қилишни таъминлаш ҳамда улардан ҳозирги ва келажак авлодлар учун энг мақбул ва барқарор фойдаланишини таъминлашга **ишонч ҳосил қилган ҳолда**;
- ушбу соҳада халқаро ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларининг **аҳамиятини тасдиқлаб**;
- ривожланаётган мамлакатларнинг алоҳида вазияти ва эҳтиёжларини **инобатга олган ҳолда**;
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича 1992 йилда қабул қилинган конвенцияси ва Рио де-Жанейро декларацияси ҳамда 21-аср Кун тартибига киритилган принцип ва тавсияларига **таяниб**;
- худди шунингдек, халқаро сув оқимларининг кемалар қатнамайдиган турларидан фойдаланишга таалуқли мавжуд икки томонлама ва кўп томонлама келишувларга **таяниб**;
- ҳукумат ва ноҳукумат бўлмаган халқаро ташкилотларнинг ушбу соҳада, халқаро ҳуқуқни кодекслаштириш ва изчил ривожланишига қўшган ҳиссасини **ҳисобга олиб**;
- халқаро сув оқимларининг кемалар қатнамайдиган турларидан фойдаланиш масалалари бўйича Халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан бажарилган ишларни **юқори баҳолаб**;
- 1994 йил 9 декабрдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 49/52-сонли резолюциясини **назарда тутган ҳолда**;
- **қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар**:

И-боб. Кириш.

1-модда. Ушбу Конвенциянинг таъсир қилиш доираси.

1. Ушбу Конвенция, халқаро сув оқимлари ва уларнинг кемалар қатнамайдиган сувларидан фойдаланиш ҳамда сувларни муҳофаза қилиш, сақлаш ва бошқариш бўйича чоралар қўллаш учун қўлланади.

2. Халқаро сув оқимларининг кемалар қатнамайдиган турларидан фойдаланиш ушбу Конвенция доирасига кирмайди, агар бошқа мақсадларда фойдаланишни ташиш ёки юк ташиш билан боғлиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно.

2-модда. Атамаларнинг ишлатилиши.

Ушбу Конвенциянинг мақсадларини тўғри бажариш учун қуйидаги атамалардан

фойдаланамиз:

а) **«сув оқимлари»**, жисмоний ўзаро боғлиқликлари туфайли бир бутунни ташкил этадиган ва одатда умумий якунга эга бўлган ер усти ва ер ости сувлари тизимини англатади;

б) **«халқаро сув оқими»**, сув оқимининг турли қисмлари ҳар хил давлатларда жойлашган деган маънони англатади;

с) **«сув оқими давлати»** деб, ушбу Конвенциянинг иштирокчиси бўлган ва халқаро сув оқимининг бир қисми ҳудудида жойлашган давлат, ёки ҳудудида халқаро сув оқимининг бир қисми жойлашган ҳамда бир неча давлатларни бирлаштириб турган ҳудудий иқтисодий интеграция ташкилотига айтилади;

д) **«минтақавий иқтисодий интеграция ташкилоти»** деб, маълум ҳудуддаги суверен давлатлари томонидан ташкил қилинган ҳамда унинг аъзо давлатлари, мазкур Конвенция томонидан тартибга солинадиган масалалар бўйича ўз ички тартиб-қоидаларига мувофиқ, Конвенцияни тасдиқлаш, унга қўшилиш, имзолаш, ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш учун ваколат берилган ташкилотга айтилади.

3-модда. Сув олиш шартномаси

1. Бошқа ҳеч қандай битим бўлмаса ушбу Конвенция иштирокчиларини ушбу Конвенцияга қўшилган санада мавжуд бўлган амалдаги келишувлардан келиб чиқадиган сув оқими давлатининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

2. 1-банд қоидаларига қарамай, 1-бандда қайд этилган битим иштирокчилари, агар зарур бўлса, амалдаги келишувларни мазкур Конвенциянинг асосий тамойиллари билан уйғунлаштириш имкониятини кўриб чиқишлари мумкин.

3. Сув йўллари давлатлари, ушбу Конвенция қоидаларини ва ушбу халқаро сув оқимининг ёки унинг бир қисми хусусиятларини ва улардан фойдаланишни қўллаш ва мослаштириш бўйича, бундан кейин Сув йўли ҳақида келишувлар деб номланувчи бир ёки бир неча келишувларни тузишлари мумкин.

4. Агар сув оқими тўғрисидаги келишув икки ёки ундан ортиқ сув оқими давлатлари ўртасида тузилса, унда қўлланиладиган сувлар кўрсатилиши керак. Бундай келишув, бутун халқаро сув оқимига ёки унинг бирон бир қисмига ёки маълум бир лойиҳага, дастурга ёки фойдаланиш турига нисбатан, агар ушбу келишув ушбу сув оқимининг сувларини бир ёки бир нечта сув оқими давлатлари томонидан уларнинг аниқ розилигисиз фойдаланишга салбий таъсир кўрсатмаса, тузилиши мумкин.

5. Агар сув оқими давлати, мазкур халқаро сув оқимининг хусусиятлари ва улардан фойдаланиши муносабати билан мазкур Конвенциянинг қоидаларини мослаштириш ва қўллаш зарур деб ҳисобласа, сув оқими давлати консултациялар ўтказди, яъни сув оқими бўйича келишув ёки келишувлар тузиш мақсадида яхши ниятда музокаралар ўтказди.

6. Агар маълум халқаро сув оқими нисбатан қўлланиладиган қандайдир келишувларга баъзибир, аммо барча сув оқими давлатлари иштирокчи бўлмаса, бундай келишувда ҳеч қандай нарса бундай келишувнинг иштирокчилари бўлмаган сув оқими давлатларининг мазкур Конвенциядаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларига таъсир қилмайди.

4-модда. Сув оқими тўғрисида келишув томонлари

1. Ҳар қандай сув оқими давлати, ушбу халқаро сув оқими тааллуқли ҳар қандай келишув тузишга оид музокараларда ҳамда тегишли маслаҳатлашувларда иштирок этишга ҳақли.

2. Сув оқими давлатининг халқаро сув оқимидан фойдаланишига, қабул қилиниши мўлжалланаётган сув оқими келишуви маълум даражада таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, бу келишув сув оқимининг бир қисми ёки муайян лойиҳа, дастур ёки фойдаланиш турига қўлланиши режалаштириладиган бўлса, сув оқими давлати бундай келишув бўйича маслаҳатлашувларда, яхши ният билан амалга оширилган музокараларда иштирок этиш ҳуқуқига эга

ИИ-боб. Умумий принциплар.

5-модда. Одил ва оқилона фойдаланиш ва иштирок этиш.

1. Сув оқими давлати, ўз ҳудудидаги халқаро сув оқимидан адолатли ва оқилона фойдаланади. Хусусан халқаро сув оқими, сув оқимига тегишли давлатларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда, ундан оқилона ва барқарор ҳамда шу билан боғлиқ фойда олиш учун сув оқими давлатлари томонидан фойдаланилади ва ўзлаштирилади

2. Сув оқими давлатлари, халқаро сув оқимларидан фойдаланишда, уларни ўзлаштиришда, ҳимоя қилишда ҳамда адолатли ва оқилона фойдаланишда иштирок этадилар. Бундай иштирок этиш, шунингдек, ушбу Конвенцияда кўзда тутилганидек, сув оқимидан фойдаланиш ва уни ҳимоя қилиш ва ўзлаштиришда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини ўз ичига олади.

6-модда. Адолатли ва оқилона фойдаланишга тегишли омиллар.

5-модданинг мазмуни бўйича халқаро сув оқимидан адолатли ва оқилона фойдаланиш, барча тегишли омилларни ва мажбуриятларни ҳисобга олишни талаб қилади, жумладан:

а) жўғрофий, гидрографик, гидрологик, иқлим, экологик ва бошқа табиий омиллар;
б) тегишли сув оқими давлатларининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари;
в) ҳар бир сув оқими давлати аҳолисининг сув оқимига боғлиқлиги;
г) сув оқимидаги бир давлатнинг, сув оқимининг бир ёки бир неча турларидан фойдаланишини, сув оқимининг бошқа давлатларига таъсири;

д) сув йўлидан фойдаланишнинг мавжуд ва потенциал турлари;
е) сув йўлининг сув ресурсларидан фойдаланиш, сақлаш, муҳофаза қилиш, ўзлаштириш ва иқтисод қилиш ҳамда шу мақсадда қўлланган чоралар учун кетган харажатлар;

и) ушбу режалаштирилган ёки мавжуд фойдаланиш турига, таққосланадиган кийматга эга бўлган алтернативанинг мавжудлиги.

2. Ушбу Конвенциянинг 5-моддаси ёки 6-модданинг 1-банди қўлланилганда, тегишли сув оқими давлатлари зарурат бўлганда, ҳамкорлик руҳида маслаҳатлашув ўтказадилар.

3. Ҳар бир омилга бериладиган киймат, бошқа муҳим омилларга нисбатан унинг аҳамиятига қараб белгиланади. Адолатли ва оқилона фойдаланишни аниқлашда, барча тегишли омилларни биргаликда кўриб чиқиш ва ҳулоса, барча омилларга асосланган бўлиши керак

7-модда. Кўп зарар етказмаслик мажбурияти.

1. Сув оқими давлатлари, ўз ҳудудларидаги халқаро сув оқимларидан фойдаланаётганда, бошқа сув оқимлари давлатларига жиддий зарар етказмаслик учун барча тегишли чораларни кўради.

2. Бошқа сув оқими давлатига жиддий зарар етказилган тақдирда, зарар етказган давлат билан зарар кўрган давлат ўртасида шундай фойдаланиш тури тўғрисида келишув бўлмаса, ушбу Конвенциянинг 5 ва 6-моддалари қоидаларига риоя қилган ҳолда, зарар етказилган давлат билан маслаҳатлашиб, зарар етказган давлат зарарни бартараф этиш ёки камайтириш учун барча зарур чораларни кўради, зарурат туғилса, зарарни қоплаш масаласини муҳокама қилади.

8-модда. Ҳамкорликнинг умумий мажбурияти.

1. Сув оқими давлатлари, халқаро сув оқимларидан тежамкор фойдаланиш ва етарли даражада ҳимоя қилиш учун суверен тенглик, ҳудудий яхлитлик, ўзаро манфаат ва дўстона муносабат асосида ҳамкорлик қилади.

2. Ушбу ҳамкорликнинг усуллари аниқлашда сув оқими давлатлари, биргаликдаги механизмлар ёки комиссияларни зарур деб ҳисоблаган нарсаларга қараб,

тегишли чоралар ва тадбирлар бўйича ҳамкорликни енгиллаштириш учун ҳамкорлик қилиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, турли минтақаларда мавжуд бўлган қўшма механизмлар ва комиссиялар доирасида тўпланган тажрибаларни кўриб чиқиши мумкин.

9-модда. Мунтазам маълумот ва ахборотлар алмашиш

1. Ушбу Конвенциянинг 8-моддасига мувофиқ сув оқими давлатлари, сув оқимининг ҳолати хусусан, гидрологик, метеорологик, гидрогеологик ва экологик характердаги маълумотлар ҳамда сув сифати тўғрисидаги ва тегишли башоратлар ҳақидаги тезкор маълумот ва ахборотлар билан мунтазам алмашиб туради.

2. Агар сув оқими давлатларидан бошқа сув оқими давлати, олиними қийин бўлган маълумот ёки ахборот тақдим етишни талаб қилса, бу ҳолатда сув оқими давлатлари бундай сўровни бажариш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишлари керак, лекин маълумотларни йиғиш ва ишловдан ўтказишга тааллуқли ўртача харажатларни сўраётган давлат томонидан тўлаш шарти билан бажарилади.

3. Бошқа сув оқими давлатларининг маълумот ва ахборотлардан фойдаланишини осонлаштириш учун сув оқими давлатлари, маълумот ва ахборотларни йиғиш, лозим бўлганда қайта ишлаш учун барча имкониятларини ишга солади.

10-модда. Турли хил фойдаланишлар ўртасидаги боғлиқлик.

1. Бошқа бирор-бир келишув ёки одат бўлмаса, халқаро сув оқимидан фойдаланишнинг ҳеч қайси тури, фойдаланишнинг бошқа турлари олдида ажратиб кўрсатиладиган устувор аҳамиятга эга эмас.

2. Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш турлари ўртасида қарама-қаршиликлар мавжуд бўлса, қарама-қаршиликлар ушбу Конвенциянинг 5-7-моддаларига асосан, инсоннинг бевосита эҳтиёжларини кондириш талабларига алоҳида эътибор берган ҳолда ҳал қилиниши лозим.

ИИИ-боб. Режалаштириладиган чоралар.

11-модда. Режалаштирилган тадбирларга тааллуқли маълумотлар.

Сув оқими давлатлари, бир-бирлари билан маълумот алмашишади ва бир-бирлари билан маслаҳатлашадилар ва зарурат туғилса, халқаро сув оқимининг ҳолати бўйича режалаштирилган чора-тадбирларнинг мумкин бўлган оқибатлари юзасидан музокаралар олиб борадилар.

12-модда. Мумкин бўлган салбий оқибатларни ўз ичига оладиган, режалаштирилган чора-тадбирларга тааллуқли хабарнома.

Бошқа сув оқими давлатлари учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш ёки тасдиқлашдан олдин, ушбу сув оқими Давлати, бу ҳақда, бошқа сув оқими давлатларини ўз вақтида хабардор қилади. Бундай хабарномани олган давлатлар, режалаштирилган чора-тадбирларнинг мумкин бўлган оқибатларига баҳо беришлари, жумладан, атроф-муҳитга таъсирини баҳолашлари учун, хабарномага мавжуд техник кўрсаткичлар ва маълумотар ҳам қўшиб юборилади.

13-модда. Билдиришномага жавоб беришнинг охириги муддати.

Агар бошқа келишувлар қилинмаган бўлса:

а) 12-моддага мувофиқ Билдиришнома берган сув оқими давлати, режалаштирилаётган чора-тадбирларнинг эҳтимолӣ оқибатларини текшириш ва баҳолаш ҳамда ҳисобот бериш учун давлатларга олти ой муддат беради;

б) Билдиришнома олган давлатнинг илтимосига биноан режалаштирилган чора-тадбирларни баҳолаш муайян қийинчиликлар туғдирса, бу муддат яна олти ойга узайтирилади.

14-модда. Хабар берувчи давлатнинг жавоб бериш муддати давомидаги мажбуриятлари.

13-моддада кўрсатилган муддат ичида хабар берувчи давлат:

а) хабар берилган давлатлар билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг илтимосига кўра, тўғри баҳолаш учун мавжуд ва зарур бўлган ҳар қандай қўшимча маълумот ва ахборотларни тақдим етиш;

б) жавоб берувчи давлатларнинг розилигисиз режалаштирилган чора-тадбирларни амалга оширмаслик.

15-модда. Билдиришномага жавоб.

13-моддага биноан, белгиланган муддат ичида хабар қилинган давлатлар, ўз хулосаларини имкон қадар қисқа вақт ичида хабар берувчи давлатга етказиб берадилар. Агар огоҳлантирилган давлат, огоҳлантирган давлат режалаштирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши 5 ёки 7-моддаларнинг қоидаларига мос келмайди деб ҳисобласа, у хулосага ўз хулосасининг ҳужжатлаштирилган сабабларини қўшиб қўяди.

16-модда. Билдиришномага жавоб йўқ.

1. Агар ушбу Конвенциянинг 13-моддасига мувофиқ белгиланган муддат ичида огоҳлантирувчи давлат, ушбу Конвенциянинг 15-моддасига биноан хабар олмаган бўлса, у ушбу Конвенциянинг 5 ва 7-моддаларга мувофиқ ўз мажбуриятларини бажарган ҳолда, режалаштирилган чора-тадбирларни бажаришга киришиши мумкин.

2. Агар 13-моддада белгиланган муддат ичида Билдиришномага жавоб бермаган ва эътироз билдирилмаган давлатнинг, хабар берувчи давлат томонидан белгиланган муддат тугагандан кейин кўрилган чора-тадбирлар бўйича сарф қилинган харажатларни ҳисобга олиб, товон тўғрисидаги ҳар қандай талаблари қабул қилинмайди.

17-модда. Режалаштирилган тадбирлар бўйича маслаҳатлар ва музокаралар.

1. Агар 15-моддага биноан, режалаштирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ушбу Конвенциянинг 5 ва 7-моддаларнинг қоидаларига мос келмаслиги тўғрисида хабар берилса, Билдиришнома олган давлат ва Билдиришнома юборган давлат маслаҳатлашувлар ўтказди ва зарурат бўлганда вазиятни адолатли ҳал қилиш учун музокаралар ўтказадилар.

2. Маслаҳатлашувлар ва музокаралар ҳар бир давлатнинг бошқа давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини виждонан ва оқилона ҳисобга олишлари асосида амалга оширилади.

3. Маслаҳатлашувлар ва музокаралар жараёнида огоҳлантирувчи давлат, агар хабарнома олган давлат ушбу йўналиш бўйича олти ойлик муддат ичида хабарнома юборган бўлса ҳамда улар ўртасида бошқача келишув бўлмаса, режалаштирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ёки рухсат беришни тўхтатиб қўйиши керак.

18-модда. Билдиришнома бўлмаган ҳолатдаги тадбирлар.

1. Агар сув оқимининг қайсидир давлати(биринчи давлат), бошқа сув оқими давлати (иккинчи давлат), унга сезиларли даражада ёмон оқибатларга олиб келувчи чора-тадбирларни режалаштираётганлиги тўғрисида асосли даъволари мавжуд бўлса, биринчи давлат иккинчи давлатдан 12-модданинг қоидаларини қўллашни талаб қилиши мумкин. Бундай талаб, унинг асослари келтирилган ҳужжатлаштирилган тушунтириш хати билан жўнатилади.

2. Агар ушбу чораларни режалаштираётган давлат, 12-моддага мувофиқ қўшни давлатга хабарнома юбориш шарт эмас деб ҳисобласа, у бу ҳақда бошқа давлатга бундай хулосанинг асоси бўлган ҳужжатлаштирилган тушунтириш хати бериши керак. Агар ушбу хулоса бошқа давлатни қониқтирмаса, икки давлат ушбу давлатнинг илтимосига биноан ушбу Конвенциянинг 17-моддаси 1 ва 2-бандларида кўрсатилган тартибда маслаҳатлашув ва музокаралар олиб боради.

3. Ушбу маслаҳатлашувлар ва музокаралар жараёнида чора-тадбирларни режалаштираётган давлат, агар бошқа давлат, илтимосларни жўнатишда маслаҳат ва музокаралар олиб боришни сўраса, ушбу чораларни амалга оширишни ёки уни амалга оширишга рухсат беришни, агар бошқа келишув мавжуд бўлмаса, олти ойга тўхтатади.

19-модда. Режалаштирилган тадбирларни кечиктирмай амалга ошириш

1. Агар режалаштирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши соғлиқни сақлаш, жамоат хавфсизлиги ёки бошқа бир хил даражада муҳим манфаатлар учун жуда зарур бўлса, ушбу чораларни режалаштирган давлат, ушбу Конвенциянинг 5 ва 7-моддаларга мувофиқ режалаштирилган чораларни кечиктирмасдан ушбу Конвенциянинг 14-моддаси ҳамда 17-моддасининг 3-банди қоидаларига қарамай амалга оширади.

2. Бундай ҳолларда ушбу Конвенциянинг 12-моддасида кўрсатилган сув оқимининг бошқа давлатларига дарҳол, режалаштирилган чора-тадбирларни бажариш зарурлиги тўғрисида маълумот ва ахборотлар билан биргаликда расмий баёнат жўнатади.

3. Ушбу чора-тадбирларни режалаштирувчи давлат, ушбу модданинг 2-бандда кўрсатилган ҳар қандай давлатнинг илтимосига кўра, ушбу Конвенциянинг 17-моддаси 1 ва 2-бандларида кўрсатилган тартибда дарҳол улар билан маслаҳатлар ҳамда музокаралар олиб боради. Ушбу модданинг 2-бандда кўрсатилган ҳар қандай давлатнинг илтимосига биноан давлат тадбирларни режалаштиришни 17-модданинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган тартибда дарҳол консулик ва музокаралар олиб боради.

ИВ-боб. Ҳимоя, сақлаш ва бошқариш.

20-модда. Экотизимларни муҳофаза қилиш ва ҳимоя қилиш.

Сув оқими давлати, алоҳида ва керак бўлганда биргаликда, халқаро сув оқимлари экотизимини муҳофаза қилиш ва сақлашни таъминлайди.

21-модда. Назорат остида ифлосланишнинг олдини олиш, камайтириш ва сақлаш.

1. Ушбу модданинг мақсадлари учун «халқаро сув оқимининг ифлосланиши» халқаро сув оқимининг таркиби ёки сифатига тўғридан-тўғри ёки билвосита инсон фаолияти натижасида етказилган зарарли ўзгаришларни англатади.

2. Сув оқими давлатлари алоҳида ёки биргаликда бошқа сув оқими давлатларига ёки уларнинг атроф-муҳитига, шу жумладан, аҳолининг соғлиғи ва хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган сув оқимининг олдини олиш, камайтириш ва назорат қилишни биргаликда амалга оширади. Бу борада сув оқими давлатлари ўз сиёсатини уйғунлаштириш учун зарур қадамларни ташлайди.

3. Сув оқими давлатлари, уларнинг ҳар қайси бирининг илтимосига кўра, халқаро сув оқимининг ифлосланишини олдини олиш, камайтириш ва ушлаб туриш учун ўзаро мақбул бўлган чораларни ва усулларни уйғунлаштириш мақсадида маслаҳат беради, масалан:

- а) сув сифатининг биргаликдаги мақсадли кўрсаткичлари ва мезонларини белгилаш;
- б) нуқта ва нуқтадан ташқари манбаларда, ифлосланишни назорат қилиш воситалари ва усулларини ишлаб чиқиш;
- в) Халқаро сув оқимидаги сувлар учун тақиқланган, чекланган, текширилган ёки кузатилган моддалар рўйхатини тузиш.

22-модда. Ёввойи ёки янги турдаги организмларни киритиш.

Сув оқими давлатлари, халқаро сув оқимида бегона ёки янги турдаги организмларни киришини олдини олиш мақсадида барча зарур чораларни кўради, улар бошқа сув оқимлари давлатларига жиддий зарар етказади, экотизимга ҳалокатли таъсир қилади.

23-модда. Денгиз муҳитини ҳимоя қилиш ва сақлаш.

Сув оқими давлатлари, алоҳида ва керак бўлганда бошқа давлатлар билан ҳамкорликда халқаро сув оқимига нисбатан универсал ҳисобланган халқаро меъёр ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда, денгиз муҳитини, шу жумладан дарёларнинг денгизга қуйиладиган жойларини (эстуарияларни) муҳофаза қилиш ва сақлаш учун зарур бўлган барча чораларни кўради.

24-модда. Бошқариш.

1. Сув оқими давлатлари улардан биронтасининг илтимосига биноан биргаликда бошқариш механизмини ўз ичига олиши мумкин бўлган халқаро сув оқимини бошқариш бўйича маслаҳатлашувлар ўтказди.

2. Ушбу модданинг мақсадлари учун «**бошқариш**», қуйидагиларни назарда тутди хусусан:

а) Халқаро сув оқимининг барқарор ривожланишини ўзлаштириш ва қабул қилинган ҳар қандай режаларни амалга оширишни таъминлаш; ва:

б) сув оқимидан оқилон ва мақбул фойдаланиш ҳамда уни ҳимоя в назорат қилишга ёрдам бериш.

25-модда. Тартибга солиш.

1. Зарур ҳолатларда сув оқими давлатлари, халқаро сув оқимларидан оқиб келадиган сув оқимини бошқариш учун зарур бўлган эҳтиёж ёки имкониятларга жавоб беришда ҳамкорлик қиладилар.

2. Агар бошқача келишувлар бўлмаса, сув оқимлари давлатлари, адолатли асосда, тартибга солиш объектларни қуриш ва уларни эксплуатация харажатлари билан таъминлаб туришда қатнашадилар.

3. Ушбу модданинг мақсади «тартибга солиш», гидротехник объектлардан фойдаланиш ёки халқаро сув оқимини ўзгартириш бўйича бошқа ҳар қандай узоқ муддатли тадбирларни амалга ошириш ёки халқаро сув оқимини бошқача бошқаришни англатади.

26-модда. Иншоотлар.

1. Сув оқими давлатлари, ўз ҳудудлари доирасида, халқаро сув оқимига тегишли объектларни, иншоотларни ва бошқа объектларни сақлаш ва ҳимоя қилиш учун қўлидан келган барча ишни бажаради.

2. Сув оқими давлатлари, уларнинг ҳоҳлаган бирининг илтимосига кўра, қуриладиган иншоот ва бошқа объектлар асосли равишда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин деб ҳисобласа, улар қуйидаги масалалар юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказадилар:

а) халқаро сув оқими билан боғлиқ иншоотлар, қурилмалар ёки бошқа объектларни хавфсиз эксплуатация қилиш ва хавфсиз сақлаш; ва:

б) иншоотлар, қурилмалар ва бошқа объектларни, қасддан ёки бепарволик ҳаракатлардан ёки табиат кучларидан ҳимоя қилиш.

В - боб. Зиён келтирувчи ҳодисалар ва фавқулодда ҳолатлар

27-модда. Зарарли ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни юмшатиш.

Сув оқими давлатлари, халқаро сув оқими билан боғлиқ бўлган, табиат кучлари таъсирида ёки инсон фаолияти натижасида ҳосил бўладиган ҳамда бошқа давлатларга зарар келтирувчи, сув тошқини ёки музлаб қолиш, сувдан ўтадиган касалликлар, кўмилиб қолиш, ювилиб кетиш, шўр сувларни кириб келиши, қурғоқчилик ёки чўлланиш каби зарарли ҳолатларни олдини олиш ёки юмшатиш учун, ўзлари ва зарур бўлганда биргаликда барча чораларни кўрадилар.

28-модда. Фавқулодда вазиятлар.

1. Ушбу модданинг мақсадлари учун "**фавқулодда вазият**", сув йўли давлатларига ёки бошқа давлатларга жиддий зарар етказадиган ёки тўғридан-тўғри хавф туғдирадиган, табиатнинг қутилмаган кучлари таъсири натижасида ҳосил бўладиган сув тошқини, муз

ёрилиши, кўчкилар ёки зилзилалар ёки инсон фаолияти натижасида масалан, саноат фалокатлари каби вазиятларни билдиради.

2. Сув оқими давлати, ўз ҳудудида пайдо бўлган ҳар қандай фавқулодда вазият ҳақида дарҳол ва мавжуд бўлган энг тезкор воситалар билан потенциал ҳуқуққа эга бўлган бошқа давлатларни ва ваколатли халқаро ташкилотларни хабардор қилади.

3. Ҳудудида фавқулодда вазият юзага келган сув оқими давлати, потенциал ҳуқуққа эга бўлган бошқа давлатлар ва зарур бўлганда ваколатли халқаро ташкилотлар билан биргаликда, фавқулодда вазиятнинг зарарли таъсирини олдини олиш, юмшатиш ва бартараф этиш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни дарҳол қабул қилади.

4. Зарур ҳолларда сув оқими давлатлари, биргаликда, фавқулодда вазиятлар юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазият режаларини ишлаб чиқадилар ва потенциал таъсир кўрсатадиган бошқа давлатлар ва ваколатли халқаро ташкилотлар билан биргаликда ҳамкорлик қиладилар.

ВИ-боб. Бошқа қоидалар.

29-модда. Қурулли можаролар даврида халқаро сув оқимлари ва иншоотлари.

Халқаро сув оқимлари ва уларга тегишли қурилмалар, иншоотлар ва бошқа объектлар, халқаро ва халқаро бўлмаган қурулли можаролар даврида, халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига мувофиқ қўлланиладиган ҳимоядан фойдаланадилар, ва ушбу принциплар ва нормаларни бузиш учун фойдаланилмайди.

30-модда. Бевосита бажариладиган иш тартиби.

Сув оқими давлатлари ўртасида бевосита алоқалар ўрнатиш учун жиддий тўсиқлар мавжуд бўлган ҳолатларда, манфаатдор Давлатлар, ушбу Конвенцияда кўзда тутилган ҳамкорлик мажбуриятларини, шу жумладан маълумот ва ахборот алмашинуви, хабарномалар, хабарлар, маслаҳат ва музокараларни олиб боришни, уларга мақбул тартибда амалга оширадилар.

31-модда. Миллий мудофаа ёки хавфсизликка дахлдор, муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган маълумот ва ахборотлар.

Ушбу Конвенцияда ҳеч нарса, сув оқими давлатига, унинг миллий мудофаа ёки хавфсизлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумот ёки ахборотларни тақдим этиш мажбуриятини юкламайди, чунки ушбу давлат, бошқа сув оқимлари давлатларини имкон қадар ушбу ҳолатларда тўлиқ маълумот билан таъминлаш учун астойдил ҳамкорлик қилади

32-модда. Камситмаслик.

Агар сув оқими давлатлари, халқаро сув оқими билан боғлиқ бўлган фаолиятида, сезиларли даражада трансчегаравий зарарли таъсир кўрсатган ёки жиддий хавф туғдирган жисмоний ёки юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бошқа шартномага асосан келишмаган бўлса, сув оқими давлати, фуқаролик ёки яшаш жойи, ёки зарар етказилган жой белгисига қараб бундай шахсларга, ўзларининг ҳуқуқий тизимидаги суд ёки бошқа процессуал воситалар билан ўзини ҳимоя қилишга шароит яратиб беради ёки бундай фаолияти натижасида ўзининг ҳудудида келиб чиққан жиддий зарар учун компенсация тўлашга ёки бошқа йўл билан зарарни қоплаш ҳуқуқини бериш орқали уни камситишга йўл қўймайди.

33-модда. Низоларни ҳал қилиш.

1. Ушбу Конвенцияни талқин қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ икки ёки бир нечта томонлар ўртасидаги низо юзага келган тақдирда, манфаатдор томонлар, улар ўртасида

бошқа келишув бўлмаса, низони тинч йўл билан куйидаги қоидаларга мувофиқ ҳал қилишга ҳаракат қилишади.

2. Агар манфаатдор томонлар, улардан бирининг ташаббуси билан ташкил қилинган музокаралар йўли билан келишувга эришмасалар, улар биргаликда учинчи томонга, яхши хизмат кўрсатиш тўғрисида ёки воситачилик тўғрисида, ёки яраштириш тўғрисида ёки вазиятга қараб улар томонидан ташкил қилинган сув оқимининг ҳар қандай ташкилотдан фойдаланишлари тўғрисида ёки низони ҳакамлик судига ёки Халқаро Судга топшириш тўғрисида мурожаат қилишлари мумкин.

3. Ушбу модданинг 10-банди қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, агар 2-бандда кўрсатилган музокаралар учун ариза берган кундан бошлаб олти ой ўтгач манфаатдор томонлар, 2-бандда келтирилган музокаралар йўли билан ёки улар билан музокаралар олиб борадиган бошқа воситалар билан ўзаро келишмовчиликларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлмаслар ва тарафлар бошқача келишувга эришмаган бўлсалар, низо, ушбу модданинг 4 ва 9-бандларга мувофиқ фактларни беғараз аниқлаш мавзуси бўлиб қолади.

4. Фактларни аниқлаш бўйича комиссия ташкил қилинади ҳамда комиссия таркибига ҳар бир мамлакатдан биттадан аъзо киритилади, худди шунингдек, манфаатдор мамлакатларнинг фуқароси бўлмаган, мамлакатлардан киритилган аъзолар томонидан сайланиб, раис вазифасини бажарадиган яна бир аъзо киритилади.

5. Агар томонлар тайинлаган аъзолар, комиссия тузишни сўраган кундан бошлаб уч ой мобайнида, сайланадиган раис кандидатураси бўйича келиша олмасалар, ҳар қайси томон, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибидан, низода қатнашаётган томонлар ёки ушбу сув оқими қирғоқ бўйи давлати фуқароси бўлмаган кишини раис сифатида тайинлашини сўраб мурожаат қилишлари мумкин. Агар томонлардан бири, ушбу модданинг 3-бандга биноан, дастлабки сўровдан сўнг уч ой мобайнида аъзо тайинламаган бўлса, бошқа томон, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибидан, низода қатнашаётган томонлар ёки ушбу сув оқими қирғоқ бўйи давлати фуқароси бўлмаган кишини аъзо сифатида тайинлашни сўраб мурожаат қилишлари мумкин. Шундай қилиб тайинланган шахс, комиссия таркибидаги битта аъзони ташкил қилади.

6. Комиссия ўзининг хусусий тузилишини белгилайди.

7. Томонлар, комиссия талаб қилиши мумкин бўлган барча маълумотларни тақдим этиши ва унинг илтимосига биноан ўз ҳудудига кириш, ҳамда тегишли объектларни, қурилмаларни, жиҳозларни, иншоотларни ёки табиий ландшафтни назорат қилиш ҳукуқини бериши лозим

8. Комиссия ўзининг ҳисоботини агар у ягона аъзоси бўлмаса, кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилади, ўзининг асосланган хулосалари билан ҳисоботни тегишли томонларга тақдим этади, шунингдек низони адолатли ҳал этиш учун тегишли деб ҳисоблайдиган тавсияларни белгилайди; тегишли томонлар бундай тавсияларни яхши ният руҳида кўриб чиқади.

9. Комиссия харажатлари, манфаатдор томонлар ўртасида тенг тақсимланади.

10. Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш, қабул қилиш ёки тасдиқлашда ёки унга қўшилишда, худди шунингдек, ҳар қандай кейинги босқичда, минтақавий иқтисодий интеграция ташкилоти бўлмаган томон депозитарийга ёзма равишда хабар бериши мумкин, 2-банд қоидаларига мувофиқ, худди шундай мажбуриятни қабул қилган ҳар қандай томон учун алоҳида келишувга асосан, *ipso facto* мажбурий чора сифатида тан олинади:

а) низони халқаро судга юбориш; ва / ёки

б) агар низо тарафлари бошқача шартлашмаган бўлса, ҳакамлик органи томонидан низони муҳокама қилиш, ушбу Конвенциянинг иловасида кўрсатилган тартибда ташкил этилган ва фаолият кўрсатадиган ҳакамлик суди томонидан амалга оширилади.

Минтақавий иқтисодий интеграция ташкилоти бўлган томон, юқоридаги "б" бандга мувофиқ, ҳакамлик судига, ўхшаш оқибатларга олиб келадиган билдиришнома бериши мумкин.

ВИИ-боб. Якуний қоидалар.

34-модда. Имзолаш.

Ушбу Конвенция, барча давлатлар ва минтақавий иқтисодий интеграция ташкилотлари томонидан 1997 йил 21 майдан 2000 йил 20 майгача, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги Марказий муассасаларида имзолаш учун очик.

35-модда. Ратификациялаш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш.

1. Ушбу Конвенция давлатлар ва минтақавий иқтисодий интеграция ташкилотлари томонидан ратификация қилиниши, қабул қилиниши, тасдиқланиши ёки қўшилиши керак. Ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ишонч ёрлиқлари ва ҳужжатлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

2. Ушбу Конвенциянинг иштирокчиси бўлган ҳар қандай минтақавий иқтисодий интеграция ташкилоти, агар унга аъзо, давлатлардан бирортаси иштирокчи бўлмаса, Конвенция бўйича барча мажбуриятларни олади. Минтақавий иқтисодий интеграция ташкилоти таркибидаги бир ёки бир неча давлат, ушбу Конвенциянинг иштирокчиси бўлса, ушбу ташкилот ва унинг аъзо давлатлари, Конвенция бўйича ўзларининг мажбуриятларини бажариш тўғрисидаги масалаларни ҳал қиладилар. Бундай ҳолларда ушбу ташкилот ва унга аъзо давлатлар, ушбу Конвенция бўйича ҳуқуқларини бир вақтнинг ўзида қўллаш ҳуқуқига эга эмаслар.

3. Минтақавий иқтисодий интеграция ташкилоти, ўзларининг ратификация қилиш тўғрисидаги ишонч ёрлиқлари, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатларида, ушбу Конвенция томонидан бошқариладиган масалалар бўйича ўз ваколатлари доирасини эълон қиладилар. Ушбу ташкилотлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига, ўз ваколатлари соҳасидаги исталган муҳим ўзгаришларни ҳам маълум қиладилар.

36-модда. Кучга кириш.

1. Ушбу Конвенция, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига ратификация қилинганлиги тўғрисидаги ишонч ёрлиқларини олиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ўттиз бешинчи ҳужжат сифатида топширилганидан сўнг тўқсон кундан кейин кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган, қабул қилган, тасдиқлаган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат ёки минтақавий иқтисодий интеграция ташкилоти учун ўттиз бешинчи ратификация ёрлиғи, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сифатида сақлашга топширилгандан сўнг, ушбу Давлат ёки минтақавий иқтисодий интеграция ташкилотининг ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлари сақлаш учун топширилгандан сўнг, тўқсонинчи кундан бошлаб кучга киради.

3. Ушбу моддонинг 1 ва 2-бандлари мақсадлари учун, минтақавий иқтисодий интеграция ташкилоти томонидан сақлаш учун топширилган ҳар қандай ҳужжат, давлат томонидан сақлашга топширилган ҳужжатлар қаторида ҳисобга олинмайди.

37-модда. Аслига тўғри матнлар.

Ушбу Конвенциянинг **араб, хитой, инглиз, француз, рус ва испан** тилидаги асл нусхаларининг матнлари ҳақиқий бўлиб, сақлаш учун, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади.

Тегишли тарзда имзо чекишга ваколат берилган қуйидаги вакиллар ушбу Конвенцияни имзоладилар.

1996 (Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи) йилнинг 21 (йигирма биринчи) май куни Нью-Йорк шаҳрида тузилди.

**«Халқаро ер усти сув оқимларининг кемалар қатнамайдиган турларидан
фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида»ги конвенциянинг иловаси.**

Ҳакамлик суди.

1-модда

Томонлар ўртасида бошқача келишувлар бўлмаса, ушбу Конвенциянинг 33-моддасига мувофиқ ҳакамлик суди муҳокамаси, ушбу илованинг 2-14-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

2-модда

Даъвогар томон, Конвенциянинг 33-моддасига биноан, низони ҳакамлик судига оширганлиги тўғрисида жавобгар томонга хабар беради. Хабарнома, ҳакамлик суди муҳокамасининг мавзусига оид сабабни ўз ичига олади ва низони келиб чиқиш талқини ёки татбиқи учун ушбу Конвенциянинг моддаларини ўз ичига олади. Агар тарафлар баҳс мавзуси ҳақида келиша олмасалар, у ҳолда баҳс сабаби, ҳакамлик судлари томонидан белгиланади.

3-модда

1. Томонлар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал қилиш учун ташкил қилинган ҳакамлик суди аъзоларии уч кишидан иборат бўлади. Низолашувчи тарафларнинг ҳар бири биттадан ҳакамни тайинлайди, тайинланган икки ҳакам, ўзаро келишган ҳолда, суд раиси вазифасини бажарувчи учинчи ҳакамни тайинлайдилар. Тайинланган учинчи ҳакам, низолашувчи томонларнинг ёки ушбу сув оқими қирғоқбўйи давлатларининг фуқароси бўлмаслиги, унинг яшаш жойи томонларнинг ёки ушбу сув оқими қирғоқбўйи давлатларининг ҳудудида бўлмаслиги, ёки қандайдир бошқа томондан ушбу низога таалуқли бўлмаслиги лозим.

2. Низолашувчилар икки томондан (давлатдан) кўп бўлса, низода умумий манфаатдор томонлар ўзаро келишиб, ҳакамлик судига бир аъзони тайинлайдилар.

3. Ҳар қандай бўш ўрин (вакансия), дастлабки тайинлаш учун кўзда тутилган тартибда тўлдирилади.

4-модда

1. Агар, иккинчи ҳакамлик судьяси тайинланганидан кейин икки ой ўтгач, ҳакамлик судининг раиси тайинланмаган бўлса, томонлар илтимосига биноан, Халқаро Суд раиси уни кейинги икки ой ичида тайинлайди.

2. Низолашаётган томонлардан бири, сўровни олган кундан бошлаб икки ой ичида ҳакамлик судьясини тайинламаса, бошқа томон, кейинги икки ой ичида тайинлашни амалга оширадиган Халқаро Суд раисига хабар беришга ҳақлидир.

5-модда

Ҳакамлик суди, ўз қарорларини мазкур Конвенция қоидаларига ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ амалга оширади.

6-модда

Агар низолашувчи томонлар бошқача келишувга эришмаган бўлсалар, ҳакамлик суди ўзининг шахсий иш тартиби қоидаларини белгилайди.

7-модда

Ҳакамлик суди, томонлардан бирининг илтимосига кўра, зарур бўлган вақтинчалик ҳимоя чораларини тавсия қилиши мумкин.

8-модда

1. Низолашаётган томонлар ҳакамлик судининг фаолиятига қўмаклашадилар ва, ўзларида мавжуд бўлган барча имкониятлардан фойдаланадилар, хусусан:

а) ҳакамлик судига тегишли барча ҳужжатлар, ахборот ва материаллар билан таъминлайдилар; ва б) зарурат бўлса, ҳакамлик судига гувоҳларни ёки экспертларни чақириш ҳамда уларнинг кўрсатмалари билан танишиш имкониятини беришлари мумкин.

2. Томонлар ва ҳакамлик судялари, ҳакамлик муҳокамаси жараёнида ўзлари олган махфий тартибда олган ҳар қандай маълумотларнинг махфийлигини таъминлашлари шарт.

9-модда

Агар Ҳакамлик суди бошқача қарор қилмаса, ишнинг муайян ҳолатларига қараб, суд ишларини бажариш харажатлари низо томонлари ўртасида тенг равишда тақсимланади. Суд барча харажатларни ҳисобга олади ва томонларга ушбу харажатлар бўйича якуний ҳисоботни тақдим этади.

10-модда

Ҳар қандай Аҳдлашувчи томон, низо масаласида қонуний характерга эга бўлган ҳамда суд қарорига таъсир қилиши мумкин бўлган ишда, суднинг розилиги билан ишни кўришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

11-модда

Суд низо масаласида бевосита келиб чиқадиган қарама-қарши даъволарни эшитиши ва улар бўйича қарорлар қабул қилиши мумкин.

12-модда

Ҳакамлик судининг иш тартиби ва муҳим масалалар бўйича қарорлари, аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

13-модда

Агар низо томонларидан бири ҳакамлик судига келмаса ёки ўз ишни ҳимоя қила олмаса, бошқа томон суддан, судни давом эттиришни ва унинг якуний қарорини чиқаришни сўраши мумкин. Бир томоннинг йўқлиги ёки уни ўз ишни ҳимоя қила олмаслиги, ишни муҳокама қилишга тўсқинлик қилмайди. Якуний қарор қабул қилишдан аввал, ҳакамлик суди, даъво ҳақиқий ва қонуний асосланганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

14-модда

1. Суд ўзининг узил-кесил ташкил қилинган кунидан бошлаб беш ой муддатда, агар у муддатни беш ойдан ортиқ бўлмаган яна бир даврга чўзиш мумкин деб ҳисобламаса, ўзининг қатъий қарорини эълон қилади.

2. Ҳакамлик судининг якуний қарори, низо предмети билан чекланади ва унинг асосланган сабаблари тушунтирилади. Унда қарор қабул қилишда қатнашган аъзоларнинг номлари ва якуний қарор қабул қилинган сана кўрсатилади. Суднинг ҳар қандай аъзоси, махсус ёки суд қароридан фарқ қилувчи алоҳида ўз фикрини қўшиши мумкин.

3. Қарор низолашувчи томонлар учун мажбурийдир. Агар низонинг томонлари апелляция тартибини олдиндан келишиб олмаган бўлсалар, қарор шикоятга тортилиши мумкин эмас.

4. Низолашаётган томонлар ўртасида якуний суд қарорини талқин қилиш ёки уни амалга ошириш тартиби бўйича юзага келадиган ҳар қандай келишмовчиликлар, суд қарорини чиқарган ҳакамлик суди томонидан қайта кўриб чиқилиши учун томонларнинг бирига берилиши мумкин.

**Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ҳукумати ва Афғонистон
ҳукумати қироллиги ўртасида Совет Иттифоқи билан Афғонистон
чегараси участкасида Амударё сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш
бўйича биргаликда ишларни олиб бориш тўғрисида
ҚАРОР**

(Қобул, 25 июнь 1958 йил)

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ҳукумати ва Афғонистон ҳукумати қироллиги иккала мамлакат ўртасида келгусида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга интилиб,

- Амударёнинг чегара участкаларида сув ресурсларидан комплекс фойдаланишга бўлган иккала мамлакат манфаатларини ҳисобга олиб,
- қуйидагилар тўғрисида келишилди:

1-модда

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ҳукумати ва Афғонистон ҳукумати қироллиги, Амударёнинг сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш бўйича Совет Иттифоқи билан Афғонистон чегарасида, жумладан Келиф ёнидаги дарё участкасида биргаликда ишларни олиб боришга келишдилар. Амударёнинг ўнг (советлар) қирғоғида зарур қидирув ишлари Советлар Томонидан ўтказилганлигини ва унинг натижалари билан Афғонистон Томони ушбу музокараларни тасдиқлаш даврида танишганлигини эътиборга олиб, Томонлар 1958-1959 йилларда Амударёнинг чап (афғон) қирғоғида қидирув ишларини ўтказишга келишдилар. Кўрсатилган ишлар иккала Томонларнинг техник экспертлари томонидан тасдиқланган ва ушбу қарорга илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланган дастур асосида ўтказилади.

2-модда

Ушбу қарорнинг 1-моддасида кўрсатилган қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш учун тегишли Совет ташкилотлари ўз ҳисобидан, кўрсатилган 109 ишни бажариш учун, зарур бўлган жиҳозлар билан таъминланган совет мутахассисларини Афғонистонга хизмат сафарига юборади. Совет мутахассислари, Афғонистон Томонидан ушбу мақсадлар учун ажратилган Афғон мутахассислари билан биргаликда қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини ўтказадилар.

3-модда

Қидирув ва илмий-тадқиқот ишлари ўтказиб бўлингандан сунг, совет ташкилотлари Афғон мутахассислари билан биргаликда, олинган бошланғич маълумотлар асосида 6 ой муддатда, қидирув ва илмий-тадқиқот ишлари натижалари тўғрисида техник-иқтисодий маъруза тайёрлайдилар ва уни иккала мамлакат Ҳукуматларига тақдим қиладилар. Иккала мамлакат Ҳукуматлари томонидан қидирув ва илмий-тадқиқот ишлари натижалари тўғрисидаги техник-иқтисодий маъруза кўриб чиқилгандан сунг ҳар иккала томон ҳам, Амударёнинг сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш бўйича ишларни биргаликда давом эттиришдан манфаатдор бўлса Томонлар, Амударёнинг сув ресурсларидан комплекс фойдаланишга йўналтирилган лойиҳа ва қурилиш ишларини бажариш асослари, ҳажмлари, муддатлари ва бошқа шартларни қўшимча келишадилар.

4-модда

Қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш вақтида Афғонистон томони, ушбу қарорни 2-моддасига асосан Афғонистонга хизмат сафарига юборилган совет мутахассисларига совет-афғон чегара пунктидан, компетентли совет ва афғон ташкилотлари ўртасидаги келишувга асосан кўп марта ўтиш ҳуқуқини беради

5-модда

Афғонистон томони қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини ўтказишга ушбу қарор билан назарда тутилган ҳар томонлама ёрдам беради жумладан, совет мутахассисларининг жойлашиши ва қидирув базасини ташкил қилиш учун зарур бинолар беради, сув билан таъминлашни ва маиший коммунал хизматлар кўрсатишни ташкил қилади, худди шунингдек қидирув партияси ихтиёрига юк орталадиган транспорт воситасини ажратади.

6-модда

Афғонистон томони ушбу қарор билан кўзда тутилган, қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш учун зарур бўлган транспорт воситалари, ёқилғи, жиҳозлар ва бошқа материалларни Афғонистонга олиб киришда ва Совет Иттифоқига қайтариб олиб кетишда худди шунингдек, кўрсатилган ишлар билан машғул бўлган совет мутахассислари учун Афғонистонга олиб кириладиган 110 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар учун божхона божи олмасликка розилик беради,

7-модда

Ушбу қарор, у имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Қобул шахрида 1958 йил 25 июнда ҳар бири рус ва форс тилларида бўлган икки асл нусхада тузилди, бунда иккала матн ҳам тенг кучга эгадир. (Имзолар)

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТАҚСИМЛАШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ КЕЛИШУВЛАР

5.8-илова

Сирдарё хавзасидаги Норин-Сирдарё сув омборлари каскади бўйича давлатлараро – ҳар йиллик (Қозоқистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги, натижада Тожикистон Республикасини қўшиб олиш билан 1995-1999 йиллар учун)

КЕЛИШУВ

1995 йил учун имзоланган: Тўхтағул сув омборидан пастга ташланадиган сув миқдори ҳамда электроэнергия ва кўмир етказиб бериш тўғрисида 12 май 1995 йилги Қарор ва 22 июнь 1995 йилги келишув.

- Қирғизистон Республикаси вегетация даврида (апрель-сентябрь) Ўзбекистон ва Қозоқистоннинг ирригация эҳтиёжлари учун Тўхтағул сув омборидан 6,5 млрд. м³ сувни пастга ташлаб бериши, ва шу муддатда 2,2 млрд. кВт электроэнергия узатиши (ҳар бир республикага 1,1 млрд. кВтдан;

- Қозоқистон Бишкек шаҳридаги ИЭС учун 985 минг Қарағанда кўмирини етказиб бериши, Ўзбекистон эса 200 млн. м³ табиий газ етказиб бериши шарт;

- Қирғизистон Республикаси вегетация даврида Тўхтағул сув омборидан 6,3 млрд. м³ сувни пастга ташлаб берди ва – Қозоқистонга 782 млн.кВт, Ўзбекистонга 928 млн.кВт электроэнергия етказиб берди;

- Бишкек шаҳридаги ИЭС 450 минг тонна Қарағанда кўмири етказиб берилди (1-жадвал);

- Ўзбекистон Қирғизистон Республикасига 200 млн. м³ табиий газ ва 415 млн. кВт электроэнергия етказиб берди.

5.9-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2005 йил февраль ойидан 2006 йил апрель ойигача муддатда сув ва энергетик ресурслардан рационал фойдаланиш тўғрисида КЕЛИШУВ.

Тожикистон томони:

- Қайроққум сув омборидаги сув ҳажмини 31 май 2005 йилгача 3 418 млн.м³ гача

йиғилишини, нормал димланган сатҳни 347,5 м бўлишини таъминлайди ҳамда вегетация даврида сув омбори ишлаш режимини «Сирдарё» хавзаси сув хўжалиги бирлашмасининг талабномасига мос равишда бўлишини таъминлаш;

- вегетация даврида пастга тушириладиган ҳамда Қизилқишлоқ гидропостида қайд этиладиган ўртача кунлик сув сарфини қуйидагича ўрнатилишини таъминлайди: июнда—500; июлда—600÷650; августда—600÷650 м³/с.

- зарур бўлганда Ўзбекистон томонининг таклифи билан май ойида, пастга тушириладиган сув ҳажмини 400 м³/с миқдорда ўрнатиш, қолган вегетация даври учун пастга ташланадиган сув ҳажмини коррективка қилиб туриш;

- сув омборидан август ойигача, 340,5 м сатҳга мос бўлган 870÷900 млн. м³ сувни туширишни таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси энерготизимига 2005 йилнинг май-сентябрь ойларида 675 млн. кВт электроэнергия узатишни таъминлаш.

Ўзбекистон томони:

- Тожикистон Республикаси энерготизимига 2005 йилнинг февраль ойидан 2006 йилнинг апрель ойигача 450 млн. кВт электроэнергия узатишни таъминлаш;

- техник имкониятлар чегарасида, электроэнергия транзитини ўзининг энерготизими бўйича ўтказишни таъминлаш;

- зарур бўлганда, Қайроққум сув омборининг сув сатҳи 340,5 м гача пасайганда «Махрам – 0» насос станциясини эксплуатациясини таъминлаш бўйича ишларни амалга ошириш;

- Қайроққум сув омборига «Ақдзар» гидропостидан кириб келаётган сув сарфини ёз даврида 300 – 350 м³/с бўлишини таъминлаш;

- Шимолий Фарғона ҳамда Катта Фарғона каналларидан лимитга асосан Тожикистон Республикаси чегарасигача сув етказиб беришни таъминлаш;

2005 йилнинг февраль ойида Томонлар, сув омборидаги сув ҳажмини 31 май 2005 йилгача 3418 млн. м³ атрофида сақлаб туриш ҳамда Қайроққум сув омбори зонасида сув олишни яхшилаш учун олиб борилдиган қирғоқларни мустаҳкамлаш ва ер ости сув сатҳини тушириш ишларини бажаришдаги улушини, бажариладиган ишларнинг ҳажмини ҳамда материал-техник ресурсларни аниқлайдилар.

5.10-илова

Амударё хавзасида сув ресурсларини тасдиқлаш.

Амударё хавзасида сув тақсимлаш бўйича ўзаро ҳамкорлик, 1991 йилгача қўлланган режим, яъни Совет Иттифоқи даврида ишлаб чиқилган “Амударё хавзасида сув ресурсларини ривожлантиришнинг Бош схемаси” асосида амалга оширилади. Тақсимлаш режими 1987 йилда, СССР Сув хўжалиги вазирлигининг “Илмий ва техник кенгаши”нинг 566-сонли қарори билан тасдиқланган эди.

Ушбу қарорга асосан ер усти сувларининг ҳар бир давлат учун ажратилган ҳиссаси қуйидагиларни ташкил қилган (Амударёга келиши башорат қилинган сув миқдорида нисбатан фоизда):

Қирғизистон	- 0,6;	Туркменистон	- 35,8;
Тожикистон	- 15,4;	Ўзбекистон	- 48,2.

Ҳозирги кунгача қуйидагини назарда тутадиган квоталаш принципи сақланиб қолмоқда, яъни Туркменистон ва Ўзбекистон, келтирилган сув оқимининг Керки постида (Қарақум канали олаётган сув ҳисобга олган ҳолда) тенг ҳиссага (50/50) эга.

Бу ҳолат 16 январь 1996 йилда икки томонлама келишувга (Икки мамлакат бошлиқлари томонидан Чоржўй-Туркманобод шаҳрида имзоланган “Ўзбекистон ва Туркменистон республикалари ўртасида сув хўжалиги масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик келишуви”га) асосан тасдиқланган эди.

**Сув ҳўжалиги масалалари бўйича ҳамкорлик тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги билан
Туркменистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ўртасида битим**

(2017 йил 6 март, Ашхобод)

(Ўзбекистон Республикаси учун 2017 йил 6 мартдан кучга кирган)

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ва Туркменистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасидаги сув ҳўжалиги масалалари бўйича ҳамкорлик тўғрисида 1996 йил 16 январдаги Битим, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида чегарабўйи вилоятлари ҳудудида жойлашган ҳўжалик объектларида хизмат қилувчи шахслар томонидан ўзбек-туркман чегарасини кесиб ўтишлари тўғрисида 2004 йил 19 ноябрдаги Битим ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида Томонларнинг чегарабўйи ҳудудларида жойлашган ҳўжалик объектларидан фойдаланиш ва уларда таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида 2008 йил 10 мартдаги Битим қоидаларига, шунингдек Томонлар давлатлари иштирокчи ҳисобланган бошқа халқаро шартномаларга асосланган ҳолда,

-халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини ҳисобга олган ҳолда ва ўзаро ҳурмат принциплари асосида давлатлараро манбаларнинг сув ресурсларидан адолатли ва оқилона фойдаланиш заруриятини тасдиқлаб,

-трансчегаравий (давлатлараро) сув оқимларидан фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик масалаларида ягона позицияни ишлаб чиқишга интилишларни ҳисобга олган ҳолда,

-сув ресурсларининг интеграциялаштирилган ҳолда бошқариш ва Орол денгизи ҳавзасининг экологик ҳолатини яхшилаш асослари сифатида илмий-техникавий ва ахборот салоҳиятларини кенгайтириш муҳимлигини таъкидлаган ҳолда,

-иқлим ўзгариши ва бошқа омиллар таъсирида сувга бўлган эҳтиёжлар ўсаётган ва сув ресурслари камайиб бораётган вазиятда сувни тежаш, сув ресурсларини самарали бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича келишилган ва мақсадга йўналтирилган тадбирлар Амударё ҳавзасида сув хавфсизлигини таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилишини тан олган ҳолда, қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар ўз ваколатлари доирасида трансчегаравий сув ресурсларини барқарор бошқариш, Амударё ҳавзасида сув таъминотини яхшилаш бўйича биргаликда ҳаракат қилиш мақсадида ҳамкорликни ривожлантирадилар, шунингдек Томонлар давлатлари иштирокчи ҳисобланган халқаро шартномаларни самарали амалга оширишни таъминлаш бўйича чоралар кўрадилар.

2-модда

Томонлар Амударё сув ресурсларини биргаликда бошқариш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш масалаларида яқиндан ҳамкорликни амалга оширадилар. Ушбу мақсадларда Томонлар:

а) Давлатлараро мувофиқлаштириш сув ҳўжалиги комиссиясининг (ДМСК) баён қарорларига мувофиқ сув ресурсларини тақсимлашни таъминлаш бўйича тегишли чоралар кўрадилар;

б) сув тақчил йилларида Амударёнинг қуйи оқимида сувнинг ўткир танқислигига йўл қўймаслик учун паритет асосида ўрта оқимидан сув олинишини чеклайдилар;

в) Амударёнинг қуйи оқими сув ресурсларини бошқаришни биргаликда кўриб чиқадилар ва амалга оширадилар;

г) Амударёнинг, шу жумладан Туямуюн сув омборининг сув ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш учун дарёнинг қуйи оқимидаги суғориладиган ерларни ювиш ишларини бажариш бўйича келишилган чоралар кўрадилар;

д) Амударёнинг ўрта ва қуйи оқимлари сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш ва Томонлар давлатларининг суғориладиган ерларида сув таъминотини кўпайтиришга қаратилган келишилган чора-тадбирларни амалга оширадилар;

е) экологик талабларни ҳисобга олган ҳолда коллектор-дренаж сувларидан фойдаланиш масалаларини комплекс равишда ҳал қиладилар.

3-модда

Томонлар ўз ваколатлари доирасида сув хўжалиги объектларида хизмат кўрсатувчи ходимлар, автотранспорт, механизмлар, ускуна ва махсус техникаларни ўзбек-туркман чегарасидан ўтказиш, келишилган рўйхатлар асосида эҳтиёт қисмларни олиб кириш ва олиб чиқиш масалалари бўйича, шунингдек сув хўжалиги объектларида авария ҳолатлари, шу жумладан тунги вақтда юзага келганда, хизмат кўрсатувчи ходимларга ва авария ҳолатларини бартараф қилиш учун зарур бўлган автотранспорт, механизмлар ва махсус техникаларни Давлат чегарасидан тезкор равишда ўтишига кўмаклашадилар.

4-модда

1. Томонлар тошган сувларни ўтказиб юбориш ва сув тошқинлари билан курашишда, шунингдек бошқа табиий офатлар ва фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда мувофиқлаштирилган тадбирларни амалга ошириш ҳамда техникавий, ахборот ва бошқа тарзда кўмак беришга келишиб олдилар.

2. Томонлар трансчегаравий таъсирга сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай кескин вазият ҳақида зудлик билан бир-бирларини хабардор қиладилар.

5-модда

1. Томонлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқариш, гидротехник иншоотлар хавфсизлигини таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳаларидаги қўшма тадқиқотлар ва ишланмалар ўтказишда ҳамкорлик қиладилар. Ушбу мақсадларда Томонлар, хусусан, қуйидагиларга қаратилган илмий-тадқиқот ва инновацион дастурларни жадаллаштирадилар:

а) сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сувни тежаш технологияларини, илғор суғориш услублари ҳамда сув қуйиш, сув ҳисоби ва сув ўлчовини юритиш техникалари бўйича чора-тадбирларни янада ривожлантириш;

б) гидротехник иншоотлар техник ҳолатини яхшилаш ва ишончилигини оширишни таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш;

в) суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва коллектор-дренаж сувларидан такроран фойдаланиш;

г) Оролбўйи ҳудудида ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш ва сув хўжалиги фаолиятидаги экотизим талабларини ҳисобга олиш бўйича аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. Томонлар қўшма илмий-тадқиқот дастурлари натижаларини кўриб чиқадиладар ва ижобий натижаларни ҳаётга татбиқ қилиш бўйича кучларини сафарбар этадилар.

3. Томонлар сув хўжалиги масалалари бўйича қўшма лойиҳаларни аниқлаш, илгари суриш ва амалга оширишда, шунингдек уларни ҳаётга тадбиқ қилиш учун молиявий маблағларни жалб қилишда ўз фаолиятларини мувофиқлаштирадилар ва ўзаро қўллаб-қувватлайдилар.

6-модда

1. Томонлар ўз ваколатлари доирасида қуйидагилар билан алмашишни амалга оширадилар:

а) коллектор-дренаж сувларидан фойдаланиш бўйича маълумотлар;
б) сувни тежаш технологиялари, илғор суғориш методлари ва суғориш техникаси, сувни ҳисобга олиш ва сувни ўлчаш, шунингдек коллектор-дренаж сувларидан такроран фойдаланиш соҳасида тўпланган тажрибалар;

в) сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида илғор технологияларни қўллаш тажрибаси;

г) трансчегаравий таъсирни олдини олиш, чеклаш ва қисқартириш бўйича қўлланилаётган ва режалаштирилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот.

2. Ахборот билан алмашиш икки томонлама асосда, шунингдек ДМСК органлари орқали амалга оширилади.

7-модда

1. Томонлар Оролни қутқариш халқаро фонди ва унинг ташкилотлари фаолиятини мустақамлашга, шунингдек Орол денгизи ҳавзаси мамлакатларига ёрдам кўрсатиш бўйича муайян ҳаракатлар Дастурини самарали амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштирадilar ва қўшма чора-тадбирларни амалга оширадilar.

2. Томонлар ДМСК доирасида ишлар мувофиқлаштирувини кучайтириш учун миллий ва минтақавий даражада барча тегишли чоралар кўрадilar.

8-модда

Томонлар сув хўжалиги кадрлари малакасини ошириш курслари, семинарлар, стажировка ва бошқа таълим дастурларини ташкил этиш учун барча тегишли чоралар кўрадilar.

9-модда

Томонларнинг ўзаро розилигига кўра мазкур Битимга алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ва унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

10-модда

Мазкур Битим қоидаларини қўллаш ва талқин қилиш юзасидан барча келишмовчиликлар Томонлар ўртасида маслаҳатлашув ва музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

11-модда

Мазкур Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Томонлардан бири унинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида бошқа Томоннинг ёзма хабарномасини олган санадан икки ой ўтгунига қадар амалда бўлади.

Ашхобод шаҳрида 2017 йил 6 мартда ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларида бўлган икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир. Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда ихтилофлар вужудга келган тақдирда, Томонлар рус тилидаги матнга асосланадилар.

(ИМЗОЛАР)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СУВ ВА СУВ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРИ.

5.12-илова

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» қонуни.

I-боб. Асосий қоидалар.

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари.

Ушбу Қонуннинг мақсади сувга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари учун сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувларни булғаниш, ифлосланиш ва

камайиб кетишдан сақлаш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

2-модда. Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасида сувга доир муносабатлар ушбу Қонун ҳамда унга мувофиқ чиқариладиган сув тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида сувга доир муносабатлар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

-ер ости сувлари — ер сатҳидан пастда ер қобиғининг тоғ жинслари қатламларида жойлашган сувлар;

-ер усти сувлари — ер қобиғининг устида жойлашган сувлар;

-мелиорация объектлари — коллектор-дренаж ва ер усти ташлама сувларини тўплаш ҳамда уларни суғориладиган ерлардан ташқарига чиқариб ташлашга кўмаклашадиган, коллекторларни ва коллектор-дренаж тармоғини, вертикал дренаж кудуқларини, мелиорация насос станцияларини (агрегатларини) ва кузатув тармоғини ўз ичига оладиган сув хўжалиги объектлари;

-сувлар — сув объектларида тўпланган барча сувлар мажмуи;

-сув истеъмоли (сувни истеъмол қилиш) — юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув ресурсларидан уларни сув объектидан белгиланган тартибда олган ҳолда фойдаланиш;

-сув истеъмолчилари уюмлари — юридик шахс бўлган сув истеъмолчилари томонидан сувга доир муносабатлар соҳасидаги ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун ихтиёрий асосда ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилоти;

-сув истеъмолчиси — ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув объектидан сув ресурсларини белгиланган тартибда олувчи юридик ёки жисмоний шахс;

-сув объекти — сувлар доимий равишда ёки вақтинча тўпланадиган ва сув режимининг ўзига хос шакллари ва белгилари бўлган табиий (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар) ҳамда сунъий (очиқ ва ёпиқ каналлар, шунингдек коллектор-дренаж тармоқлари) сув оқимлари, табиий (кўллар, денгизлар, ер ости сувли қатламлари) ва сунъий (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) сув ҳавзалари, шунингдек булоқлар ва бошқа объектлар;

-сув объектларини муҳофаза қилиш — сув объектларини сақлаш ва тиклашга қаратилган тадбирлар тизими;

-сув режими — сув объектлари ва тупроқ-грунтда сув сатҳи, тезлиги, сарфи ва ҳажмининг вақт бўйича ўзгариши;

-сув ресурслари — фойдаланиладиган ёки фойдаланилиши лозим бўлган сув объектлари сувлари;

-сув хўжалиги — иқтисодиётнинг сув ресурсларини ва сув объектларини ўрганиш, ҳисобга олиш, бошқариш, улардан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, шунингдек сувларнинг зарарли таъсирига қарши курашишни қамраб олувчи тармоғи;

-сув хўжалиги объекти — сув ресурсларини тўплаш, бошқариш, етказиб бериш, улардан фойдаланиш, уларни истеъмол қилиш, ажратиб бериш ва муҳофаза қилиш мақсадида сув хўжалиги фаолияти амалга ошириладиган сув объекти;

-сувдан фойдаланиш — юридик ва жисмоний шахслар томонидан сув ресурсларини сув объектидан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

-сувдан фойдаланувчи — сув ресурсларини сув объектидан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс;

-сувларнинг зарарли таъсири — сув тошиши, сув босиши, зах босиши ва сувларнинг ўзга таъсирлари натижасида айрим табиий-хўжалик объектлари ва ҳудудларнинг ювилиши, бузилиши, лойқа чўкиши, ботқоқланиши, шўрланиши ва бошқа салбий ҳодисалар;

-трансчегаравий сув объектлари — икки ва ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтадиган ёки шундай чегараларда жойлашган сув объектлари;

-трансчегаравий сувлар — икки ва ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтадиган ёки шундай чегараларда жойлашган ҳар қандай ер усти ёки ер ости сувлари».

3-модда. Сувга давлат эгаллиги.

Сув Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки — умуммиллий бойлик ҳисобланади, сувдан оқилона фойдаланиш лозим бўлиб, у давлат томонидан қўриқланади.

4-модда. Ягона давлат сув фонди.

Ягона давлат сув фонди:

-жилғалар, сойлар, дарёлар, сув омборлари, кўллар, денгизлардан, каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари, булоқлар, ҳовузларнинг сувлари ва бошқа ер усти сувларидан;

-ер ости сувлари, қор захиралари ва музликлардан иборатдир.

Трансчегаравий сув объектларининг (Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари, Орол денгизи ва бошқа трансчегаравий сув объектларининг) сувларидан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланади.

II-боб. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги тасарруфига қуйидагилар киради, чунончи:

-сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

-сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда сув хўжалигига оид стратегик давлат дастурларини қабул қилиш;

-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасарруфига кирадиган бошқа масалаларни ҳал этиш.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги тасарруфига қуйидагилар киради, чунончи:

-сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

-сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш, шунингдек сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш соҳасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бошқа юридик шахсларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

-сув фондини ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини, сувдан фойдаланиш, сув истеъмоли меъёрларини ва сув объектидан сув олиш лимитларини (бундан буён матнда сув олиш лимитлари деб юритилади) тасдиқлаш тартибини белгилаш;

-сувларнинг давлат томонидан ҳисобга олиб борилишини ҳамда сувдан фойдаланишни назорат қилиш ва уларни муҳофаза этишни таъминлаш, давлат сув кадастри ва сув мониторингини юритиш;

- йирик авариялар, фалокатлар, экология танглиги ва сувларнинг зарарли таъсири олдини олиш ҳамда уларга барҳам бериш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, сув объектларини булғатганлик ва қуришиб қўйганлик учун ҳақ ундириш тартибини белгилаш;
- давлатлараро муносабатларни ривожлантириш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги тасарруфига қўйидагилар қиради, чунончи:

- ўз ҳудудидаги сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш;
- сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида қонунийлик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш;
- сув объектлари ҳолатини ҳисобга олиб бориш ва уларга баҳо бериш, сувлардан фойдаланилиши ва уларнинг муҳофаза қилиниши, белгиланган сув олиш лимитларига риоя этилиши, сувдан фойдаланувчиларнинг сувдан фойдаланиш ҳисобини юритишлари устидан назорат қилиб бориш;
- сув объектларини сақлаш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш, сувларнинг зарарли таъсир кўрсатишини, шунингдек булғанишини олдини олиш ва уни бартараф этиш ҳамда авариялар, тошқин, сел ва табиий офатлар натижасида вайрон бўлган объектларни тиклаш юзасидан тадбирлар ўтказиш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни тартибга солиш.

III-боб. Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорати.

8-модда. Сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви.

Сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (ҳудудий) бошқармалари орқали тартибга солувчи махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари ҳамда бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (ер усти сувлари), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қабрини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар) ўз ваколатлари доирасида сувдан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари ҳисобланади.

9-модда. Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг вазифаси сувдан фойдаланиш борасида белгилаб қўйилган тартибга барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар риоя қилишлари, сувни муҳофаза қилиш, сувнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф қилиш вазифаларини, сувни ҳисобга олиш қоидаларини, шунингдек сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа қоидаларни бажаришларини таъминлашдир.

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат

қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширадилар. Сувдан фойдаланиш устидан идоравий назоратни Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси органлари амалга оширадилар.

10-модда. Сувлардан ва сув объектларидан оқилонга фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек фуқароларнинг иштироки.

Сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз уставларига мувофиқ ҳамда фуқаролар сувлардан ва сув объектларидан оқилонга фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда давлат органларига қўмаклашади. Давлат органлари бу тадбирларни ўтказишда сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек фуқароларнинг таклифларини ҳисобга олиши мумкин.

IV-боб. сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ва ишга тушириш.

11-модда. Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ва ишга тушириш шартлари.

Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ва ишга туширишда, янги технологик жараёнларни жорий этишда аҳолининг соғлиғини сақлаш ва ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини ҳамда маиший эҳтиёжларини биринчи навбатда қондириш талабларига риоя этган ҳолда сувдан оқилонга фойдаланиш, шунингдек коллектор-дренаж сувларини ва оқинди сувларни чиқариб юборишнинг қулай режими таъминланиши лозим. Бунда сув объектларидан олинadиган ва шу объектларга қайтариладиган сувни ҳисобга олишни, сувларни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлашни, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олишни, ерларнинг сув босишини имкон қадар камайитиришни, ерларни шўрланишдан, зах босишдан ёки қакраб қолишдан муҳофаза қилишни, шунингдек қулай табиий шароитлар ва ландшафтларни сақлаб қолишни таъминловчи тадбирлар назарда тутилади.

Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари сув объектларидан дам олиш ва спорт учун фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда тузилиши лозим.

12-модда. Балиқчилик хўжалиги сув хавзаларида корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва ишга тушириш шартлари.

Балиқчилик хўжалиги сув хавзаларида янги ва таъмирланган корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва ишга тушириш чоғида ушбу Қонун 15-моддасининг талабларига риоя қилиш билан бир қаторда, балиқ захираларига етказилаётган зарарнинг ўрнини қоплаш, бошқа

сув ҳайвонлари ва ўсимликларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни асраш, қайта тиклаш ва қўпайтиришни таъминлайдиган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш лозим.

13-модда. Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотлар ҳамда бошқа объектлар қуриладиган, реконструкция қилинадиган, таъмирланадиган ва тикланадиган жойларни белгилаш.

Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотлар ҳамда бошқа объектлар қуриладиган, реконструкция қилинадиган, таъмирланадиган ва тикланадиган жойларни белгилаш мазкур сув объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар, шунингдек бошқа манфаатдор ташкилотлар билан қонун ҳужжатларига мувофиқ келишиб олинади.

14-модда. Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш лойиҳаларининг келишиб олиниши ва давлат экспертизаси.

Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари кишлок ва сув хўжалиги, санитария назорати, табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари ҳамда бошқа органлар билан келишиб олиниши лозим, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат экспертизасидан ўтказилади.

Мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш лойиҳалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилади.

Ишлаб чиқариш шароитларига кўра айланма сув таъминоти ва чиқитсиз технологияга ўтказилиши мумкин бўлмаган саноат корхоналарининг сув билан тўхтовсиз таъминлаш тизимларини лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилишга йўл қўйилмайди.

15-модда. Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни ишга туширишни тақиқлаш.

Қуйидагиларни:

- сувларнинг булғаниши ва ифлосланишининг олдини оловчи қурилмалар билан таъминланмаган, шунингдек сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи янги ҳамда реконструкция қилинган корхоналар, цехлар, агрегатларни, коммунал ва бошқа объектларни;

- ерларнинг сув босиши, зах босиши, ботқоқланиши, шўрланишининг ҳамда тупроқ эрозиясини олдини олишнинг лойиҳаларда назарда тутилган тадбирлари амалга оширилмагунча суғориш ва сув билан таъминлаш тизимларини, сув омборлари ва каналларни;

- тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ сув қабул қиладиган ва бошқа иншоотларни қуриб битказмай туриб, зах қочириш тармоқларини;

- тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ балиқларни сақлаб қолиш қурилмалари бўлмаган сув олиш иншоотларини;

- тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ тошқин сувларни ва балиқларни ўтказиб юборадиган қурилмалари тайёр бўлмаган гидротехника иншоотларини;

- ер ости сув захиралари тасдиқланмаган сув олиш иншоотлари гуруҳини;

- сувни тартибга солувчи қурилмалар билан таъминламай туриб ва тегишли ҳолларда санитария муҳофазаси зоналарини белгиламай туриб, сув чиқариш учун бурғиланган кудуқларни ишга тушириш тақиқланади.

Сув омборларини уларнинг ўзанини лойиҳада кўрсатилганидек тайёр қилиб қўйиш тадбирлари амалга оширилмагунча сув билан тўлдириш тақиқланади.

16-модда. Сув объектларидан ўтадиган кўприklar, ўтиш йўллари хамда бошқа транспорт коммуникацияларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш лойиҳаларини келишиб олиш.

Сув объектларидан ўтадиган кўприklar, ўтиш йўллари хамда бошқа транспорт коммуникацияларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини хамда бехатар ишлашини назорат қилиш органлари хамда зарур ҳолларда, энергетика, архитектура ва қурилиш органлари, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (кемалар қатновини белгилаш юзасидан) билан келишиб олиниши хамда тошқин сувларни ўтказиб юборишни, сув объектларидан фойдаланиш режимини, сувларнинг булғаниши, ифлосланиши ва камайиб кетишига йўл қўймасликни, уларнинг зарарли таъсирининг олдини олишни таъминловчи тадбирлар ўтказилишини назарда тутиши лозим.

Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи сув объектларидан ўтадиган кўприklar, ўтиш йўллари хамда бошқа транспорт коммуникацияларини таъмирлаш ва тиклаш лойиҳалари қишлоқ ва сув хўжалиги органлари билан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органлар билан келишиб олиниши хамда тошқин сувларни ўтказиб юборишни, сув объектларидан фойдаланиш режимини, сувларнинг булғаниши ва ифлосланишининг олдини олишни таъминловчи тадбирлар ўтказилишини назарда тутиши керак.

V-боб. Сув объектларида, сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақаларида ва санитария муҳофазаси зоналарида ишларни бажариш

17-модда. Сув объектларида, сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақаларида ва санитария муҳофазаси зоналарида ишларни бажариш тартиби.

Сув объектларида, сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақаларида ва санитария муҳофазаси зоналарида, ер ости сувлари ҳосил бўладиган ҳудудларда сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи қурилиш, таъмирлаш, тиклаш, ўзан тубини чуқурлаштириш ва портлатиш ишлари, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва сув ўсимликларини олиш, кабеллар, қувурлар хамда бошқа коммуникацияларни ўтказиш, дарахтларни кесиш, бурғулаш, қишлоқ хўжалиги ишлари ва ўзга ишлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бажарилади.

Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи ишлар ушбу Қонун талабларига мувофиқ равишда, илмий асосланган норма ва қоидалар асосида қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, балиқчилик хўжалиги, ўрмон хўжалиги, майший ва коммунал хўжалик манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади.

VI-боб. Сувдан фойдаланувчилар, сув истеъмолчилари ва улар фойдаланадиган объектлар.

18-модда. Сувдан фойдаланувчилар.

Сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари, сув истеъмолчилари уюшмалари, коммунал-майший соҳа, гидроэнергетика корхоналари, бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари хамда фуқаролиги бўлмаган шахслар сувдан фойдаланувчилар бўлиши мумкин.

18¹-модда. Сув истеъмолчилари.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунинг-

дек Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар сув истеъмолчилари бўлиши мумкин.

18²-модда. Сув истеъмолчилари уюшмалари.

Сув истеъмолчилари уюшмалари асосан гидрография принципига ёки сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган бошқа шартларга мувофиқ ташкил этилади.

Фермер хўжаликлари, юридик шахс ташкил этган ҳолдаги деҳқон хўжаликлари, шунингдек юридик шахс бўлган бошқа сув истеъмолчилари сув истеъмолчилари уюшмаларининг муассислари бўлиши мумкин.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа сув истеъмолчилари сув истеъмолчилари уюшмаларининг аъзолари бўлиши мумкин.

Сув истеъмолчилари уюшмаси ва унинг хизмат кўрсатиш зонасида жойлашган аъзолари, шунингдек бошқа қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ҳамда ўзга юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги сувга доир муносабатлар шартнома асосида тартибга солинади.

19-модда. Сувдан фойдаланиш объектлари.

Сув объектлари ёки уларнинг қисмлари сувдан фойдаланиш объектлари бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга берилиши мумкин.

19¹-модда. Сув истеъмоли манбалари.

Сув объектлари ёки уларнинг қисмлари сув истеъмоли манбалари бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сув истеъмоли учун берилиши мумкин.

20-модда. Сув объектларидан фойдаланишни қисман ёки батамом тақиқлаш.

Алоҳида давлат аҳамиятига ёхуд алоҳида илмий ёки маданий қимматга эга бўлган сув объектларидан фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қисман ёки батамом тақиқланиши мумкин.

VII-боб. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли турлари.

21-модда. Сувдан фойдаланиш турлари.

Сув объектидан сув олиш усулига, сувларнинг ва сув объекtlарининг ҳолатига таъсир этилишига қараб сувдан фойдаланиш сувдан умумий ва махсус фойдаланишга бўлинади.

Жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объекtlарининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда ўз эҳтиёжларини ҳамда бошқа эҳтиёжларни қондириш мақсадида сувдан фойдаланиш сувдан умумий фойдаланишдир.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объекtlарининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган сувдан фойдаланиш сувдан махсус фойдаланишдир. Сувдан махсус фойдаланишга айрим ҳолларда махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда, аммо сувларнинг ва сув объекtlарининг ҳолатига таъсир этадиган сувдан фойдаланиш ҳам киритилиши мумкин.

Сувдан умумий ва махсус фойдаланиш турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда,

кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Сув объектлари танҳо ёки биргаликда фойдаланишда бўлиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ёки жисмоний шахсларга бутунлай ёки қисман фойдаланишга берилган сув объекти танҳо фойдаланиладиган сув объектидир.

Танҳо фойдаланишга берилмаган сув объекти биргаликда фойдаланиладиган сув объектидир.

Сув объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қишлоқ ва сув хўжалиги, санитария назорати, табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари билан келишилган ҳолда фойдаланишга берилади.

Сув объектлари сувдан фойдаланувчиларга сув истеъмолчиларининг қишлоқ хўжалиги, ичимлик, даволаш ва маиший эҳтиёжларини, аҳолининг курорт, рекреация ва ўзга эҳтиёжларини, саноат, энергетика, транспорт, балиқчилик хўжалиги ҳамда бошқа давлат ёки жамоат эҳтиёжларини қондириш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолда фойдаланишга берилади.

Оқинди сувларни оқизиш учун сув объектларидан фойдаланишга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳамда махсус талаблар ва шартларга риоя қилинган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.

Сув объектлари битта ёки айти бир вақтда бир нечта мақсадда фойдаланишга берилиши мумкин.

21¹-модда. Сув истеъмоли турлари.

Мақсадли фойдаланилишига кўра сув истеъмоли ичимлик, коммунал-маиший, даволаш, курорт, рекреация, балиқчилик хўжалиги, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги сув истеъмолига ва бошқа турларга бўлинади. Сув объектдан олинadиган сувнинг миқдорига қараб сув истеъмоли умумий ва махсус сув истеъмолига бўлинади.

Жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда ўз шахсий ичимлик, маиший, рекреация, даволаш эҳтиёжлари, ҳайвонларни суғориш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш мақсадидаги сув истеъмоли умумий сув истеъмолидир.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган сув истеъмоли махсус сув истеъмолидир. Махсус сув истеъмолига айрим ҳолларда махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда, аммо сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этадиган сув истеъмоли ҳам киритилиши мумкин.

Сув ресурслари қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолда истеъмол учун берилади.

VIII-боб. Сув объектларини фойдаланишга бериш тартиби ва шартлари.

25-модда. Сув объектларининг, аввало аҳоли эҳтиёжлари учун берилиши.

Сув объектлари, аввало, аҳолининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини ва маиший эҳтиёжини қондириш учун фойдаланишга берилади.

26-модда. Сув объектларини танҳо фойдаланишга бериш тартиби.

Сув объектлари танҳо фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёхуд тегишли ваколатга эга давлат органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланadиган тартибда батамом ёки қисман берилади.

Сув объектлари танҳо фойдаланиш учун сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш рухсатномаси албатта расмийлаштирилган ҳолда берилади.

27-модда. Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби.

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш рухсатнома асосида амалга оширилади.

Табиий сув объектларининг сувидан махсус фойдаланиш ёки уларнинг сувини махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома ер усти сувлари бўйича-қишлоқ ва сув хўжалиги органлари, ер ости сувлари бўйича - геология ва минерал ресурслар органлари, минерал ва термал сувлар бўйича - ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва комму-нал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш органлари билан келишилган ҳолда табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан берилади.

Сунъий сув объектларининг сувидан махсус фойдаланиш ёки уларнинг сувини махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома:

-иригация тизимлари ҳавза бошқармаларига, магистрал каналлар (тизимлар) бошқармаларига, сув омборларидан фойдаланиш бошқармаларига, трансчегаравий сув объектларидан, вилоятлараро аҳамиятга молик сув объектларидан, катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотларга, насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаларига, мелиорация экспедицияларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига-республика ёки вилоятлараро аҳамиятга молик сув объектларидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан;

-иригация тизимлари бошқармаларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига-вилоят ёки туманлараро аҳамиятга молик сув объектларидан иригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан;

-сув истеъмолчилари уюшмаларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига - туман аҳамиятига молик сув объектларидан иригация тизимлари бошқармалари томонидан;

-ўзлари хизмат кўрсатадиган зонада жойлашган фермер ва деҳқон хўжаликларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳамда бошқа сув истеъмолчиларига-қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув объектларидан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими билан келишилган ҳолда сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан берилади.

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

28-модда. Сувдан умумий фойдаланишни амалга ошириш.

Сувдан умумий фойдаланиш ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда рухсатсиз ва чеклашларсиз амалга оширилади.

29-модда. Танҳо фойдаланиш учун берилган сув объектларида сувдан умумий фойдаланиш ва умумий сув истеъмоли.

Танҳо фойдаланиш учун берилган сув объектларида сувдан умумий фойдаланишга ва умумий сув истеъмолига шу сув объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишилган ҳолда белгиланган шартларга кўра йўл қўйилади, зарур ҳолларда эса, бундай сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ тақиқлаб қўйилиши мумкин.

30-модда. Сув олиш лимитлари.

Сув олиш лимитлари барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига нисбатан белгиланади.

Сув олиш лимитлари (ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан сув манбалари, ҳавза иригация тизимлари, магистрал каналлар (тизимлар), иригация тизимлари, иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар, сувдан фойдаланувчилар ва сув

истеъмолчилари бўйича белгиланади, ер ости сувлари борасида эса геология ва минерал ресурслар ҳамда ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш органлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа сув истеъмолчилари учун сув олиш лимитлари уларга хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланади.

Коммунал ва маиший хўжаликларнинг сув олиш лимитлари тегишли фойдаланувчи ташкилотлар томонидан белгиланади.

Сув олиш лимитлари сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун манбаларнинг тахмин қилинган ва ҳақиқий сувлилиги ҳисобга олинган ҳолда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бир йилда икки марта ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун бир йилда бир марта белгиланади ва улар учун мажбурийдир.

Сувдан фойдаланувчиларнинг сувни етказиб бериш бўйича хизматлари, шунингдек кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун шартнома асосида ҳақ тўланади.

31-модда. Сув объектларидан фойдаланиш муддатлари.

Сув объектлари доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун берилади.

Муддати аввалдан белгиланмаган ҳолда фойдаланиш - доимий фойдаланиш деб эътироф этилади.

Сувдан вақтинча фойдаланиш муддати: қисқа - уч йилгача ва узоқ - йигирма йилгача бўлиши мумкин.

Сув объектларидан вақтинча фойдаланиш муддатлари сувдан фойдаланувчи манфаатдор томонлар илтимосномасига биноан, шу сув объектларини танҳо фойдаланиш учун бериш тўғрисида қарор чиқарган ёки ундан махсус фойдаланиш учун рухсатнома берган давлат органлари томонидан узайтирилиши мумкин.

IX-боб. Сувдан фойдаланувчиларнинг ва сув истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

32-модда. Сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари.

Сувдан фойдаланувчилар:

- сув объектлари қандай мақсадлар учун фойдаланишга берилган бўлса, фақат шу мақсадларда фойдаланиш;

- сувдан фойдаланишни амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иншоотлар, қурилмалар ҳамда бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш;

- берилаётган сувнинг миқдори ва сифатини текшириш;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, сувдан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бўйича олинмай қолган сув учун компенсация талаб қилиш;

- сув ресурсларини бошқаришга оид қарорлар қабул қилинишида иштирок этиш;

- манбанинг тахмин қилинган ва ҳақиқий сувлилигидан келиб чиққан ҳолда сув олиш лимитларини ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш;

- ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши, шу жумладан белгиланган сув олиш лимитлари ва сув бериш режимига мувофиқ сув олиш ҳуқуқининг бузилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Сувдан фойдаланувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

32¹-модда. Сув истеъмолчиларининг ҳуқуқлари

Сув истеъмолчилари:

- берилаётган сувнинг миқдори ва сифатини текшириш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, сув истеъмоли тўғрисидаги шартнома бўйича олинмай қолган сув учун компенсация талаб қилиш;
- сув ресурсларини бошқаришга оид қарорлар қабул қилинишида иштирок этиш;
- ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда сув олиш лимитларини ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш;

- сувга доир муносабатлар соҳасидаги ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун уюшмаларга (иттифоқларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашиш;

- ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши, шу жумладан белгиланган сув олиш лимитлари ва сув бериш режимига мувофиқ сув олиш ҳуқуқининг бузилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Сув истеъмолчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

33-модда. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш.

Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади.

Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши лозим.

34-модда. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг ҳуқуқларини чеклаш.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда аҳоли соғлиғини сақлаш мақсадини, давлатнинг бошқа манфаатларини, шунингдек ўзга сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг манфаатларини кўзлаб, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг ҳуқуқлари чекланиши мумкин. Бунда аҳолининг ичимлик ва майший эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланиш шароитлари ёмонлашмаслиги лозим.

35-модда. Сувдан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари.

Сувдан фойдаланувчилар:

- сув объектларидан оқилонга фойдаланиши, сувни тежаб сарфлаш, сувларнинг сифатини тиклаш ва яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши;

- белгиланган сув олиш лимитларига ва сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этиши;

- сувдан махсус фойдаланишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рухсатномани расмийлаштириши;

- ифлослантирувчи моддалар мавжуд бўлган оқинди сувларни сув объектларига оқизишни тамомила тугатиш чора-тадбирларини кўриши;

- бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилишига, шунингдек сув объектларига, хўжалик объектлари ва табиий ресурсларга (ерлар, ўрмонлар, ҳайвонот дунёси, фойдали қазилмалар ва бошқаларга) зарар етказилишига йўл қўймаслиги;

- сув объектларини, сувни муҳофаза қилиш иншоотларини ва бошқа иншоотларни, техник қурилмаларни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши, уларни ишлатиш сифатини яхшилаши ҳамда улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши;

- сувни олиш ва беришда сув миқдори ҳисобини юритиши, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоботни тақдим этиши;

- сув ресурсларидан фойдаланганлик, шунингдек сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловларни ўз вақтида

шартномавий асосда тўлаши;

- сувни тежаш чора-тадбирларини кўриши;

- сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда сув истеъмолчиларига кўмаклашиши;

- сувларнинг булғаниши, ифлосланиши ва камайиб кетишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларига сувларнинг зарарли таъсирини бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши, шунингдек ер усти ва ер ости сувлари тўпланадиган майдонларнинг ифлосланишига йўл қўймаслиги;

- сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналарини сақлашнинг белгиланган режимига риоя қилиши;

- сувлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг вакилларини ўз сув хўжалиги объектларига белгиланган тартибда киритиши ҳамда уларга зарур ахборотни тақдим этиши;

- сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этадиган авариялар ва бошқа табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзага келганлиги тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ўз вақтида хабардор қилиши ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни амалга оширишда, шунингдек сув объектларида таъмирлаш-тиклаш ишларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиши;

- балиқларни, бошқа сув флораси ва фаунасини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириши шарт.

Сувдан фойдаланувчилар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

35¹-модда. Сув истеъмолчиларининг мажбуриятлари.

Сув истеъмолчилари:

- сув ресурсларидан оқилона фойдаланиши, сувнинг мақсадсиз истеъмол қилинишига йўл қўймаслиги, сувни тежаб сарфлаш, сувларнинг сифатини тиклаш ва яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши;

- белгиланган сув олиш лимитлари ва сув истеъмоли қоидаларига риоя этиши;

- сувни махсус истеъмол қилишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рухсатномани расмийлаштириши;

- ифлослантирувчи моддалар мавжуд бўлган оқинди сувларни сув объектларига оқизишни тамомила тугатиш чора-тадбирларини кўриши;

- бошқа сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилишига, шунингдек сув объектларига, хўжалик объектлари ва табиий ресурсларга (ерлар, ўрмонлар, ҳайвонот дунёси, фойдали қазилмалар ва бошқаларга) зарар етказилишига йўл қўймаслиги;

- сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаши, ички сув объектлари ва иншоотларини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши, улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши;

- олинаётган сув миқдори ҳисобини юритиши ва сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома берган органларга зарур ахборотни тақдим этиши;

- сув ресурсларидан фойдаланганлик, шунингдек сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловларни ўз вақтида шартномавий асосда тўлаши;

- сувни тежаш чора-тадбирларини кўриши;

- сувларни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда келишилган технология, ўрмон-мелиорация, агротехника, гидротехника, санитария тадбирлари ва бошқа тадбирларни амалга ошириши;

- сувларнинг булғаниши, ифлосланиши ва камайиб кетишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга оширишда ўзларига хизмат кўрсатувчи сувдан фойдаланувчиларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг талабига кўра иштирок этиши, шунингдек ер усти ва ер ости сувлари тўпланадиган

майдонларнинг ифлосланишига йўл қўймаслиги;

-сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналарини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда шартларига риоя этиши;

-сувлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг вакиллари ўз сув хўжалиги объектларига белгиланган тартибда киритиши ҳамда уларга зарур ахборотни тақдим этиши;

-сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этадиган авариялар ва бошқа табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзага келганлиги тўғрисида ўзларига хизмат кўрсатувчи сувдан фойдаланувчиларни, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ўз вақтида хабардор қилиши, шунингдек уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни амалга оширишда иштирок этиши;

-балиқларни, бошқа сув флораси ва фаунасини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириши шарт.

Сув истеъмолчиларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Х-боб. Сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш ҳуқуқини бекор қилиш.

36-модда. Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқини бекор қилиш асослари.

Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқи:

-сувдан фойдаланишга, сув истеъмолига эҳтиёж қолмаганда ёки улардан воз кечилганда;

-сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли муддати тугаганда;

-корхона, муассаса, ташкилот, фермер хўжалиги тугатилганда, деҳқон хўжалиги тугатилганда (фаолияти тугатилганда);

-сув хўжалиги иншоотлари бошқа сувдан фойдаланувчиларга берилганда;

-танҳо фойдаланилаётган сув объектларини қайтариб олишга зарурат туғилганда бекор қилинади.

Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ва сувларни муҳофаза қилиш қоидалари бузилган ёхуд сувдан мақсадсиз фойдаланилганда ёки сув мақсадсиз истеъмол қилинганда ҳамда лимитдан ортиқча сув олинганда, сув ресурсларидан фойдаланганлик, сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар тўланмаган тақдирда ҳам сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқи бекор қилиниши мумкин (ичимлик ва маиший эҳтиёжлар учун сувлардан фойдаланиш ҳуқуқи бундан мустасно).

Қонун ҳужжатларида сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқини бекор қилишнинг бошқа асослари ҳам назарда тутилиши мумкин.

37-модда. Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқини бекор қилиш тартиби.

Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқи:

-сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун берилган рухсатноманинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш;

-танҳо фойдаланиш учун берилган сув объектларини қайтариб олиш йўли билан бекор қилинади.

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун берилган рухсатноманинг амал қилишини тугатиш ва ушбу рухсатномани бекор қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

38-модда. Танҳо фойдаланиш учун берилган сув объектларини қайтариб олиш.

Танҳо фойдаланиш учун берилган сув объектлари қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда қайтариб олинади.

39-модда. Сув хўжалиги тадбирларини ўтказиш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли шартларини бекор қилиш ёки ўзгартириш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларга сув хўжалиги тадбирларини (сув объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларини ва бошқаларни) ўтказиш, сувлардан нооқилона фойдаланиш, уларни булғатиш, ифлослантириш, камайитириш, шунингдек сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли шартларини қонунга ҳилоф равишда бекор қилиш ёки ўзгартириш натижасида етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда қопланади.

Сув объектларининг соҳил бўйи минтақаларида ва санитария муҳофазаси зоналарида қонунга ҳилоф равишда қурилган объектлар ҳамда қонунга ҳилоф равишда ўзлаштирилган ер участкаларида сув хўжалиги тадбирларини ўтказиш чоғида етказилган зарарнинг ўрни қопланмайди.

XI-боб. Аҳолининг истеъмоли, маиший ва бошқа эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланиш.

40-модда. Аҳолининг истеъмоли, маиший ва бошқа эҳтиёжлари учун ажратиладиган сув объектлари.

Аҳолининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини, маиший эҳтиёжини ва бошқа эҳтиёжларини қондириш учун сувнинг сифати белгиланган санитария-гигиена талаблари ва давлат стандартларига мувофиқ бўлган сув объектлари ажратилади.

41-модда. Аҳолини марказлашган тартибда сув билан таъминлаш.

Аҳолининг истеъмоли, маиший ва бошқа эҳтиёжларини марказлашган тартибда сув билан таъминлаш учун сув объектларидан фойдаланилганда, ўзининг кундалик бошқарувида, эгалигида ёки фойдаланишида хўжалик-ичимлик водопроводлари бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар сув олиш иншоотларининг белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳаларига ва ичимлик сув олиш ҳамда уни истеъмолчиларга етказиб бериш учун сувдан махсус фойдаланиш рухсатномаларига мувофиқ сув таъминоти манбаларидан сув олишга ҳақлидирлар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олаётган сувларини ҳисобга олиб боришни ташкил этади, сув билан таъминлаш манбаларидаги сувнинг сифати ҳолатини мунтазам кузатиб боради ва манбаларда сув сифати ўзгарганлиги ҳамда ишлатилган сув миқдори ҳақида табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар, ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш, санитария назорати органларига ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига маълумотлар бериб туради.

42-модда. Аҳолини марказлаштирилмаган тартибда сув билан таъминлаш

Аҳолининг ичимлик, маиший ва бошқа эҳтиёжларини марказлаштирилмаган тартибда сув билан таъминлаш учун сув объектларидан фойдаланганда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар сувдан умумий ёки махсус фойдаланиш ёхуд сувни умумий ёки махсус истеъмол қилиш тартибида бевосита ер усти ёки ер ости сув объектларидан сув олишга ҳақлидир. Зарур ҳолларда, бундай сув олиш каналлар, коллекторлар, сув омборларини лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция

килиш чоғида назарда тутилиши ва меъёрлаб қўйилиши лозим. Шу мақсадлар учун мўлжалланган сув олиш иншоотларидан фойдаланиш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларига мувофиқ ҳамда сув объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш, санитария назорати органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари мазкур сув олиш иншоотларининг тегишли санитария-техника ҳолатида бўлишини таъминлаши шарт

43-модда. Истеъмолга яроқли ер ости сувларидан истеъмолга ва майиш эҳтиёжларга алоқадор бўлмаган мақсадларда фойдаланишни чеклаш.

Истеъмолга яроқли ер ости сувларидан истеъмолга ва майиш эҳтиёжларга алоқадор бўлмаган мақсадларда фойдаланишга, одатда, йўл қўйилмайди. Ер юзасида зарур сув манбалари бўлмаган ва истеъмолга яроқли ер ости сув захиралари етарли бўлган жойларда ушбу Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ лимитларга мос равишда табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари бундай сувлардан истеъмол ва майиш эҳтиёжларга алоқадор бўлмаган мақсадларда фойдаланишга рухсат беришлари мумкин.

ХII-боб. Сув объектларидан даволаш, курорт ва соғломлаштириш мақсадларида фойдаланиш.

44-модда. Шифобахш сувлар қаторига киритилган сув объектларидан биринчи навбатда даволаш ва курорт мақсадларида фойдаланиш.

Белгиланган тартибда шифобахш сувлар қаторига киритилган сув объектларидан, аввало, даволаш ва курорт мақсадларида фойдаланилади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш органлари шифобахш сувлар қаторига киритилган сув объектларидан, айрим ҳоллардагина тегишли ер қабрини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-майиш секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш органлари, соғлиқни сақлаш органлари ва курорт бошқармалари билан келишиб туриб, бошқа мақсадлар учун фойдаланишга рухсат беришлари мумкин.

45-модда. Шифобахш сувлар қаторига киритилган сув объектларига оқинди сувлар ташланишини тақиқлаш.

Шифобахш сувлар қаторига киритилган сув объектларига оқинди сувларни ташлаш тақиқланади.

46-модда. Дам олиш ва спорт учун сув объектларидан фойдаланиш тартиби.

Дам олиш ва спорт учун сув объектларидан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

ХIII-боб. Сув объектларидан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш.

47-модда. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, фермер ва деҳқон хўжаликларининг, шунингдек фуқароларнинг суғориладиган ерларида қулай сув режимини вужудга келтириш мақсадида амалга оширилади.

Сув объектларидан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш лимит бўйича сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилишнинг белгиланган тартибига риоя этган ҳолда сувдан умумий ва махсус фойдаланиш ёки сувни умумий ва махсус истеъмол қилиш

тартибида амалга оширилади. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг сув олиш лимитлари уларнинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас, манбаларнинг суви камайган ҳоллар бундан мустасно.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома ушбу Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ берилади.

48-модда. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланишни ва сув истеъмолини режалаштириш.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳар йилги сув билан ҳақиқий таъминланганлик ҳисобга олинган ҳолда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари асосида амалга оширилади.

Коллектор-дренаж тармоғида сувдан фойдаланишни ва сув истеъмолини режалаштириш мелиорация қилинаётган ерларнинг ҳолатини, коллектор-дренаж суви сифатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Сув истеъмоли режалари сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан тузилади ва тасдиқланади. Сув истеъмолчилари уюшмалари сув истеъмоли режаларини умумлаштиради ва уюшмаларнинг сувдан фойдаланиш режаларини тузади.

Сув истеъмолчилари уюшмаларининг сувдан фойдаланиш режалари ирригация тизимлари бошқармалари ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан умумлаштирилади.

Қуйидагилар:

-ирригация тизими бошқармаси туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими билан келишилган ҳолда — сув истеъмолчилари уюшмалари бўйича;

-ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли ҳудудий органлари билан келишилган ҳолда — ирригация тизими бўйича;

-Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг-ҳавза ирригация тизими бўйича, катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари бўйича тузилган ва умумлаштирилган сувдан фойдаланиш режаларини тасдиқлайди.

49-модда. Суғориладиган ерларда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг ўзига хос хусусиятлари.

Суғориладиган ерларда каналлар, мураккаб муҳандислик иншоотлари, мелиорация тармоғи барпо этилганлиги шундай ерларнинг ўзига хос хусусиятидир.

Сув фонди ерларидан, сув объектларидан, суғориладиган ерлар доирасидаги сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари сув хўжалиги объектлари ва иншоотларидан ягона сув хўжалиги тизими сифатида фойдаланилади, улар давлат мулки бўлиб, хусусийлаштирилиши мумкин эмас.

Сув объектларининг соҳил бўйи минтақалари, ер ости суви чиқаргичи санитария муҳофазаси зоналарининг хўжалик-ичимлик суви мақсадидаги I ва II пояслари табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари учун ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилиши мумкин.

Суғориладиган деҳқончилик эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланиш лимит бўйича сувдан фойдаланишнинг ёки сувни истеъмол қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Сувни фақат рўйхатдан ўтказилган, сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланган сув ажратиш жойларидан (каналларнинг сув олиш иншооти, қудуқ, насос станцияси (агрегати) ва бошқа сув олиш иншоотлари) шартномавий асосда олишга рухсат берилади.

50-модда. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув объектларидан

фойдаланувчи сувдан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланувчи сувдан фойдаланувчилар ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари:

- сув ресурсларини самарали бошқариши, лимитдан ортиқча сув олинishiга ва сувдан мақсадсиз фойдаланилишига йўл қўймаслиги;

- белгиланган тартибда янги сув объектлари қурилишини ва ишлаб турганлари реконструкция қилинишини, шунингдек суғориладиган ерларнинг комплекс реконструкция қилинишини ташкил этиши;

- сувни тежайдиган технологияларни ва илғор суғориш техникасини жорий этиш орқали суғориш воситалари ва усулларини такомиллаштиришда сув истеъмолчиларига кўмаклашиши;

- қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сувларнинг мониторинги асосида салбий жараёнларнинг сабаблари ва оқибатларини бартараф этиши шарт.

50¹-модда. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ресурсларидан фойдаланувчи сув истеъмолчиларининг мажбуриятлари.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ресурсларидан фойдаланувчи сув истеъмолчилари ушбу Қонуннинг 35¹-моддасида назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари:

- қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтларини суғориш, шунингдек яйловларга сув чиқаришнинг қулай режимини сақлаши;

- сувни тежайдиган технологияларни ва илғор суғориш техникасини жорий этиш орқали суғориш воситалари ва усулларини такомиллаштириши;

- сувни тежаш имконини берадиган агротехника тадбирларини амалга ошириши;

- тупроқ унумдорлигини сақлаш имконини берадиган мелиорация тадбирларини амалга ошириши;

- суғориш учун берилган сувларнинг коллектор-дренаж тармоғига ва бошқа сув объектларига оқизиб юборилишига йўл қўймаслиги;

- сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклашда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиши шарт.

51-модда. Оқинди сувлар билан суғориш.

Қишлоқ хўжалик ерларини оқинди сувлар билан суғоришга табиатни муҳофаза қилиш органлари давлат санитария ва ветеринария назорати органлари билан келишиб рухсат берадилар.

Саноат, коммунал корхоналари ва бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда фуқаролар тупроқ унумдорлигига ва етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига зарарли таъсир қилувчи сувларни қишлоқ хўжалик ерларини суғориш учун беришлари тақиқланади.

52-модда. Ўрмонлар, дарахтзорлар ва кўчатзорлар билан банд бўлган ерларни суғориш.

Ушбу Қонуннинг 47, 50-моддалари ва 51-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган қоидалар ўрмонлар, дарахтзорлар ва кўчатзорлар билан банд бўлган ерларни суғоришга ҳам татбиқ қилинади.

53-модда. Жамоа боғлари, токзорлари, экинзорларини ва томорқа ер участкаларини суғориш учун сув объектларидан фойдаланиш.

Жамоа боғлари, токзорлари, экинзорларини ва томорқа ер участкаларини сув билан таъминлаш сув истеъмоли тўғрисидаги шартнома асосида сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фуқароларнинг экинзорларини ва томорқа ер участкаларини суғориш учун сув ресурсларини ажратиш сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланадиган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сув олиш лимитларида назарда тутилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг экинзорларни ва томорқа ер участкаларини суғориш учун сувга бўлган эҳтиёжларини умумлаштиради, сув истеъмоли тўғрисида шартномалар тузади ва улар ўртасида сувни истеъмол қилиш тартибини белгилайди, шунингдек суғориш тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишларини ташкил этади.

54-модда. Сув истеъмолчиларининг сув объектларидан бериладиган сув оқими маромини ўзбошимчалик билан ўзгартиришини тақиқлаш.

Сув истеъмолчиларининг сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари билан белгиланган тартибда келишилмаган ҳолда сув сарфини кўпайтириш ёки камайитириш мақсадида сув объектларидаги гидротехника иншоотларини ўзбошимчалик билан ўзгартириши, шунингдек уларга муваққат тўсиқлар, насос станциялари (агрегатлар) ва сувни кўтарадиган ҳамда сув оладиган бошқа иншоотларни қуриши тақиқланади.

Рўйхатдан ўтказилмаган сув ажратиш жойларидан ўзбошимчалик билан сув олиш тақиқланади.

55-модда. Сув объектлари ва гидротехника иншоотлари устидан тракторлар, транспорт воситаларини ва чорва молларини ҳайдаб ўтишнинг тақиқланиши.

Сув объектлари ва гидротехника иншоотлари устидан тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларини ҳайдаб ўтиш, шунингдек мўлжалланмаган жойлардан чорва молларини ҳайдаб ўтиш ва суғориш тақиқланади.

XIV-боб. Сув объектларидан саноат мақсадларида ва энергетика эҳтиёжлари учун фойдаланиш.

56-модда. Сув объектларидан саноат мақсадларида ва иссиқлик энергетикаси эҳтиёжлари учун фойдаланувчи сув истеъмолчиларининг мажбуриятлари.

Сув объектларидан саноат мақсадларида ва иссиқлик энергетикаси эҳтиёжлари учун фойдаланувчи сув истеъмолчилари, ушбу Қонуннинг 35¹-моддасида назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, сув таъминотининг айланма ҳамда такрорий тизимларини жорий этиш орқали сув сарфини камайитириш ва оқинди сувларнинг оқизиб юборилишини тугатиш чора-тадбирларини кўриши шарт.

Лойиҳаланаётган ва ишга туширилаётган саноат объектлари учун сув таъминотининг тўхтовсиз тизимидан фойдаланишни назарда тутиш ман этилади, ишлаб чиқаришнинг шарт-шароитлари тақозоси билан айланма сув таъминотига мослаштирилиши мумкин бўлмаган корхоналар ва бошқа объектлар бундан мустасно.

Айланма сув таъминотига эга бўлмаган ишлаб турган корхоналар учун табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан қишлоқ ва сув хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда уларни сув таъминотининг тўхтовсиз тизимига ўтказиш муддатлари белгиланади.

57-модда. Ичимлик сувдан саноат мақсадлари учун фойдаланишни чеклаш.

Табиий офат, авариялар рўй берган тақдирда ва бошқа фавқулодда ҳолатларда, шунингдек корхона водопровод сувини лимитдан ортиқча олган тақдирда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари аҳолининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжларини ва маиший эҳтиёжларини биринчи навбатда қондириш манфаатларини кўзлаб, коммунал водопроводлардан саноат мақсадлари учун ичимлик сув истеъмолини қисқартиришга ёки тақиқлаб қўйишга ва идораларга қарашли ичимлик сув берадиган хўжалик водопроводлари сувидан саноат мақсадлари учун фойдаланишни вақтинча чеклаб қўйишга ҳақлидир.

58-модда. Ер ости сувларидан техника сув таъминоти ва бошқа саноат мақсадлари учун фойдаланиш.

Ичимлик сувлар қаторига киритилган ер ости чучук сувларидан ишлаб чиқариш-техника мақсадлари учун фойдаланиш тақиқланади, зарур ер усти сув манбаалари мавжуд бўлмаган ҳудудларда фойдаланадиган ҳоллар бундан мустаснодир.

Ичимлик ёки шифобахш сувлар қаторига киритилмаган ер ости сувларидан (чучук, минерал ва иссиқ сувлардан) фойдаланишга лойиқ тасдиқланган захиралари бўлса, белгилаб қўйилган тартибда техника сув таъминоти учун, мазкур сув таркибидаги кимёвий элементларни ажратиб олиш, иссиқлик энергияси ҳосил қилиш ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилинган ҳолда фойдаланиш мумкин.

59-модда. Сув объектларидан гидроэнергетика эҳтиёжлари учун фойдаланиш.

Сув объектларидан гидроэнергетика эҳтиёжлари учун фойдаланиш иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари манфаатлари ҳисобга олиниб, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда, шунингдек, агар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида, тегишли ҳолларда эса, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда табиатни муҳофаза қилиш органларининг қарорида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сувлардан комплекс ва оқилона фойдаланиш талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Гидроэнергетика эҳтиёжлари учун бериб қўйилган сув объектларидан табиий шароитларга, хўжалик эҳтиёжлари ва ўзга эҳтиёжларга қараб, бошқа мақсадлар учун ҳам фойдаланилади.

Гидроэнергетика корхоналари ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари:

-сув объектларининг фойдаланиш қоидаларида белгиланган иш режимига, шу жумладан сув омборларини тўлдириш ва ишга тушириш, улардан сув чиқариш ҳамда сувнинг юқори ва қуйи сатҳи ўзгаришининг режимига риоя этиши;

-санитария ва табиат муҳофазаси мақсадларида сувомборларидан сув чиқариб турилишини таъминлаши шарт.

XV-БОБ. СУВ ОБЪЕКТЛАРИДАН БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ФОЙДАЛАНИШ.

60-модда. Балиқчилик хўжалиги манфаатларини кўзлаб балиқчилик хўжалиги ҳавзалари сувидан фойдаланишни чеклаш.

Балиқларнинг қимматли турларини ҳамда сув билан боғлиқ овчилик объектларини сақлаб қолиш ва урчитиб кўпайтириш учун алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган балиқчилик хўжалиги ҳавзаларида ёки шу ҳавзаларнинг айрим участкаларида сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари балиқчилик хўжалиги манфаатларини кўзлаб чеклаб қўйилиши мумкин.

Бундай ҳавзаларнинг ёки шу ҳавзалардаги участкаларнинг рўйхатини ҳамда сувдан фойдаланишни чеклаш турларини табиатни муҳофаза қилиш ва қишлоқ ва сув хўжалиги органлари белгилаб беради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

61-модда. Балиқ захираларини муҳофаза қилиш ва балиқларни урчитиб кўпайтириш тадбирлари.

Балиқчилик хўжалиги ҳавзаларидаги гидротехника иншоотлари ва бошқа иншоотларни ишлатишда балиқ захираларини муҳофаза қилиш ва балиқларни урчитиб кўпайтириш шарт-шароитларини таъминлаш тадбирлари ўз вақтида амалга оширилиши лозим.

Балиқчилик хўжалигига қарашли сув ҳавзаларидаги балиқлар уруғ ташлайдиган жойларга ва уларнинг қишлов уялари жойлашган ерларга тупроқ тўкиш, балиқ захиралари

ҳолатига ҳамда уларнинг урчиб кўпайиш шароитларига салбий таъсир этувчи бошқа ишларни бажариш ман қилинади.

Саноат мақсадлари, суғориш ва бошқа эҳтиёжлар учун балиқчилик хўжалиги сув ҳавзаларидан сув олишга табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишиб, сув чиқариш иншоотларига балиқ тушиб қолмаслигини таъминлайдиган махсус мосламалар ўрнатилган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.

62-модда. Балиқчилик хўжалиги сув ҳавзаларидан ёки ов қилиш участкаларидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мажбуриятлари.

Фойдаланиш учун балиқчилик хўжалиги сув ҳавзалари ёки ов қилиш участкалари бериб қўйилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ушбу Қонуннинг 35 ва 35¹-моддаларида назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари:

-балиқ захираларининг урчиб кўпайиш шароитларини таъминлаши;

-иригация-мелиорация тармоқларини, сунъий ҳовузлар ва бошқа балиқчилик хўжалиги иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклашни амалга ошириши, шунингдек уларни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши;

-зарур мелиорация ишлари олиб бориши ҳамда мазкур корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар жойлашган ерлардаги қирғоқ участкаларини лозим даражада санитария ҳолатида сақлаши шарт.

63-модда. Сув объектларидан балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш тартиби.

Сув объектларидан балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

64-модда. Сув объектларидан спорт ва ҳаваскорлик йўли билан балиқ овлаш учун фойдаланиш.

Сув объектларида спорт ва ҳаваскорлик йўли билан балиқ овлашга рухсат берилади, давлат кўрикхоналари, табиат боғларининг ва давлат биосфера резерватларининг кўрикхонага айлантирилган зоналари ҳудудидаги сув объектлари бундан мустасно. Табиатни муҳофаза қилиш органлари шу мақсадлар учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда сув объектларини ёки уларнинг айрим участкаларини ажратиб беришлари мумкин.

Кўнгилли спорт жамиятларига бериб қўйилган сув объектларида спорт ва ҳаваскорлик йўли билан балиқ овлаш учун шу жамиятлардан рухсат олинади.

XVI-боб. Сув объектларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш.

65-модда. Сувдан фойдаланишда овчилик ташкилотларининг имтиёзли ҳуқуқлари.

Табиатни муҳофаза қилиш ва қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ёввойи сув қушлари ва қимматли мўйна берадиган сув ҳайвонлари (қундуз, ондатра, сув каламуши, нутрия ва ҳоказолар) маскани бўлган дарёлар, кўллар ва бошқа сув объектларида сувдан комплекс фойдаланиш талабларини ҳисобга олган ҳолда овчилик хўжалиги корхоналарига ва ташкилотларига сувдан фойдаланиш учун имтиёзли ҳуқуқлар бериб қўйишлари мумкин.

66-модда. Сув объектларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш тартиби.

Сув объектларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

XVII-боб. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда жойлашган сув объектларидан фойдаланиш.

67-модда. Муҳофаза этиладиган сув объектлари.

Устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик сув объектлари ёки уларнинг айрим участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар деб эълон қилинади ва ҳўжалик мақсадида фойдаланишдан чиқарилади.

68-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сувларидан фойдаланиш тартиби ва уларни муҳофаза қилиш чоралари.

Давлат қўриқхоналари, табиат боғларининг ва давлат биосфера резерватларининг қўриқхонага айлантирилган зоналари сувларидан балиқ овлаш, ов қилиш, сув ўсимликлари ва организмларини йиғиш учун фойдаланиш, шунингдек бундай сувларнинг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сувларига оқинди сувларни оқизишга, шунингдек уларда гидромелиорация ишларини ўтказишга ушбу Қонунда белгиланган талабларга риоя қилинган ҳолда йўл қўйилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сувларидан фойдаланиш тартиби ва уларни муҳофаза қилиш режими қонун ҳужжатларида белгиланади.

69-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг сув объектларини олиб қўйиш.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг сув объектларини олиб қўйишга зарур бўлган алоҳида ҳолларда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва ваколатли органлар томонидан йўл қўйилади.

XVIII-боб. Сув объектларидан сув транспорти эҳтиёжлари учун фойдаланиш.

70-модда. Кема қатнайдиған сув йўллари.

Дарёлар, қўллар, сув омборлари, каналлар, башарти, сув йўллари сифатида фойдаланиш тўла ёки қисман тақиқланган ёхуд улар танҳо фойдаланиш учун бериб қўйилган бўлмаса, умум фойдаланадиган сув йўллари ҳисобланади.

Кема қатнови учун сув объектларидан фойдаланиш қишлоқ ва сув ҳўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

71-модда. Сув йўлларини кема қатнайдиған сув йўллари қаторига киритиш, шунингдек сув йўлларидан фойдаланиш қоидаларини белгилаш тартиби.

Сув йўлларини кема қатнайдиған сув йўллари қаторига киритиш, шунингдек сув йўлларидан фойдаланиш қоидаларини белгилаб бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

72-модда. Сув объектларидан кичик кемаларда сузиб юриш учун фойдаланиш.

Сув объектларидан кичик кемаларда (эшқакли ва моторли қайиқлар, катерлар, ел-қанли яхталар ва шу кабиларда)сузиб юриш учун фойдаланишга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган қоидаларга мувофиқ рухсат берилади

XIX-боб. Оқинди сувларни оқизиш учун сув объектларидан фойдаланиш.

74-модда. Сув объектларига оқинди сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари.

Сув объектларига оқинди сувларни оқизишга сув объекти таркибидаги ифлословчи моддаларнинг белгилаб қўйилган меъёрлардан ошиб кетишига йўл қўймаслик шarti билан ва сувдан фойдаланувчи ҳамда сув истеъмолчиси бундай оқинди сувларни табиатни муҳофаза қилиш ва санитария назорати органлари томонидан белгилаб қўйилган даражага етказиб тозалаб бериш шarti билангина йўл қўйилади.

Агар мазкур талаблар бузилаётган бўлса, табиатни муҳофаза қилиш ва санитария назорати органлари оқинди сувларни оқизишни чеклаб, тўхтатиб ёки тақиқлаб қўйишлари, ҳаттоки айрим саноат қурилмаларини, цехлар, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйишлари лозим. Аҳолининг соғлиғига хатарли ҳолларда, оқинди сувларни оқизиш тўхтатилиб, ҳаттоки ишлаб чиқариш объектларидан ва бошқа объектлардан фойдаланиш тўхтатиб қўйиши лозим.

75-модда. Сув объектларидан оқинди сувларни оқизиш учун фойдаланиш тартиби ва шартлари.

Сув объектларидан оқинди сувларни оқизиш учун фойдаланиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

XX-боб. Сув объектларидан ёнғинга қарши эҳтиёжлар учун ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун фойдаланиш.

76-модда. Сув объектларидан ёнғинга қарши эҳтиёжлар учун фойдаланиш.

Ёнғинга қарши эҳтиёжлар учун ҳар қандай сув объектларидан сув олишга йўл қўйилади.

77-модда. Сув объектларидан ёнғинга қарши эҳтиёжлар учун ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун фойдаланиш тартиби.

Сув объектларидан ёнғинга қарши эҳтиёжлар учун, шунингдек давлат ва жамоатнинг бошқа эҳтиёжлари учун фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

XXI-боб. Сув омборлари, гидроузеллар ва бошқа иншоотлардан фойдаланиш.

78-модда. Сув омборларини сув билан тўлдириш ва улардан сув чиқариш режими.

Сув омборларида тўғонлар, дамбалар, сув ўтказадиган ва сув оладиган иншоотлар, гидроэнергетика мажмуаларидан ҳамда бошқа иншоотлардан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фойдаланиш қоидалари ҳамда сув омборларининг таъсир зоналаридаги сувдан фойдаланувчилар, сув истеъмолчилари, ер участкаларининг мулкдорлари, ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда сув омборларини тўлдириш ва ишлатиш борасида белгиланган режимга риоя қилиши шарт.

Сув омборлари турли сувдан фойдаланувчиларнинг ва сув истеъмолчиларининг сувга бўлган эҳтиёжини қондиришни тартибга солиш мақсадида бунёд этилади.

Сув омборларини сувга тўлдириш ва улардан сувни чиқариш режими, сув сатҳининг ўзгариш режими, гидроузел орқали сув ўтиш режими, кемаларнинг бемалол ва хавфсиз ўтиши, шунингдек балиқларнинг уруғ ташлайдиган жойларга ўта олишини таъминлаш сув омборларидан фойдаланиш қоидалари билан белгиланади.

79-модда. Сув омборларидан фойдаланиш тартиби.

Сув омборларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси ва бошқа манфаатдор органлар билан келишиб, ҳар бир сув омбори, сув омборлари тизмаси ёки тизими учун тасдиқланган қоидаларда белгиланади

80-модда. Сув омборларининг тегишли техника ҳолатини ва ободончилигини таъминлайдиган тадбирларни уюштириш ва мувофиқлаштириш.

Сув омборларининг тегишли техника ҳолатини ва ободончилигини таъминлайдиган тадбирларни уюштириш ва мувофиқлаштириш, шунингдек улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ҳамда катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш органлари томонидан амалга оширилади.

81-модда. Кўл ва бошқа сув ҳавзаларидан сув омборлари сифатида фойдаланиш.

Ушбу Қонуннинг 78, 79 ва 80-моддаларидаги қоидалар кўллардан ва сув омборлари тариқасида хизмат қилаётган бошқа сув ҳавзаларидан фойдаланишга ҳам жорий қилинади.

82-модда. Гидроузеллар ва бошқа гидротехника иншоотларидан фойдаланиш тартиби.

Дарёлар, сойлар, каналлар ва коллекторлардаги қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан фойдаланиладиган гидроузеллар ҳамда бошқа гидротехника иншоотлари давлат мулки бўлиб, улардан белгиланган тартибда фойдаланилади.

Сув истеъмолчилари уюшмалари, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларнинг гидромелиорация тармоғидаги гидротехника иншоотлари, шу жумладан суғориш каналлари ва коллектор-дренаж тармоқлари сувдан фойдаланувчилар томонидан мансублиги бўйича ишлатилади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги органлари сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда бошқа сувдан фойдаланувчилар билан шартномавий асосда гидромелиорация тармоғига ва ундаги иншоотларга техник хизмат кўрсатишни ўз зиммасига олиши мумкин.

XXII-боб. Орол денгизи ҳавзасида давлатлараро сувдан фойдаланиш.

83-модда. Ўзбекистон Республикасининг ва Орол денгизи ҳавзасидаги бошқа давлатларнинг ҳудудида жойлашган трансчегаравий сув объектларидан фойдаланишни тартибга солиш.

Ўзбекистон Республикасининг ва Орол денгизи ҳавзасидаги бошқа давлатларнинг ҳудудида жойлашган трансчегаравий сув объектларидан (Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари, Орол денгизи ва бошқа трансчегаравий сув объектларидан) фойдаланишни тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

84-модда. Трансчегаравий сув объектларида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли.

Трансчегаравий сув объектларида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли, сув хўжалиги ва сувни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси трансчегаравий сув объектларининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома-

ларида тартибга солинмаган қисмида сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

XXIII-боб. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш.

85-модда. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилувчи органлар.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низолар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари, шунга ваколатли бошқа органлар ва судлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

86-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилишга доир ваколати.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудидаги сув объектларидан фойдаланиш масалалари юзасидан фуқаролар ўртасидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш мазкур органларнинг ваколатига киради, қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари ҳамда шунга ваколатли бошқа давлат органлари ҳал қилиши лозим бўлган низолар бундан мустасно.

87-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилишга доир ваколати.

Тегишли ҳудудда сув объектларидан фойдаланиш масалалари юзасидан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда фуқаролар ўртасидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатига киради, қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари ҳамда шунга ваколатли бошқа органлар ҳал қилиши лозим бўлган низолар бундан мустасно.

90-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилишга доир ваколати.

Турли вилоятлар ёки битта вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига киради, қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари ҳамда шунга ваколатли бошқа давлат органлари ҳал қилиши лозим бўлган низолар бундан мустасно.

91-модда. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги халқаро низоларни ҳал қилиш.

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида трансчегаравий сувлардан ва трансчегаравий сув объектларидан фойдаланиш ва сувни истеъмоли қилиш тўғрисидаги низолар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан белгиланган тартибда ҳал қилинади.

92-модда. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни кўриб чиқиш.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низолар тарафлардан бирининг

аризасига биноан кўриб чиқилади. Аризага сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш ҳукуқи бузилганлигидан далолат берувчи ҳужжатлар илова қилинади.

**93-модда. Сувдан фойдаланишга ва сув истеъмолига доир
низоларни кўриб чиқиш тартиби.**

Сувдан фойдаланишга ва сув истеъмолига доир низолар манфаатдор томонлар иштирокида кўриб чиқилади, улар низо ҳал қилинадиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилиб қўйилади.

**94-модда. Сувдан фойдаланишга ва сув истеъмолига доир низолар юзасидан
қарор қабул қилиш.**

Сувдан фойдаланишга ва сув истеъмолига доир низоларни кўриб чиқиш натижаси ҳақида шу низони ҳал қилувчи органлар қарор чиқарадилар.

Зарур ҳолларда бу қарорларда уларни ижро этиш тартиби ва муддатлари, шунингдек бузилган ҳуқуқни тиклаш тадбирлари кўрсатилган бўлиши мумкин.

**95-модда. Сувдан фойдаланишга ва сув истеъмолига доир низо юзасидан
чиқарилган қарорлар устидан шикоят қилиш тартиби**

Сувдан фойдаланишга ва сув истеъмолига доир низо юзасидан чиқарилган қарор устидан шу қарор топширилган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида юқори турувчи органга шикоят қилиш мумкин.

Низо юзасидан чиқарилган қарор устидан қилинган шикоят бу қарорнинг ижросини тўхтатиб қўймайди. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низо юзасидан чиқарилган қарорнинг ижроси қарор чиқарган орган, юқори турувчи орган томонидан тўхтатилиши ёки ижро муддати узайтирилиши мумкин.

**96-модда. Сувдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган мулкка оид
низоларни ҳал қилиш.**

Сувдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган мулкка оид низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли суд томонидан ҳал этилади.

XXIV-боб. Сувни ва сув объектларини муҳофаза қилиш.

97-модда. Сувни муҳофаза қилиш вазифалари.

Ҳамма сувлар (сув объектлари) аҳоли соғлиғига зарар етказиши, шунингдек балиқ захираларининг камайиши, сув таъминоти шароитининг ёмонлашиши ҳамда сувнинг физикавий, кимёвий ва биологик хоссалари пасайиши, сувнинг табиий тозаланиш хусусияти камайиши, сувнинг гидрологик ва гидрогеологик режимининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган бошқа кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши ҳолларидан муҳофаза қилиниши керак.

**98-модда. Сувни ва сув объектларини муҳофаза қилишни, шунингдек сув режими ва
сувнинг ҳолатини яхшилашни таъминловчи тадбирларни амалга ошириш.**

Фаолияти сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, табиатни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги, санитария назорати органлари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан келишган ҳолда технология, ўрмон-мелиорация ва агротехника, гидротехника, санитария-техника тадбирларини ўтказишлари шарт.

**99-модда. Сувни ва сув объектларини чиқит ва чиқиндилар билан
ифлослантиришдан муҳофаза қилиш.**

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга қуйидагилар тақиқланади:

-ишлаб чиқариш чиқитлари, маиший ва бошқа хил чиқитлар ҳамда чиқиндиларни сув объектларига ташлаш;

-мойларнинг, ёғочларнинг, кимёвий ва нефть маҳсулотларининг ҳамда бошқа маҳсулотларнинг тўкилиб-сочилиши натижасида сувни ва сув объектларини булғатиш ва ифлослантириш;

-сув ҳавзаларининг юзи, сув ҳавзаларини қоплаб турган яхлар ва музликларнинг юзаси, саноат чиқитлари, маиший чиқинди ва бошқа ташландиқ чиқитлар, шунингдек ер усти ва ер ости сувларнинг сифатини ёмонлаштириб юборадиган нефть ва кимёвий маҳсулотлар билан булғатиш ва ифлослантириш;

-сувларни ўғитлар, заҳарли кимёвий моддалар ва бошқа зарарли моддалар билан булғатиш.

Оқинди сувларни сув объектларига оқизишга ушбу Қонуннинг 74 ва 75-моддаларида кўрсатиб ўтилган талабларга риоя қилинган тақдирдагина йўл қўйилади.

100-модда. Сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналари.

Сув объектларининг тупроқ эрозияси маҳсулотлари билан булғаниши, ифлосланиши, камайиши ва лойқа чўкишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, шунингдек қулай сув режимини сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш учун нормал шарт-шароит яратиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи минтақалари белгиланади.

Аҳолининг ичимлик, маиший ва даволаш-соғломлаштириш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сувларни муҳофаза қилиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари белгиланади.

Сув объектларининг вазифаси, жойлашган ўрни ва техник кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналарида ҳўжалик фаолиятининг махсус режими белгиланади.

Сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналарини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

101-модда. Ер ости сувларини муҳофаза қилиш.

Ер ости сувлари чиқариш ва ундан фойдаланиш билан шуғулланувчи идоралар сув чиқарилаётган участка ва унга туташ ҳудудларда ер ости сувларига доир режимларга риоя этилишини кузатиб боришлари, шунингдек фойдаланилаётган сувнинг миқдори ва сифатининг ҳисобини юритишлари шарт.

Башарти, фойдали қазилмалар конларини кидириш, уларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бурғилаш ҳамда бошқа кон-қидирув ишлари бажариш чоғида ер ости сувлари бор қатламлар аниқлангани тақдирда, бу ҳақда табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги органларига маълум қилиниши ҳамда белгиланган тартибда ер ости сувларини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилиши лозим.

Башарти, саноат оқинди сувларини оқизиш учун қазиладиган қудуқлар сувли қатламларни ифлослантириш манбаига айланиши мумкин бўлса, бундай қудуқлар қазिश барча ҳолларда ман этилади.

Ўз-ўзидан сув чиқариб, суви фойдаланиш учун яроқсиз бўлган қудуқларга сувни бошқариш ускуналари ўрнатилиши, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиб қўйилиши ёки тугатилиши лозим.

Сифатли ер ости сувлари тўпланадиган манбалар теграсида қаттиқ ва суёқ чиқиндилар тўплаш, ахлатхоналар барпо этиш, ер ости сувларининг ифлосланиш манбаига айланиш эҳтимоли бўлган саноат, қишлоқ ҳўжалик объектлари ва бошқа объектлар қурилишига йўл қўйилмайди.

Ер ости сувларини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўриш, шу жумладан кудукларни кузатиш тармоғини яратиш фаолияти ер ости сувларининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи корхоналар томонидан амалга оширилади.

102-модда. Кичик дарёларни муҳофаза қилиш.

Хўжалик фаолияти кичик дарёларнинг ҳолати ва режимига салбий таъсир кўрсатувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда сувни, унинг мусаффолиги ва сифатини сақлаш чора-тадбирларини кўришлари лозим.

Кичик дарёларнинг сувни муҳофаза қилиш минтақалари, бу минтақалардаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг хўжалик фаолияти режими қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

XXV-боб. Сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини олиш ва уни бартараф қилиш.

103-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини олиш ҳамда уни бартараф этиш бўйича мажбуриятлари.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология ва минерал ресурслар органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа манфаатдор органлар билан келишилган ҳолда ёки шунга ваколатли давлат органларининг ёзма кўрсатмалари бўйича:

- сув тошқинларининг, сув босиши ва зах босишининг;
- соҳиллар, ҳимоя дамбалари ва бошқа иншоотлар бузилиб кетишининг;
- ерларнинг ботқоқланиши ва шўрланишининг;
- тупроқ эрозиясининг, жарлар, ўпирилишлар юзага келишининг, сел оқимларининг ва сувлар етказадиган бошқа зарарли таъсирнинг олдини олиш ҳамда уни бартараф этиш бўйича тадбирларни амалга ошириши шарт.

104-модда. Сувнинг зарарли таъсири натижасида юз берадиган табиий офатларнинг олдини олиш ва уларни тугатишга доир энг зарур чораларни амалга ошириш.

Сувнинг зарарли таъсири натижасида юз берадиган табиий офатларнинг олдини олиш ва уларни тугатишга доир энг зарур чораларни амалга ошириш йўллари қонун ҳужжатларида белгилаб берилади.

Маъмурий туман ҳудудида тошқин ва сел бўлганда авария ҳолатларининг олдини олиш ҳамда тугатиш ишларини бажаришни туман давлат ҳокимияти органлари ташкил этадилар.

Сувнинг зарарли таъсири натижасида юз берадиган табиий офатларнинг олдини олиш ва уларни тугатиш ишларига оператив раҳбарлик қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти органлари зарур ҳолларда тошқинга қарши кураш комиссиялари ва бошқа комиссиялар тузадилар, бу комиссиялар таркибига тегишли корхона, ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари, шунингдек қишлоқ ва сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари киради.

105-модда. Сув етказадиган зарарли таъсирдан муҳофаза қилиш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирлари.

Сув етказадиган зарарли таъсирдан муҳофаза қилиш, зарарли таъсирнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш тадбирлари сувдан фойдаланувчилар, сув

истеъмолчиларининг маблағлари ҳамда маҳаллий бюджет ҳисобидан, республика ва минтақавий дастурлар бўйича эса республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

106-модда. Сувдан оқилона фойдаланиш, сувни оқилона истеъмол қилиш ва сувларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий чора-тадбирлари

Сувдан оқилона фойдаланиш, сувни оқилона истеъмол қилиш ва сувларни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий чора-тадбирлари:

-сув ресурсларидан фойдаланганлик, сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари, сув объектларини ифлослантирганлик ва уларга зарарли таъсир этишнинг ўзга турлари учун ҳақ олишни;

-сувни тежайдиган технологияларни жорий этишда, сувни муҳофаза қилиш ва тежашда самарали бўлган фаолиятни амалга оширишда юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган солиққа, кредитга оид ва бошқа имтиёзларни;

-ҳуқуқий,иқтисодий,ижтимоий,ташқилий,экологик рағбатлантиришнинг ва бошқа-ча рағбатлантиришнинг самарали чора-тадбирлари тизимини қўллашни назарда тутди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз уставларига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сувдан оқилона фойдаланиш, сувни оқилона истеъмол қилиш ва сувларни муҳофаза қилишга қаратилган самарали чора-тадбирларнинг татбиқ этилишини рағбатлантириши ва тақдирлаши мумкин.

XXVI-боб. Сувдан фойдаланишни давлат йўли билан ҳисобга олиш ва режалаштириш.

107-модда. Сувни ва ундан фойдаланишни давлат йўли билан ҳисобга олиш вазифалари.

Сувни ва ундан фойдаланишни давлат йўли билан ҳисобга олишнинг вазифаси ягона сув фондини ташкил этувчи сувларнинг миқдорини ва сифатини, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни белгилашдан иборатдир.

108-модда. Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишни режалаштириш.

Сувдан фойдаланишни режалаштириш биринчи навбатда аҳолининг ичимлик сувга бўлган ва маиший эҳтиёжларини қондиришни, сувнинг сувдан фойдаланувчилар ўртасида илмий асосда тақсимланишини, сувни муҳофаза қилишни ва сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини олишни таъминлаши лозим.

Сувдан фойдаланишни режалаштириш чоғида давлат сув кадастридаги маълумотлар, сув хўжалиги баланслари, сувдан комплекс фойдаланиш ва сувни муҳофаза қилиш жадваллари ҳисобга олинади.

109-модда. Давлат сув кадастри.

Давлат сув кадастри сувни миқдор ва сифат кўрсаткичларини ҳисобга олиш, сувдан фойдаланишни қайд қилиш ва ҳисобга олиш маълумотларини ўз ичига олади.

110-модда. Сув хўжалиги баланслари.

Сувнинг мавжуд миқдорини ва ундан фойдаланиш даражасини баҳолаш учун дарёлар ҳавзалари, ҳавза ирригация тизимлари ҳамда иқтисодий минтақалар бўйича сув хўжалиги баланслари тузилади.

Сув хўжалиги баланслари ушбу Қонуннинг 8-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган сувлардан фойдаланишни тартибга солиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида тузилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан умумлаштирилади.

111-модда. Сувдан комплекс фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш жадваллари.

Сувдан комплекс фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг бош ва ҳавза (худудий) жадваллари аҳолининг ва иқтисодиёт тармоқларининг сувга бўлган истикболдаги эҳтиёжларини қондириш учун, шунингдек сувни муҳофаза қилиш ва сув етказадиган зарарли таъсирларнинг олдини олиш учун амалга оширилиши лозим бўлган асосий сув хўжалиги тадбирларини ва бошқа тадбирларни белгилаб беради.

112-модда. Сувни ва ундан фойдаланишни давлат йўли билан ҳисобга олиш, давлат сув кадастри юритиш, сув хўжалиги баланслари тузиш ҳамда сувлардан комплекс фойдаланишнинг ва уни муҳофаза қилишнинг жадвалларини ишлаб чиқиш тартиби.

Сувни ва ундан фойдаланишни давлат йўли билан ҳисобга олиш, давлат сув кадастри юритиш, сув хўжалиги баланслари тузиш ҳамда сувдан комплекс фойдаланишнинг ва уни муҳофаза қилишнинг жадвалларини ишлаб чиқиш ишлари бюджет ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берадиган тартибда бажарилади.

113-модда. Сув мониторинги.

Сув мониторинги, шу жумладан ер ости сувлари мониторинги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, уларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш учун сувларнинг ҳолати устидан олиб бориладиган кузатув тизимидан иборатдир.

Сув мониторингининг тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

XXVII-боб. Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

114-модда. Давлатнинг сувга бўлган эгалик ҳуқуқини бузадиган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги.

Сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқага бериш ҳамда давлатнинг сувга эгалик ҳуқуқини ошкора ёки яширин шаклда бузадиган бошқа хил битимлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

115-модда. Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

116-модда. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган сув объектларини қайтариб олиш.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган сув объектлари улардан қонунсиз фойдаланиш вақтида қилинган харажатлар қопланмаган ҳолда ўз эгасига қайтариб олиб берилади.

XXVIII-боб. Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш натижасида етказилган зарарларни қоплаш.

117-модда. Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш натижасида етказилган зарарларни ундириш.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), фермер ва деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш натижасида етказилган зарарларни қонун ҳужжатларида белгиланадиган миқдорда ва тартибда қоплашлари шарт.

118-модда. Зарар етказишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг моддий жавобгарлиги.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар зарар харажатларини тўлашида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар белгиланган тартибда моддий жавобгар бўлади.

XXIX-боб. Халқаро шартномалар.

119-модда. Халқаро шартномалар.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу Қонунда назарда тутилганларидан ўзга қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш., 1993 йил 6 май, 837-ХП-сон

ЭСЛАТМА: Ушбу қонунга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қўйидаги ўзгартиришлар киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сенати томонидан киритилган ўзгартиришлар тасдиқланган: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 126-модда; 1998 й., 9-сон, 181-модда; 2000 й., 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 512-модда; 2009 й., 52-сон, 555-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда, 36-сон, 365-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон; 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон

5.13-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисида НИЗОМ.

1-боб. Умумий қоидалар.

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартибини, шунингдек, сув ресурсларининг ифлосланиши, булғаниши ва танқислигининг олдини олиш, сув объектларидан самарали фойдаланиш ва сув ресурсларини оқилона бошқариш учун ушбу зоналарда ҳўжалик фаолиятини юритиш режимини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

сув объекти — сувлар доимий равишда ёки вақтинча тўпланадиган ва сув режимининг ўзига хос шакллари ва белгилари бўлган табиий (жилғалар, сойлар ва дарёлар) ҳамда сунъий (очиқ ва ёпиқ каналлар, шунингдек, коллектор-дренаж тармоқлари) сув оқимлари, табиий (кўллар, денгизлар, ер ости сувли қатламлар) ва сунъий (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) сув ҳавзалари, шунингдек, булоқлар ва бошқа объектлар;

сув ҳўжалиги объекти — сув ресурсларини тўплаш, бошқариш, етказиб бериш,

улардан фойдаланиш, уларни истеъмол қилиш, ажратиб бериш ва муҳофаза қилиш мақсадида сув хўжалиги фаолияти амалга ошириладиган сув объекти;

хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими — жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик-ичимлик эҳтиёжлари учун сувни манбадан олиш, тозалаш, зарарсизлантириш, узатиш ва сақлаш иншоотлари ҳамда сувни етказиб берувчи ёпик қувурли тармоқлардан иборат сув хўжалиги иншоотлар комплекси;

сув сатҳи чизиги-сув сатҳининг сув объекти ўзани (қирғоқ) билан кесишган чизиги;

сув объектларини муҳофаза қилиш — сув объектларини сақлаш ва тиклашга қаратилган чора-тадбирлар тизими;

сувни муҳофаза қилиш зонаси — санитария ҳолатини зарур даражада сақлаш, сувнинг ифлосланиши ва булғанишининг ҳамда сув объектларини тупроқ эрозияси маҳсулотлари билан лойқа босишининг олдини олиш, шунингдек, қулай сув режимини ташкил этиш ва ушлаб туриш мақсадида махсус фойдаланиш режими ва хўжалик фаолияти юритиш ўрнатиладиган сув объектларининг ўзанлари ёки атрофига туташ табиий ҳудуд;

сув фонди ерлари — сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар;

соҳил бўйи минтақаси — табиий ер усти сув объектлари, шунингдек, фойдаланилаётган, лойиҳалаштирилаётган, қурилаётган ва реконструкция қилинаётган сув хўжалиги объектларининг сувни муҳофаза қилиш зонаси доирасида сув объекти бўйлаб ёки унинг атрофида сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш ҳамда сув ресурсларини оқилona бошқариш ва ҳисобини юритиш учун қатъий режим ўрнатиладиган табиий ҳудуд;

санитария-муҳофаза зонаси-ичимлик, маиший ва даволаш-соғломлаштириш мақсадлари учун фойдаланилаётган, лойиҳалаштирилаётган, қурилаётган ва реконструкция қилинаётган сув объектларига туташ, режим асосида муҳофаза этиладиган, уларни санитария-эпидемиологик жиҳатидан ишончлилигини таъминлаш мақсадида ташкил қилинадиган табиий ҳудуд;

санитария-ҳимоя минтақаси — фойдаланилаётган, лойиҳалаштири-лаётган, қурилаётган ва реконструкция қилинаётган хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими, шунингдек, минерал сувлар ва бошқа даволаш воситалари манбаларининг санитария-муҳофаза зонаси ичида улардан фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш ҳамда хўжалик-ичимлик сувини оқилona бошқариш, ҳисобини юритиш учун қатъий режимда ташкил қилинадиган табиий ҳудуд;

ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари — дарёларнинг уваларида, ёйилма конусларда, тоғ ёнбағирларининг этакларида ташкил қилинадиган ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар;

балиқ хўжалиги зоналари — сув объектларини ёки уларнинг қисмларини ўз ичига оладиган, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган балиқлар ва бошқа сув организмлари турларини сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун, шунингдек, балиқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар.

3. Сув объектларининг булғаниши, ифлосланиши, қуриб қолиши ва тупроқ эрозияси маҳсулотлари билан лойқа босишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, шунингдек, қулай сув режимини сақлаш, сув объектларидан фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ва тиклаш ишларини олиб бориш учун нормал шарт-шароит яратиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари белгиланади ва улардан соҳил бўйи минтақалари учун ер майдонлари ажратилади.

4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик-ичимлик ва даволаш-соғломлаштириш эҳтиёжлари учун ишлатиладиган сувларни муҳофаза қилиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ сув объектларининг санитария-муҳофаза зоналари белгиланади ва улардан санитария-ҳимоя минтақалари учун ер майдонлари ажратилади.

5. Соҳил бўйи минтақалари ва санитария-муҳофаза зоналари биринчи минтақаларининг ерлари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан хўжалик фаолиятдан олиб қўйилади ҳамда улардан нормал фойдаланиш учун зарур бўлган табиатни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш ҳамда сув ресурсларини оқилона бошқариш, ҳисобини юритиш ва бошқа тадбирлар ўтказилишини амалга оширишни таъминлаш мақсадида мансублигига кўра ташкилотларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

Табиий сув объектлари бўйича бундай ерлар маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тасарруфида бўлади

2-боб. Сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини ташкил қилиш

6. Сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи минтақалари, шунингдек, санитария-муҳофаза зоналари ва санитария-ҳимоя минтақалари лойиҳалар асосида экология ва атроф- муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда давлат геология ва минерал ресурслар органлари, шунингдек, сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг таклифлари бўйича белгиланади.

7. Сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш, улардан соҳил бўйи минтақаларини ажратиш, шунингдек, санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш ва улардан санитария-ҳимоя минтақаларини ажратиш бўйича лойиҳалар (кейинги ўринда лойиҳалар деб аталади):

- табиий сув объектлари бўйича — алоҳида ҳар бир шундай сув объекти бўйича;

- сув хўжалиги объектлари бўйича-уларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш лойиҳалари таркибида ёки алоҳида ишлаб чиқилади.

8. Қуйидагилар лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича буюртмачилар ҳисобланади:

- табиий ер усти сув объектлари бўйича — экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари;

- табиий ер ости сув объектлари бўйича — геология ва минерал ресурслар органлари;

- сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш лойиҳалари таркибида ишлаб чиқилганда — ушбу лойиҳаларнинг ихтисослашган буюртмачи ташкилотлари;

- сув хўжалиги объектлари бўйича алоҳида ишлаб чиқилганда — улардан фойдаланувчи ташкилотлар.

9. Лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий лойиҳалаш институти (кейинги ўринларда «Ўздаверлойиҳа» лойиҳалаш институти деб аталади) томонидан, заруратга кўра, бошқа лойиҳа ташкилотларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилади.

10. Лойиҳалар дала тадқиқотлари ва топографик изланишлар, гидрологик, гидро-геологик, муҳандислик-геологик, санитария-эпидемиологик, агротехник, тупроқ ва геоботаник маълумотлар, мураккаб геологик ва гидрогеологик шароитли сув объектлари бўйича эса қўшимча илмий-тадқиқот ишлари ҳамда мазкур низом талаблари асосида ишлаб чиқилади ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади.

11. Сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи минтақалари, шунингдек, санитария-муҳофаза зоналари ва санитария-ҳимоя минтақаларининг ҳудудларини белгилаш ва ажратиш ишлари буюртмачиларнинг лойиҳа ҳужжатлари асосидаги таклифларига биноан:

- туман ва вилоят аҳамиятига эга бўлган сув объектлари бўйича — маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг;

- трансчегаравий, вилоятлараро ва алоҳида аҳамиятга эга бўлган сув объектлари,

шунингдек, республика аҳамиятига эга бўлган курортлар ва санаторийларнинг минерал сув манбалари ҳамда бошқа даволаш воситалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилади.

12. Сув объектларида сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш ҳамда ажратиш ишлари қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

а) буюртмачи ташкилот томонидан:

-сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш учун дастлаб тегишлича экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари, сув хўжалиги органлари, давлат санитария назорати органлари, геология ва минерал ресурслар органлари ҳамда «Ўздавергеодезкадастр» қўмитаси органларининг тақдимномасини (хулосасини) олиш таъминланади;

-«Ўздаверлойиҳа» лойиҳалаш институтини шартнома асосида жалб қилган ҳолда сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш бўйича лойиҳани белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ташкил этилади;

-лойиҳа экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари, давлат санитария назорати органлари (суви хўжалик-ичимлик ва даволаш-соғломлаштириш мақсадларида ишлатиладиган сув объектлари бўйича), геология ва минерал ресурслар органлари (табiiй ер ости сув объектлари бўйича), сув хўжалиги органлари (ер усти сув объектлари бўйича), шунингдек, манфаатдор бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади;

-сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш ва ажратиш бўйича таклифлар тайёрланади ҳамда белгиланган тартибда тегишлича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилинади;

б) буюртмачилар томонидан сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш ва ажратиш бўйича киритилган таклифлар тегишлича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

13. Сувни муҳофаза қилиш зонасига киритилган ерлар, дарёлар, қуримайдиган сойлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда бошқа сув хўжалиги объектларининг соҳил бўйи, шунингдек, хўжалик-ичимлик сув таъминоти ва минерал сув манбаларининг санитария-муҳофаза зоналари биринчи минтақасидан ташқари ерлар, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда фуқаролардан олиб қўйилмайди ва ушбу Низом талабларига риоя қилинган ҳолда улар томонидан фойдаланилиши мумкин.

14. Буюртмачи ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда муҳандислик, ирригация-мелиорация, санитария-техник ва бошқа сув муҳофаза тадбирлари режалаштирилади ва амалга оширилади.

3-боб. Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарини ва соҳил бўйи минтақаларини белгилаш

15. Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари уларнинг бутун периметри бўйича белгиланади ва уларнинг доирасида соҳил бўйи минтақалари ажратилади.

Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг сувни муҳофаза қилиш зонаси таркибига қуйидагилар киради:

-соҳилнинг 50 йил ичида ювилиши (емирилиши) башорат қилинадиган зона (янги қурилиш чегараланган зона);

-сойлик, жарлик, соҳил бўйи қияликлари, қиялиги 5 градусдан кўп бўлган ва нураган ерларни ўз ичига олувчи эрозия жиҳатдан актив зоналар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларига бевосита туташиб кетадиган силжувчи ер участкалар;

-сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари сув сатҳининг максимал даражага кўтарилиши шароитида вақтинча сув босган зоналар;

-доимий сув босган зоналар;

-сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг соҳилларидаги ихота дарахтзорлари.

16. Сувни муҳофаза қилиш зонасининг чегаралари жойнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда, муваққат сув оқимларининг табиий ва сунъий сув айриғичлари, дарё водийси, йўл-транспорт тармоқлари ва бошқа муҳандислик иншоотлари четларига мос тушган тарзда белгиланади.

17. Сув омборлари сифимларининг сувни муҳофаза қилиш зонаси ички чегараси сувнинг нормал кўтарилган сув сатҳи чизигидан, бошқа сув ҳавзалариники эса ўртача кўп йиллик сув сатҳи чизигидан белгиланади.

Сув омборлари тўғони, сув олиш ва сув чиқариш ҳамда бошқа иншоотлари сувни муҳофаза қилиш зонасининг ички чегараси уларнинг энг чекка контурларидан (чегаралари) белгиланади.

18. Сувни муҳофаза қилиш зоналарининг кенглиги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг вазифасидан, уларга туташ ерларнинг хусусиятлари ҳамда улардан хўжалик мақсадларида фойдаланиш шароитлари, шунингдек, жойнинг рельефидан келиб чиққан ҳолда, қуйидагича бўлиши мумкин:

-катта сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари (сифими 1,1 млрд. куб метрдан 10 млрд. куб метргача бўлган) атрофида — $200 \div 250$ метр;

-ўртача сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари (сифими 0,6 дан 1 млрд. куб метргача бўлган) атрофида — $150 \div 200$ метр;

-кичик сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари (сифими 0,2 дан 0,5 млрд. куб метргача бўлган) атрофида — $100 \div 150$ метр;

-жуда кичик сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари (сифими 0,1 млрд. куб метрдан кам бўлган) атрофида — $50 \div 100$ метр.

Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқишда жойлардаги ҳақиқий ҳолатни тўлиқ ўрганган ҳолда сувни муҳофаза қилиш зоналари кенглигининг юқори чегарасига аниқлик киритилиши мумкин. Бунда сувни муҳофаза қилиш зоналари кенглигининг пастки чегарасини камайтирилишига йўл қўйилмайди.

19. Сув объектларида балиқ хўжалиги зоналари экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги ва ветеринария органларининг тақдимномасига биноан белгиланган тартибда ташкил этилади.

Балиқчилик хўжаликлари сунъий сув ҳавзаларида сувни муҳофаза қилиш зонасининг кенглиги экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқларни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш талаблари эътиборга олинган ҳолда, алоҳида ишлаб чиқиладиган лойиҳалар асосида белгиланади.

Балиқ хўжаликлари зоналарида балиқлар ва бошқа сув организмларининг сақлаб қолиниши, такрор кўпайтирилиши ва тикланишига хавф соладиган ҳар қандай фаолият тақиқланади. Балиқчилик аҳамиятига эга бўлган сув ҳавзаларида (сув омборларида) хўжалик фаолияти сув ҳавзасидан (сув омборидан) фойдаланиш бўйича белгиланган тартибларга риоя қилиш ва ўз фаолиятини таъминлаш учун маблағлар жалб қилиш кафолатланган тарзда сув ҳавзаси эгаси (сув омбори) ва фойдаланувчи ўртасида шартнома тузиш асосида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ташкилотларининг ерларида жойлашган кичик сув ҳавзалари (сув омборлари) атрофидаги сувни муҳофаза қилиш зоналари жойнинг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади ва улардан санитария талабларига риоя қилинган ҳолда фойдаланилади.

20. Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг соҳил бўйи минтақасида хўжалик фаолияти қатъий белгиланган режимда юритилади.

Соҳил бўйи минтақаси таркибига сувни муҳофаза қилиш зонаси чегарасидаги

чўмилиш жойлари, туристлар учун томоша майдонлари, қирғоқ камарлари, тупрок силжиши хавфи бўлган ва нурашга мойил ҳудудлар киради.

21. Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг соҳил бўйи минтақаларининг энг кам ўлчамлари сув сиғими ҳисобга олинган ҳолда, уларга туташ ерларнинг (ҳайдаладиган ерлар, пичанзор ва бошқалар) турига ва қияликларнинг тиклигига боғлиқ равишда, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларидан ишончли фойдаланиш талабларидан келиб чиқиб белгиланади.

Соҳил бўйи минтақаларининг энг кичик кенглиги ҳайдаладиган ерлар ва кўп йиллик дарахтзорлар, ўрмонлар ҳамда бутазорларда:

-соҳил нишаблиги 3 градусгача бўлганда — $35 \div 55$ метр;

-соҳил нишаблиги 3 градусдан 8 градусгача бўлганда — $55 \div 100$ метр кенгликда белгиланади.

Соҳил нишаблиги 8 градусдан юқори бўлган ҳолларда соҳил бўйи минтақасининг кенглиги ҳар бир ҳолат учун алоҳида белгиланади.

Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг соҳил бўйи минтақаларини белгилаш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқишда жойлардаги ҳақиқий ҳолатни тўлиқ ўрганган ҳолда соҳил бўйи минтақалари кенглигининг юқори чегарасига аниқлик киритилиши мумкин. Бунда соҳил бўйи минтақалари кенглигининг пастки чегарасини камайтирилишига йўл қўйилмайди.

Барча ҳолатларда, соҳил бўйи минтақасининг ташқи чегараси сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг тегишли сув сатҳи чизиғидан бошлаб 20 метрдан кам бўлмаган кенгликда белгиланади.

22. Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг ювиладиган участкаларида соҳил бўйи минтақасининг энг кам кенглиги қирғоқнинг $5 \div 10$ йилда башорат қилинадиган чекиниши миқдори ҳисобга олинган ҳолда кўпайтирилиши керак.

23. Аҳоли пунктлари доирасида сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари соҳил бўйи минтақаларининг ўлчамлари экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, давлат санитария назорати органлари, шунингдек, фавқулодда вазиятлар, қурилиш, сув хўжалиги, «Ўздавергеодезкадастр» қўмитаси ва тегишлилиги бўйича бошқа органлар билан келишилган ҳолда аниқ шароитлардан келиб чиқиб белгиланади.

24. Балиқчилик хўжалиги аҳамиятига эга бўлган сув объектлари учун сувни муҳофаза қилиш зонасининг кенглиги ветеринария, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, сув хўжалиги органлари ўртасида келишилади ҳамда қирғоқни мустаҳкамлаш, қирғоқни ҳимоя қилиш ва экология талабларини бузмаслик кафолатланган ҳолда ўрнатилган тартибда белгиланади.

25. Агар ушбу Низомнинг 21 ÷ 23 бандларига мувофиқ белгиланган соҳил бўйи минтақасининг ташқи чегараси сув омбори ва бошқа сув ҳавзаси учун ажратилган сув фонди ерининг чегарасига нисбатан қирғоққа яқин бўлса, соҳил бўйи минтақаси ажратилган сув фонди ерининг чегараси бўйича белгиланади, агар ажратилган ердан нарида бўлса, соҳил бўйи минтақасининг чегараси ажратилган сув фонди ери доирасидан ташқарига чиқиши мумкин.

4-боб. Дарё ва қуримайдиган сойларнинг сувни муҳофаза қилиш зонасини ва соҳил бўйи минтақасини белгилаш

26. Сувни муҳофаза қилиш зоналари улар эгаллаган ҳудудлар кимга тегишли ва ким томонидан фойдаланишидан қатъи назар, доимий ёки вақтинчалик оқимга эга бўлган барча дарёлар ва қуримайдиган сойлар бўйлаб белгиланади.

27. Сувни муҳофаза қилиш зонасига қайирлар, ер ости сувлари сизиб чиққан ер участкалари, тошқин пайтида сув босадиган ер участкалари, қайир юқорисидаги бирламчи террасалар, ўзак қирғоқларининг четлари ва тик қияликлари, дарё водийсига тўғридан-

тўғри тушувчи жарликлар, кўчкили ер участкалари, қирғоқларнинг ювилган участкалари киради.

28. Дарёларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналарининг ички чегаралари ўртача кўп йиллик сув сатҳи чизигидан бошлаб қабул қилинади.

29. Дарёлар ва қуримайдиган сойларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналарининг кенглиги геоморфологик, гидрогеологик шароитлар ҳисобга олинган ҳолда, туташ ерлардан фойдаланиш хусусиятига ҳамда ўртача кўп йиллик сув сарфига кўра қуйидаги ўлчамда қабул қилиниши мумкин:

-йирик дарёларда (сув сарфи секундига 100 куб метрдан ортиқ) — $300 \div 500$ метр;

-ўртача дарёларда (сув сарфи секундига 5 куб метрдан 100 куб метргача) — $100 \div 300$ метр;

-кичик дарёларда (сув сарфи секундига 2 куб метрдан 5 куб метргача) — $50 \div 100$ метр;

-жуда кичик дарёларда (сув сарфи секундига 2 куб метргача бўлган қуримайдиган сойлар) — $35 \div 50$ метр.

Сувни муҳофаза қилиш зонасининг кенглиги дарёнинг бутун узунлиги бўйлаб, унинг ҳар бир бўлагига сув сарфига боғлиқ равишда белгиланади.

Дарёлар ва қуримайдиган сойларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқишда жойлардаги ҳақиқий ҳолатни тўлиқ ўрганган ҳолда, сувни муҳофаза қилиш зоналари кенглигининг юқори чегарасига аниқлик киритилиши мумкин. Бунда сувни муҳофаза қилиш зоналари кенглигининг пастки чегарасини камайтирилишига йўл қўйилмайди.

30. Дарё ва қуримайдиган сойларнинг сувни муҳофаза қилиш зонаси доирасида соҳил бўйи минтақаси ажратиб кўрсатилади.

Бу минтақада хўжалик фаолияти юритиш ва ҳар қандай турдаги қурилиш ишлари тақиқланади, сув хўжалиги объектларини қуриш бундан мустасно

Дарё ва қуримайдиган сойлар соҳил бўйи минтақасининг кенглиги ўртача кўп йиллик сув сатҳи чизигига кўра аниқланади ҳамда дарёларда уларга туташиб кетган экин майдонларига ва соҳил қиялигига, шунингдек, дарёларнинг сув сарфига боғлиқ равишда қуйидаги ўлчамда белгиланади:

-ҳайдаладиган ерлар ва кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган майдонларда соҳил қиялиги 3 градусгача бўлса — $35 \div 55$ метр, 3 градусдан ортиқ бўлса — $55 \div 100$ метр;

-пичанзор ва яйловларда соҳил қиялиги 3 градусгача бўлса — $25 \div 35$ метр, 3 градусдан ортиқ бўлса — $35 \div 50$ метр;

-ўрмон ва дарахтзор-чангалзор майдонларда соҳил қиялиги 3 градусгача бўлса — $35 \div 55$ метр, 3 градусдан ортиқ бўлса — $55 \div 100$ метр.

Соҳил бўйи минтақасининг энг катта ўлчами емирилувчан (ювилувчан) тупроқларга тегишлидир.

Дарёлар ва қуримайдиган сойларнинг соҳил бўйи минтақаларини белгилаш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқишда жойлардаги ҳақиқий ҳолатни тўлиқ ўрганган ҳолда соҳил бўйи минтақалари кенглигининг юқори чегарасига аниқлик киритилиши мумкин. Бунда соҳил бўйи минтақалари кенглигининг пастки чегарасини камайтирилишига йўл қўйилмайди.

Тоғ дарёлари ва қуримайдиган сойлар учун соҳил бўйи минтақа кенглиги ҳар бир аниқ ҳолатда туташган ерлардан фойдаланиш хусусияти ва уларнинг сув ҳолатига таъсиридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Аҳоли пунктлари доирасида дарё ва қуримайдиган сойларнинг соҳил бўйи минтақасининг ўлчамлари шаҳарсозлик бош режасини эътиборга олиб, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, давлат санитария назорати, фавқулодда вазиятлар, қурилиш, сув хўжалиги, «Ўздавергеодезкадастр» қўмитаси ва тегишлилиги бўйича бошқа органлар, шунингдек, сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар билан келишилган ҳолда, жойлардаги аниқ шароитлардан келиб чиқиб белгиланади.

5-боб. Каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳамда соҳил бўйи минтақаларини белгилаш

31. Сувнинг ҳолатига таъсир кўрсатишнинг олдини олиш мақсадида суви хўжалик-ичимлик ва даволаш-соғломлаштириш мақсадлари учун ишлатиладиган каналлар бўйлаб сувни муҳофаза қилиш зоналари белгиланади, улардан соҳил бўйи минтақалари ажратилади.

Суви хўжалик-ичимлик ва даволаш-соғломлаштириш мақсадлари учун ишлатиладиган каналларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналари кенглиги геоморфологик, гидрогеологик шароитлар, уларга туташ ерлардан фойдаланиш хусусияти ҳисобга олинган ҳолда белгиланади ҳамда уларнинг нормал сув сатҳи чизигидан қуйидаги ўлчамларда қабул қилинади:

-сув ўтказиш қобилияти секундига 50 дан 100 куб метргача бўлган каналлар учун — $50 \div 70$ метр;

-сув ўтказиш қобилияти секундига 100 дан 150 куб метргача каналлар учун — $70 \div 100$ метр;

-сув ўтказиш қобилияти секундига 150 куб метрдан ортиқ бўлган каналлар учун — $100 \div 150$ метр.

Суви хўжалик-ичимлик ва даволаш-соғломлаштириш мақсадларида ишлатиладиган каналлар бўйлаб сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқишда жойлардаги ҳақиқий ҳолатни тўлиқ ўрганган ҳолда, сувни муҳофаза қилиш зоналари кенглигининг юқори чегарасига аниқлик киритилиши мумкин. Бунда сувни муҳофаза қилиш зоналари кенглигининг пастки чегарасини камайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ушбу минтақаларга насос станциялар, сув олувчи бошқа машина ва механизмлар ўрнатиш, сув олиш ва сув ташлаш иншоотларини қуриш фақат сув хўжалиги органлари, тозаланган оқава сувларини ташлаш ҳолатларида эса қўшимча равишда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, давлат санитария назорати органлари ҳамда улардан фойдаланувчи ташкилотларнинг рухсатномаси билан амалга оширилиши мумкин.

32. Суви суғориш ва техник эҳтиёжлар учун ишлатиладиган сув хўжалиги объектлари, жумладан каналлар, икки ва ундан ортиқ фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотларга хизмат кўрсатадиган суғориш тармоқлари, барча коллектор-дренаж тармоқлари бўйлаб, шунингдек, бошқа сув хўжалиги иншоотлари атрофларида улардан фойдаланиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш ҳамда сув ресурсларини оқилона бошқариш, ҳисобини юритиш ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлаш мақсадида фақат соҳил бўйи минтақалари белгиланади.

33. Соҳил бўйи минтақаларини белгилашда:

-каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари сувини ер усти сув оқимлари билан ифлосланишидан, уларнинг ўзанларини лойқа босишдан, ён қияликлари (деворлари)нинг ювилиш ва ўпирилиш (кўчиш) жараёнидан, сувнинг ҳолатига таъсир этувчи бошқа ҳаракатлардан ҳимоя қилишни;

-каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларидан фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш ҳамда сув ресурсларини оқилона бошқариш ва ҳисобини юритиш, ўзанларни тозалашда чиққан тупроқларни жойлаштириш, шунингдек, шамоил эрозиясига учраган ҳудудларда ихотазорлар ташкил қилишни назарда тутиш лозим.

Каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари шаҳарлар, туманлар марказлари ва қишлоқ аҳоли пунктлари ичидан ўтган ҳолларда уларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга ошириш жараёнида чиқарилган тупроқлар ушбу ҳудудлардан техникалар ёрдамида чиқариб ташланади ҳамда тупроқ уюмларини жойлаштириш учун соҳил бўйи минтақасига қўшимча ер майдони ажратилмайди.

34. Соҳил бўйи минтақаларининг ички чегаралари каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг нормал сув сатҳи чизигидан бошлаб белгиланади. Ташқи чегараси эса улардан фойдаланиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга ошириш, сув ресурсларини бошқариш ва ҳисобини юритиш учун автотранспорт, техника, машина ва механизмларнинг ҳаракатланишига йўл бўлишни, ўзанларни тозалашдан чиқадиган тупроқларни жойлаштириш ҳамда шомол эрозиясига қарши курашиш учун ихотазорларни барпо қилишни эътиборга олган ҳолда, ажратилган ерларнинг чегарасига мувофиқ бўлиши лозим.

35. Соҳил бўйи минтақаси ҳамда каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари, бошқа сув хўжалиги объектлари учун ажратиладиган ер участкалари кенглиги уларнинг намунавий қирқимлари, шунингдек, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш ишлари лойиҳаларига кўра ҳамда уларнинг ҳақиқий ҳолатини жойида ўрганган ҳолда ер ажратишнинг амалдаги қоидаларига мувофиқ белгиланади.

Каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари соҳил бўйи минтақаси кенглигининг энг кам ўлчами:

-умумий чуқурлиги $0,75 \div 2$ м бўлган икки ва ундан ортиқ фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотларга хизмат кўрсатадиган суғориш тармоқлари нормал сув сатҳи чизиклари бўйлаб камида 5 метр;

-умумий чуқурлиги $2 \div 5$ метр бўлган каналлар ва коллектор-дренаж тармоқлари нормал сув сатҳи чизиклари бўйлаб камида $6,5 \div 9$ метр;

-умумий чуқурлиги $5 \div 10$ метр ва ундан ортиқ бўлган каналлар ва коллекторлар нормал сув сатҳи чизиклари бўйлаб камида $9,5 \div 12$ метр белгиланади.

Каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари соҳил бўйи минтақалари кенглигининг энг кам ўлчамлари уларнинг бўйида мавжуд бўлган ва янгидан жойлаштирилладиган тупроқ уюмлари, шунингдек, ташкил қилинадиган ихотазорлар ва бошқа хусусиятларни эътиборга олиб соҳил бўйи минтақаларини белгилаш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқишда кўпайтирилиши ва аниқлик киритилиши мумкин. Бунда соҳил бўйи минтақалари кенглигининг пастки чегарасини камайитирилишига йўл қўйилмайди.

Темир-бетон лотокли суғориш тармоқларидан фойдаланиш, сувни бошқариш ва ҳисобини юритиш ҳамда уларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга ошириш учун бир тарафи бўйлаб 4,5 метр, иккинчи тараф бўйлаб эса 1 метр кенликда соҳил бўйи минтақаси ажратилади.

36. Мураккаб геологик ва гидрогеологик ерлардан ўтувчи каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда бошқа сув хўжалиги объектларининг соҳил бўйи минтақалари қўшимча илмий-тадқиқот ишлари асосида белгиланади.

37. Шаҳарлар, туманлар марказлари ва қишлоқ аҳоли пунктлари доираларида каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда бошқа сув хўжалиги объектлари соҳил бўйи минтақаларининг ўлчамлари шаҳарсозлик бош режасини эътиборга олиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, давлат санитария назорати, фавқулодда вазиятлар, қурилиш, «Ўздавергеодезкадастр» қўмитаси, сув хўжалиги ва тегишлилиги бўйича бошқа органлар, шунингдек, сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар билан келишилган ҳолда, аниқ шароитлардан келиб чиқиб белгиланади.

38. Каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда бошқа сув хўжалиги объектларининг соҳил бўйи минтақаларини белгилаш бўйича лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган ҳудудлар белгиланган тартибда тегишлича улардан фойдаланувчи сув хўжалиги ва бошқа ташкилотларга ҳамда сув истеъмолчилари уюшмаларига ажратиб берилади.

6-боб. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти манбаларининг санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш

39. Барча фойдаланилаётган, лойиҳалаштирилаётган, қурилаётган ва реконструкция қилинаётган хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизимларининг санитария-эпидемиоло-

гик жиҳатидан ишончлилигини таъминлаш мақсадида сув манбаларининг ҳамда хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими иншоотларининг санитария-муҳофаза зонаси ва санитария-ҳимоя минтақаси белгиланади.

Хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими объектлари атрофида санитария-муҳофаза зоналари ва санитария-ҳимоя минтақалари, минерал сувлар ва бошқа даволаш воситалари атрофида эса санитария-муҳофаза зоналари тегишлилиги бўйича белгиланади ва ажратилади.

40. Ер усти ва ер ости сув манбаларининг хўжалик-ичимлик сув таъминоти учун сув олиш жойларидаги санитария-муҳофаза зонаси уч минтақадан иборат:

-биринчи минтақа — қатъий тартибли минтақа;

-иккинчи ва учинчи минтақалар — хўжалик фаолияти чекланган тартибли минтақалар.

41. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти ер усти манбаларининг санитария-муҳофаза зонаси биринчи минтақасининг чегаралари сув олиш жойларидан қуйидагича масофада белгиланади:

а) дарё ва каналлар учун:

-оқим бўйлаб юқорига — камида 200 метр;

-оқим бўйлаб қуйига — камида 100 метр;

-сув олиш жойига тутшиб кетувчи соҳил бўйлаб ёз-куз ойларидаги сув сатҳи чизиги бўйича камида 100 метр;

б) қарама-қарши соҳил томон йўналишда:

-дарё ва каналлар кенглиги 100 метрдан кам бўлганда — ёз-куз ойларидаги сув сатҳи чизигидан уларнинг ўзанлари бўйлаб 50 метр;

-дарёлар ва каналлар кенглиги 100 метрдан кўп бўлганда — уларнинг ўзанлари бўйлаб кенглиги камида 100 метр минтақа;

в) сув омборлари ва қўллар учун:

-акватория бўйича барча йўналишларда — камида 100 метр;

-сув олинадиган жойга тутшиб кетувчи соҳил бўйича сув омборида-нормал кўтарилган сув сатҳи чизигидан, қўлда ёз-куз мавсумидаги сув сатҳи чизигидан камида 100 метр.

42. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти ер усти манбаларининг санитария-муҳофаза зонасининг иккинчи минтақаси чегаралари қуйидагича белгиланади:

а) дарё ва каналлар учун:

-оқим бўйлаб юқорига, шу жумладан ирмоқлар, — дарё ва каналлар кенглиги ва узунлиги бўйича сув оқими ўртача тезлигидан ҳамда ёз-куз мавсумида сув сатҳининг ўртача ойлик сув сарфи 95 фоиз таъминланганда, сувнинг минтақа чегарасидан сув олиш жойигача оқиб келиш вақтидан келиб чиққан ҳолда камида 3 сутка;

-оқим бўйлаб қуйига — биринчи минтақа чегарасидан камида 250 метр;

-ён томондаги чегаралар — ёз-куз мавсумидаги сув сатҳи чизигида текис рельефда 500 метр, тоғли рельефда — дарё ёки канал томонга қараган биринчи қияликнинг юқорисигача, лекин қиялама нишабликда 750 метрдан ва тик қияликда 1000 метрдан кўп бўлмаган;

б) сув омборлари ва қўллар учун:

-акватория бўйлаб барча йўналишларда шамоллар сони сув олиш жойига томон 10 фоизгача бўлганда 3 километр масофагача, шамоллар сони 10 фоиздан ортиқ бўлганда 5 километргача;

-ён томондаги чегаралар — сув омборида нормал кўтарилган сув сатҳи ва қўлда сувнинг ёз-куз мавсумидаги сув сатҳи чизигидан текис рельеф бўлганда 500 метр масофада, тоғлиқ рельефда — сув омбори ёки қўлга қараган биринчи қияликнинг юқорисигача, лекин ётиқроқ қияликда 750 метрдан ва тикроқ қияликда 1000 метрдан кўп бўлмаган.

43. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти ер усти манбалари санитария-муҳофаза зонасининг учинчи минтақаси чегаралари дарё ва каналлар оқими бўйлаб юқорига ва

куйига ёки иккинчи минтақа учун бўлганидек, сув омбори ва кўлларнинг акваторияси бўйлаб барча томонларга, ён томондаги чегаралар — сув айиргич бўйлаб, бироқ дарё ва каналлар ёки сув омборлари ва кўллардан 3 — 5 километрдан кўп бўлмаган масофада бўлиши керак.

44. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти ер ости манбаи санитария-муҳофаза зонасининг биринчи минтақаси чегаралари яқка сув олиш жойидан (тик қудук, кон қудуғи, сув йиғгич) ёки гуруҳли сув олишда энг чеккадаги сув олиш иншоотидан бошлаб қуйидагича масофада белгиланиши керак:

- муҳофаза қилинган ер ости сувларидан фойдаланилганда — 30 метр;

- етарлича муҳофаза қилинмаган ер ости сувларидан фойдаланилганда — 50 метр;

- инфильтрацион сув олиш жойларида сув манбаининг юзасидан камида 150 метр;

- ўзан ости сув олиш жойларида ёки инфильтрацион сув олиш жойини таъминловчи участкада — ушбу Низомнинг 43-бандига мувофиқ сув таъминоти ер усти манбаининг биринчи минтақаси зонасига ўхшаш;

- ер ости сувлари захиралари ёпиқ типдаги инфильтрацион иншоотдан сунъий равишда тўлдирилганда — 50 метр, очик типда — 100 метр.

45. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти ер ости манбаи санитария-муҳофаза зонаси иккинчи минтақасининг чегараси иқлим районларига ва микроб билан ифлосланишининг сув олиш жойига қадар 100 дан 300 суткагача силжиши ҳисобга олинган ҳолда муҳофазаланганлигига кўра белгиланади.

46. Ушбу зонанинг учинчи минтақа чегараси сувнинг кимёвий ифлосланиши сув олиш жойига силжиши вақтига кўра аниқланади. У сув олиш жойидан фойдаланишнинг қабул қилинган муддатидан ортиқ бўлиши, лекин 25 йилдан кам бўлмаслиги керак.

Сув сақлайдиган қатламнинг инфильтрацион таъминот шароитида санитария-муҳофаза зонасининг иккинчи ва учинчи минтақаларини ушбу Низомнинг 42 ва 43-бандларига мувофиқ сув таъминоти ер усти манбаининг иккинчи ва учинчи минтақалари чегараларига мутаносиб равишда қабул қилиш керак.

47. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими иншоотлари (насос станциялари, сувни тайёрлаш станциялари, сиғимлар) санитария-муҳофаза зоналари биринчи минтақа чегарасидан ва унинг атрофида санитария-ҳимоя минтақаси (қўриқлаш зонаси)дан иборат бўлиши керак.

48. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими иншоотлари ҳудуди санитария-муҳофаза биринчи минтақасининг чегараси майдоннинг ўраб олинishiга мос келади ва қуйидаги масофада бўлиши керак:

- тоза сув сиғимлари деворидан, филтрлардан, контактли ёритгичлардан — камида 30 метр масофада;

- қолган бошқа иншоотлардан ва хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизимлари минорасидан камида 15 метр масофада.

49. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти манбаи санитария-муҳофаза зонасининг иккинчи минтақаси ташқарисида жойлашган хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизимлари иншоотларининг тўсиқлари атрофидаги санитария-ҳимоя минтақаси камида 100 метр кенгликка эга бўлиши керак.

50. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими бўйлаб санитария-ҳимоя минтақалари белгиланади, уларнинг кенглиги энг чеккадаги сув тармоғидан бошлаб ҳисобланади:

- сув тармоғи қурилиши тугалланган ҳудудда қуруқ тупроққа ётқизилганда — диаметри 1000 миллиметрча бўлганда камида 10 метр ва диаметри ундан катта бўлганда камида 20 метр, нам тупроқда — диаметридан қатъи назар, камида 50 метр;

- қурилиш ишлари амалга оширилган ҳудудда давлат санитария назорати ҳамда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси органлари билан келишилган ҳолда, минтақа кенглигининг юқорида кўрсатиб ўтилган ўлчамларини камайтиришга йўл қўйилади.

7-боб. Даволаш-соғломлаштириш мақсадлари учун фойдаланиладиган минерал сув манбаларининг санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш

51. Аҳолини даволаш ва маданий-соғломлаштириш мақсадларида фойдаланиладиган минерал сув манбалари, шифобахш балчиқ олинадиган жойлар, минерал кўллар атрофида даволаш манбаларининг табиий физик ва кимёвий хоссаларини сақлаш, шунингдек, уларни бузилишдан, ифлосланишдан ҳамда камайиб кетишидан асраш мақсадида санитария-муҳофаза зоналари белгиланади.

Бир ёки бир-бирига боғлиқ бир неча минерал сув конларидан, аралаш чўмилиш жойларидан ва бошқа табиий даволаш воситалардан фойдаланилганда улар учун ягона санитария-муҳофаза зонаси белгиланиши мумкин.

52. Санитария-муҳофаза зонаси қатъий тартибли, чекланган ва кузатув каби уч зонага бўлинади.

53. Биринчи зона минерал сувлар юзага чиқадиган, шифобахш балчиқ конлари, минерал кўллар, сувидан даволаш мақсадларида фойдаланиладиган кўрфазлар, чўмилиш жойлари, шунингдек, денгизнинг соҳил бўйи минтақаси ва чўмилиш жойларига туташиб кетувчи, кенглиги камида 100 метрли ҳудудни қамраб олади.

54. Иккинчи зона:

-ер усти сувларнинг минерал сувлар юзага чиқадиган жойга, шифобахш балчиқ конларига, минерал кўллар ва кўрфазларга, минерал манбалар ҳосил қилишда иштирок этувчи минерал ва чучук сув циркуляцияга учрайдиган ер юзасидан унча чуқур бўлмаган жойларга томон оқиши юз берадиган ҳудудни;

-минерал сувлар ва шифобахш балчиқлар табиий ҳамда сунъий сақланадиган жойларни;

-санаторий-курорт ва дам олиш ташкилотлари жойлашган ҳудудни, шунингдек, лойиҳа ҳужжатларига кўра истироҳат боғлари, ўрмон-парклар ва бошқа кўкаламзор жойлар барпо қилиш мўлжалланган ҳудудларни қамраб олади.

Бундай ерларни курортнинг санитария-муҳофаза зонаси учун назарда тутилган қоидаларга риоя қилинмаган ҳолда фойдаланиш минерал сув ва шифобахш балчиқларнинг ифлосланиши, улар таркибининг ўзгариши ёки микдорининг камайиб кетиши ёхуд табиий даволаш воситаларининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин.

55. Учинчи зона (унинг ташқи чегаралари санитария-муҳофаза зонаси чегаралари билан мос тушади) гидроминерал ресурслар тўйинадиган ва шаклланадиган теvarак-атрофдаги барча ҳудудлар ва улар атрофидаги ўрмон дарахтзорларни, шунингдек, санитария-муҳофаза зонаси учун белгиланган қоидаларга амал қилмаган ҳолда хўжалик мақсадларида фойдаланилиши минерал сув ва шифобахш балчиқ конларининг гидрогеологик режимига, санитария ва ландшафт-иқлим шароитларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳудудларни ўз ичига олади.

8-боб. Сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарида хўжалик фаолиятини юритиш тартиби.

56. Сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарига кирган ерлар, соҳил бўйи ва санитария-ҳимоя минтақаларидан ташқари ерлар ушбу ерлардан фойдаланувчи ҳамда ижарачилардан олиб қўйилмайди, улар томонидан ушбу Низом талабларига риоя қилинган ҳолда фойдаланилади.

57. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарори билан:

-дарёлар ва қуримайдиган сойларнинг соҳил бўйи минтақалари экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, ер участкаларидан самарали фойдаланиш мақсадида ердан фойдаланувчи ҳамда ижарачиларга;

-сув хўжалиги объектларининг соҳил бўйи минтақалари ушбу объектлардан фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш, сув ресурсларини оқилона бошқариш ва ҳисобини юритиш, шунингдек, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлаш ҳамда ер участкаларидан самарали фойдаланиш мақсадида ушбу объектлардан фойдаланувчи ташкилотларга берилади.

58. Каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг соҳил бўйидаги тупроқ уюмлари эгаллаган майдонлар улардан фойдаланувчи ташкилотлар билан келишилган ҳолда фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа ташкилотларга ўз маблағлари ҳисобидан тупроқ уюмларини олиб ташлаш ёки текислаш ишларини бажариб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, шунингдек, тупроқ уюмларини қурилиш материаллари сифатида ишлатиш учун муддатли (вақтинча) фойдаланишга ёки ижарага шартнома асосида берилиши мумкин.

59. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти ва минерал сувлар манбалари санитария-муҳофаза зоналарининг биринчи минтақалари ер участкалари билан биргаликда сув олиш ва бошқа иншоотлар қуриш учун белгиланган тартибда бу иншоотлардан фойдаланувчи ташкилотларга фойдаланишга берилади.

60. Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, қуримайдиган сойлар, шунингдек, суви хўжалик-ичимлик сув таъминоти эҳтиёжлари учун ишлатиладиган каналларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналарида қуйидагилар тақиқланади:

-ўсимликлар зараркундалари ва касалликларига, бегона ўтларга қарши ишлатиладиган захарли кимёвий воситаларнинг ҳар қандай турини қўллаш ва қўмиш;

-захарли кимёвий воситалар, пестицидлар, гербицидлар ва минерал ўғитлар сақланадиган омборлар, захарли кимёвий воситалар аппаратларини тўлдирадиган майдончалар, авиация-кимё ишларини олиб бориш учун учиш-қўниш йўллари қуриш;

-марказлашган канализация тармоқлари бўлмаган янги уй-жойлар ва туристик комплексларни қуриш;

-канализация-тозалаш иншоотларини ва оқава сувларнинг турли хил сифимларини (тўплагичларини) қуриш;

-янги қабристонларни жойлаштириш ва мавжудларига янги майитларни қўйиш;

-чорвачилик ва паррандачилик фермалари, нобуд бўлган ҳайвонлар, чорва моллари, паррандалар ва балиқларни қўмиш жойларини қуриш;

-чиқинди, шу жумладан кимёвий ва радиоактив моддаларни ишлаб чиқариш чиқиндиларини жойлаштириш, шунингдек, суюлтирилган гўнган суғоришда фойдаланиш;

-транспорт воситалари ва бошқа техникалар учун тўхташ жойлари, ёнилғи-мойлаш материалларини қуйиш шахобчалари, тузатиладиган, ювиладиган ва техник қаровдан ўтказиладиган жойлар қуриш;

-қор қоплами устидан ўғит солиш, таркибида маҳаллий гўнг бўлган оқава сувларни зарарсизлантормасдан ўғит сифатида фойдаланиш, шунингдек, тозаланмаган саноат ва хўжалик-маиший оқава сувларни ташлаш;

-чорва молларини тартибсиз ўтлатиш, айниқса жарлик-ботқоқ жойларда, яйловларни пайҳон қилиш;

-дарахт ва буталарни кесиш, ўрмонни парваришлаш учун кесиш ва санитария кесиш бундан мустасно.

Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар ва қуримайдиган сойлар ҳамда ер ости чучук сув ҳосил бўладиган ҳудудларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналарида сувнинг ҳолатига таъсир кўрсатувчи қурилиш, қовлаш, қирғоқларни мустаҳкамлаш ва портлатиш ишларини олиб бориш, фойдали қазилмалар ва сув ўтларини олиш, уларни қайта ишлаш, қувурли тармоқлар ва коммуникация кабелларини ётқизиш, бурғилаш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларни бажариш экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, давлат санитария назорати ва «Ўздавергеодезкадастр» қўмитаси ҳамда фавқулодда вазиятлар ва сув хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда фақат маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг рухсати бўйича амалга оширилади.

Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг тегишли сув сатҳлари чизигидан 2 километр масофагача авиация ёрдамида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларига зарарли кимёвий воситаларни сепиш тақиқланади.

61. Соҳил бўйи минтақаси доирасида ушбу Низомнинг 60-бандида белгиланган чеклашларга қўшимча равишда қуйидагилар таъқиқланади:

- экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда сув хўжалиги органлари, шунингдек, сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар розилигисиз ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари рухсатсиз қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш (ёш дарахт қаторлари орасига экилган вақтинчалик экинлар бундан мустасно);

- органик ва минерал ўғитларни сақлаш ва қўллаш;

- чорва молларини боқиш ва уларни сақлаш жойларини ташкил этиш;

- ҳар қандай турдаги доимий ва вақтинчалик бино ва иншоотлар, шу жумладан молхона, ўтинхона, ҳожатхона ва бошқалар қуриш (сув хўжалиги иншоотларини қуриш бундан мустасно);

- махсус ажратилган жойлар ташқарисида палаткалар шаҳарчасини қуриш, қайиқлар боғлаб қўйиладиган жойлар қилиш;

- минерал ўғитлардан бўшаган идишларни сақлаш ва йўқ қилиш;

- минерал ўғитларни транспортда ташиш ва сепишда қўлланилган идишлар, машина ва асбоб-ускуналарни тозалаш ва ювиш;

- жун, каноп ва тери ювиш.

Ушбу банд қоидалари канализация тизимига ёки фильтрациядан ҳимояланган ўраларга уланган, аввалдан мавжуд уй-жойлар, оммавий дам олиш ҳудудлари ва туристик мажмуалар учун тадбиқ этилмайди.

62. Дарё ўзанларини ўзгартириш, улардан фойдали қазилмалар қазиб олиш ва сув объектлари ҳолатига таъсир қиладиган бошқа ишларни бажаришга фақат фавқулодда вазиятлар, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда сув хўжалиги органларининг, шунингдек, давлат геология ва минерал ресурслар органларининг рухсатномаси белгиланган тартибда олингандан сўнг йўл қўйилади.

63. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти ер усти ва ер ости манбалари санитария-муҳофаза зонасининг биринчи минтақаси ҳудудида, шунингдек, хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими иншоотлари санитария-муҳофаза зонасининг биринчи минтақаси ҳудудида қуйидагилар тақиқланади:

- хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими асосий иншоотларидан ташқари қурилишнинг барча турлари;

- уй-жой ва жамоат биноларини жойлаштириш, одамларнинг, шу жумладан хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизимида ишловчи ходимларнинг яшаши;

- хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими иншоотларига хизмат кўрсатувчи қувурлардан ташқари бошқа мақсадлар учун мўлжалланган қувурларни ўрнатиш;

- оқава сувларни ер усти сув манбаларига чиқариш, чўмилиш, чорва молларни суғориш ва боқиш, балиқ овлаш, зарарли кимёвий воситалар, пестицидлар, гербицидлар, минерал ва органик ўғитлар қўллаш, сақлаш ва қўмиш, транспорт воситаларини ювиш;

- барча бинолар сувни чиқариб ташлашнинг энг яқин канализация тизимига уланган, оқава сувларни тозалаш иншоотлари биринчи минтақа ташқарисига жойлашган бўлиши керак, канализация мавжуд бўлмаган тақдирда, санитария талаблари ҳисобга олинган ҳолда сув фильтрация бўлмайдиган (сизмайдиган) ҳандаклар қазилиши керак;

- ер усти сув оқимини биринчи минтақа ташқарисига чиқариш таъминланиши керак;

- дарахтларни санитария мақсадида кесиш ва уларни парвариш қилишга йўл қўйилади.

64. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти ер усти ва ер ости манбалари санитария-муҳофаза зонаси иккинчи минтақаси ҳудудида, шунингдек, хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими иншоотлари санитария-ҳимоя минтақаси доирасида қуйидагилар

тақиқланади:

-худуднинг маиший чиқиндилар, маҳаллий гўнг, саноат ва қурилиш чиқиндилари, маиший оқавалар ва бошқалар билан ифлосланиши;

-заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари, ўра-чуқурлар, шлам сақладиган жойлар ва хўжалик-ичимлик сув таъминоти манбаларининг кимёвий ифлосланишига олиб келувчи бошқа иншоотларни жойлаштириш;

-нобуд бўлган ҳайвон, парранда ва балиқлар кўмиладиган жойлар, қабристонлар, ассенизация ва филтрлаш далалари, суғориладиган ер участкалари, маҳаллий гўнг сақладиган жойлар, силос сақладиган чуқурлар, чорвачилик ва паррандачилик ташкилотларини, хўжалик-ичимлик сув таъминоти манбаларининг микроб билан ифлосланишига олиб келувчи бошқа иншоотларни жойлаштириш;

-бевосита тошқин хавфи бўлган даврда музлаган ёки қор билан қопланган далага ўғит солиш, ўғитларни авиация ёрдамида сепишда сочилиб кетишига йўл қўйиш;

-қум ва шағал қазиб олиш, шунингдек, ўзан тубини чуқурлаш ишлари олиб бориш;

-санитария-муҳофаза зоналари биринчи минтақасининг ташқи чегараларидан 500 метр масофада чорва моллари, шунингдек, парранда ва балиқ боқиш.

65. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти ер усти ва ер ости манбаларининг санитария-муҳофаза зонаси учинчи минтақаси ҳудудида экология ва атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда давлат санитария назорати органлари билан келишиб амалдаги санитария нормалари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилган ҳолда, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият билан шуғулланишга рухсат берилади.

66. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизимининг санитария-химоя минтақалари зоналарида ҳожатхоналар, ювинди ўралар, маҳаллий гўнг сақладиган жойлар, ахлатхоналар ҳамда тупроқ ва ер ости сувларининг ифлосланиши учун шароит яратувчи бошқа иншоотлар бўлмаслиги керак.

Чиқиндихоналар ҳудудида, ассенизация ва филтрлаш далалари, қабристонлар, нобуд бўлган ҳайвонлар, парранда ва балиқлар кўмиладиган жойларда хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизимини қуриш тақиқланади.

67. Минерал сув манбалари, шифобахш балчиқ конлари, минерал кўлларнинг санитария-муҳофаза зоналари доирасида тупроқ, сув, ҳавони ифлослантирувчи, ўрмонлар ва бошқа дарахтзорларга зарар етказувчи, эрозия жараёнлари ривожланишига олиб келувчи ҳамда сувнинг табиий даволаш хоссаларига ва ҳудуднинг санитария аҳволига салбий таъсир кўрсатувчи барча ишлар тақиқланади.

Санитария-муҳофаза зоналарида табиий даволаш воситаларининг зарур даражасидаги санитария ҳолатини таъминловчи, шунингдек, даволаниш ва дам олиш учун қулай шароитлар яратувчи санитария-соғломлаштириш ҳамда бошқа чора-тадбирлар амалга оширилади.

68. Биринчи зона ҳудудида:

-табиий даволаш воситаларидан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган фуқароларнинг доимий ёки вақтинча яшашлари;

-бино ва иншоотлар қуриш, кон қазиш ва тупроқ ишлари бажарилиши;

-манбанинг табиий даволаш хоссаларига ва ҳудуднинг санитария ҳолатига зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатларни қилиш тақиқланади.

69. Иккинчи зона ҳудудида:

-аҳолининг даволаниши ва дам олиши билан боғлиқ бўлмаган бино ва иншоотлар қуриш;

-курортнинг ривожланиши ва ободончилиги бевосита боғлиқ бўлмаган кон ишлари ва бошқа ишларни бажариш;

-шимувчи кудуклар қуриш;

-суғориладиган ва ер ости филтрация майдонлар, қабристонлар, нобуд бўлган ҳайвонлар, парранда ва балиқлар кўмиладиган ва чорва моллари оммавий ҳайдаб ўтиладиган жойларни ташкил қилиш;

-ўсимликлар зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш мақсадида заҳарли кимёвий воситаларни қўллаш;

-яшил дарахтзорларни чопиб ташлаш (ўрмонни парвариш қилиш учун кесиш ва санитария кесишларидан ташқари) ҳамда ер участкалари, ўрмонлар ва сув ҳавзаларидан даволаш воситалари сифатининг ёмонлашувига ёки уларнинг камайишига олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

70. Учинчи зона ҳудудида экология ва атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда давлат санитария назорати органлари билан келишган ҳолда, табиий даволаш воситаларига ва ҳудуднинг санитария ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлмаган барча иш турларига йўл қўйилади.

71. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари экология ва атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда давлат санитария назорати органларининг тавсияси билан маҳаллий санитария-гигиена шароитларини ҳисобга олган ҳолда, ҳўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими объектлари сувни муҳофаза қилиш зоналарида ҳўжалик фаолиятига қўшимча чекловлар қўйиши мумкин.

9-боб. Сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини келишиш ва тасдиқлаш тартиби.

72. Сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш ушбу Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

73. Буюртмачи:

-лойиҳани ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда техник топшириқ тайёрлайди, уни экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, давлат санитария назорати (санитария-муҳофаза зонаси бўйича), қурилиш ва «Ўздавергеодезкадастр» кўмитаси (объект шаҳарлар, туманлар марказлари ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудидан ўтганда) органлари билан келишади ва уни тасдиқлайди;

-«Ўздаверлойиҳа» давлат илмий лойиҳалаш институти билан лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича белгиланган тартибда шартномани расмийлаштиради.

74. «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий лойиҳалаш институти:

-сув ҳўжалиги, ҳўжалик-ичимлик сув таъминоти тизимининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, улардан фойдаланиш бўйича амалдаги нормативларга, атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда ер тузишнинг ҳудудий схемалари ва комплекс дастурларига, тегишли жойнинг шаҳарсозлик бош режаси, шунингдек, мазкур низомга амал қилади;

-сув иншоотлари жойлашган ерларнинг ҳамда ер ости сувлари сатҳи тушган ва кўтарилган зона доирасидаги туташиб кетган ҳудуднинг зоогеографик, ов қилиш ҳўжалиги, сув ҳўжалиги, геоботаник, тупрок, ўрмон ҳўжалиги, гидрогеологик хусусиятини ўрганади;

-ҳўжалик-ичимлик сув таъминоти манбаи акваториясининг ихтиологик, балиқ ҳўжалиги, гидрогеологик, гидробиологик, гидрокимёвий хусусиятини ўрганади (сув олиш иншооти створидан 2 километр юқори ва 2 километр қуйи зона ҳажмида);

-санитария-эпидемиологик вазият, шунингдек, флора ва фаунанинг алоҳида муҳофаза этиладиган турлари, сув иншоотлари таъсири зонасида жойлашган табиат ёдгорликлари, қўриқхоналар тўғрисидаги маълумотларни тўплайди ва ўрганади;

-сувнинг ифлосланиши ва булғанишининг олдини олиш, унумдор ер майдонларини ва ҳудуднинг мавжуд тузилишини энг кўп даражада сақлаб қолиш, емирилиш жараёнларини, ернинг ботқокланишини ва бошқа зарарли таъсирларни тўхтатиш ҳисобга олинган ҳолда, сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш ҳамда амалдаги норма ҳамда қоидаларни қўллаш имкониятларини ўрганади ва текширади;

-сувнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи иншоотлар рўйхатини аниқлайди;

-сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналари, шунингдек, соҳил бўйи ва санитария-ҳимоя минтақаларининг чегараларини режали-картография асосга туширади ҳамда участка ва ер-сувнинг тартиби ҳисобга олинган ҳолда умумий майдонни аниқлайди.

Режали-картография асосида сувни муҳофаза қилиш зонаси ва унга туташиб кетган участка чегарасида олдин турли эҳтиёжлар учун ажратилган барча участкалар чегараси кўрсатилади;

- сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарининг ўлчамларини асословчи, иншоотнинг атроф-муҳитига таъсири даражаси тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичлар тайёрлайди;

- иншоотларни қуриш, сувнинг ҳолатига, ҳудуднинг ободончилигига ва бошқаларга салбий таъсир кўрсатувчи корхоналар, бинолар ва иншоотларни ёпиш ёки бузиб ташлаш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

75. Буюртмачи:

- ишлаб чиқилган лойиҳани лойиҳа ташкилоти билан биргаликда белгиланган тартибда тегишли ташкилотлардан экспертизадан ўтказди;

- сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш бўйича тегишли таклифларни ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тегишли қарори лойиҳасини ишлаб чиқиб, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятлар, давлат санитария назорати органлари (санитария-муҳофаза зонаси бўйича), сув хўжалиги (ер усти сувлари бўйича), геология ва минерал ресурслар (ер ости ва минерал сувлар бўйича), қурилиш ва «Ўздавергеодезкадастр» кўмитаси (объект шаҳарлар, туманлар марказлари ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудидан ўтганда) органлари ҳамда сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар билан келишади;

- келишилган таклиф ва қарор лойиҳасини тасдиқлаш учун белгиланган тартибда тегишлича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим қилади.

76. Сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиялар томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

77. Материалларнинг комиссия томонидан кўриб чиқилиши натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

- комиссия таркиби;

- сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарига киритиладиган ер участкаларига тавсиф;

- ер участкасидаги қурилишлар, иншоотлар, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда бошқа сув хўжалиги иншоотлари, хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими, қўп йиллик дарахтзорлар, уларнинг баланс қиймати;

- сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини маъқуллаш тўғрисида комиссия ҳулосаси;

- экология ва атроф-муҳитни, моддий маданий меърос объектларини муҳофаза қилиш, сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини, шунингдек, соҳил бўйи ва санитария-химоя минтақалари учун ажратилган ер майдонларидан фойдаланиш бўйича тавсия этиладиган чора-тадбирлар;

- комиссиянинг ихтиёрига кўра бошқа масалалар.

78. Сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарининг комиссия томонидан маъқулланган чегаралари (ҳудудлари):

- туман аҳамиятига эга бўлган каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда бошқа сув хўжалиги иншоотлари, хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими бўйича — экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, давлат санитария назорати, сув хўжалиги ҳамда «Ўздавергеодезкадастр» кўмитаси туман органлари билан;

- вилоят ва Тошкент шаҳри аҳамиятига эга бўлган каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда бошқа сув хўжалиги иншоотлари, хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими, минерал сув манбалари ва бошқа сув объектлари бўйича — экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, давлат санитария назорати, сув хўжалиги ҳамда «Ўздавергеодезкадастр» кўмитаси вилоят органлари билан;

-трансчегаравий, вилоятлараро ва алоҳида аҳамиятга эга бўлган сув объектлари, шунингдек, минерал сув манбалари ва республика аҳамиятига эга бўлган бошқа курортлар ва санаторийлар даволаш воситалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан келишилади.

Балиқчилик саноати аҳамиятига эга бўлган иншоотларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналари экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги ҳамда ветеринария органлари билан келишилади.

Дарёлар, қуримайдиган сойлар, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда бошқа сув хўжалиги иншоотлари, хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими шаҳар, туманлар марказлари ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудуди бўйича ўтганда сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи минтақалари тегишли қурилиш ва «Ўздавергеодезкадастр» қўмитаси органлари билан келишилади.

Минерал сув манбалари ва бошқа маҳаллий аҳамиятга эга бўлган курортлар ва санаторийлар даволаш воситаларининг санитария-муҳофаза зоналари соғлиқни сақлаш ва касаба уюшмалари вилоят органлари билан, республика аҳамиятига эга бўлганлари эса Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилади.

79. Сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш бўйича тасдиқлашга тақдим этиладиган материаллар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

-комиссиянинг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тўғрисидаги далолатномаси;

-давлат ва бошқа органларнинг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналари келишилганлиги тўғрисидаги хулосалари;

-режали-картография материал.

80. Сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш бўйича тасдиқлашга тақдим этиладиган материаллар юборилган тегишли давлат ташкилотлари уларни 3 кун ичида кўриб чиқади ва кўриш натижалари бўйича ўзларининг асосли хулосаларини беради.

81. Сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналари:

-туман аҳамиятига эга бўлган каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлар, шунингдек, хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими ва бошқа сув хўжалиги объектлари бўйича — туманлар ҳокимларининг қарорлари билан;

-вилоят ва Тошкент шаҳри аҳамиятига эга бўлган дарёлар, қуримайдиган сойлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари, шунингдек, хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизими ва бошқа сув хўжалиги объектлари бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари билан;

-трансчегаравий, вилоятлараро ва алоҳида аҳамиятга эга бўлган сув объектлари, шунингдек, минерал сув манбалари ва республика аҳамиятига эга бўлган бошқа курортлар ва санаторийлар даволаш воситалари бўйича — Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланади.

82. Сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарининг тегишли тартибда тасдиқланган чегаралари (ҳудудлари) жойнинг ўзида (натурада) огоҳлантирувчи белгилар билан ифодаланади.

83. Лойиҳа ташкилоти томонидан ҳар бир сув объектининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналари ҳудудининг паспорти ушбу Низомга 2-иловадаги шаклда тайёрланади.

Муҳофаза этиладиган ҳудуднинг паспортида иншоотнинг номи, белгиланган зоналар (минтақалар) ва бу зоналардаги ердан фойдаланиш тартиби кўрсатилади.

Паспортга белгиланган зоналар (минтақалар) чегараси (ҳудуди) акс этирилган

картографик материал илова қилинади.

Паспорт маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари томонидан имзоланади ва ҳўжалик фаолияти тартибига риоя қилинишини назорат қилиш учун давлат назорати ва бошқа манфаатдор органларга юборилади.

84. Сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарида ва уларга туташиб кетувчи ҳудудларда сувни ифлосланиш, булғаланиш ва камайиб кетишдан муҳофаза қилишни, шунингдек, сув ҳолати ва ундан фойдаланиш тартиби яхшиланишини таъминловчи қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади, жумладан:

- технологик чора-тадбирлар — саноат сув таъминотининг сув айланиши тизимлари, оқава сув тозалаш ва зарарсизлантириш иншоотларини қуриш;

- оқава сувлар қолдиқларидан иқтисодиёт тармоқларида фойдаланган ҳолда утиллаштириш бўйича;

- саноат ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш объектлари оқава сув тозалаш ва зарарсизлантириш иншоотларининг барқарор ишлашини таъминловчи технологик жараёнларини ташкил этиш бўйича;

- ифлос оқава сувлар ҳосил бўлишини истисно этувчи технологик жараёнларни ташкил этиш бўйича;

- ўрмон-мелиоратив ва агротехник чора-тадбирлар — сув объектлари қирғоқларининг мустақкамлигини таъминлаш, уларни ўпирилишдан, ботқоққа айланишдан сақлашга, шунингдек, сув объектлари сув оқимининг табиий режимини барқарорлаштириш ва яхшилаш;

- иригация-мелиорация чора-тадбирлар-судан фойдаланишда қулай шароитлар яратишни таъминловчи сув ҳўжалиги иншоотларини қуриш, шунингдек, зарур ҳолларда дарё, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари ўзанларини, ҳовуз, кўллар ва сув омборларининг тубларини зарарли балчиқ ва чўкиндилардан тозалашни назарда тутувчи;

- санитария-техник чора-тадбирлар — сув объектларига ташланадиган оқава сувларни зарарсизлантириш ва хавфсизлантиришни таъминлаш, шунингдек, санитария-муҳофаза зонасини ва ҳўжалик фаолияти юритиладиган ҳудудни тузиш;

- ташкилий чора-тадбирлар-сувнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи корхоналар, бинолар ва иншоотларни сувни муҳофаза қилиш зоналаридан кўчириш ёки ёпиш;

- атроф-муҳитга қулай таъсир кўрсатиш учун ифлослантирувчи воситалардан фойдаланилмай кўкаламзорлаштириш ва дарахт экиш.

85. Янгидан қуриладиган сув ҳўжалиги объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарида бу чора-тадбирларни амалга ошириш харажатлари уларни қуриш қийматига тегишли бўлади.

Мавжуд сув ҳўжалиги объектларида сувни муҳофаза қилиш зоналари белгиланиши муносабати билан ҳудуднинг ифлосланишини бартараф этиш бўйича ишлаб чиқиладиган технологик ва санитария-техник чора-тадбирлар ифлосланиш манбалари ҳисобланган ташкилотлар, шунингдек, фуқароларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Улар бу кўрсатмаларни бажаришдан бош тортган тақдирда, уларга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий, иқтисодий ва бошқа даъволар кўзғатилади.

Иригация ва мелиорация, агротехник ва ташкилий чора-тадбирлар сув ҳўжалиги объектлари қарашли бўлган тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ҳамда бошқа ташкилотлар маблағлари ҳисобидан бажарилади.

86. Сувни муҳофаза қилиш зоналарида ердан фойдаланиш, ҳўжалик фаолиятини юритиш ва бошқа ҳатти-ҳаракатлар бўйича мазкур низомда назарда тутилган режимларга риоя этиш мажбурияти ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ер ижарачиларига юклатилади.

Белгиланган режимга риоя этишнинг давлат назорати маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда давлат санитария назорати органлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Сув ҳўжалиги объектлари ва улардаги иншоотларни назорат қилиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш улар қарашли бўлган ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сувни муҳофаза қилиш зоналарида жорий қилинган режимга риоя қилишда жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

10-боб. Якунловчи қоида.

87. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги
981-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН.**

5.14-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**Ўзбекистон Республикасида Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби
тўғрисида низом**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

сувдан фойдаланиш — юридик ва жисмоний шахслар томонидан сув ресурсларини сув объектидан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

сувдан фойдаланувчи—сув ресурсларини сув объектидан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс

сув истеъмоли (сувни истеъмол қилиш) — юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув ресурсларидан уларни сув объектидан белгиланган тартибда олган ҳолда фойдаланиш;

сув истеъмолчиси — ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув объектидан сув ресурсларини белгиланган тартибда олувчи юридик ёки жисмоний шахс;

сув истеъмолчилари уюшмаси — юридик шахс бўлган сув истеъмолчилари томонидан сувга доир муносабатлар соҳасидаги ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун ихтиёрий асосда ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилоти;

сув объекти — сувлар доимий равишда ёки вақтинча тўпланадиган ва сув режимининг ўзига хос шакллари ва белгилари бўлган табиий (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар) ҳамда сунъий (очиқ ва ёпиқ каналлар, шунингдек коллектор-дренаж тармоқлари) сув оқимлари, табиий (кўллар, денгизлар, ер ости сувли қатламлари) ва сунъий (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) сув ҳавзалари, шунингдек булоқлар ва бошқа объектлар;

сув ресурслари — фойдаланиладиган ёки фойдаланилиши лозим бўлган сув объектлари сувлари.

3. Сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (ҳудудий) бошқармалари орқали тартибга солувчи махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (ер усти сувлари), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар) ўз ваколатлари доирасида сувдан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари ҳисобланади.

5. Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширадilar.

6. Ўзбекистон Республикаси ва Орол денгизи ҳавзасидаги бошқа давлатлар ҳудудида жойлашган трансчегаравий сув объектларидан (Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари, Орол денгизи ва бошқа трансчегаравий сув объектларидан) фойдаланишни тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Трансчегаравий сув объектларида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли, сув хўжалиги ва сувни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси трансчегаравий сув объектларининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида тартибга солинмаган қисмида сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

II. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли турлари.

7. Сув объектидан сув олиш усулига, сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этишига қараб сувдан фойдаланиш сувдан умумий ва махсус фойдаланишга бўлинади.

Жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда ўз эҳтиёжларини ҳамда бошқа эҳтиёжларни қондириш мақсадида сувдан фойдаланиш **сувдан умумий фойдаланиш** ҳисобланади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган сувдан фойдаланиш **сувдан махсус фойдаланиш** ҳисобланади. Сувдан махсус фойдаланишга, айрим ҳолларда, махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда, аммо сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этадиган сувдан фойдаланиш ҳам киритилиши мумкин.

Сувдан умумий ва махсус фойдаланиш турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан ўз ваколатлари доирасида, қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

8. Мақсадли фойдаланилишига кўра сув истеъмоли ичимлик, коммунал-маиший, даволаш, курорт, рекреация, балиқчилик хўжалиги, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги сув истеъмолига ва бошқа турларга бўлинади.

9. Сув объектидан олинадиган сувнинг миқдорига қараб сув истеъмоли умумий ва махсус сув истеъмолига бўлинади.

Жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда ўз шахсий ичимлик, майший, рекреация, даволаш эҳтиёжлари, ҳайвонларни суғориш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш мақсадидаги сув истеъмоли умумий сув истеъмолидир. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан бир суткада 5 куб метргача ҳажмда ер ости сувларини яқка тартибда олиш умумий сув истеъмолига киради.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган сув истеъмоли махсус сув истеъмолидир. Махсус сув истеъмолига айрим ҳолларда махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда, аммо сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этадиган сув истеъмоли ҳам киритилиши мумкин.

10. Сув ресурслари қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолда истеъмол учун берилади

III. Сувдан фойдаланиш объектлари ва сув истеъмоли манбалари.

11. Сув объектлари ёки уларнинг қисмлари сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли манбалари бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш ёки сув истеъмолига берилиши мумкин.

12. Сув объектлари танҳо ёки биргаликда фойдаланишда бўлиши мумкин. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ёки жисмоний шахсларга бутунлай ёки қисман фойдаланишга берилган сув объекти танҳо фойдаланиладиган сув объектидир.

Танҳо фойдаланишга берилмаган сув объекти биргаликда фойдаланиладиган сув объектидир.

13. Сув объектлари доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун берилади. Муддати аввалдан белгиланмаган ҳолда фойдаланиш — доимий фойдаланиш деб эътироф этилади. Сувдан вақтинча фойдаланиш муддати: қисқа — уч йилгача ва узоқ — йигирма йилгача бўлиши мумкин.

Сув объектларидан вақтинча фойдаланиш муддатлари сувдан фойдаланувчи манфаатдор томонлар илтимосига биноан, шу сув объектини танҳо фойдаланиш учун бериш тўғрисида қарор чиқарган ёки сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатнома берган давлат органлари томонидан узайтирилиши мумкин.

14. Сув объектлари сувдан фойдаланувчиларга сув истеъмолчиларининг қишлоқ хўжалиги, ичимлик, даволаш ва майший эҳтиёжларини, аҳолининг курорт, рекреация ва ўзга эҳтиёжларини, саноат, энергетика, транспорт, балиқчилик хўжалиги ҳамда бошқа давлат ёки жамоат эҳтиёжларини қондириш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолда фойдаланишга берилади.

15. Танҳо фойдаланиш учун берилган сув объектларида сувдан умумий фойдаланишга ва умумий сув истеъмолига шу сув объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан қишлоқ ва сув хўжалиги, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат органлари билан келишилган ҳолда белгиланган шартларга кўра йўл қўйилади, зарур ҳолларда эса, бундай сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ тақиқлаб қўйилиши мумкин.

Танҳо фойдаланиш учун берилган сув объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтариб олинади.

16. Биргаликда фойдаланиладиган сув объектларида сувдан умумий фойдаланишга ва сув истеъмол қилишга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган шартларда, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат органлари билан келишув бўйича рухсат этилади, зарурат бўлганда эса — қонун ҳужжатларига мувофиқ тақиқлаб қўйилиши мумкин.

IV. Сув олиш лимитлари ва уларни белгилаш тартиби

17. Сув олиш лимитларини белгилаш учун сув ресурслари ҳажмлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси(ДМСК) йиғилиши протоколлари, шунингдек Ҳукуматлараро қарорлар билан (кичик трансчегаравий дарёлардан) белгиланган лимитлар бўйича трансчегаравий сув объектларининг (бир неча республикалар ҳудудидан ўтувчи Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари, уларнинг ирмоқлари) сув ресурслари;

- Ўзбекистон ҳудудидаги ҳақиқий серсувлигидан, шунингдек қайта тартибга солинганлиги ва бир ўзандан иккинчи ўзанга ташланганлигидан келиб чиқиб киритилган тузатишлар ҳисобига олинган ер усти сув манбалари ҳажмидан;

- ер ости сувларининг фойдаланилаётган захирасидан олинган сув ҳажмидан;

- оқова сувлардан, шунингдек қулай коллектор-дренаж сувларидан қайта фойдаланиш ҳажмидан.

18. Сув олиш лимитлари барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига нисбатан белгиланади.

19. Сув олиш лимитлари қуйидаги тартибдаги устуворлиги билан белгиланади:

- ичимлик, даволаниш ва коммунал-маиший хўжалик учун;

- саноат учун;

- қишлоқ хўжалиги учун;

- санитария ва табиат муҳофазаси мақсадларида сув чиқариш учун.

20. Кўкаламзорлаштириш, спорт ва соғломлаштириш объектлари эҳтиёжлари учун белгиланадиган сув олиш лимитлари устуворлигига кўра коммунал эҳтиёжларга тенглаштирилади.

21. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сув олиш лимитлари бунинг учун ваколатли бўлган ташкилотлар томонидан белгиланади ҳамда барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун мажбурий ҳисобланади

22. Сув олиш лимитлари Сув хўжалиги органлари томонидан белгиланади, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари хизмат кўрсатадиган бошқа сув истеъмолчилари, шунингдек тегишли фойдаланувчи ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатиладиган коммунал ҳамда маиший хўжалик корхона ва ташкилотлари бундан мустасно.

23. Сув олиш лимитлари Сув хўжалиги органлари томонидан сув манбалари (дарёлар, коллектор-дренаж сувлари, шунингдек бошқа ер усти сувлари) бўйича, ҳавза ирригация тизимлари, магистрал каналлар (тизимлар), ирригация тизимлари, иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари бўйича белгиланади.

Ер ости сувларидан сув олиш лимитлари геология ва минерал ресурслар ҳамда ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар бўйича) ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш органлари билан келишган ҳолда қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан белгиланади.

24. Сув олиш лимитлари:

-Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан — Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига, вилоятлараро ва трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган магистрал каналлар (тизимлар) бошқармаларига, йирик ва алоҳида муҳим сув, энергетика ва коммунал-маиший объектлардан фойдаланувчи алоҳида корхоналар ва ташкилотларга — манбалар, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича;

-Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан — ирригация тизимлари бошқармаларига, туманлар (Қувасой шаҳри) ирригация бўлимлари, шунингдек, бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув

истеъмолчиларига — вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) ёки туманлараро аҳамиятга эга бўлган сув объектларидан манбалар, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича;

-туманлар (Қувасой шаҳри) ирригация бўлимлари томонидан — сув истеъмолчилари уюшмаларига, шунингдек, бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига — туман аҳамиятига эга бўлган сув объектларидан манбалар, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича;

- сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан-фермер ва деҳқон хўжаликларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, улар хизмат кўрсатадиган зонада жойлашган бошқа сув истеъмолчиларига белгиланади.

Қишлоқ хўжалигидан ташқари эҳтиёжлар учун ер ости сувларидан сув олиш лимити сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома расмийлаштирилган ҳолда рухсатнома амал қиладиган муддат даври учун белгиланади.

25. Коммунал сув таъминоти тизимидан сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларга сув олиш лимити Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда, уларга хизмат кўрсатадиган тегишли фойдаланиш ташкилоти томонидан белгиланади.

26. Сув олиш лимитлари сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун манбаларнинг тахмин қилинган ва ҳақиқий сувлиги ҳисобга олинган ҳолда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун - бир йилда икки марта ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун - бир йилда бир марта белгиланади ва улар учун мажбурийдир.

27. Сувдан фойдаланишни режалаштириш ва сув олиш лимитларини белгилаш, биринчи навбатда, аҳолининг ичимлик сувга бўлган ва маиший эҳтиёжларини қондиришни, сувнинг сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари ўртасида илмий асосда тақсимланишини, сувни муҳофаза қилиш шартларини ва сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини олишни таъминлаши лозим.

Бунда давлат сув кадастридаги маълумотлар, сув хўжалиги баланслари, сувдан комплекс фойдаланиш ва сувни муҳофаза қилиш схемалари ҳисобга олинади.

28. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун сув олиш лимитлари улар томонидан қуйидагилар белгиланган тартибда тақдим этилган тақдирда белгиланади:

- сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатномалар;

- сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг белгиланган тартибда тасдиқланган режалари (сув қувири – коммунал сув таъминоти тизимининг сувдан фойдаланувчилари ва сув истеъмолчилари бундан мустасно).

29. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув олиш жойлари паспортга эга бўлиши, хизмат кўрсатадиган фойдаланиш ташкилотидан рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак. Сув олиш жойлари сувни ҳисобга олиш воситалари (гидропост) билан жиҳозланиши, улар белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилган бўлиши керак.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек аҳоли томонидан қишлоқ хўжалиги учун сувни истеъмол қилишга олинadиган сувни ҳисобга олиш уларнинг тегишли сув олиш жойлари сувни ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлангунгача, ҳажмий, ҳисобий ва бошқа усулларда, ҳақиқий суғориладиган майдонларни, суғоришлар сонини, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш режимини, сув олиш давомийлиги қанча ва шу кабиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув олиш жойларининг паспортларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек сувни ҳисобга олиш воситаларини (гидропостларни) аттестациядан ўтказиш тартиби:

а) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан:

- Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг фойдаланувчи сув хўжалиги ташкилотлари балансидаги ва бошқа корхоналар ҳисобида бўлган сунъий сув объектларида;

- Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат

қўмитаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари бўйича) билан келишган ҳолда — табиий сув объектларида;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишган ҳолда — ер ости иссиқ ва минерал сувлардан белгиланади;

б) Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан — коммунал сув таъминоти тизимида белгиланади.

30. Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун сув олиш лимитлари:

- Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан — ҳар йили 15 сентябргача бўлган муддатда — куз-қиш даври учун (1 октябрдан 31 мартгача) ҳамда 15 мартгача — вегетация даври учун (1 апрелдан 30 сентябргача);

-Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан — ҳар йили 20 сентябргача бўлган муддатда — куз-қиш даври учун ҳамда 20 мартгача — вегетация даври учун;

-туманлар (Қувасой шаҳри) ирригация бўлимлари томонидан — ҳар йили 25 сентябргача бўлган муддатда-куз-қиш даври учун ҳамда 25 мартгача-вегетация даври учун;

- сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан — ҳар йили 1 октябргача бўлган муддатда — куз-қиш даври учун ҳамда 1 апрелгача — вегетация даври учун белгиланади.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига сув олиш лимитлари йилига бир марта — ҳар йили 1 октябргача белгиланади.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига ер ости сувларидан сув олиш лимитлари бир марта — махсус рухсатнома амал қиладиган муддатга белгиланади.

31. Сув олиш лимитлари:

-Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг прогнози асосида;

-Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туманлар (Қувасой шаҳри) ирригация бўлимлари буйруқлари билан;

-сув истеъмолчилари уюшмаларининг умумий мажлиси протоколи билан — туман (Қувасой шаҳри) қишлоқ хўжалиги бўлими ва туман (Қувасой шаҳри) ирригация бўлими билан келишув бўйича тасдиқланади.

32. Коммунал-маиший хўжалик эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига сув олиш лимитлари Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан белгиладиган тартибда, улар хизмат кўрсатадиган тегишли фойдаланиш ташкилотларининг буйруқлари билан тасдиқланади.

33. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув лимитлари олиш учун сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари куз-қиш ва вегетация даври бошланишидан бир ой олдин, қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун эса — ҳар йили 1 сентябргача — уларга хизмат кўрсатадиган тегишли фойдаланиш ташкилотларига ёзма равишда мурожаат қилишлари ва ушбу Низомнинг 28-бандига мувофиқ рўйхат бўйича зарур ҳужжатларни тақдим этиши керак.

34. Сув олиш лимитлари рухсат этилган жами сув олиш миқдорини сув манбалари (дарё, сой, булоқ сув ҳавзаси, ирригация тизими, магистрал канал (тизим) ва шу кабилар) бўйича акс эттириб, улар ҳар ўн кунликлар кесимида аниқ сув олиш жойларига тақсимланган бўлиши керак.

35. Сув олиш лимитларини белгилашда тармоқнинг устуворлигига ҳамда барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг алоҳида манбалар ва ирригация тизимлари бўйича кутилаётган сувлиликни ҳисобга олиб сув билан тенг фойзда таъминланишига риоя этилиши керак.

36. Сув олиш лимитлари сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас, манбаларнинг сувлилиги камайган ҳоллар бундан мустасно.

Манбаларда сув ҳажми камайган ёки кўпайган ҳолатларда сув олиш лимитларига, юқори ваколатли ташкилотнинг рухсати билан, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмол қилиш режаси параметрлари ўзгартирилмасдан, дарҳол тузатишлар киритилиши мумкин.

37. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмол қилишнинг белгиланган даври тугагандан кейин икки ой муддатда ваколатли ташкилотлар томонидан, манбалардаги сувнинг ҳақиқий миқдори ҳисобга олинган ҳолда, ўтган давр учун сув олишнинг узил-кесил лимитлари тасдиқланади.

V. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолини режалаштириш

38. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли, ҳар йилги сув билан ҳақиқий таъминланганлик ҳисобга олинган ҳолда, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари асосида амалга оширилади. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари тасдиқланган норматив ҳужжатларга мувофиқ ажратилган сув олиш лимитлари доирасида сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан тузилади.

Коллектор-дренаж тармоқларида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолини режалаштириш ерларнинг мелиоратив ҳолатини ҳамда коллектор-дренаж суви сифатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

39. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва бошқа сув истеъмолчиларининг сув истеъмоли режалари уларга хизмат кўрсатадиган сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан тасдиқланади. Сув истеъмолчилари уюшмалари сув таъминоти режаларини умумлаштирадилар ва уюшмаларнинг сувдан фойдаланиш режаларини тузадилар.

Сув истеъмолчилари уюшмаларининг, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сувдан фойдаланиш режалари ирригация тизимлари бошқармалари ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан умумлаштирилади.

40. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг тузилган ва умумлаштирилган режалари:

- сув истеъмолчилари уюшмалари бўйича — туман кишлоқ хўжалиги бўлими билан келишилган ҳолда ирригация бўлими томонидан;

- ирригация тизими бўйича - Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигини тегишли ҳудудий органлари билан келишилган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация ҳавза тизими, катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари бўйича - Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади.

41. Коммунал-маиший хўжалиklar эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан белгиланган тартибга мувофиқ тузилади ва тасдиқланади.

42. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартноманинг узвий қисми ҳисобланади.

VI. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномалар

43. Сув истеъмолчилари уюшмаси ва унинг хизмат кўрсатиш зонасида жойлашган аъзолари, шунингдек бошқа кишлоқ ва сув хўжалиги органлари ҳамда ўзга юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги сувга доир муносабатлар шартнома асосида тартибга солинади.

44. Сувдан фойдаланувчиларнинг сувни етказиб бериш бўйича хизматлари, шунингдек кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун шартнома асосида ҳақ тўланади

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг фойдаланувчи сув хўжалиги ташкилотлари томонидан сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш шартлари ва ҳолатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

45. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномаларнинг намунавий шакллари Сув хўжалиги вазирлиги томонидан (коммунал сув таъминоти тизимида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳолатларидан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан (табiiй сув объектларидан сув олишда), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан (ер ости сувларини олишда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси билан (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувларни олишда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишув бўйича тасдиқланади.

Коммунал сув таъминоти тизимидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномаларнинг намунавий шакллари Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ тасдиқланади.

46. Юридик ва жисмоний шахслар сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномаларни уларга хизмат кўрсатадиган тегишли фойдаланиш ташкилотлари билан тузадилар.

47. Қуйидагиларнинг мавжуд бўлиши сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли тўғрисидаги шартномани тузишда мажбурий талаб ҳисобланади:

- сув олиш лимитлари асосида сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг тасдиқланган режаси (коммунал-маиший сув таъминотидаги фуқаролар бундан мустасно);
- сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун берилган рухсатномалар.

48. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисида белгиланган тартибда тузилган шартномалар:

- вилоятлараро ва трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган, шунингдек йирик ва алоҳида муҳим объектлардан фойдаланувчи айрим ташкилотлар билан тузилган шартномалар — Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида;

-Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари таркибига кирадиган фойдаланувчи ташкилотлар билан тузилган шартномалар — Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида;

- сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан фермер ва деҳқон хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улар хизмат кўрсатадиган зонадаги бошқа сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчилар билан тузилган шартномалар — туман қишлоқ хўжалиги бўлимларида ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туманлар қишлоқ хўжалиги бўлимларида ҳисобга олинadиган шартномалар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномалар реестри Сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси ва унинг ҳудудий таркибий бўлинмаларига (сунъий сув объектларида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тегишли органларига (табiiй сув объектларидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида) берилади.

Коммунал сув таъминоти тизимининг фойдаланувчи ташкилотлари томонидан сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари билан тузилган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномалар Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги

томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

49. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома билан белгиланади.

VII. Сув ресурсларини олиш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида ҳисобга олишни ва ҳисоботни, шунингдек уларнинг мониторингини юритиш тартиби.

50. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли учун сув ресурсларини олиш фақат хизмат кўрсатувчи фойдаланиш ташкилотлари билан келишган ҳолда, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартнома мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

51. Сув объектларидан сув олиш фақат сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг ёзма буюртманомалари бўйича (коммунал сув таъминоти тизимидаги, шунингдек ер ости сув хавзаларидан сув олиш ҳолатларидан ташқари), уларнинг сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолига тайёрлигига кўра, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаси асосида, белгиланган сув олиш лимити доирасида амалга оширилади.

Сув ресурслари олиш юзасидан буюртманомалар сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан хизмат кўрсатадиган фойдаланиш ташкилотига ёки унинг ваколатли шахсига сув олиш бошланишидан ўн кун олдин белгиланган шаклда, сув олишнинг аниқ жойлари ва муддатлари (сув олишнинг бошланиши ва тугаши), шунингдек олинadиган сув миқдори, ундан фойдаланиш ёки уни истеъмол қилишнинг мақсади кўрсатилган ҳолда берилади.

Сув манбаидан сув олиш учун буюртманомада кўрсатилган сув ресурслари миқдори тасдиқланган сув олиш лимитидан ортиқ бўлмаслиги керак. Сув ресурсларини олиш ҳажмини камайтириш ёки тўхтатиш зарур бўлган тақдирда сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари бу тўғрида тегишли хизмат кўрсатувчи фойдаланиш ташкилотига ёки унинг ваколатли шахсига ёзма равишда (авария ҳолатларида – телефон орқали) хабар қилиши керак.

52. Сув ресурсларини олиш жойлари уларни бошқариш ва ҳисобга олишнинг тегишли воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак. Сув ресурсларини бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари доимо соз иш ҳолатида бўлиши зарур. Сув олиш жойларини сув ресурсларини бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш мансублигига кўра сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан амалга оширилади.

53. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари ажратилган сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланишга, шунингдек сувни муҳофаза қилишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўришга мажбур.

54. Сувларни давлат томонидан ҳисобга олишни ва улардан фойдаланишни таъминлаш, Давлат сув кадастрини юритиш ҳамда сув хўжалиги балансларини тузиш мақсадида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳамда уларнинг мониторингини юритишда Сув хўжалиги вазирлиги томонидан, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари) ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар) билан, уларнинг ваколатлари доирасида келишган ҳолда белгиланadиган тартибга мувофиқ тизимли ҳисобга олиш ва ҳисобот юритилади.

Коммунал сув таъминоти тизимидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларини олиш, ҳисобини ва ҳисоботини юритиш тартиби Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан белгиланади.

55. Сувдан махсус фойдаланувчилар ва махсус сув истеъмолчиларининг ҳаммаси

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ, коммунал сув таъминоти тизимидан сув олинган тақдирда эса — Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ сувдан фойдаланиш ва сув таъминоти, шунингдек сув чиқариш тўғрисида ҳисоб ва ҳисоботни юритишлари, ахборот тақдим этишлари шарт.

VIII. Сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли ҳуқуқини тўхтатиш

56. Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқи:

- сувдан фойдаланишга, сув истеъмолига эҳтиёж қолмаганда ёки улардан воз кечилганда;
- сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли муддати тугаганда;
- корхона, муассаса, ташкилот, фермер хўжалиги тугатилганда, деҳқон хўжалиги тугатилганда (фаолияти тўхтатилганда);
- сув хўжалиги иншоотлари бошқа сувдан фойдаланувчиларга берилганда;
- танҳо фойдаланилаётган сув объектларини қайтариб олишга зарурат туғилганда бекор қилинади.

Сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли ҳуқуқи (ичиш ёки маиший истеъмолдан фойдаланиш ҳуқуқидан ташқари) қуйидаги ҳолатларда ҳам бекор қилиниши мумкин:

- сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли ва сувларни муҳофаза қилиш қоидалари бузилганда (тегишли шартнома тузмасдан сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш, сув олишга буюртманома ва рухсатнома бўлмасдан туриб сув ресурсларини олиш, рўйхатдан ўтказилмаган жойлардан сув олиш, сувни бошқариш ва ҳисобга олишнинг техник жиҳатдан яроқсиз воситаларидан фойдаланиш, сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлаш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича сув олиш ҳисобини ва ҳисоботини мунтазам равишда юритмаслик, белгиланган нормадан ортиқча ва паст сифатли оқинди сувларни сув объектларига ташлаш ва бошқалар);
- белгиланган мақсаддан ташқари сувдан фойдаланганда ёки сувни истеъмол қилганда (сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли юзасидан шартномаларда кўрсатилмаган мақсадларда сувдан фойдаланиш, суғориш сувини коллектор-дренаж тармоқларига оқизиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг агротехника усулларига риоя этмаслик ва бошқалар);
- сувни лимитдан ортиқча олганда (сув истеъмоли бўйича шартномада белгиланган сув олиш лимитидан ортиқча сув олиш);
- сув етказиб бериш ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича шартномада назарда тутилган ҳақни тўламаганда.

57. Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқи қуйидаги йўллар билан тўхтатилади:

- сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун берилган рухсатномани бекор қилиш, шунингдек сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли юзасидан шартномани бекор қилиш;
- танҳо фойдаланиш учун берилган сув объектларини қайтариб олиш.

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш унга рухсатнома берган органнинг қарори билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади

58. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби бузилган тақдирда хизмат кўрсатувчи фойдаланиш ташкилотлари томонидан сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига нисбатан шартномада назарда тутилган чоралар қўлланиши мумкин.

Табиий сув объектлари сувидан фойдаланиш ва истеъмол қилиш тартибига риоя этилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан амалга оширилади.

Сунъий сув объектлари сувидан фойдаланиш ва сувини истеъмол қилиш тартибига риоя этилиши юзасидан назорат «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси томонидан амалга оширилади.

IX. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганлик учун жавобгарлик.

59. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганлик учун фуқаролар ва мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

60. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига нисбатан улар томонидан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик хўжалиги, саноат, энергетика ва коммунал-маиший эҳтиёжлар учун сув олиш тартиби бузилган тақдирда:

- сув истеъмолчилари томонидан лимитдан ортиқча сув олинганлиги учун — лимитдан ортиқча олинган ҳар минг кубометр сув учун — белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 20 фоизи миқдорида;

- сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сув олишга рухсат этилмаган жойлардан, шунингдек, шартнома тузмасдан сув олганлик учун — олинган ҳар минг кубометр сув учун — белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида;

- сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сувдан махсус фойдаланиш рухсатномасиз сув олганлик ёки сувдан фойдаланганлик учун-олинган ҳар минг кубометр сув учун — белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида;

- сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сувни ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун — олинган ҳар минг кубометр сув учун — белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида жарима санкциялари қўлланилади.

Бир йил мобайнида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тақроран бузилган тақдирда ушбу бандда кўрсатилган жарима санкциялари ўн барабар миқдорида қўлланилади.

Қишлоқ хўжалиги сув истеъмолчиларига нисбатан лимитдан ортиқча сув олинганлиги учун жарима санкциялари бир йилда икки марта (куз-қиш ва вегетация давлари якунлари бўйича), қолган сув истеъмолчилари учун эса – календарь йил якуни бўйича бир марта қўлланилади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномаларда ушбу бандда кўрсатилган жарима санкцияларидан ташқари бошқа қўшимча жавобгарлик чоралари ҳам назарда тутилиши мумкин.

61. Ушбу Низомнинг 60-бандида кўрсатилган жарима санкциялари, белгиланган тартибда:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан — сунъий сув объектларидан сув олишда;

- Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан – табиий сув объектларидан сув олишда қўлланилади.

62. Коммунал-маиший хўжаликда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг белгиланган тартиби бузилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўрилади.

63. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига — тадбиркорлик субъектларига нисбатан ушбу Низомнинг 60-бандида кўрсатилган жарима санкциялари суд томонидан қўлланилади, улар айбига иқроф бўлган ва жарима санкцияларини ихтиёрий равишда тўлаган ҳолатлар бундан мустасно.

Қолган ҳолатларда жарима санкцияларини қўлланиш ушбу Низомнинг 61-бандида кўрсатилган органлар томонидан, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат

қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

64. Ўзбошимчалик билан сув олиш жойини тугатиш ва уни дастлабки ҳолатига келтириш қонунбузувчининг ўзи томонидан ёки унинг маблағи ҳисобига амалга оширилади.

65. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар), фермер ва деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш натижасида етказилган зарарларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплашлари шарт.

Х. Жарима санкцияларини қўллашдан тушадиган маблағлардан фойдаланиш.

66. Ушбу Низомнинг 60-бандида кўрсатилган жарима санкцияларини қўллашдан тушган пул маблағлари Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади.

67. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузганлик учун маъмурий жарима солишдан тушадиган, шунингдек, сув олиш тартибини бузганлик учун жарима санкциялари маблағлари қуйидаги тартибда тақсимланади:

-30 фоизи — республика бюджетига;

-40 фоизи-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармасига;

-30 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасига.

Ушбу банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатиб ўтилган маблағлардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланади.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 2019 йил 11 декабрдаги 82-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЕР КОДЕКСИ, ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ҲАМДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР
ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРИ**

5.15-илова

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси

1-боб. Умумий қоидалар.

1-модда. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари

Ер умуммиллий бойликдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шаклларида тенг ҳуқуқлилиқ асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат.

2-модда. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принциплари

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қуйидаги асосий принципларга асосланади:

- энг муҳим табиий ресурс, фуқаролар ҳаётий фаолиятининг асоси тариқасида ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш;
- ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг, энг аввало суғориладиган ерларнинг алоҳида муҳофаза этилишини, кенгайтириб борилишини ҳамда улардан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишни давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш;
- ерга ва бутун атроф табиий муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш;
- ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шаклларининг хилма-хиллиги, ер муносабатлари иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш;
- ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш;
- ерларнинг ҳолати ҳақидаги ахборотнинг тўлиқ бўлишини ҳамда ундан эркин фойдаланишга йўл қўйилишини таъминлаш.

3-модда. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан ва ер муносабатларини тартибга солишчи бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида ер муносабатлари Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Тоғ, ўрмон ва сув билан боғлиқ муносабатлар, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан, шунингдек атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид муносабатлар махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига киради:

- ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- ушбу Кодексга, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисида норматив ҳужжатлар қабул қилиш;
- тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат дастурларини тасдиқлаш;
- қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш, ер

тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш

- давлат мулкидаги ерларни тасарруф этиш;
- ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда вазирликлар ҳамда идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;
- ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш;
- ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

5-модда. Вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

- тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ер ресурсларидан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;
- юридик шахсларга кишлоқ хўжалик эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;
- ўлчамидан қатъи назар барча ерларни олиб қўйиш, алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, шаҳар атрофи ерлари ва шаҳарларнинг яшил зоналари ерлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг тажриба майдонлари, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлар бундан мустасно;
- дипломатия ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга мазкур ваколатхоналарнинг биноларини, шу жумладан ваколатхона бошлиғи қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк этиб реализация қилиш;
- ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;
- ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

6-модда. Туманлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

- тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган суғориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан, табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлардан ташқари ерларни, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон

фонди ерларини, саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларни, сув фонди ерларини олиб қўйиш — ҳар бир ер эгасига ва ердан фойдаланувчига ўн гектаргача ўлчамда;

- фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ерларни ижарага бериш;
- фуқароларга, юридик шахсларга захира ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;
- ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;
- ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини ким ошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш;
- ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;
- ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш;
- ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;
- қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда, уларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши масалаларини ҳал этиш;
- ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

7-модда. Шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

- ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, шаҳар чегараси доирасида эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек ерни олиб қўйиш, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари бундан мустасно;
- ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;
- ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини ким ошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш;
- ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;
- ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш;
- ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;
- ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

2-боб. Ер фонди.

8-модда. Ер фонди тоифалари.

Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган

асосий мақсадига кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади:

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар — қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дарахтлар ва тоқзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;
- аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари — шаҳарлар ва посёлкалар, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар;
- саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар — кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар;
- табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар-муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар;
- тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар — моддий маданий мерос объектлари жойлашган ерлар;
- ўрмон фонди ерлари — ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар;
- сув фонди ерлари — сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар;
- заҳира ерлар.

9-модда. Ерларни тоифаларга бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш.

Ерлар асосий фойдаланиш мақсадига қараб ер фонди тоифаларига бўлинади.

Ерлардан асосий фойдаланиш мақсади — ерлардан ер-кадастр ҳужжатларида акс эттириладиган аниқ мақсадларни кўзлаб фойдаланишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби ва шартларидир.

Ерларни ер фондининг бир тоифасидан бошқасига ўтказиш ерлардан асосий фойдаланиш мақсади ўзгарган тақдирда амалга оширилади.

Ерларни ер фонди тоифаларига бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш ер участкаларини бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан амалга оширилади.

Ер фондининг тоифаси ер участкаларини бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан қабул қилинадиган ер участкаларини бериш тўғрисидаги қарорларда, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи гувоҳномаларда, шартномаларда, бошқа ҳужжатларда, давлат ер кадастри ҳужжатларида кўрсатилади.

Ерларни бир тоифадан бошқасига ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш бундай ўтказиш фактларини ғайриқонуний деб ва улар асосида тузилган ер участкаларига доир битимларни ҳақиқий эмас деб топишга, шунингдек ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этишга асос бўлади.

10-модда. Ер участкаси.

Ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир.

Ер участкасининг чегараси планларда (чизмаларда) қайд этилади ва натурада (жойнинг ўзида) белгиланади. Ер участкасининг майдони натурада (жойнинг ўзида) чегара белгиланганидан кейин аниқланади.

Ер участкаси бўлинадиган ва бўлинмайдиган бўлиши мумкин. Ўзининг асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ва ёнғинга қарши, санитария, экологияга оид, шаҳарсозлик ҳамда бошқа мажбурий нормалар ва қоидаларни бузмаган ҳолда қисмларга бўлиш мумкин бўлган ва бу иш амалга оширилганидан кейин ҳосил бўлган қисмларнинг ҳар бири мустақил ер участкасини ташкил этиши мумкин бўлган ер участкаси бўлинадиган ер участкаси ҳисобланади.

Фойдаланиш мақсадига кўра мустақил ер участкаларига бўлиниши мумкин бўлмаган ер участкаси бўлинмайдиган ер участкаси ҳисобланади.

3-боб. Ер тузиш.

11-модда. Қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни Районлаштириш.

Қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш — ҳудудларнинг табиий шароитларни ва қишлоқ хўжалиги ўсимликлари агробиологик талабларини ҳисобга олган ҳолда бўлинишидир.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштиришга мувофиқ амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш тўғрисидаги норматив ҳужжатларнинг талаблари ер участкаларини қонуний сақлаш вазифаларига тааллуқли бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларга ана шу участкаларни бериш шартлари жумласига киритилади.

12-модда. Ер тузишнинг вазифалари ва мазмуни.

Ер тузиш ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Ер тузиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг топшириғига ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органлари томонидан амалга оширилади;

Ер тузиш истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаш олдидан, хўжаликлараро ҳамда ички хўжалик ер тузиш турларига бўлинади.

Истиқболга мўлжалланган ва лойиҳалаш олдидан амалга ошириладиган ер тузишга қуйидагилар киради:

- республика ва унинг минтақаларининг ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш чизмаларини ишлаб чиқиш;

- туманлар ва вилоятларнинг ер тузилиши чизмаларини ишлаб чиқиш;

- тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ истиқбол режаларини, республика миқёсидаги ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш;

- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг жойлашиши ва чегаралари белгиланишини асослаш.

Хўжаликлараро ер тузишга қуйидагилар киради:

- жойнинг ўзида овуллар, қишлоқлар, посёлкалар, туманлар, шаҳарлар, вилоятларнинг чегараларини белгилаш;

- ерларнинг жойлашишидаги ноқулайликларни бартараф этган ҳолда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачиларнинг ва мулкдорларнинг янги ер участкаларини ташкил этиш ҳамда мавжуд ер участкаларини тартибга солиш лойиҳаларини тузиш;

- янги ташкил этилаётган, қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига ер ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш;

- корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиладиган ерларни ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш;

- ер участкаларини натурада (жойнинг ўзида) ажратиб бериш, ерга эгалик қилиш ҳуқуқини ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаш;

- янги ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалик ерларини яхшилаш, тупрок унумдорлигини сақлаш ва ошириш, бузилган ерларни рекультивация қилиш, тупрокни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, кўчкилардан, сув босишдан, захлашдан, қақраб қолишдан, заранглашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, радиоактив ва кимёвий моддалар билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш бўйича ишчи лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- барча ерларни рўйхатга олиш ҳамда фойдаланилмаётган, самарасиз фойдаланилаётган ёки белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган ерларни доимий аниқлаб бориш;

- ерларни ресурс жиҳатидан баҳолаш, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан ер тузиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

- ерларни баҳолаш тадбирларини ўтказиш.

Хўжаликлараро ер тузиш туманлар ёки бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари гуруҳларининг маъмурий чегаралари доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари бошқа туманлар ёки шаҳар ва посёлкалар ҳудудига тегишли бўлган ҳолларда, уларнинг чегараларини ўзгартириш масалалари маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини жойнинг ўзида белгилаш тартибида ҳал қилинади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари тасдиқланганидан кейин натурага (жойнинг ўзига) кўчирилиб, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ер участкаларининг чегаралари белгиланган намунадаги марза белгилари билан ажратилади.

Ички хўжалик ер тузиш тури қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, муассасаларининг ва ташкилотларининг ҳудудини ички хўжалик негизида белгилаб олишни, қишлоқ хўжалик экинларини ва кўп йиллик дов-дарахтларни жойлаштиришни, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилишни, барча қишлоқ хўжалик ерларини (пичанзорлар, яйловлар, боғлар, токзорлар ва бошқаларни) жойлаштиришни, тупрок эрозиясига қарши курашиш тадбирларини ишлаб чиқишни, шунингдек суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилишни ўз ичига олади.

Ички хўжалик ер тузиш тури лойиҳаларининг амалга оширилиши устидан ер тузишнинг таркибий қисми бўлган муаллифлик назорати олиб борилади.

Ер тузиш тартибида ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

Ер тузиш таркибида топография-геодезия, картография, тупрок, агрокимё, геоботаника жиҳатидан, тарихий-маданий ва бошқа йўналишда текширишлар ҳамда изланишлар олиб бориш назарда тутилади.

13-модда. Ер тузиш лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини жойнинг ўзида белгилашга доир материаллар, шунингдек истиқболга мўлжалланган ҳамда лойиҳалаш олдидан ер тузиш ишларига доир бошқа материаллар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳалари қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари мол-мулкнинг мулкдорлари ёки улар ваколат берган органлар томонидан кўриб чиқилади ва қабул қилинади, шунингдек манфаатдор ташкилотлар билан келишилади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади. Юридик ва жисмоний шахсларга ер ажратиб бериш лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари туман ҳокими томонидан тасдиқланади. Ер тузиш лойиҳаларига ўзгартишлар ушбу лойиҳаларни тасдиқлаган органларнинг рухсати билан киритилади.

Ер тузишни Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва

давлат кадастри давлат қўмитаси органлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширади. Қишлоқ хўжалик экинзорларини жойлаштириш, ерларни яхшилаш ва муҳофаза қилиш, эрозияга қарши ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш борасидаги ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофиқ улар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

14-модда. Ер мониторинги.

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат.

Давлат ер кадастрини юритишни, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Ер мониторингини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

15-модда. Давлат ер кадастри.

Давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари, уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат.

Давлат ер кадастри Ўзбекистон Республикаси давлат кадастрларининг ягона тизимига кирувчи давлат ва тармоқ табиат ресурслари кадастрларининг асосидир.

Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузишни ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир.

Давлат ер кадастри ернинг қиймат баҳосини аниқлаш учун асос бўлади. Давлат ер кадастрининг маълумотлари ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда, ер участкалари бериш (реализация қилиш) ва уларни олиб қўйишда, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини белгилашда, ер тузиш ишларини ўтказишда, хўжалик фаолиятига баҳо беришда ҳамда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга оширишда мажбурий тартибда татбиқ этилади.

Давлат ер кадастри бутун республика учун ягона тизим асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари томонидан юритилади.

Давлат ер кадастрини юритиш топография-геодезия, картография, тупроқ, агрокимё, геоботаника жиҳатидан ва бошқа йўналишда текшириш ва изланишлар олиб бориш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш, ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ижарачиларнинг ҳамда мулкдорларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш билан таъминланади.

Давлат ер кадастрини юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

4-боб. Ерга бўлган мулкчилик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари.

16-модда. Ўзбекистон Республикасида ерга бўлган мулкчилик.

Ер давлат мулки — умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди,

ҳада этилмайди, гаровга қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

17-модда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари.

Юридик шахслар ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Жисмоний шахслар ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

18-модда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келиши.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади.

Дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ер участкаларига мулк ҳуқуқи уларга ўзлари ваколатхона биноси сифатида фойдаланаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари, шу жумладан ваколатхона бошлиғининг қароргоҳи улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг — дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакилларининг, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимларининг, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи уларга уй-жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

19-модда. Ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари:

- деҳқон хўжалиги юритиш учун;
- якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун;
- жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам берилиши мумкин.

Фуқароларнинг ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳноманинг шакли, ушбу гувоҳномани рўйхатга олиш ва бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

20-модда. Ер участкаларига доимий ва муддатли (вақтинча) эгалик қилиш ҳамда улардан доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқи.

Ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга доимий ва муддатли (вақтинча)

эғалик қилишга ҳамда улардан доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланишга берилиши мумкин.

Ер участкалари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги юритиш учун, қонун ҳужжатларида назарда тutilган ҳолларда эса, бошқа мақсадлар учун ҳам доимий эғалик қилишга берилади.

Доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун ер участкалари:

- Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига;
- саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига;
- чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга;
- чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга берилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тutilган ҳолларда ер участкалари фойдаланиш учун бошқа ташкилотлар ва шахсларга ҳам берилади.

Ер участкасига доимий эғалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқлари ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома берилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳномани бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Ер участкаларидан муддатли фойдаланиш қисқа муддатли — уч йилгача ва узоқ муддатли — уч йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш зарурияти тақозо этганда бу муддатлар тегишинча қисқа муддатли ёки узоқ муддатли вақтинча фойдаланиш муддатларидан ортиқ бўлмаган даврга узайтирилиши мумкин. Ер участкаларидан вақтинча фойдаланиш муддатларини узайтириш шу участкаларни берган органлар томонидан амалга оширилади.

Яйлов чорвачилиги учун ер участкалари қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига йигирма беш йилгача муддатга берилиши мумкин.

21-модда. Биргаликда эғалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкалари.

Ер участкасини ушбу Кодекс 10-моддасининг бешинчи қисмига асосан бўлишнинг имконияти бўлмаса, бундай ер бир неча юридик ва жисмоний шахслар томонидан биргаликда эғалик қилинадиган ва фойдаланиладиган ер участкаси деб эътироф этилади, бу ҳол кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг ва уларга доир битимларнинг давлат реестрида акс эттирилади.

22-модда. Ер участкасига эғалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши.

Корхонага, бинога, иншоотга ёки бошқа кўчмас мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу объектлар билан биргаликда мазкур объектлар жойлашган ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эғалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

Уй-жойга, чорбоғга бўлган мулк ҳуқуқи (сотиб олиш, ҳадя ёки мерос бўйича олиш ва бошқа ҳолларда) жисмоний шахсларга ўтган тақдирда, ушбу иморатларга мулк ҳуқуқи билан биргаликда мазкур иморатлар жойлашган барча ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

Корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мол-мулк жойлашган ер участкасига эғалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши мулкдорларнинг ёки улар ваколат берган органлар ҳамда шахсларнинг тегишли шартномалари, қарорлари асосида туман, шаҳар ер-кадастр дафтарида ернинг янги эгаси

ёки ердан янги фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотларни киритиш ва уларга ер участкасига доимий эгалик қилиш, ундан доимий фойдаланиш ёки ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳномани топшириш йўли билан расмийлаштирилади.

Корхонанинг, бинонинг, иншоотнинг ёки бошқа кўчмас мол-мулкнинг бир қисмига бўлган мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи, оператив бошқариш ҳуқуқи янги мулкдорга ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг эгасига ўтган тақдирда, унга ер участкасининг корхонанинг, бинонинг, иншоотнинг ёки бошқа кўчмас мол-мулкнинг улушига мутаносиб бўлган қисмига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади, ер участкасини бундай ажратиш мумкин бўлмаган ҳолларда, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган масалалар юзасидан низолашилган тақдирда эса ер участкасининг бўлиниши Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари томонидан амалга оширилиб, туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан тасдиқланади ва шундан кейин ер участкасига эгалик қилиш ҳамда ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатига олиниб, давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги тегишли гувоҳномалар берилади.

23-модда. Ер участкалари бериш (реализация қилиш).

Ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) ер ажратиш тариқасида амалга оширилади.

Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Эгаликдаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва мулк қилиб берилган ер участкасини бошқа шахсларга бериш (реализация қилиш) фақат шу участка белгиланган тартибда олиб қўйилганидан (сотиб олинганидан) кейин амалга оширилади.

Саноат корхоналари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, алоқа ва электр ўтказиш линиялари, магистрал трубопроводлар қуриш учун, шунингдек қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерлари берилади (реализация қилинади). Ўрмон фондига қарашли ерлардан мазкур мақсадлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) асосан ўрмон билан қопланмаган майдонлар ёки бута ва арзонбаҳо дов-дарахтлар билан қопланган майдонлар ҳисобидан амалга оширилади.

Берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегаралари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари томонидан натурада (жойнинг ўзида) белгилангунига ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилгунига қадар мазкур ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга киришиш тақиқланади.

Ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

24-модда. Ер участкаси ижараси.

Ер участкасининг ижараси ер участкасига ижара шартномаси шартларида муддатли, ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишдан иборатдир.

Ер участкасини шартнома асосида қуйидагилар ижарага берадилар:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ва юридик шахсларига — туман ва шаҳар ҳокимлари;

- чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ер участкаларини

ички хўжалик ижараси тартибида фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ижарачиларга бириктириб қўйиши мумкин.

Ижарага берилган ер участкаси ёки унинг бир қисмини иккиламчи ижарага бериш тақиқланади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, гаров, ҳады, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олиш учун гаровга қўйилиши мумкин. Ижарачи фақат қонунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ер участкасига бўлган ўзининг ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз гаровга қўйишга ҳақлидир.

Ер участкалари ижарасининг шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишувига биноан белгиланади ва шартномада мустаҳкамлаб қўйилади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ижарага эллик йилгача бўлган, бироқ ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши мумкин.

Ижарачи ер участкалари ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин шартномани янгилашда бошқа тенг шароитларда устун ҳуқуққа эга.

Ер участкаларини ижарага олганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ва унинг миқдори ижара шартномасида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилади.

Ер участкаларини ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

25-модда. Ер участкаларидан қидирув ишлари учун фойдаланиш.

Геология-суръатга олиш, қидириш, геодезия ва бошқа қидирув ишларини амалга оширувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар бу ишларни белгиланган тартибда қабул қилинган қарорлар ва тузилган шартномалар асосида барча тоифадаги ерларда ер эгаларидан, ердан фойдаланувчилардан, ижарачилардан ҳамда мулкдорлардан ер участкаларини олиб қўймаган ҳолда амалга оширишлари мумкин.

Суғориладиган ҳайдов ерларида, боғларда, токзорлар, тутзорлар, мевазорлар, тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган пичанзорлар ва яйловларда, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерларда қидирув ишларини амалга ошириш учун рухсатномани вилоят ҳокими, бошқа ерларда эса, туман ва шаҳар ҳокимлари бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берадилар, зарур ҳолларда бу муддатни узоғи билан яна бир йилга узайтиришга йўл қўйилади.

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда қидирув ишларини амалга оширишга рухсатнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва ваколатли органлар томонидан берилади.

Қидирув ишларини олиб боровчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар иш давомида бузилган ер участкаларини белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун ўз ҳисобларидан яроқли ҳолатга келтиришлари ва ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ҳамда мулкдорларига топширишлари, ерлар, экинзорлар, дов-дарахтлар, ўрмонлар, сувлар ва бошқа табиат объектларининг, трубопроводлар, канализация, мелиорация тармоқлари ва бошқа иншоотларнинг яроқли ҳолда сақланишини таъминлаш чораларини кўришлари, шунингдек ер участкаларини вақтинча эгаллаб туриш муносабати билан ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ҳамда мулкдорларига етказилган зарарни (шу жумладан бой берилган фойдани) қоплашлари шарт.

26-модда. Ер участкаларидан иморат қуриш учун фойдаланиш.

Ер участкаларини (ҳайдаладиган ерлар бундан мустасно) доимий эгалик қилишга

ва фойдаланишга, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга, узоқ муддатли вақтинча фойдаланишга, ижарага ва мулк қилиб олган юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ ер участкасини сақлаш вазифасига оид мажбуриятлар бажарилган тақдирда ўзлари олган корхоналар, бинолар, иморатлар, иншоотларни белгиланган тартибда қуриш, бузиш ёки реконструкция қилишга ҳақлидир.

27-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун ер участкалари бериш ёки реализация қилиш

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир оилага 0,06 гектаргача ер участкалари берилади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектаргача доирада ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган тартибда ким ошди савдоси асосида реализация қилинади.

28-модда. Ер учун ҳақ тўлаш.

Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади. Ўз эгалигида ва фойдаланишида ҳамда мулкида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер учун ҳақ тўлайдилар. Ер учун ҳақ ҳар йили тўланадиган ер солиғи шаклида олинади, унинг миқдори ер участкасининг сифатига, жойлашишига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади.

Ер солиғининг ставкалари, уни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ер участкалари ижарага берилганда ер учун ҳақ ижара ҳақи шаклида олинади. Ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган шахслар ер учун ижара ҳақини ер солиғи тўловчилар учун белгиланган тартибга мувофиқ бюджетга тўлайдилар.

29-модда. Ер участкасини сақлаш вазифаси.

Эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага берилган ёки бошқа асосларга биноан олинган ер участкасини сақлаш вазифаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги мажбуриятлар билан таъминланиши мумкин:

- ер участкасини сотиш ёки ўзгача тарзда бошқаларга ўтказишни тақиқлаш;
- ер участкасини иккиламчи ижарага ва ёрдамчи пудратга, ушбу Кодекс 51-моддасининг ўнинчи қисмида назарда тутилган ҳолатда эса, ижарага беришни тақиқлаш;
- ер участкасидан асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартиришни тақиқлаш;
- фаолиятнинг айрим турларини тақиқлаш;
- белгиланган тартибда келишувсиз кўчмас мол-мулкнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни, иморат, бино, иншоотни реконструкция қилиш ёки бузишни тақиқлаш;
- ер унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ирригация ва мелиорация тизимларини соз ҳолатда сақлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- ер участкасида қурилиш қилишни ёки уни ўзлаштиришни белгиланган муддатлар мобайнида бошлаш ва тугаллаш;
- табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш ёки муайян ишларни бажариш, шу жумладан ер участкасидаги тупроқ қатламини, ноёб ўсимликларни, давлат табиат ёдгорликларини, шунингдек моддий маданий мерос объектларини асраш.

Ер участкасини сақлаш вазифаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар, чеклашлар ёки шартлар билан ҳам таъминланиши мумкин.

Ер участкасини сақлаш вазифаси шартлари унинг ҳуқуқий мақомига киритилиб, давлат рўйхатига олиниши лозим ва у ер участкаси бошқа шахсга ўтганида сақлаб қолинади. Ер участкасини сақлаш вазифасининг тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

30-модда. Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут).

Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут)-қўшни бўлган бир ёки бир неча ер участкаларидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқидир. Сервитут қуйидаги мақсадларда белгиланиши мумкин:

- ўзганинг ер участкаси орқали пиёда ёки транспортда ўтиш;
- ўзганинг ер участкасида дренаж ишлари ўтказиш;
- ўзганинг ер участкасидан электр узатиш, алоқа линиялари ва трубопроводлар, ирригация, муҳандислик ва бошқа линиялар ҳамда тармоқлар ўтказиш ва улардан фойдаланиш;
- ўзганинг ер участкасидан экинзор ва молларни суғориш учун сув олиш;
- молларни ўзганинг ер участкаси орқали ҳайдаб ўтиш;
- ўзганинг ер участкасидан кидирув, тадқиқот ва бошқа ишларни бажариш учун вақтинча фойдаланиш;
- ўзганинг ер участкасида ихота дарахтлари экиш ва табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли бошқа объектлар барпо этиш.

Сервитут бошқа мақсадларда ҳам белгиланиши мумкин.

Сервитут, уни белгилашни талаб қилган шахслар билан ўзга ер участкасининг эгаллик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ва мулкдори ўртасидаги келишувга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарорига биноан белгиланади.

Сервитут тўғрисидаги келишув давлат рўйхатига олиниши лозим ва у ер участкаси бошқа шахсга ўтган вақтда сақланиб қолади. Сервитут тўғрисидаги келишув уни белгилашга сабаб бўлган асослар барҳам топса, бекор қилиниши мумкин.

31-модда. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

32-модда. Ер участкасининг плани. Ер участкасининг чегараларини жойнинг ўзида белгилаш.

Ер участкасининг плани — ер участкасининг топографик плани бўлиб, қабул қилинган белгиларга мувофиқ унда муайян ер участкасининг чегараларида вақт жиҳатидан энг сўнгги ер тузилиши лойиҳасига мувофиқ сўнгги бор суратга олинган пайтдаги бутун вазият ва рельеф кўрсатилади.

Ер участкасининг чегараларини жойнинг ўзида ва хариталарда дастлабки тарзда белгилаш ажратиб бериш учун ер участкаси танланган вақтда уни бериш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар амалга оширилади.

Ер участкасининг планини ва тавсифини тузиш, жойнинг ўзида унинг чегараларини белгилаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари томонидан бажарилади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Ер участкасининг тасдиқланган плани ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларнинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Ер участкалари планларининг асли кадастр ишига доир ҳужжатлар орасида сақланади, нусхалари эса ер участкаси олувчига берилади.

Ер участкасининг плани ва тавсифини тайёрлаш, марза белгиларини ўрнатиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, ер участкаси олувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

33-модда. Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатдир.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик ва жисмоний шахсларга ер участкаси бериш (ажратиш) тўғрисидаги қарорига ёки ижара, олди-сотди шартномасига ҳамда ер участкасини ўзга шахсга ўтказишнинг бошқа турларига, ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордерига, мулкдорларнинг ёки улар ваколат берган шахсларнинг қарорига асосан берилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ ушбу ҳуқуқ белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинганидан кейин кучга киради.

34-модда. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиялари.

Ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиялар тузилади. Комиссиялар таркибига ер ресурслари ва давлат кадастри (комиссия котиби), қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, архитектура ва қурилиш, геология ва минерал ресурслар, давлат мулкни бошқариш, санитария-эпидемиология хизмати органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари ва бошқа шахслар киритилади.

Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиялар ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

35-модда. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатига олинishi керак.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ер участкалари жойлашган ерда амалга оширилади. Давлат реестрига қуйидагилар киритилади:

- ер участкасига бўлган ҳуқуқни олган шахс тўғрисидаги маълумотлар;
- ер участкасининг тавсифи (ерларнинг тоифаси, фойдаланиш мақсади, майдонининг тури, сатҳи, биргаликда эгалик қилиш ёки фойдаланиш улуши, чегаралари, кадастр тартиб рақами ва бошқа тавсифномалари);
- ер участкаси бериш тўғрисидаги шартнома талабларига, ер участкасини сақлаш вазифалари ва сервитутларга оид маълумотлар;
- ваколатли органларнинг ер участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ажратиш олиш зонасига киритиш тўғрисидаги қарорлари;
- қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа маълумотлар.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги зарур ҳужжатлар ҳам илова этилган ариза келиб тушган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддатда тегишли ваколатли орган томонидан амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатига олингани тўғрисида рўйхатга олинган сана ва тартиб рақами кўрсатилган ҳолда гувоҳнома берилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкаси кимга тегишли эканлиги тўғрисида низо борлигидан далолат берувчи ҳужжатлар мавжудлиги;
- давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжудлиги.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

36-модда. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши.

Бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда;
- ер участкаси берилган муддат тугаганда;
- юридик шахс тугатилганда;
- хизматда фойдаланиш учун чек ер бериб қўйишга асос бўлган меҳнатга оид муносабатлар бекор бўлганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса;
- ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида;
- ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда;
- ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда;
- қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда;
- қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун бериб қўйилган ер участкасидан уч йил мобайнида фойдаланилмаганида;
- мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер ким ошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи гаровда бўлган тақдирда эса, — гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида. Фойдаланилмаётган ер участкалари аввалги эгаларидан улар тўлаган ҳақ қиймати қопланган ҳолда олиб қўйилади;

- ер участкаси ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда олиб қўйилганида.

Қонун ҳужжатларида ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқи, ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ва ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини бекор қилишнинг бошқа ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи белгиланган тартибда қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга сотилганда;
- давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда қайта сотиб олинганда;
- қонунда белгиланган ҳолларда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа иморатлар ёки иморатларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан бирга мусодара этилганда;
- ижро ҳужжатлари бўйича ундирув ер участкасига қаратилганда.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-11-бандларида кўрсатилган ҳолларда ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига мувофиқ ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларга асосан тегишинча туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш

ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда мазкур мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган юридик ва жисмоний шахслар ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилишлари мумкин. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган ҳолларда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини тугатиш ижара шартномасини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 6-10, 12-бандларида назарда тутилган ҳолларда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини тугатиш ушбу Кодекснинг 24-моддасида назарда тутилган тартибда ер участкасининг ижара шартномасини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади.

Ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори ер участкасига бўлган ҳуқуқлардан воз кечишидан яққол далолат берувчи хатти-ҳаракатлар (чет элга жўнаб кетганлик, ер участкасидан белгиланганидан кўпроқ муддат давомида фойдаланмаслик) содир этган тақдирда, бу ер участкаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда эгасиз мол-мулк тариқасида ҳисобга олинади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқлардан воз кечиш мазкур ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори мажбуриятларининг, ер участкаси бошқа шахсга берилгунга қадар, бироқ воз кечилган пайтдан ёки эгасиз мол-мулк тариқасида давлат рўйхатида олинган кундан эътиборан узоғи билан бир йил мобайнида, бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

37-модда. Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, қайта сотиб олиш.

Ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ер участкаларини олиб қўйишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар лойиҳалаш бошлангунга қадар ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлашни инобатга олган ҳолда объект қуриладиган жойни, участканинг тахминий ўлчами ва уни ажратиш шартларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар, шунингдек тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокими ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан олдиндан келишиб олишлари шарт. Бундай тарзда, олдиндан келишиб олинмагунга қадар лойиҳа ишларини молиялашга йўл қўйилмайди.

Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳамда объект қуриладиган жойни олдиндан келишиб олиш, шунингдек ер ажратиб беришни расмийлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган ер участкасини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объекти ёки уй-жой биноси ва бошқа бино ёки бинонинг бир қисми билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш ушбу Кодекснинг 41-моддасида назарда тутилган кафолатлар таъминланган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади.

38-модда. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда ер участкасини олиб қўйиш.

Ушбу Кодекс 36-моддаси биринчи қисмининг 6-11-бандларида назарда тутилган

ҳолларда, шунингдек ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирганидан кейин ер участкасини берган органга ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Ер участкасини берган орган тақдимнома асосида бир ойлик муддатда ер участкасини олиб қўйиш ҳақида қарор чиқаради. Ер участкасини олиб қўйиш масаласини ҳал қилиш ваколат доирасига кирувчи орган, зарур ҳолларда, ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг сифатини кўшимча равишда текширишни тайинлашга ҳақли.

5-боб. Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

39-модда. Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқлари.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига мувофиқ мустақил хўжалик юритиш;

- қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари ҳамда дов-дарахтларга, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва уни реализация қилишдан олинган даромадга бўлган мулк ҳуқуқи;

- ер участкасидаги мавжуд кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш;

- ерларни суғориш ва уларнинг захини қочириш, агротехника ва бошқа мелиорация ишлари ўтказиш;

- қишлоқ хўжалик экинларини, дов-дарахтларни суғориш ҳамда бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимитларга мувофиқ сув олиш;

- белгиланган тартибда уй-жой бинолари, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни барпо этиш, ер участкаларидан фойдаланиш мақсади ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ уларни қайта қуриш ва бузиб ташлаш. Ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бу ишларни ер эгалари билан келишиб амалга оширишга ҳақли;

- ер участкаси олиб қўйилган тақдирда унга етказилган зарарнинг (шу жумладан бой берилган фойданинг) қопланишини ёки ер участкасидан ихтиёрий равишда воз кечилганида сарфланган харажатларнинг тўланишини талаб қилиш;

- ер участкасини ёки унинг бир қисmini қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча фойдаланишга ва ички хўжалик ижарасига бериш.

Ер эгаси бўлган фуқаро ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан ким ошди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқни деҳқон хўжалиги юритиш, яқка тартибда уй-жой қуриш мақсадида кредитлар олиш учун гаровга қўйиши мумкин. Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

40-модда. Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг мажбуриятлари.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори қуйидагиларни бажариши шарт:

- ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;

- ишлаб турган ирригация ва мелиорация тармоқлари, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаб туриш;

- ерларни муҳофаза қилишга оид, ушбу Кодекснинг 79-моддасида назарда тутилган туркум тадбирларни амалга ошириш;

- ер солиғини ёки ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш;

- бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқларини бузмаслик;

- фойдали қазилма конларини ишлатиш, қурилиш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун берилган қишлоқ хўжалик ерлари ва ўрмонзорларни уларга эҳтиёж қолмаганидан кейин ўз ҳисобидан қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ёки балиқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли ҳолатга, мазкур ишлар бошқа ерларда амалга оширилган ҳолларда эса, белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш;

- фойдали қазилма конларини ишлатиш чоғида, шунингдек бошқа ишларни амалга ошириш пайтида ўзларига эгалик қилишга ва фойдаланишга ҳамда мулк этиб берилган (реализация қилинган) ер участкалари ҳудудидан ташқаридаги қишлоқ хўжалик экинзорлари, ўрмонзорлар ва бошқа ерларга салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ёки уни мумкин қадар чеклаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;

- бошқа ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплаш.

- ер участкасига бўлган ҳуқуқлар мажбурий тартибда бекор қилинган тақдирда, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплаш;

- ерларни ўзбошимчалик билан эгаллашга ва (ёки) ўзбошимчалик билан қилинган қурилишга йўл қўймаслик, шунингдек ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасидаги қонунга ҳилоф қурилишни тўхтатиб туриш бўйича чоралар кўриш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

41-модда. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатлари.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари фаолиятига давлат, хўжалик органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг аралашуви тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчи, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши керак.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқларининг бузилиши натижасида етказилган зарар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланиши керак.

Жисмоний шахсларга берилган ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун мазкур шахсларнинг хоҳишига кўра туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарори билан аввалги ер участкаси билан айнан бир хил ер участкаси ажратилгач, шу ер участкаси олиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олиб қўйилаётган ер участкасининг ўрнига янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриб берганидан кейин ҳамда ушбу Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча зарарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкин.

Давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналарининг, қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот муассасаларининг, тажриба ва ўқув хўжаликларининг ерлари уларнинг хоҳишига кўра олиб қўйилаётган иморатлар ўрнига уй-жойлар, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатлар қуриб берилганидан кейин ҳамда ушбу Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча зарар (шу жумладан бой берилган

фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектини, шунингдек уй-жой бинолари ҳамда бошқа биноларни ёки биноларнинг бир қисмини улар жойлашган ер участкаси билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш, шунингдек уларни мусодара қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

42-модда. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқларининг чекланиши.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқлари давлат манфаатларини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, муҳандислик коммуникациялари қуриш ва улардан фойдаланиш манфаатларини, бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг манфаатларини, шунингдек фуқаролар хавфсизлигини кўзлаб фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда чекланиши мумкин.

6-боб. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар.

43-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг таркиби.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзор, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморат ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажралади.

Ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, ташландиқ ерлар, кўп йиллик дарахтлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради. Қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофаза қилиниши лозим.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қишлоқ хўжалигидан ўзга эҳтиёжлар учун бошқа тоифадаги ерларга ўтказишга алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини ирригация сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тизимига асосланган сунъий суғориш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси ва ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг унумдорлигини ошириш шартидир.

44-модда. Суғориладиган ерлар.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради.

Сув хўжалиги органлари суғориладиган ери бўлган ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни суғориш ишлари учун манбаларнинг серсувлигини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган лимитлар бўйича сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган тартибда сув билан таъминлашлари шарт.

Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим. Бундай ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитлар, ерларнинг сув билан таъминланганлиги, улардаги мавжуд сув ресурслари ҳамда бу сувларга белгиланган лимитлар инobatга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ҳулосасига мувофиқ вилоят ҳокими қарорига биноан амалга оширилади.

45-модда. Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар.

Кадастр баҳоланишига кўра ўртача туман бонитет баллидан 20 фоиздан кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига киради.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим ва уларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун беришга алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади.

46-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қуйидагиларга берилади:

- қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига — товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун;

- тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига — илмий-тадқиқот ва таълим мақсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиш ва илғор тажрибани тарғиб қилиш учун;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига-фермер хўжаликларини юритиш учун;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — деҳқон хўжаликларини, якка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги учун;

- қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга — ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалигини юритиш, шунингдек ўзга мақсадлар учун берилиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги ерлари ўзга мақсадларда, қоида тариқасида, кейинчалик қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш шарти билан вақтинча фойдаланишга берилади.

48-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш соҳасида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг мажбуриятлари.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчи ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар:

- бизнес-режаларда тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлардан оқилона фойдаланиш юзасидан аниқ тадбирларни назарда тутишлари;

- зона шароити ва хўжаликнинг ихтисослашувига мувофиқ илмий асосланган алмашлаб экишни, деҳқончиликнинг энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан оқилона тизимларини жорий этишлари;

- ҳайдаладиган ерлар асралиши ва кенгайтирилишини таъминлашлари;

- мелиоратив жиҳатдан нобоп суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилишлари, пичанзор ва яйловларга сув чиқаришлари ҳамда уларнинг ҳолатини яхшилашлари;

- хўжаликнинг бутун ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоғини ҳамда ундаги иншоотларни техникавий жиҳатдан соз ҳолатда сақлашлари;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини суғориладиган ерларнинг шўр босиши ва захланишига, ерларнинг ва сув манбаларининг ифлосланиши ва зарарланишига йўл қўймайдиган усуллар билан амалга оширишлари;

- қишлоқ хўжалик экинлари ва дов-дарахтларни парвариш қилишнинг сув тежаладиган технологияларини, суғоришнинг илғор усулларини жорий этишлари;

- ушбу Кодексга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига биноан ерларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўришлари шарт.

49-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ер участкалари бериш.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) – товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш мақсадида пай усулига асосланган қишлоқ хўжалиги корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооперативнинг (ширкатнинг) ишлаб чиқариш фаолиятида, асосан оила (жамоа) пудрати асосида шахсан иштирок этувчи мулкый пай эгалари бўлган аъзоларини бирлаштиради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда (акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар ҳамда хўжалик ширкатлари шаклида) ҳам тузилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш мақсадида ер участкалари ижарага ёки доимий эгалик қилиш учун берилади, мазкур ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланилган тақдирда эса улар ижарага ёки вақтинча фойдаланишга қўшимча ер участкалари олишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига берилган ерлар жамоат эгалигидаги ерлардан ва фуқароларга деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерлардан иборат бўлади ҳамда улардан фақат белгиланган мақсадда фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар туман ёки вилоят ҳокимининг қарори билан қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ижарага, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига эса доимий эгалик қилиш учун ёки ижарага берилади. Ер участкасининг ижара шартномаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) раиси, бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси, ташкилоти раҳбари билан туман ҳокими ўртасида тузилади. Ер участкаларини олган қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома белгиланган тартибда берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооператив(ширкат хўжалик) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхона ва муассасалари ҳамда ташкилотларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқи улар уюшмалар ва бошқа агросаноат бирлашмалари таркибига кирганида сақланиб қолади.

49¹-модда. Тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига ер участкаларини бериш.

Тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида илмий-тадқиқот ва таълим мақсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиш ва илғор тажрибани тарғиб қилиш учун берилади.

Тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотлари ер участкаларини ижарага ёки иккиламчи ижарага бериш ҳуқуқига эга эмас.

Тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига берилган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда иморатлар ва иншоотлар қуришга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра алоҳида ҳолларда йўл қўйилади.

51-модда. Ер участкаларини хўжалик ичида тақсимлаш. Оила (жамоа) пудрати.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларида ер участкалари, қоида тариқасида, оилаларга қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун камида беш йил муддатга фойдаланишга оила пудрати шартномаси шартлари асосида берилади.

Ер участкалари муайян турдаги қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш учун қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзоларининг ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ходимларининг гуруҳларига ҳам камида беш йил муддатга фойдаланишга жамоа пудрати шартномаси шартлари асосида берилиши мумкин.

Оила пудрати — қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ҳамда ташкилоти томонидан оилага вақтинча фойдаланишга оила пудрати шартномаси шартлари асосида берилган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришда оила аъзоларининг бевосита иштирок этишига асосланган ишлаб чиқариш ва меҳнатни хўжалик ичида ташкил этиш шаклидир.

Оила (жамоа) пудрати шартномаси ҳар йили қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа жамоа қишлоқ хўжалиги корхонаси бошқарув органлари орқали шу кооператив (ширкат), жамоа корхонаси билан ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг иш берувчиси (маъмурияти) билан оила бошлиғи (жамоанинг ваколат берилган вакили) ўртасида тузилади.

Оила (жамоа) пудрати шартномасида қуйидагилар назарда тутилади:

- ер участкасининг ўлчами, жойлашган ери ва ҳолати;
- ер участкасидан фойдаланиш шартлари, тарафларнинг алмашлаб экиш схемасига мувофиқ ернинг ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш борасидаги, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш борасидаги мажбуриятлари;
- етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг миқдори ва турлари, унинг сифати;
- етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг баҳоси, унга ҳақ тўлаш ва уни реализация қилиш шартлари;
- суғориш учун сув ва моддий-техника ресурслари билан пудратчини таъминлаш;
- тарафларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлиги ва уларнинг хоҳишига кўра бошқа шартлар.

Оила (жамоа) пудрати шартлари асосида бериладиган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, бунда ҳайдаладиган ерлар майдони ўлчамларининг камайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ер участкасининг ўлчамлари ва унинг чегаралари тарафларнинг келишувига кўра ўзгартирилиши мумкин.

Оила (жамоа) пудратида меҳнатга ҳақ тўлаш якуний натижаларга кўра — етиштирилган маҳсулотнинг шартномада назарда тутилган миқдори, сифати ва баҳосига кўра амалга оширилади. Шу билан бирга оила аъзолари (пудратчилар) — пай эгалари хўжаликнинг йил давомидаги фаолияти якуний натижаларига кўра аниқланадиган дивидендлар оладилар.

Оила (жамоа) пудрати шартлари асосида берилган ер участкаси учун пудратчидан ер ҳақи ундирилмайди. Бу участкалардан олинадиган ер солиғини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари белгиланган тартибда тўлайди.

Пудрат шартномаси шартлари асосида олинган ер участкасини ижарага ёки ёрдамчи пудратга бериш тақиқланади.

Ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган тақдирда пудратчи зарар ва бошқа харажатлар ушбу Кодекс 86-моддасига мувофиқ қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

52-модда. Хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларга ер бериш.

Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа жамоа қишлоқ хўжалиги корхонаси юқори бошқарув органининг, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари иш берувчисининг (маъмуриятининг) қарорига биноан, ушбу Кодекснинг 58-моддасида белгиланган тартиб ва шартларда берилади.

53-модда. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари бериш.

Фермер хўжалиги ўзига ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шугулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалигини юритиш учун:

- захирадаги ерлардан ер участкалари;
- юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари;

Илмий-тадқиқот муассасаларига, олий ўқув юртларига, академик лицейлар, касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига ўқув, тажриба, нав синаш мақсадлари учун берилган ерлар ҳамда сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилмайди.

Фермер хўжаликларига ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага очиқ танлов асосида берилади.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасининг ўлчами ер участкасини берадиган орган томонидан ҳар бир муайян ҳолатда маҳаллий шароитларни, шунингдек фермер хўжалигида ишловчилар сонини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқариш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда ер участкаларини қўшимча ижарага олиши мумкин.

Фермер хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Фермер хўжалигига берилган ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

Кредитлар олиш учун фермер хўжалиги ўз мол-мулкани, шунингдек ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйишга ҳақли. Фермер хўжалиги ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз фақат қонунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда гаровга қўйишга ҳақли.

54-модда. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг бўлинмалари негизида ташкил этиладиган кооперативларга (ширкатларга) ер участкалари бериш.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг (илмий-тадқиқот, ўқув, ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларидан ташқари) бўлинмалари негизида ташкил этиладиган ҳамда улар таркибидан чиқадиган кооперативларга (ширкатларга) хўжалик юритишнинг тенг шароитлари яратилиши зарурлигини эътиборга олган ҳолда ўзлари илгари фойдаланиб келган ерлардан вилоят ёки туман ҳокимининг қарорига биноан ер участкалари берилади. Бу участкалар мазкур корхоналар ва ташкилотларнинг ерлари таркибидан олиб қўйилиши лозим. Ер участкаларини бериш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

55-модда. Деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш.

Оилали ва қишлоқ жойларда камида уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларга, шунингдек туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) кенгашининг биргаликда берилган тавсиясига эга бўлган ёш фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва

суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва сахро минтақасида эса суғорилмайдиган яйловлардан 1 гектаргача ўлчамда берилади. Қишлоқ жойларда камида уч йил яшаб турганлик тўғрисидаги талаб янги суғориладиган ер массивлари учун қўлланилмайди. Бунда деҳқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкасининг ўлчами якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга илгари берилган ёки бериладиган ер участкасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз берилади. Мазкур қоида якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга илгари берилган ёки бериладиган ер участкаларига татбиқ этилмайди.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкаларининг аниқ ўлчамлари ер ресурсларининг мавжудлиги, аҳолининг зичлигига қараб белгиланади. Деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарор туман (шаҳар) ҳокими томонидан ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг ижобий ҳулосаси асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади.

Фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимошди савдоси асосида реализация қилиниши мумкин.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкасини олишга муҳтож бўлган фуқаролар яшаш жойидаги туман (шаҳар) ҳокимига оиласининг таркибини ва ер участкасининг мўлжалланган жойини кўрсатган ҳолда ариза беради.

Туман (шаҳар) ҳокими ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг ҳулосаси асосида деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш тўғрисида қарор қабул қилади ёки аризачига ер участкаси бериш бўйича асослантирилган рад жавобини юборади.

Қишлоқ жойларда яшовчи ва ўз мулкида чорва моллари бўлган фуқароларга пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун вақтинча фойдаланишга ер участкалари берилиши мумкин. Деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкаларини бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

56-модда. Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш.

Шаҳарлар ва посёлкаларда, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктларида яшовчи, деҳқон хўжалиги юритиш учун томорқа ер участкаларига эга бўлмаган фуқароларга корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг илтимосномасига биноан жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ёки жамоа полизчилиги учун вақтинча фойдаланишга ер участкаси туман ҳокими томонидан берилади.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини ташкил этиш учун фуқаролар боғдорчилик-узумчилик ёки полизчилик ширкатларига бирлашадилар.

Боғдорчилик ва узумчилик учун ер участкалари шаҳарларнинг кўкаламзор зонасидан ёки бошқа аҳоли пунктлари чегарасидан ташқарида аҳоли пунктлари ҳудудининг кенгайиш истиқболларини эътиборга олиб, сув ресурслари ҳамда уларга лимитлар ажратиш имконияти мавжуд бўлган тақдирда захира ерлардан ва ўрмон фондининг дарахтзорга айлантириш мўлжалланмаган ерларидан ажратиб берилади. Жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги учун яроқли захира ерлар ҳамда ўрмон фонди ерлари бўлмаган тақдирда, қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжалиги ерлари истисно тариқасида берилиши мумкин.

Жамоа полизчилиги учун вақтинча фойдаланишга ер участкалари сув ресурслари ҳамда уларга лимит ажратиш имконияти мавжуд бўлган тақдирда аҳоли пунктларининг ерларидан, яқин йиллар ичида бошқа мақсадларда фойдаланишга мўлжалланмаган захира ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан берилади. Жамоа полизчилиги учун ноқишлоқ

хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг вақтинча фойдаланилмаётган ерлари, бундай ерлар бўлмаган тақдирда эса — қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг унумдорлиги паст ерлари берилиши мумкин.

Жамоа полизчилиги учун берилган ер участкаларидан сабзавот, картошка ва полиз экинлари етиштиришда фойдаланилади. Улардан уй-жой бинолари ва бошқа капитал иншоотлар қуриш учун фойдаланиш тақиқланади. Бундай участкаларда умумий фойдаланишдаги муваққат иморатлар ва иншоотларни қуришга ер участкаларини берган туман ҳокими рухсат бериши мумкин.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги учун бериладиган ер участкалари кўчалар очиш, жамоат иморатлари ва иншоотлари қуриш зарурлиги ҳисобга олинган ҳолда боғдорчилик-узумчилик ширкатининг ҳар бир аъзосига 0,06 гектаргача ва полизчилик ширкатининг ҳар бир аъзосига 0,08 гектаргача ўлчамда белгиланади.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги учун ер бериш ҳамда ундан фойдаланиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

57-модда. Ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ер бериш.

Ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек ошхоналар, болалар муассасалари, мактаблар, касалхоналар, кексалар ва ногиронлар уйлари, санаторийлар, дам олиш уйлари ва шу кабиларни таъминлаш мақсадида вилоят ҳокими фойдаланилмаётган ёки самарасиз фойдаланилаётган ерларни, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бошқа ерларни ҳам доимий эгалик қилишга бериши мумкин.

58-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларга бериш тартиби ва шартлари.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ерлари олиб қўйилаётган ер эгаларининг розилигига кўра ва ердан фойдаланувчилар билан келишувга мувофиқ ер участкаларини ажратиш лойиҳаларига асосан туман ёки вилоят ҳокимининг қарори билан берилади.

Янги ташкил этилаётган, қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари улар туман ёки вилоят ҳокимининг қарори асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган, қайта ташкил этилган ёки тугатилган пайтдан эътиборан вужудга келади ёки тугатилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш хўжалик фаолияти учун қулай чегараларда амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фойдаланишидаги ер участкаларининг тарқов, ўзга ерларга сукулиб кирган бўлишига ва бошқа камчиликларга эга бўлишига, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фойдаланишидаги ерларнинг тарқов, ўзга ерларга сукулиб кирган бўлишини ва бошқа камчиликларни бартараф этиш хўжаликлараро ер тузиш тартибида амалга оширилади.

7-боб. Аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари.

59-модда. Шаҳарлар ва посёлкалар ерларининг таркиби.

Шаҳарлар ва посёлкаларнинг маъмурий чегараларидаги барча ерлар шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерлари жумласига киради. Бу ерлар таркибига қуйидагилар киради:

- шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари;
- умумий фойдаланишдаги ерлар;
- қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ва бошқа ерлар;
- дарахтзорлар эгаллаган ерлар;
- саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари;
- сув фонди ерлари;
- захира ерлар.

60-модда. Аҳоли пунктларининг чегараси. Шаҳар атрофи зоналари.

Аҳоли пунктларининг чегараси — шаҳар, посёлка, қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ташқи чегаралари бўлиб, улар ана шу ерларни бошқа ерлардан ажратиб туради.

Аҳоли пунктларининг чегарасини белгилаш тасдиқланган шаҳарсозлик ва ер тузиш ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Аҳоли пунктларининг чегараси юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларининг чегаралари бўйича белгиланиши лозим.

Шаҳар атрофи зоналари шаҳар билан ягона ижтимоий, табиий ва хўжалик ҳудудини ташкил этувчи шаҳар чегарасидан ташқаридаги ерларни ўз ичига олади. Шаҳар атрофи зоналарида шаҳар атрофидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳудуди, аҳоли дам олиш зоналари, шаҳарни ривожлантириш учун захира ерлар ажратилади.

Шаҳар атрофи зоналарининг чегаралари ва ҳуқуқий режими қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

61-модда. Шаҳарлар ва посёлкаларда ер участкаларини бериш, олиб қўйиш ва қайта сотиб олиш тартиби.

Шаҳарлар ва посёлкаларда ер участкалари туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига асосан берилади, бу қарорларда режалаштириш ва қурилиш олиб боришнинг тасдиқланган лойиҳаларига мувофиқ ерларни эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага бериш шартлари белгиланади.

Юридик шахслар ўзларига бириктириб қўйилган ерлардан туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ бошқа юридик шахсларга, фуқароларга ер участкаларини вақтинча фойдаланишга беришлари мумкин.

Шаҳарларда ва посёлкаларда ер участкаларини олиб қўйиш, қайта сотиб олиш ушбу Кодекснинг 37-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Шаҳарларда, посёлкаларда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари ва бошқа ерларини олиб қўйиш ушбу Кодекснинг 37-моддасида белгиланган тартибда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимининг қарорлари билан тасдиқланади.

Фуқаролар эгалигидаги, кўп йиллик дов-дарахтлар эгаллаган ер участкаларини олиб қўйиш ёки фуқароларга мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган уй-жойларни бузиш билан боғлиқ ҳолда ер участкаларини олиб қўйиш ушбу Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

62-модда. Шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари.

Шаҳар ва посёлка қурилиши ерларига уй-жой, коммунал-маиший, маданий-маърифий, саноат, савдо, маъмурий ва бошқа бинолар ҳамда иншоотлар қурилган ёки шундай бино ва иншоотлар қуриш учун берилган ҳамма ерлар киради.

Шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга уй-жой, маданий-маиший, саноат объектлари қуриш ва капитал қурилишнинг бошқа турлари учун фойдаланишга, фуқароларга эса, яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилади.

Шаҳар ва посёлканинг қурилиш учун ажратилган, лекин вақтинча шу мақсадда фойдаланилмаётган ерлари енгил турдаги объектлар(савдо чодирлари, дўкончалар, реклама иншоотлари ва шу кабилар) қуриш ва ўзга эҳтиёжлар учун вақтинча фойдаланишга

шаҳар ёки туман ҳокими қарори билан берилиши мумкин.

Ер участкасининг ёхуд ундаги иморатнинг у ёки бу қисми коммунал хизматдан (ёритиш, канализация, трубопровод, суғориш қурилмалари ва шу кабилар), ер участкаларининг эгалари ёки ундан фойдаланувчилар эса, мустақил равишда ўзича ёки транспортда кириб-чиқиш имконидан маҳрум бўлиб қоладиган бўлса, ер участкасининг бўлинишига йўл қўйилмайди.

Агар ер участкасига хўжалик бинолари (гараж, отхона, оғилхона, омборхона, ертўла ва шу кабилар) қуриш ушбу участкада жойлашган юридик шахслар ёки уй-жойларда яшовчи жисмоний шахсларнинг манфаатларига зарар келтирса, бундай қурилиш-ни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Табиий офат ёки бошқа сабаблар билан иморат бузилган тақдирда бузилган иморатнинг мулкдори иморат бузилган кундан бошлаб икки йилдан кечиктирмасдан иморатни тиклашга ёки ана шу участкада янги иморат қуришга киришса, бузилган иморат мулкдорининг ер участкасига эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳукуқи сақланиб қолади, шаҳарни ёки посёлкани режалаштириш ва уни қуриш лойиҳасида ана шу ер участкасидан бошқача тарзда фойдаланиш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда бузилган иморатнинг мулкдорига ушбу шаҳар, посёлка чегараси доирасида бошқа ер участкаси ёки бошқа обод уй-жой берилади.

63-модда. Кўп квартирали уйлар атрофидаги ер участкалари.

Кўп квартирали уйлар атрофидаги ер участкалари мазкур уйлар бошқарувини амалга оширувчи ташкилотларга доимий фойдаланиш учун берилади.

Кўп квартирали уйлар атрофидаги ер участкаларидан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

64-модда. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари.

Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерларига қуйидагилар киради:

- майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суғориш тармоғи, соҳил бўйи ерлари ва шу каби ерлар;

- аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерлар (дарахтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, шунингдек ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар);

- коммунал-маиший аҳамиятга молик ерлар (қабристонлар, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва улардан фойдаланиш жойлари ва бошқа шу каби жойлар).

Умумий фойдаланишдаги ерлар муайян юридик ва жисмоний шахсларга бириктириб қўйилмайди ҳамда бевосита шаҳар, туман давлат ҳокимияти органларининг ихтиёрида бўлади.

Аҳоли пунктларидаги сув ҳавзаларининг соҳил бўйи ерлари ва қирғоқ минтақасидан биринчи навбатда дам олиш ва спорт мақсадларида фойдаланилади.

Умумий фойдаланишдаги ерларда бу ер қайси мақсадга хизмат қилса, фақат шунга мос келадиган иморат ва иншоотлар қуришга рухсат берилади.

Йўллар ва ариқ тармоқлари эгаллаган ерлардан ташқари умумий фойдаланишдаги ерлардан туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига биноан юридик шахслар ва фуқароларга енгил иморат ва иншоотлар (савдо чодирлари, дўкончалар, реклама иншоотлари ва шу кабилар) қуришда вақтинча фойдаланишга ижара шартлари асосида ер участкалари берилиши мумкин.

65-модда. Шаҳарлар ва посёлкалардаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва бошқа ерлар.

Шаҳарлар ва посёлкалардаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва бошқа ерларга қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг эгалигидаги ҳайдаладиган ерлар, боғлар, узумзорлар, тутзорлар, мевазорлар, полизлар,

питомниклар, яйловлар, пичанзорлар, суғориш, зах қочириш ва йўл тармоғи, иморатлар, ҳовлилар, майдонлар эгаллаб турган ва бошқа ерлар киради.

Шаҳарлар ва посёлкаларнинг чегарасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва бошқа ерларга қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари уй-жойлар, маданий-маиший ҳамда ишлаб чиқариш иморатлари куришни шаҳар ёки туман ҳокими билан келишилган ҳолда амалга оширадилар.

66-модда. Шаҳарлардаги дарахтзорлар эгаллаган ерлар.

Шаҳарлардаги дарахтзорлар эгаллаган ерлар аҳолининг дам олишини ташкил этишга, шаҳардаги микроклимни, атмосфера ҳавосининг ҳолатини ва санитария-гигиена шароитларини яхшилашга, аҳолининг маданий-эстетик эҳтиёжларини қондиришга, шаҳар ҳудудини сув ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилишга мўлжалланади. Улар таркибидаги, дарахтзорлар эгалламаган ер участкаларидан спорт майдончалари ташкил этиш ва бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланилади.

67-модда. Шаҳарлар ва посёлкалардаги саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ҳамда бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар.

Шаҳарлар ва посёлкалардаги саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ҳамда бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларга тегишли вазифаларни бажариш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ва фуқароларга берилган ерлар киради.

Фойдаланиш учун бериладиган ер участкасида жойлаштирилиши лозим бўлган иморат ва иншоотлар рўйхати ер участкаси ажратиш учун талабнома бериш чоғидаги бошланғич маълумотларда белгиланади. Фойдаланиш даврида қўшимча иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш шаҳар ёки туман ҳокими ана шу ишлар хусусида қўшимча қарор қабул қилганидан кейин амалга оширилади.

68-модда. Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерларига ер тузиш тартибида ана шу пунктлар учун белгилаб қўйилган чегаралар доирасидаги ҳамма ерлар киради.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари жумласига қуйидагилар киради:

- қишлоқ аҳоли пунктларининг қишлоқлар ва овуллар ҳудудидаги ерлари;
- қишлоқ аҳоли пунктларининг қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳудудидаги ерлари.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг чегараси туманларнинг давлат ҳокимияти органлари томонидан уларни режалаштириш, куриш ҳамда ички хўжалик ер тузиш лойиҳаларига мувофиқ белгиланади ва ўзгартирилади. Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерларидан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳудудидаги ерлари шаҳар чегарасига киритилган тақдирда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар таркибидан чиқарилади ва шаҳарнинг тегишли ерлари таркибига киритилади. Бунда айрим бинолар ва иншоотлар, уларни ободонлаштириш учун зарур бўлган ер участкалари билан бирга, қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг хоҳишига кўра ўзларида доимий фойдаланиш учун қолдирилиши мумкин, қолган бинолар ва иншоотларнинг қиймати ҳамда шу аҳоли пунктлари ҳудудида қилинган бошқа харажатлар эса ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга маҳаллий бюджетдан тўланади.

8-боб. Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар.

69-модда. Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларнинг таркиби.

Саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига саноат корхоналарига, шу

жумладан кон саноати, энергетика корхоналарига ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар қуриш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.

Транспорт мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига темир йўл, ички сув транспорти, автомобиль, ҳаво ва трубопровод транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига транспорт иншоотлари, қурилмалари ва бошқа объектларидан фойдаланиш, сақлаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш соҳасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.

Алоқа мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига алоқа линияларини ҳамда уларга тегишли иншоотларни жойлаштириш учун алоқа, радиоэшиттириш, телевидение ва ахборот корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.

Транспорт мақсадларига мўлжалланган ерларга, кабель, радиореле ва алоқа ҳаво линиялари ва электр узатиш линиялари ўтган ерларга туташ ерларда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган тартибда муҳофаза зоналари ўрнатилади.

Қуролли Кучлар, чегара, ички ишлар ва темир йўл қўшинларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг жойлашуви ҳамда доимий фаолияти учун берилган ерлар мудофаа эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерлар деб эътироф этилади.

Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар жумласига корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фойдаланиб келаётган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, аҳоли пунктларининг ерлари, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, шунингдек ўрмон ва сув фондлари ерлари таркибига кирмаган қолган барча ерлар киради.

Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

70-модда. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ер бериш.

Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга фойдаланиш учун ер бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Саноат, транспорт, алоқа ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўзлари фойдаланмаётган ерларни туман ва шаҳар ҳокимларининг қарорига биноан қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда юридик ва жисмоний шахсларга вақтинча фойдаланишга берадилар.

9-боб. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар.

71-модда. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар таркиби.

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган ерлардан иборат бўлади.

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар моддий маданий мерос объектлари жойлашган ерлардан иборат бўлади.

Ерларни табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар жумласига киритиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

72-модда. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар.

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига давлат кўриқхоналарининг, мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналарининг, табиат боғларининг, давлат табиат ёдгорликларининг, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудларнинг, муҳофаза этиладиган ландшафтларнинг, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудларнинг, давлат биосфера резерватларининг, миллий боғларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларга табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун берилган ерлари киради. Мазкур ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга салбий таъсирнинг олдини олиш мақсадида давлат кўриқхоналари, буюртма кўриқхоналар ва давлат табиат ёдгорликлари атрофида уларнинг режимига риоя этилишини таъминлашга зарарли таъсир этадиган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият чекланган ёки тақиқланган ҳолда муҳофаза зоналари ташкил этилади.

Миллий боғларнинг ерлари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига йўл қўйилмайди. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

73-модда. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар.

Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига касалликларнинг олдини олишни ва уларни даволашни ташкил этиш учун қулай табиий омилларга, шифобахш ҳамда соғломлаштириш хоссаларига эга бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли юридик шахсларга фойдаланишга берилган ерлар киради. Мазкур ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Аҳолининг даволаниши ва дам олиши учун зарур шароитларни, шунингдек табиий шифобахш ҳамда соғломлаштириш хоссалари муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерларда курорт табиий ҳудудларнинг режими белгиланади.

Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

74-модда. Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар.

Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига туризмни ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этиш учун яроқли географик ва иқлим шароитларига эга бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларга доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ерлар киради. Мазкур ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

75-модда. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар.

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар жумласига тегишли юридик шахсларга доимий фойдаланишга берилган моддий маданий мерос объектларининг ерлари киради. Бу ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Моддий маданий мерос объектининг ўзгартирилиши мумкин бўлмаган ўзига хос хусусиятларини ва унинг тарихий муҳитини сақлаб қолиш мақсадида унга туташ ҳудудда муҳофаза зоналари, иморатлар қуришни ва хўжалик фаолиятини тартибга солиш зоналари, муҳофаза этиладиган табиий ландшафт зоналар белгиланади.

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларни ажратиш ва улардан фойдаланиш, уларга туташ ҳудудларда муҳофаза зоналарини, иморатлар қуришни ва хўжалик фаолиятини тартибга солиш зоналарини, муҳофаза этиладиган табиий ландшафт зоналарни белгилаш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

10-боб. Ўрмон фонди, сув фонди ерлари ва захира ерлар.

76-модда. Ўрмон фонди ерлари.

Ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар ўрмон фонди ерлари деб эътироф этилади.

Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ўрмонзорлар барпо этиш, жарликларнинг кенгайишини тўхтатиш, шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида ихота ўрмонзорлар ва кўкаламзор зоналар яратиш учун белгиланган тартибда ўрмон фонди ерлари таркибига ўтказилиши мумкин.

Туман ҳокими ўрмон хўжалиги давлат органлари билан келишиб, ўрмон фонди ерларини қишлоқ хўжалиги юритиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига вақтинча фойдаланишга ижара шартлари асосида бериши мумкин. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш тартиби махсус қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

77-модда. Сув фонди ерлари.

Сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган, шунингдек сув ҳавзаларининг ва бошқа сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар сув фонди ерлари жумласига киради.

Дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг, шунингдек ичимлик ва рўзғор сув таъминоти, аҳолининг даволаш ҳамда маданий-соғломлаштириш эҳтиёжларига хизмат қиладиган манбалар қирғоғи бўйлаб қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқ бўйи минтақалари ажратилади.

Дарёлар, магистрал каналлар, коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг қирғоқ бўйи минтақалари табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари учун ер эгаларидан ва ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилиши мумкин.

Сув фонди ерларида сув объектларига салбий таъсир кўрсатадиган хўжалик фаолияти юритиш ва қурилиш ишлари олиб бориш тақиқланади.

Сув фонди ерларидан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

78-модда. Захира ерлар.

Ушбу Кодекс 8-моддасининг 1-7-бандларида кўрсатилган ер фонди тоифаларига киритилмаган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб берилмаган (реализация қилинмаган) барча ерлар захира ерлардир.

Захира ерлар туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлади ва ушбу Кодексга мувофиқ асосан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага беришга мўлжалланади.

11-боб. Ерларни муҳофаза қилиш.

79-модда. Ерларни муҳофаза қилишнинг мазмуни ва тартиби.

Ерларни муҳофаза қилиш улардан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини, ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик оборотидан ва табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар таркибидан ерларнинг асоссиз равишда олиб қўйилиши олдини олиш, уларни зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирлар тизимини қамраб олади.

Ерларни муҳофаза қилиш ерларга мураккаб табиий ҳосилалар (экотизимлар) тарикасида, уларнинг зона ва минтақа хусусиятларини эътиборга олган ҳолда атрофлича

ёндашиш асосида амалга оширилади.

Ерлардан оқилона фойдаланиш тизими табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш тарзида бўлиши ҳамда тупроқнинг сақланишини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, геология жинсларига ва атроф муҳитнинг бошқа таркибий қисмларига таъсир ўтказишни чеклашни назарда тутиши керак.

Ерларнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар:

- ҳудудни оқилона ташкил этадилар;
- тупроқ унумдорлигини, шунингдек ернинг бошқа хоссаларини тиклайдилар ва оширадилар;

- ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босишдан, захлашдан, қайта шўр босишдан, қакраб қолишдан, заранглашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишдан, хароб қиладиган бошқа жараёнлардан ҳимоя қиладилар;

- қишлоқ хўжалик ерларини бута ва майда дов-дарахтлар, ёввойи ўтлар босиб кетишидан ва ерларнинг маданий-техникавий ҳолатини ёмонлаштирувчи бошқа жараёнлардан ҳимоя қиладилар;

- ҳосилдан қолган қишлоқ хўжалик ерларидаги тупроқ унумдорлигини бошқа усуллар билан қайта тиклашнинг иложи бўлмаса, бу ерларни консервация қиладилар;

- бузилган ерларни қайтадан экинзорга айлантирадилар, уларнинг унумдорлигини ва бошқа фойдали хоссаларини оширадилар;

- ерларни бузиш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга ошириш чоғида тупроқнинг унумдор қатламини сидириб оладилар, ундан фойдаланадилар ва уни сақлаб қоладилар.

- ерларни ўзбошимчалик билан эгаллашга ва (ёки) ўзбошимчалик билан қилинган қурилишга йўл қўймаслик, шунингдек ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасидаги қонунга ҳилоф қурилишни тўхтатиб туриш бўйича чоралар кўради.

Давлат органлари ерларни муҳофаза қилиш юзасидан республика дастури ва ҳудудий дастурлар доирасида зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

Ҳосилдан қолган қишлоқ хўжалик ерларини консервация қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

80-модда. Объектлар, иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишга оид экологик талаблар.

Объектлар, иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишга оид экологик талаблар табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Янги ҳамда реконструкция қилинадиган объектларни, иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш, шунингдек ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган янги технологияларни жорий этиш чоғида ерларни муҳофаза қилиш тадбирлари назарда тутилади ва амалга оширилади.

Ерларнинг ҳолатига ишга туширилаётган объект ёки жорий этилаётган технологиянинг салбий таъсирини ҳамда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан назарда тутилган тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш экология экспертизаси асосида ўтказилади.

Ерларни ҳосилдан қолишдан ёки бузилишдан ҳимоя қилиш чоралари билан таъминланмаган ҳамда экология экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмаган объектларни фойдаланишга топшириш ва бундай технологияларни қўллаш тақиқланади.

Ерларнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа органлар билан келишиб олинади.

81-модда. Кимёвий ёки радиоактив моддалар билан ифлосланган ерлардан фойдаланиш.

Кимёвий ёки радиоактив моддалар билан ифлосланиш натижасида экология ва санитария-гигиенага оид белгиланган талабларга жавоб берадиган маҳсулот олиш таъминланмаётган ер участкалари қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқарилиши лозим ва консервация қилиш учун уларни захира ерлар жумласига ўтказиш мумкин. Бундай ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва реализация қилиш тақиқланади.

Кимёвий ёки радиоактив моддалар билан ифлосланган ерлардан фойдаланиш, муҳофаза зоналари белгилаш, бундай ерларда уй-жойларни, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий аҳамиятга молик объектларни сақлаш, уларда мелиорация ва агротехника ишларини ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

82-модда. Ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш.

Ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг тупроқ унумдорлиги сақланиши ва тикланишидан, ерларни ишлаб чиқариш фаолиятининг салбий оқибатларидан ҳимоя этилишидан манфаатдорлигини оширишга қаратилган бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади:

- янги ўзлаштирилаётган ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш жараёнида турган мавжуд суғориладиган ерларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер солиғи бўйича имтиёзлар бериш;

- ерларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш бўйича фаолиятни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларга кам чикит ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этишда солиққа, кредитга оид ва бошқа имтиёзлар бериш;

- ерларнинг сифатини яхшилашни, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этишни, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган ерларнинг унумдорлигини оширишни, экологик соф маҳсулот етиштиришни рағбатлантириш;

- ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг айби бўлмаган ҳолда бузилган ерларни қайта тиклаш учун, зарурат бўлган тақдирда, республика бюджетидан ёки маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратиш, агротехника, ўрмон мелиорацияси тадбирлари ва тупроқни ҳимоя қилиш юзасидан бошқа тадбирлар ўтказиш;

- ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг айби бўлмаган ҳолда бузилган ер участкаларини вақтинча консервация қилиш натижасида улардан келадиган даромаднинг камайишини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман қоплаш;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тадбирлар.

Ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

12-боб. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назорат.

83-модда. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари.

Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишларини таъминлашдан иборатдир.

84-модда. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари амалга оширадилар.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, илмий жамиятлар ва бошқа жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқаролар ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишда давлат органларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашадилар.

85-модда. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан текширувлар ўтказиш, мазкур масалалар бўйича барча зарур ҳужжатларни ва материалларни олиш, тупроқнинг кадастр маълумотларига мослигини аниқлаш мақсадида тупроқни текшириш;

- ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар (ёзма буйруқлар) бериш;

- айбдор мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича даъволар тақдим этиш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун тегишли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдимномалар юбориш;

- ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ер участкаларини олиб қўйиш, шу жумладан ерларни ижарага бериш шартномаларини муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги, шунингдек ерлардан фойдаланишни чеклаш ва тўхтатиб қўйишга доир материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдим этиш;

- ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича юридик ва жисмоний шахслардан зарур ахборотлар олиш, мазкур масалалар юзасидан давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари ва ахборотларини эшитиш;

- ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб бориш ишларида қатнашиш учун мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар:

- ер участкаларидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан ерларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини белгиланган тартибда текширишлари;

- йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўришлари;

- ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирлар юзасидан ўз ваколатлари доирасида кўрсатмалар беришлари шарт.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти бир йилда кўпи билан бир марта текширилиши мумкин. Агар орган ерлардан оқилона фойдаланмаслик ва уларни муҳофаза қилмаслик сабабларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган бўлса, у белгиланган муддатда мазкур тадбирларни текширишга ҳақлидир.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахслар ўз фаолиятларининг тўғри ташкил этилиши ва амалга оширилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

13-боб. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарар ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш.

86-модда. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарар ўрнини қоплаш.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарнинг ўрни (шу жумладан бой берилган фойда) қуйидаги ҳолларда тўла ҳажмда қопланиши керак:

- ерлар олиб қўйилган, қайта сотиб олинган ёки вақтинча эгаллаб турилганда;
- сувни муҳофаза қилиш зоналари, қирғоқбўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари, ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари, курорт табиий ҳудудлар зоналари, давлат биосфера резерватлари зоналари, давлат кўрикхоналари, буюртма кўрикхоналар, давлат табиат ёдгорликлари, моддий маданий мерос объектлари, сув ташламалари, йўллар, трубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линиялари атрофида муҳофаза зоналари белгиланиши муносабати билан уларнинг ҳуқуқлари чекланганда;

- сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтлар учун зарарли моддалар чиқарадиган бошқа объектлар қуриш ва улардан фойдаланишнинг таъсири ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳосил камайишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ёмонлашувига олиб борадиган бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашган тақдирда.

Зарарнинг ўрни олиб қўйилаётган ер участкалари ажратиб бериладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан, шунингдек фаолияти ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқлари чекланишига ёки яқин атрофдаги ерларнинг сифати ёмонлашувига олиб борган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

87-модда. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерларини, шу жумладан жисмоний шахслар эгаллигидаги ва фойдаланишидаги қишлоқ хўжалиги ерларини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун олиб қўйиш, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ҳуқуқлари чекланиши ёки корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг таъсири оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашуви туфайли қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни ушбу Кодекснинг 86-моддасида назарда тутилган зарарлар ўрнини қоплашдан ташқари қопланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари қуйидагилар томонидан қопланади:

- қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олиб қўйилаётган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари ажратиб бериладиган юридик ва жисмоний шахслар;

- ерларини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари оборотидан чиқариб ёки у қадар қийматга эга бўлмаган ерлар қаторига ўтказган ҳолда объектлари атрофига муҳофаза, санитария ва ихота зоналари ўрнатиладиган юридик ва жисмоний шахслар.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни қуйидаги ҳолларда қопланмайди:

- ер участкалари якка тартибдаги ва кўп квартирали уйлар қуриш ҳамда уларни ободонлаштириш учун олиб қўйилганда;
- ер участкалари дафн этиш жойларини ташкил қилиш учун, давлат таълим ва даволаш муассасалари, интернатлар, болалар уйлари қуриш учун олиб қўйилганда;
- ер участкалари сув хўжалигига мелиоратив объектлар ва гидротехник иншоотлар қурилиши учун ажратилганда;
- ер участкалари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш учун берилганда;
- ер участкалари муҳофаа эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда;
- ер участкалари Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини жиҳозлаш эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда.

Қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида юридик ва жисмоний шахслар қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликларини қоплашдан озод қилинадиган ўзга ҳоллар ҳам белгиланиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг қопланиши лозим бўлган ўрни миқдори ва уни аниқлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**88-модда. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши
нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартибида тушадиган
маблағлардан фойдаланиш.**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартибида тушадиган маблағлардан қуйидаги мўлжалланган мақсадга кўра фойдаланилади:

- янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилиш;
- тупроқ ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик ерларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва қайта қуриш, суғориладиган ерларни капитал режалаштириш ҳамда уларнинг сув билан таъминланиш даражасини ошириш;
- пичанзорлар ва яйловларни тубдан яхшилаш;
- ер тузиш, ер кадастри, ер мониторинги ва тупроқ жиҳатидан изланишлар олиб бориш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ҳамда бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ёки тузатиш;
- автоматлаштирилган ер-ахборот тизимларини яратиш.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маблағлардан вилоят ҳокимининг қарорига биноан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга, қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга қаратилган бошқа тадбирларни амалга оширишда ҳам фойдаланилиши мумкин.

Ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартибида тушадиган маблағлар алоҳида ҳисобга олиб борилади ҳамда улардан ўрмонлар ва ўрмон мевали дарахтзорларни барпо этиш ва тиклаш, қумли ерлар, сув хавзалари ҳамда дарёларнинг қирғоқ бўйи минтақаларида дарахтзорлар барпо этиш, шунингдек ўрмон ерлари ҳолатини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

**14-боб. Ер хусусидаги низоларни ҳал этиш ҳамда ер тўғрисидаги
қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.**

89-модда. Ер хусусидаги низоларни ҳал этиш.

Юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ер хусусидаги низолар суд томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

90-модда. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан амалга оширилган ер участкалари олди-сотдиси, уларни ҳады қилиш, гаровга қўйиш (ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан ким ошди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқни, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш бундан мустасно), ер участкаларини ўзбошимчалик билан айирбошлаш ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Бундай битимларни амалга оширишда айбдор шахслар қонунга биноан жавобгар бўладилар.

Қуйидаги ҳолатларда ҳам айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар:

- ерлардан белгиланган мақсадда фойдаланмаганликда;
- ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганликда;
- қишлоқ хўжалиги ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга келтирганликда, уларни кимёвий ва радиоактив моддалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва оқова сувлар билан ифлослантирганликда;
- ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштирганликда, қурганликда, лойиҳалаштирганликда, фойдаланишга топширганликда;
- ерлардан фойдаланишнинг табиатни муҳофаза қилишга оид талабларини бажармаганликда;
- вақтинча эгаллаб турилган ерларни қайтариш муддатини бузганликда ёки ерларни белгиланган мақсадда фойдаланишга яроқли ҳолатга келтиришга оид мажбуриятларни бажармаганликда;
- ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачиларга ва мулкдорларга қаршли ер участкаларининг марза белгиларини йўқ қилганликда;
- давлат ер кадастри маълумотларини бузиб кўрсатганликда;
- ўзбошимчалик билан пичан ўрганликда ва чорва моллар боққанликда;
- ёввойи ўтлар ва зараркунандаларга қарши кураш чораларини кўрмаганликда;
- ерлардан хўжасизларча фойдаланганликда, ерларнинг ҳолатини яхшилаш ҳамда тупроқни сув ва шамол эрозиясидан ва тупроқ ҳолатининг ёмонлашувига олиб келадиган бошқа жараёнлардан сақлаш мажбуриятларини бажармаганликда;
- ер участкалари бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишнинг белгиланган муддатлари ва тартибини бузганликда.

91-модда. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларни қайтариш.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент ш., 30.04.1998 й., N 598-I

ЭСЛАТМА: Ушбу кодекснинг 1998 йили қабул қилинган биринчи матнига 1998, 2003, 2004, 2007, 2011, 2015, 2017, 2018 ва 2019 йиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан ўзгартиришлар киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сенати томонидан киритилган ўзгартиришлар тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни.

Ушбу Қонун табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

I. Умумий қоидалар.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлари.

Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонун билан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлари билан, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан ҳам тартибга солинади.

2-модда. Табиатни муҳофаза қилиш объектлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар.

Табиатни муҳофаза қилиш объектлари (ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси) ифлосланишдан, бузилишдан, зарарланишдан, ориқлаб кетишдан, вайрон бўлишдан, йўқ бўлиб кетишдан, нооқилона фойдаланишдан муҳофаза этилиши лозим.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар жумласига давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, давлат биосфера резерватлари, миллий боғлар, давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар киради.

3-модда. Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад.

Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад:

- инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш;
- экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;
- экология хавфсизлигини таъминлаш;
- табиат объектлари билан боғлиқ моддий маданий мерос объектларини асраб қолишдир.

4-модда. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш.

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун давлат ҳокимияти

махаллий идоралари, вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермерлик ва кооператив хўжаликлар, шунингдек айрим шахслар хўжалик, бошқарув ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш жараёнида қуйидаги қоидаларга амал қилишлари керак:

- инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жихатдан хавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш;
 - фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги;
 - жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;
 - табиатдан махсус фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ва умумий асосларда фойдаланганлик учун ҳақ тўламаслик;
 - экология экспертизаси ўтказишнинг мажбурийлиги;
 - табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш;
- табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий муҳит ва инсон сиҳат-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик;
- табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошкоралик;
 - табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, регионал ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш;
 - табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиш.

5-модда. Табиий ресурсларга нисбатан мулкчилик.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Табиий ресурсларни бериш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

6-модда. Табиатдан умумий тарзда ва махсус йўсинда фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикасида табиатдан умумий тарзда ва махсус йўсинда фойдаланилади.

Табиатдан умумий тарзда фойдаланиш фуқаролар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун текинга табиий ресурсларни айрим фойдаланувчиларга бириктирмай ва ҳеч қандай рухсатномалар бермай туриб амалга оширилади.

Табиатдан махсус йўсинда фойдаланиш тариқасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга ишлаб чиқариш ва ўзга хил фаолиятни амалга ошириш учун табиий ресурслар ҳақ олиб махсус рухсатномалар асосида эгалик қилишга, фойдаланиш ёки ижарага берилади.

II. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг табиатни муҳофаза этишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг табиатни муҳофаза қилишга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига қуйидагилар кирadi:

- табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;
- давлат экология дастурларини тасдиқлаш;
- табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- ҳудудларни фавқулодда экологик вазият, экологик офат ва экологик ҳалокат зоналари деб эълон қилиш, бундай зоналарнинг ҳукукий режимини ва жабрланганларнинг мақомини белгилаш;
- табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни мувофиқлаштириб бориш;
- табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ҳақнинг чегара миқдорларини белгилаш, шунингдек тўловларни ундириш бўйича имтиёзлар белгилаш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш».

8-модда. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат Бошқаруви.

Ўзбекистон Республикасида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасидаги давлат бошқаруви қонунлар ва бошқа норматив-ҳукукий ҳужжатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида:

- табиатни муҳофаза қилишга доир ягона сиёсат юритиш;
- табиат ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш;
- табиий ресурсларга нисбатан табиат кадастри юритилиши тартибини белгилаш ва бундай кадастр юритилишини таъминлаш, республика аҳамиятига молик табиий ресурсларнинг захираларини тасдиқлаш;
- экология жиҳатидан танг вазиятлар, табиий офатлар ва фалокатларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- табиий офатлар ва йирик аварияларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- табиий ресурслардан фойдаланганлик, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик, чиқиндилар, зарарли таъсир этувчи бошқа нарсалар жойлаштириб ташлаганлик учун ҳақ тўлаш тартибини, шунингдек табиий ресурслардан фойдаланиш, чиқиндилар жойлаштириш лимитларини белгилаш;
- экология маорифи ва тарбияси тизимини яратиш ҳамда унинг амал қилишини таъминлаш;
- табиатдан алоҳида тартибда фойдаланиладиган ҳудудларнинг чегараларини, табиатни муҳофаза қилиш ва ҳўжалик фаолияти режимларини тасдиқлаш;
- табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида давлатлараро муносабатларни ривожлантириш;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколат доирасига киради.

10-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида:

- ўз ҳудудида табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш, минтақанинг (ҳудуднинг) экология дастурини тасдиқлаш;

- табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва уларнинг аҳволига баҳо бериш, экология жиҳатидан зарарли бўлган объектларни рўйхатга олиш;

- табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни моддий-техника жиҳатидан таъминлаш;

- табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларни белгиланган тартибда бериш;

- табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ундириш;

- табиатнинг муҳофаза қилиниши устидан назорат ўрнатиш, атроф муҳитга зарар етказётган маҳаллий аҳамиятга молик объектлар фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ва қайта ихтисослаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган бошқа масалаларни тартибга солиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг ваколатига киради.

Атроф муҳитга зарар етказётган тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган маҳаллий аҳамиятга молик объектларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш (фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно) ёки тугатиш ва қайта ихтисослаштириш суд тартибида амалга оширилади.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

- экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқарувини;

- чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини;

- ер, ер ости бойликларини, сув, ўрмон, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини;

- экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ишларни мувофиқлаштиришни, табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш бўйича ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқаришда идоралараро ҳамкорликни таъминлашни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари мулк шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда фуқаролар томонидан ижро этилиши учун мажбурийдир.

III. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

12-модда. Инсоннинг яшаш учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ва бу муҳитни сақлаб қолиш борасидаги бурчи

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломат-

лиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, табиат бойликларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиши, экология талабларига риоя этиши шарт.

13-модда. Табиатни муҳофаза қилиш жамоат бирлашмаларининг ваколатлари.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмаларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ қабул қилинган уставларида белгилаб қўйилади.

IV. Табиий атроф-муҳит сифатини нормативлар билан тартибга солиш.

14-модда. Атроф табиий муҳит сифатининг нормативлари ва стандартлари.

Хўжалик фаолиятининг атроф табиий муҳитга зарарли таъсири атроф табиий муҳит сифатининг аҳолининг экология жиҳатидан хавфсизлигини, табиий ресурсларни тиклаш ва муҳофаза қилишни кафолатловчи нормативлари ва стандартлари билан чеклаб қўйилади.

Худудий-ишлаб чиқариш мажмуиларини таркиб топтиришда, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилишни ривожлантиришда ҳамда шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктларини қайта қуриш ва таъмирлашда атроф табиий муҳитга бўладиган таъсирнинг йўл қўйиш мумкин бўлган меъёрлари белгиланади.

15-модда. Экологик нормативларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар атроф муҳитга таъсирнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг юқори даражаларини тартибга солувчи экологик ва бошқа йўсиндаги мезонларни ишлаб чиқишлари шарт.

Экологик нормативлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қишлоқчиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан ўз ваколатларига мувофиқ тасдиқланади.

Кимёвий дори-дармонларни қишлоқ хўжалигида ишлатишга Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ рухсат этилади.

V. Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш.

16-модда. Табиий ресурслардан фойдаланиш шартлари.

Табиий ресурслардан фойдаланишга табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш, табиат мажмуалари яхлитлигини сақлаб қолиш, жонли табиат объектларининг яшаш ва ўсиш муҳити бузилишига йўл қўймаслик, бошқа табиий ресурслардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузмаслик шартли билан йўл қўйилади.

17-модда. Тупроқдан фойдаланиш шартлари

Тупроқ дейилганида ер қобиғининг тириклик учун фойдаланиладиган ва ўсимликлар билан бирга амал қиладиган юзадаги унумдор қатлами тушунилади.

Тупроқдан унинг унумдорлигини пасайтирмаган ҳолда табиий ва маданий ўсимликлардан ҳосил олиш учун фойдаланилади.

Тупроқнинг иншоот остида қоладиган гумусли қатлами бошқа жойларда ҳосилдорликни ошириш учун олиб кетилиши керак.

18-модда. Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан фойдаланиш шартлари.

Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан фойдаланишга қуйидаги шартлар асосида йўл қўйилади:

- қазиб олишда ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалар ҳамда уларга қўшилиб чиқадиган бошқа табиий ресурслардан комплекс ва тежамли фойдаланиш таъминланса, шунингдек атроф-муҳит ва ер қаъри ифлосланишининг олди олинса;

- фойдали қазилмаларни қазиб олиш чоғида ҳолати ўзгарган ерлар рекультивация қилинса;

- қайта тикланадиган фойдали қазилмалардан табиий қайта тикланишига эришиладиган даражадагина фойдаланилса;

- ер ости бойликларидан ва кенг тарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш соҳасида белгиланган қоидаларга риоя этилса;

- фойдали қазилма конларини ишга солиш лойиҳалари бўйича, шунингдек минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда кенгайтириш лойиҳалари юзасидан давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси мавжуд бўлса;

- ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия мавжуд бўлса ёки ер қаъри участкаларини фойдаланишга бериш назарда тутилган маҳсулот тақсимоли тўғрисидаги битим мавжуд бўлса;

- фойдали қазилмаларнинг юзасини олишда ҳосил бўладиган ва сиғдирадиган жинслар ағдармалари, сақлагичлар, терриконлар уларнинг атроф-муҳитга энг кам даражада зарарли таъсир кўрсатиши таъминланган ҳолда жойлаштирилса.

19-модда. Сувлар ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартлари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ер усти, ер ости ва денгиз сувларидан зарур миқдордаги сувнинг табиий айланишини сақлаш, унинг нормативда кўрсатилган даражада тозаллигини таъминлаш, сув ўсимликлари ва ҳайвонларини асраш, сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, уларда экология мувозанатини сақлаш ва сув ҳавзасига ландшафт элементи сифатида зиён етказмаслик шarti билан йўл қўйилади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари, ўрмон ва сув хўжалиги идоралари дарё ирмоқлари ҳосил бўладиган жойларда, сув ҳавзалари соҳили минтақаларида дарахтзорларни тиклашлари ва дов-дарахтни кўпайтиришлари ҳамда уларнинг сақланишини таъминлашлари шарт

20-модда. Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш шартлари.

Атмосфера ҳавоси дейилганида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди устидаги ҳаво бўшлиғи тушунилади. Ҳаводан фойдаланишга муайян ҳудуд ҳавосининг сифатини ўзгартирмаслик, уни белгиланган нормативлардан ортиқ даражада ифлослантирмаслик ёки сийраклаштирмаслик шarti билан йўл қўйилади.

Халқаро битимга мувофиқ вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусий шахслар озон қатламига зарарли таъсир этувчи кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ҳамда бундай моддалардан фойдаланишни қисқартиришлари ва келгусида батамом тўхтатишлари шарт.

21-модда. Жонли табиат объектларидан фойдаланиш шартлари.

Жонли табиат дейилганида табиий ўсимликлар, шу жумладан ўрмон, табиатда эркин яшайдиган ҳайвонлар ва бошқа жонли организмлар тушунилади.

Жонли табиат объектларидан:

- уларнинг қайта тикланиш қобилиятини сақлаш;
- уларнинг хилма-хил турини ва тўдаларининг барқарорлигини сақлаш;
- атроф табиий муҳитнинг биологик жихатдан ифлосланишига йўл қўймаслик шарти билан фойдаланилади.

22-модда. Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш шартлари.

Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб борилади.

Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг атроф муҳитга хавфсизлиги учун чиқиндиларнинг мулкдорлари жавоб берадилар. Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларини тегишли ҳудудга жойлаштириш масалаларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳал қилади.

23-модда. Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳукукидан маҳрум этиш.

Табиий ресурслардан фойдаланиш талабларини муттасил бузадиган фойдаланувчи табиий ресурслардан фойдаланиш ҳукукидан маҳрум этилиши мумкин.

VI. Экология экспертизаси.

24-модда. Давлат экология экспертизаси.

Давлат экология экспертизаси хўжалик қарори қабул қилинишидан олдин ўтказилиши шарт бўлган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тадбиридир.

Давлат экология экспертизаси Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ўтказилади.

25-модда. Давлат экология экспертизасининг объектлари.

Давлат экология экспертизаси объектлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Давлат экология экспертизасининг ижобий хулосасисиз лойиҳаларни рўёбга чиқариш ман этилади.

27-модда. Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси.

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси жамоат бирлашмаларининг ташаббусига кўра уларнинг маблағлари ҳисобидан ёки жамоатчилик асосида мутахассисларнинг мустақил гуруҳлари томонидан амалга оширилади.

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизасининг хулосалари тавсия тамойилига эга бўлади.

VII. Экологик назорат.

28-модда. Атроф-муҳит мониторинги.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларини кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва уларнинг истикболини белгилаш-ни таъминлаш мақсадида атроф-муҳитнинг давлат мониторинги тизими ташкил этилади.

Атроф табиий муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш устидан кузатув махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек фаолияти атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ёки ёмонлаштириши мумкин бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади.

Махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек айтиб ўтилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўз кузатувларига доир материалларни тегишли давлат идораларига бепул беришлари шарт.

Атроф-муҳитнинг мониторингини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республи-

ликаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

29-модда. Экологик назоратнинг асосий вазифалари.

Экологик назоратнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш;

- атроф муҳит ҳолатини кузатиб бориш, атроф муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

- мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;

- атроф муҳитдаги ўзгаришлар, унинг прогноз қилинаётган ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланилиши ва қўрилаётган тегишли чора-тадбирлар тўғрисида давлат ташкилотларини ва бошқа ташкилотларни ҳамда фуқароларни хабардор қилиш;

- табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлаш.

30-модда. Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати.

Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати табиий муҳитда содир бўлаётган физик, кимёвий, биологик жараёнларни, атмосфера ҳавоси, тупроқ, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш даражасини, ифлосланишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири оқибатларини кузатиб бориш, манфаатдор ташкилотлар ва аҳолини атроф табиий муҳитда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида жорий ва шошилинч ахборотлар ҳамда бу муҳит ҳолатига доир тахминлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги ахборот очиқ-ошкора йўсинда бўлиб, унинг асосий кўрсаткичлари давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан эълон қилиш учун мунтазам бериб борилади.

Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари фалокатлар ва бошқа ҳодисалар натижасида атроф табиий муҳит нормативда белгиланганидан ҳам ортиқроқ даражада ифлосланган тақдирда бундай фалокат ва ҳодисалар тўғрисида жамоатчиликни дарҳол хабардор этишлари шарт.

Табиий ресурсларнинг миқдор, сифат ва бошқа хил кўрсаткичларини, улардан фойдаланишнинг ҳажми, тартиб тамойилини ҳисобга олиб бориш учун давлат табиий ресурслар кадастрлари юритилади.

Атроф табиий муҳит ҳолатига зарарли таъсир қиладиган ёки номақбул тарзда таъсир этиши мумкин бўлган объектлар, атроф табиий муҳитга тушадиган зарарли моддаларнинг турлари ва миқдори, чиқиндиларнинг ҳажмлари ва таркиби ҳам назорат этиб борилади ва давлат ҳисобига олинади.

Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини назорат этиш хизматининг таркиби, уни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши тартиби, давлат табиий ресурслар кадастрларини, атроф муҳитга зарарли таъсир этувчи объектларнинг давлат ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилади.

31-модда. Экологик назорат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

Экологик назоратни амалга ошириш, экологик назорат субъектларининг ваколат-

ларини рўёбга чиқариши муносабати билан юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

VIII. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ.

33-модда. Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий тартиботи.

Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий тартиботи:

- табиий ресурслардан махсус фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик (шу жумладан чиқиндиларни жойлаштирганлик) ва атроф табиий муҳитга бошқача тарзда зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўлов ундиришни;
- камчиқитли ва ресурсларни тежайдиган технологиялар жорий этилганида, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни қайта тиклашда самара берувчи фаолият амалга оширилганида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек айрим шахсларга солиқ, кредит имтиёзлари ва ўзга имтиёзлар беришни;
- экология нуқтаи назаридан хавфли технологияларни қўлланганлик ва ўзга фаолиятни амалга оширганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан махсус солиқлар жорий этишни;
- атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, оқизиш ёхуд экология нуқтаи назаридан ўзга зарарли фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар (рухсатномалар) олишни;
- табиий муҳитнинг қулай ҳолатини бузган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар зиммасига уни тиклаш вазифасини юклашни;
- табиат объектларини бузиш ёки йўқ қилиб юбориш оқибатида етказилган зарар учун белгиланган тартибда тоvon пули ундиришни;
- табиатни муҳофаза қилиш борасидаги режалар ва чора-тадбирлар бажарилмаган, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларнинг норматив-техник ва бошқа талаблари бузилган ҳолларда мансабдор шахслар ёки бошқа ходимларни асосий ишлаб чиқариш фаолиятида эришилган натижалар бўйича бериладиган пул мукофотлари ёки бошқа мукофотлардан тўлиқ ёки қисман маҳрум этишни;
- экологик соф маҳсулот чиқарганлик учун рағбатлантирувчи нархлар ва устама ҳақлар белгилашни;
- табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, меъёردа белгиланганидан ортиқча фойдаланганлик учун табиатдан фойдаланувчиларга нисбатан иқтисодий жазо чораларини ҳамда табиий ресурслардан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланганлик учун иқтисодий рағбатлантиришни қўлланишни;
- табиий муҳитни сақлаш соҳасида ва экологик соф маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳаммадан юқори кўрсаткичларга эришган давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг жамоаларини ва айрим ходимларини, шунингдек айрим шахсларни моддий рағбатлантиришни кўзда тутади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий рағбатлантиришнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий рағбатлантириш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси қонунларида, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида белгилаб қўйиладиган тартибда қўлланилади.

34-модда. Табиатдан махсус фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар.

Табиатдан махсус фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун

тўловлар табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлардан, шунингдек атроф муҳитни ифлослантирганлик (ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун компенсация тўловларидан, табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловлардан иборат бўлади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорлари, шу жумладан ижара тўловининг миқдори табиий ресурсларнинг қай даражада кенг тарқалганлиги, сифати, уларни қайта тиклаш имкониятлари, улардан фойдаланишнинг қай даражада қулайлиги, комплекслиги, самарадорлиги, уларнинг жойлашган ери, чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳамда бошқа жиҳатларни инобатга олган ҳолда, шунингдек тегишли лимитлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади ва тасдиқланади.

Атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларининг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловларнинг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар табиатдан фойдаланувчи корхоналар маҳсулотларининг (бажарган ишларининг, кўрсатган хизматларининг) таннархига қўшилади.

Атроф муҳитни ифлослантирганлик учун, шунингдек табиатдан лимитда (нормативда) белгиланганидан ташқари ва ўзгача тарзда нооқилона махсус фойдаланганлик учун компенсация тўловлари юридик шахснинг даромадидан (фойдасидан) ундирилади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик, уларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўлов Давлат бюджетига тушади. Атроф муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда чиқиндилар жойлаштирганлик учун компенсация тўловларининг суммалари Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасига тушади.

Утилизация йиғими суммалари даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига келиб тушади.

Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари бўйича имтиёзлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларни ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларини тўлаганлик юридик ва жисмоний шахсларни экология тадбирларини бажаришдан ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

35-модда. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шу жумладан чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, биоресурсларни сақлаш ва қайта тиклаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва унинг мониторинги соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш, тарғибот ва маърифий ишларни ташкил этиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси ташкил этилади.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасини шакллантириш ҳамда ундан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

36-модда. Экология суғуртаси.

Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши ва табиий ресурслар сифатининг ёмонлашуви оқибатида зарар етиши ҳолларини назарда тутиб корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳамда даромадлари, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулки ихтиёрий ҳамда мажбурий суғурта қилинади.

Экология суғуртасининг тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгилаб қўйилади.

37-модда. Табиатни муҳофаза қилиш тизимидаги рағбатлантириш.

Табиатдан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишни рағбатлантириш:

- корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширганлари тақдирида уларга солиқ солишда имтиёзлар бериш;

- табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиат муҳофазасини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун имтиёзли шартларда қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар (ссудалар) бериш;

- асосий ишлаб чиқариш фондлари учун юқори амортизация нормалари белгилаш.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағларининг бир қисмини ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизишни камайтириш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш мақсадида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларга фоизли қарзлар сифатида шартнома асосида бериш орқали амалга оширилади.

IX. ФАВҚУЛОДДА ЭКОЛОГИЯ ВАЗИЯТЛАРИ.

38-модда. Фалокатларни ва уларнинг экологияга зарарли оқибатларини бартараф этиш.

Фалокат содир бўлган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотлар фавқулодда экология вазиятларига мўлжалланган ўз ҳаракат режаларига мувофиқ фалокатни бартараф этишга дарҳол киришишлари шарт. Айни вақтда улар фалокат ҳақида ва уни бартараф этиш юзасидан кўриляётган чора-тадбирлар тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларига, шунингдек бундай фалокатларнинг экологияга зарарли оқибатларини бартараф этишга ихтисослашган хизматларга дарҳол хабар қиладилар.

39-модда. Фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақалари.

Хўжалик фаолияти ва бошқа йўсиндаги фаолият, табиат стихияли кучларининг вайрон этувчи таъсири ёхуд рўй берган фалокат ёки ҳалокат натижасида муайян ҳудудларнинг, шу жумладан сув ва ҳаво бўшлиғининг атроф табиий муҳитда инсон саломатлигига, табиий экология тизимларининг, ўсимлик ва ҳайвонлар генетик фондларининг ҳолатига таҳдид солувчи барқарор салбий ўзгаришлар содир бўляётган қисми фавқулодда экология вазияти минтақалари деб эълон қилинади.

Муайян ҳудуднинг табиат мувозанати, табиий экология тизимлари бузилиши билан боғлиқ ҳолда табиий муҳитда барқарор ёки тузатиб бўлмас ўзгаришлар рўй берган ёки рўй бераётган қисми экология офати минтақалари деб эълон қилинади.

Фавқулодда экология вазияти ёки экология офати минтақалари деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор қонунларда белгилаб қўйилган тартибда қабул қилинади.

Фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақаларида шу вазиятни келтириб чиқарган ишлар тўхтатиб қўйилади, атроф табиий муҳитга зарарли таъсир этувчи фаолият (аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият бундан мустасно) тақиқланади, табиий муҳитни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

40-модда. Экология нуқтаи назаридан хавф туғдирадиган вазиятлар.

Экология нуқтаи назаридан хавф туғдирадиган вазиятлар деганда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан биринчи даражали хавфли моддалар жумласига киритилган ўта заҳарли, кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар, радиоактив ва бошқа моддаларни сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш чоғида атроф табиий муҳитнинг ортиқча даражада ифлосланиши, табиат тизимларининг шикаст топиши, инсон саломатлиги ва ҳаётига зиён етиши таҳдиди билан боғлиқ бўлган вазиятлар тушунилади.

Экология нуқтаи назаридан хавф туғдирадиган вазиятлар юзага келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг идоралари тегишли ишлаб чиқариш объектлари атрофида, транспорт магистрал йўллари бўйлаб алоҳида ҳуқуқий тартиб ўрнатадилар.

Х. Хўжалик фаолияти ва бошқа йўсиндаги фаолиятга доир экология талаблари.

41-модда. Корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатишга доир экология талаблари.

Корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, кенгайтириш ва техника билан қайта ускуналаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатиш чоғида экология хавфсизлиги талаблари бажарилмоғи, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари назарда тутилмоғи лозим.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, айрим шахслар чиқитсиз ва камчиқит технологияларни жорий этишлари, чиқиндиларнинг ҳосил бўлишини камайтиришлари, уларни зарарсизлантиришлари ва қайта ишлашлари, чиқиндиларни навларга ажратиш, тўплаш, қўмиб ташлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

Фаолияти атроф табиий муҳитга анча зарарли экологик таъсир этиши мумкин бўлган йирик халқ хўжалик объектларини ривожлантириш ва жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар давлат экология экспертизаси ҳулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади. Экология талабларига жавоб бермайдиган объектларни фойдаланишга топшириш ман этилади.

42-модда. Радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлатиш пайтидаги экология талаблари.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим фуқаролар радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, қўллаш, зарарсизлантириш ҳамда қўмиб ташлаш чоғида экология талабларига, белгиланган нормативлар ва қоидаларга риоя қилишлари, уларни қўллашнинг зарарли оқибатлари олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўришлари, мазкур нормативлардан ошиб кетилгани тақдирда радиация ва кимёвий хавфсизликни таъминлаш идораларини дарҳол хабардор этишлари шарт.

Радиоактив чиқиндиларни ва кимёвий моддаларни қўмиб ташлашга давлат экологик экспертизасининг ижобий ҳулосаси бўлганда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда давлат санитария ва кончилик назорати органлари билан келишилиб йўл қўйилади.

43-модда. Табиатни шовқин, тебраниш, электрмагнит майдонлари ва бошқа зарарли физик таъсирлардан муҳофаза қилиш.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, айрим шахслар зарарли ишлаб чиқариш шовқинлари, тебраниш, электрмагнит майдонларининг ва зарарли физик таъсирлар кўрсатувчи бошқа омилларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўришлари шарт.

44-модда. Табиатни назорат этилмайдиган ва зарарли биологик таъсирлардан муҳофаза қилиш.

Табиатга зарарли биологик таъсир ўтказётган ёки ўтказиши мумкин бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар бундай таъсир оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тадбирларини амалга оширишлари шарт.

Янги микроорганизмлар, вируслар ва шакллар ҳосил қилишга ва фойдаланишга, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикасига олиб келишга фақат давлат санитария назорати органларининг ижобий ҳулосаси бўлганидагина рухсат этилади.

45-модда. Табиатни чиқиндилар билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш.

Чиқиндиларни аҳоли пунктлари ерларида, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ерларда, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш объектларига ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга зарар етказиш таҳдиди келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа жойларда сақлаш ва бундай жойларга кўмиб ташлаш тақиқланади.

Алоҳида ҳолларда, махсус тадқиқотлар натижаларига кўра фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, атроф муҳит хавфсизлигини, табиий ресурслар сақланишини таъминлаш талабларига риоя этган ҳолда чиқиндиларни ер остига кўмиб ташлашга йўл қўйилади.

Чиқиндиларни қайта ишлаш, уларни полигонларда кўмиб ташлаш ва сақлаш давлат экологик экспертизасининг ижобий ҳулосаси бўлган тақдирда амалга оширилади.

46-модда. Экологик сертификатлаш.

Экологик ёки гигиеник сертификатларга эга бўлмаган, шунингдек уларда белгиланган талаб кўрсаткичларидан четланган ҳолда хом ашё ва материаллардан фойдаланиш, технология жараёнларини жорий этиш ҳамда тайёр маҳсулотлар (шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари) чиқариш тақиқланади. Экологик сертификатлаш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳам ўтказилади. Экологик сертификатлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

XI. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик, табиатни муҳофаза қилишга оид низоларни ҳал қилиш.

47-модда. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик.

Тубандаги ҳолларда:

- табиатни муҳофаза қилишнинг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларини бузишда, шу жумладан корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуктаи назаридан хавфли маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сиғимини, экология нормалари, қоидаларини бузишда;

- табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда;

- табиий ресурслардан фойдаланганлик учун белгиланган тўловни, шунингдек атроф муҳитни ифлослантирганлик ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун компенсация тўловлари тўлашдан бош тортганликда;

- табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармасликда;

- атроф табиий муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганликда;

- табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган

идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганликда;

- табиатни муҳофаза қилиш объектлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий режимини бузганликда;

- атроф табиий муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидаларини бузганликда;

- чиқиндиларни, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда;

- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз ҳуқуқ ва вазифаларини рўёбга чиқаришларига тўсқинлик қилганликда;

- атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганликда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар.

48-модда. Атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ва ўзгартириш.

Корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг инсон саломатлигига ёки яшаш шароитига, табиий ресурсларга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга зарарли таъсир этган ёки бундай таъсир этиш хавфи туғилган тақдирда уларнинг фаолияти чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, зарарли таъсир этиш сабабларини бартараф этишнинг имкони бўлмаган тақдирда эса тугатилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Бундай объектларнинг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ёки ўзгартириш ҳамда айни вақтда уларни пул билан таъминлашни тўхтатиш хусусидаги қарорларни давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, ўз ваколатларига мувофиқ экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари чиқарадилар. Кўрсатилган чоралар тадбиркорлик субъектларига нисбатан суд тартибида қўлланилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари мустасно.

49-модда. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузиш оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти.

Атроф табиий муҳитга зарар етказган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар етказган зарарни, шу жумладан бой берилган фойда ўрнини қонунларга мувофиқ қоплашлари шарт.

Экология талабларини бузганликда айбланаётганларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши уларни атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

50-модда. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Табиатдан махсус равишда фойдаланишни оқилона амалга оширмаганлик, атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизишни, чиқиндиларни жойлаштиришни норматив ва лимитларда белгиланганидан қўпайтириб юборганлик учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларга Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ оширилган солиқ солиниши керак.

Тегишли ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларининг қарорига мувофиқ айтиб ўтилган қоидабузарликларнинг сабабларига барҳам берилгунга қадар юридик ва жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолиятини пул билан таъминлаш тўхтатиб қўйилиши мумкин. Кўрсатилган чора тадбир-

корлик субъектларига нисбатан суд тартибида қўлланилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда ҳўжалик фаолиятини молиялаштиришни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари мустасно.

51-модда. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузиш оқибатида зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг жавобгарлиги.

Корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг атроф табиий муҳитга, инсон саломатлиги ва одамларнинг мол-мулкига, халқ ҳўжалигига етказилган зарарни қоплаш юзасидан чиқимдор бўлишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан моддий жавобгар бўладилар.

52-модда. Экология нуқтаи назаридан зарарли фаолиятни тўхтатиш хусусидаги даъво талаблари.

Юридик ва жисмоний шахслар атроф табиий муҳитга, инсон саломатлиги ва одамларнинг мол-мулкига, халқ ҳўжалигига зиён етказаётган экология жихатидан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Суднинг экология нуқтаи назаридан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисидаги қарори айтиб ўтилган фаолиятни пул билан таъминлашни тўхтатиш учун асос бўлади.

53-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шартномалар.

Башарти, Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномада ушбу Қонундагидан ёки Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа қонун ҳужжатидагидан ўзга қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бирмунча қаттиқроқ талаблар белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш., 1992 йил 9 декабрь, 754-ХП-сон

(Қонун қабул қилингандан сунг унга қўйидаги ўзгартиришлар ва тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 118-модда; 1997 й., 4-5-сон, 126-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2000 й., 7-8-сон, 217-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда, 36-сон, 365-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон).

5.17-илова

**Ўзбекистон Республикасининг
Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонуни.**

I. Умумий қоидалар.

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади.

Ушбу Қонуннинг мақсади муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари типик, ноёб, қимматли табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолишдан, инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсир кўрсатиши олдини олишдан, табиий жараёнларни ўрганишдан, атроф табиий муҳит мониторингини олиб боришдан, экологик маърифат ва тарбияни такомиллаштиришдан иборат.

3-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар.

Ернинг ва (ёки) сув кенглиklarининг (акваторияларнинг) устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик бўлган, хўжалик мақсадидаги доимий ёки вақтинча фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман чиқарилган участкалари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобланади.

Табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда муҳофаза қилиш ва фойдаланиш режими (бундан буён матнда режим деб юритилади) ўрнатилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар биологик, ландшафт ранг-баранглигини таъминлаш ва экологик мувозанатни сақлаб туриш учун мўлжалланган яхлит экологик тизимни ташкил этади.

5-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тоифалари.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар белгиланган мақсади ва режимига қараб куйидаги тоифаларга бўлинади:

- давлат қўриқхоналари;
- мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари;
- табиат боғлари;
- давлат табиат ёдгорликлари;
- айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар;
- муҳофаза этиладиган ландшафтлар;
- айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар.

Қонун ҳужжатларида давлат биосфера резерватлари, миллий боғлар, давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш назарда тутилиши мумкин.

6-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга бўлган мулк ҳуқуқи.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат мулкидир ва унинг муҳофазасидадир.

Ер участкалари ва бошқа табиий объектлар хусусий буюртма қўриқхоналар ҳамда табиий питомниклар ташкил этиш учун юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланишга берилиши мумкин.

7-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкалари ва

акватория участкалари.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкалари табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига киради.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкалари ва акватория участкаларида мазкур ҳудудлардан фойдаланишнинг белгиланган мақсадига зид ҳар қандай фаолият тақиқланади. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган ёки кўрсатиши мумкин бўлган фаолиятни чеклаш ёки тақиқлаш учун ер участкаларини сақлаш вазифаси белгиланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этишда юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини чеклаш ёки тугатиш туфайли уларга етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фондидаги ерлар ажратиб берилганда қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши кўрадиган зарар ва талафотларнинг ўрни қопланмайди.

Давлат кўриқхоналарининг, мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналарининг, табиат боғларининг, давлат табиат ёдгорликларининг, буюртма кўриқхоналарининг (овчилик хўжаликларида ташкил этилган буюртма кўриқхоналар бундан мустасно), табиий питомникларнинг, давлат биосфера резерватларининг, миллий боғларнинг ер участкаларига ер солиғи солинмайди. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда хўжалик фаолияти юритилаётган ҳолларда ер солиғи ундирилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкаларини (миллий боғларнинг ер участкаларидан ташқари) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига алоҳида ҳолларда йўл қўйилади. Миллий боғлар ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига йўл қўйилмайди.

Юридик ва жисмоний шахслар давлат табиат ёдгорликларини, буюртма кўриқхоналарни, табиий питомникларни муҳофаза қилиш бўйича зиммаларига юклатилган мажбуриятлар бажарилишини таъминламаган тақдирда улар эгаллаб турган ер участкаси олиб қўйилиши мумкин. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкалари ҳамда акватория участкаларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни олиб қўйиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

8-модда. Фуқароларнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга кириш эркинлиги.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар фуқаролар кириб чиқиши учун очиқдир, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ноёб ҳамда йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турларини, бундай ўсимликлар ўсадиган ва бундай ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг айрим қисмларига фуқароларнинг кириши мазкур ҳудудлар қайси давлат органи, юридик ва жисмоний шахслар тасарруфида бўлса, шу давлат органи, юридик ва жисмоний шахслар томонидан чекланиши ёки ман этилиши мумкин.

Фуқароларнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга кириб чиқиши шу ҳудудларда бўлишнинг махсус ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланадиган қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Фуқароларнинг айрим муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга кириб чиқиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда пуллик асосда амалга оширилиши мумкин.

Айрим муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда аҳолининг тарихан қарор топган тарзда яшаши мазкур ҳудудларнинг режимига риоя этиш шарти билан сақлаб қолиниши мумкин.

9-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат назорати.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдала-

ниш соҳасидаги давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

10-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг иштироки.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тадбирларини амалга оширишда давлат органларига қўмаклашадилар. Давлат органлари ана шу тадбирларни амалга ошираётганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг таклифларини инобатга оладилар.

Айрим муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқаришга аҳолини жалб этиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек фуқаролар вакилларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарори билан маслаҳатлашув комиссиялари тузилиши мумкин. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ва уларнинг қўриқланма зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги, ана шу ҳудудларда яшовчи аҳолининг манфаатларига дахлдор қарорлар маслаҳатлашув комиссияларининг хулосалари инобатга олинган ҳолда қабул қилинади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар тегишли давлат органларидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида ахборотлар талаб қилиш ҳамда олиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этилаётган, муҳофаза қилинаётган ҳамда улардан фойдаланилаётганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамоат экология экспертизасини ўтказишлари ва жамоат экология назоратини амалга оширишлари мумкин.

II. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш.

11-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат бошқаруви.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

12-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш учун ер участкаларини захира қилиш.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш мақсадида махсус ваколатли давлат органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг таклифига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ер участкалари захира қилинади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг захира қилинган ер участкаларидаги фаолияти, агар бундай фаолият мазкур участкаларда муҳофаза қилиш мўлжалланаётган табиий объектлар ва мажмуалар сақланишига хавф соладиган бўлса, чекланиши ёки тақиқланиши лозим. Ана шу ер участкаларининг юридик ва жисмоний шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки ижара учун беришга фақат давлат экология экспертизасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режалар ва дастурларни, ер тузиш схемаларини ҳамда ҳудудий режалаштиришни, шунингдек табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга доир бошқа режаларни ишлаб чиқишда ҳисобга олинади.

13-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритишини тугатиш.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ташкил этилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни қайта ташкил этиш уларнинг тоифаларини ўзгартириш зарур бўлганда амалга оширилади. Бунда муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг қаттиқроқ режимли тоифадан енгилроқ режимли тоифага ўтказилишига алоҳида ҳолларда йўл қўйилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг фаолият юритишини тугатиш бундай ҳудудлар қайси муддатга тузилган бўлса, шу муддат тугаганидан кейин, шунингдек табиий офатлар ҳамда техноген хусусиятдаги таъсирлар натижасида улардаги табиий объектлар ва мажмуаларнинг қимматлилиги ҳамда ноёблилиги йўқолган тақдирда амалга оширилади.

14-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри бу ҳудудларнинг тоифалари ва турлари, уларнинг жуғрофий ҳолати, миқдор ва сифат хусусиятлари, экологик, иқтисодий, илмий, маърифий ва бошқа жиҳатдан аҳамияти тўғрисидаги, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ҳақидаги, шунингдек ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри уларнинг режимини таъминлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришни режалаштираётганда мазкур ҳудудларни ҳисобга олиш мақсадида юритилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда юритилади.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастрига доир ахборот белгиланган тартибда берилади.

15-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг паспорти.

Тасарруфида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бўлган давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар ҳар бир ҳудуд бўйича паспорт тузадилар, унда мазкур ҳудудни, унинг режими ва бошқарувини тавсифловчи маълумотлар кўрсатилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд паспортини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

16-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режалари.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режалари табиий объектлар ва мажмуаларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича барча ташкилий, табиатни муҳофаза қилиш йўналишидаги, техникавий ва бошқа тадбирлардан иборат.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режалари тасарруфида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бўлган давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тасдиқланади. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режаларининг лойиҳалари давлат экология экспертизасидан ўтказилиши керак.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режаларини ишлаб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан белгиланади.

17-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланишини ташкил этиш.

Давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат

боғлари ва давлат биосфера резерватларини қўриқлаш қўриқлов ходимлари томонидан амалга оширилади ҳамда мазкур муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги низомлар билан тартибга солинади. Қўриқлов ходимлари давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат биосфера резерватлари штатида туради ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат инспекторларининг барча ҳуқуқлари ва имтиёзларидан фойдаланади.

Миллий боғларни қўриқлаш бундай боғлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низомларда белгиланган тартибда таъминланади.

Давлат буюртма қўриқхоналари ва табиий питомникларни қўриқлаш бундай қўриқхона ва питомниклар қайси юридик шахсларнинг ер участкаларида жойлашган бўлса, шу юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Давлат табиат ёдгорликларини қўриқлаш бундай ёдгорликлар қайси юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларида жойлашган бўлса, шу юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

Агар давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликлари юридик ҳамда жисмоний шахсларга берилмаган ер участкаларида жойлашган бўлса, уларнинг қўриқланишини таъминлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари зиммасига юклатилади.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ҳамда ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналарини қўриқлаш улар қайси сув хўжалиги органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларида ташкил этилган бўлса, шу сув хўжалиги органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

Сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ички ишлар органлари томонидан қўриқланади.

Курорт табиий ҳудудларни ва рекреация зоналарини қўриқлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан таъминланади.

Айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар ўрмон қўриқчилари ва овчилик хўжаликларининг егерлик хизмати томонидан қўриқланади.

Балиқ хўжалиги зоналарини қўриқлаш балиқчилик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан таъминланади.

Хусусий буюртма қўриқхоналар ва табиий питомникларни қўриқлаш улар қайси юридик ва жисмоний шахслар тасарруфида бўлса, шу юридик ва жисмоний шахслар томонидан таъминланади. Қўриқланма зоналар давлат қўриқхоналари, буюртма қўриқхоналар ва давлат табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш қайси давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар зиммасига юклатилган бўлса, шу давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қўриқланади.

III. Давлат қўриқхоналари.

18-модда. Давлат қўриқхоналарини ташкил этиш.

Табиий объектлар ва мажмуаларни муҳофаза қилишнинг қаттиқ режимига эга бўлган, типик экологик тизимлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш ҳамда ўрганиш учун мўлжалланган, умумдавлат аҳамиятига молик муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат қўриқхоналари ҳисобланади.

Давлат қўриқхоналари махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат табиатни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот муассасаси шаклида ташкил этилади.

Давлат қўриқхоналари бундай қўриқхоналар тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият кўрсатади.

19-модда. Давлат кўриқхоналарининг режими.

Давлат кўриқхоналарининг ҳудудида ҳар қандай фаолият тақиқланади, илмий-тадқиқот фаолияти ва атроф табиий муҳит мониторингини юритиш бундан мустасно. Давлат кўриқхоналарида ёнғинга қарши тадбирлар ўтказилишига йўл қўйилади.

Давлат кўриқхоналари ҳудудида ҳамда уларнинг кўриқланма зоналарида тирик организмларнинг янги ва кенжа турларини иқлимлаштириш мақсадида жойлаштириш тақиқланади.

Давлат кўриқхоналарининг ёки улар қайси давлат органларининг тасарруфида бўлса, шу давлат органларининг ходими ҳисобланмайдиган фуқароларнинг давлат кўриқхоналари ҳудудида бўлишига уларда ана шу органлар ёки давлат кўриқхонаси маъмурияти берган рухсатнома бўлган тақдирда йўл қўйилади.

20-модда. Давлат кўриқхоналарида илмий-тадқиқот фаолияти.

Давлат кўриқхоналарида илмий тадқиқотлар бундай кўриқхоналар штатидаги илмий ходимлар томонидан ўтказилади. Шартнома асосида бошқа илмий ташкилотлар ва мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Давлат кўриқхоналарида олимлар кенгашлари (илмий кенгашлар) тузилади.

Давлат кўриқхоналарида атроф табиий муҳит мониторинги юритилиши шарт. Давлат кўриқхоналаридаги илмий-тадқиқот фаолияти натижалари, агар улар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасининг маблағлари ҳисобига олинган бўлса, давлат мулки ҳисобланади. Юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобига олинган илмий-тадқиқот фаолияти натижаларига бўлган мулк ҳуқуқи давлат кўриқхоналари билан мазкур шахслар ўртасида тузилган шартнома билан белгиланади. Давлат кўриқхоналари илмий-тадқиқот фаолияти натижаларидан текин фойдаланади.

Давлат кўриқхоналарининг табиий объектлари ва мажмуалари ҳолати тўғрисидаги илмий ахборот эълон қилиниши керак. Давлат кўриқхоналари ўз матбуот нашрларига эга бўлиши мумкин. Давлат кўриқхоналарининг илмий фондлари муддатсиз сақланиши керак.

Давлат кўриқхоналарининг илмий тадқиқотларини мувофиқлаштириб боришни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси амалга оширади.

IV. Мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари.

21-модда. Мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналарини ташкил этиш.

Алоҳида экологик қимматга эга бўлган табиий объектлар ва мажмуаларни асл ҳолатида сақлаш учун мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари ҳисобланади.

Мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат табиати муҳофаза қилиш муассасаси шаклида ташкил этилади.

Мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари бундай кўриқхоналар тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият кўрсатади.

22-модда. Мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналарининг режими.

Мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари ҳудудида ҳар қандай фаолият тақиқланади, илмий-тадқиқот, рекреация фаолияти, атроф табиий муҳит мониторингини юритиш, шунингдек пичан ўриш ва чорва моллар ўтлатиш, ёввойи ўсимликларни озик-овқат мақсадлари учун, мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари ходимларининг ва мазкур кўриқхоналарнинг кўриқланма зоналарида яшовчи фуқароларнинг ўз эҳтиёжлари учун ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг доривор ва техник хом ашёсини тайёрлаш (йиғиш) бундан мустасно.

V. Табиат боғлари.

23-модда. Табиат боғларини ташкил этиш.

Алоҳида экологик, маданий ва эстетик қимматга эга бўлган табиий объектлар ва мажмуаларни табиатни муҳофаза қилиш йўналишидаги, рекреация, илмий ва маданий мақсадларда сақлаб қолиш ҳамда улардан фойдаланиш учун мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар табиат боғлари ҳисобланади.

Табиат боғлари махсус ваколатли давлат органининг тақдимномасига биноан тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида ташкил этиладиган миллий табиат боғлари ва маҳаллий аҳамиятга молик табиат боғларига бўлинади. Табиат боғлари бундай боғлар тўғрисидаги, улар қайси давлат органларининг тасарруфида бўлса, шу давлат органлари томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида фаолият кўрсатади.

24-модда. Табиат боғларининг ҳудудлари.

Табиат боғларининг ҳудуди табиат боғларига фойдаланишга бериб қўйиладиган ер участкаларида, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг табиат боғлари чегаралари доирасидаги ер участкаларида жойлашади.

Табиат боғлари ташкил этилаётганда уларнинг ҳудуди зоналарга бўлинади. Табиат боғларининг ҳудудида кўриқхонага айлантирилган зоналар, рекреация, хўжалик мақсадида ва бошқа тарзда фойдаланиш зоналари ажратиб қўйилади.

Аҳолини соғломлаштириш учун шароит бўлган тақдирда табиат боғларида курорт табиий ҳудудлар учун назарда тутилган режимли курорт зоналар ажратиб қўйилади.

Табиат боғлари зоналарининг ўлчамлари ва чегараларини ўзгартириш, улар қайси давлат органларининг тасарруфида бўлса, шу органлар томонидан, давлат экология экспертизаси хулосасини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

25-модда. Табиат боғларининг режими.

Табиат боғлари ҳудудида зоналарга бўлинишга мувофиқ табақалаштирилган режим ўрнатилади.

Табиат боғларининг кўриқхонага айлантирилган зоналарида давлат кўриқхоналари учун назарда тутилган режим ўрнатилади.

Табиат боғларининг рекреация зоналари табиий объектлар ва мажмуаларнинг ҳолатига қараб турли режимли участкаларга бўлиниши мумкин.

Табиат боғларининг хўжалик мақсадида ва бошқа тарзда фойдаланиш зоналарида аҳолининг истиқомат қилишига, юридик ва жисмоний шахсларнинг табиий объектлар ва мажмуаларга зарар етказмайдиган фаолиятига йўл қўйилади.

Ҳар бир зонанинг режими табиат боғлари тўғрисидаги низомларда белгиланади.

Табиат боғларининг ҳудудида қуйидагилар тақиқланади:

- дарахт ва буталарни кесиш (парваришlash йўсинидаги ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно);

- гидрологик ва гидрогеологик режимни ўзгартирадиган ҳаракатлар;

- тупроқ эрозиясини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг таназзулини келтириб чиқарувчи ҳаракатлар;

- табиат боғларининг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йўл ва муҳандислик-коммуникация ишларини амалга ошириш;

- чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш, оқова сувларни оқизиш;

- тирик организмларнинг янги ва кенжа турларини иқлимлаштириш мақсадида жойлаштириш.

Табиат боғларида табиий объектлар ва мажмуаларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятнинг бошқа турлари ҳам чекланиши ёки тақиқланиши мумкин.

Табиат боғларининг фаолият кўрсатиши учун йўллар, бошқа коммуникациялар ва иншоотлар қурилиши зарур бўлган ҳолларда бузилган ерларни рекультивация қилиш, барча табиатни муҳофаза қилиш йўналишидаги тадбирларни амалга ошириш албатта назарда тутилади.

VI. Давлат табиат ёдгорликлари.

26-модда. Давлат табиат ёдгорликларининг турлари.

Ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган, экологик, илмий, маданий ва эстетик жиҳатдан қимматли табиий объектлари бор муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат табиат ёдгорликлари ҳисобланади. Давлат табиат ёдгорликлари қуйидаги турларга бўлинади:

- табиий сув объектларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган гидрологик (ботқоқ, кўл, дарё ва бошқа) ёдгорликлар;
- айрим ўсимликларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган ботаник ёдгорликлар;
- табиат яратган рельеф шакллариини сақлаб қолиш учун мўлжалланган геоморфологик ёдгорликлар;
- қазилма объектларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган палеонтологик ёдгорликлар;
- геологик ва минералогик ҳосилаларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган геологик ва минералогик ёдгорликлар.

27-модда. Табиий объектларни давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қилиш.

Табиий объектлар махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси, шунингдек юридик ёки жисмоний шахсларнинг илтимосномаси бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қилинади.

Табиий объектларни улар жойлашган ер участкаларини олиб қўймаган ҳолда давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қилишга йўл қўйилади.

28-модда. Давлат табиат ёдгорликларининг режими.

Давлат табиат ёдгорликлари ҳудудида уларнинг асралишига хавф соладиган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Давлат табиат ёдгорликлари қайси юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларида жойлашган бўлса, шу юридик ва жисмоний шахслар зиммасига бундай ёдгорликларнинг режимини таъминлаш мажбуриятлари юклатилади.

Диний мақсадларда фойдаланиладиган давлат табиат ёдгорликлари диний ташкилотларга ёки жисмоний шахсларга бундай ёдгорликларни ободонлаштириш ва асраш ишларини амалга ошириш шарти билан фойдаланишга ёки ижарага берилиши мумкин.

VII. Айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар.

29-модда. Айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудларнинг турлари.

Айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар буюртма кўрикхоналар, табиий питомниклар ва балиқ хўжалиги зоналари тарикасида ташкил этилади.

30-модда. Буюртма кўрикхоналар.

Айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар буюртма кўрикхоналар ҳисобланади.

Буюртма кўрикхоналар қуйидаги турларга бўлинади:

- ўсимликлар ва ҳайвонларнинг қимматли, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган турларини, тирик организмларнинг кўчиб ўтиш йўллариини сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган биологик (ботаник, зоологик) буюртма кўриқхоналар;

- айрим қазилма объектлар ва уларнинг мажмуаларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган палеонтологик буюртма кўриқхоналар;

- қимматли сув объектларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган гидрологик (ботқоқ, кўл, дарё) буюртма кўриқхоналар;

- нодир геологик ва минералогик ҳосилаларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган геологик ва минералогик буюртма кўриқхоналар.

Буюртма кўриқхоналар умумдават ёки маҳаллий аҳамиятга молик бўлиши мумкин.

31-модда. Буюртма кўриқхоналарни ташкил этиш.

Умумдават аҳамиятига молик буюртма кўриқхоналар махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси, шунингдек юридик ёки жисмоний шахсларнинг илтимосномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади.

Маҳаллий аҳамиятга молик буюртма кўриқхоналар махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси, шунингдек юридик ёки жисмоний шахсларнинг илтимосномасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади.

Буюртма кўриқхоналар фаолият муддатлари кўрсатилмаган ҳолда (муддатсиз) ёки камида ўн йил муддатга ташкил этилади.

Буюртма кўриқхоналар давлатга қарашли ёки хусусий бўлиши, юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бўлиши мумкин.

Хусусий буюртма кўриқхоналарни ва юридик шахс ташкил этган ҳолдаги давлат буюртма кўриқхоналарини ташкил этиш учун ер участкалари ва айрим табиий объектлар белгиланган тартибда берилади.

32-модда. Буюртма кўриқхоналарнинг режими.

Буюртма кўриқхоналарнинг ҳудудида, мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналарини истисно этганда, айрим табиий объектлар ва мажмуаларга зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият доимий равишда ёки вақтинча чекланади ёки тугатилади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги давлат буюртма кўриқхоналари жойлашган ҳудудлар ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, шунингдек ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг хўжалик мақсадидаги фойдаланишидан олиб кўйилмайди. Мазкур буюртма кўриқхоналар қайси юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларида ва (ёки) акватория участкаларида ташкил этилган бўлса, шу юридик ва жисмоний шахслар буюртма кўриқхоналарнинг белгиланган режимига риоя этишлари шарт.

Ҳар бир буюртма кўриқхона режимининг хусусиятлари, мазкур буюртма кўриқхона қайси давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар тасарруфида бўлса, шу давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

33-модда. Табиий питомниклар.

Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг айрим турларига зарур шароит яратиш йўли билан уларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар табиий питомниклар ҳисобланади.

Табиий питомниклар юридик ёки жисмоний шахсларнинг илтимосномасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади.

Табиий питомниклар давлатга қарашли ёки хусусий, юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бўлиши мумкин.

Хусусий табиий питомникларни ва юридик шахс ташкил этган ҳолдаги давлат табиий питомникларини ташкил қилиш учун ер участкалари ва айрим табиий объектлар белгиланган тартибда берилади.

Табиий питомник қайси ўсимликлар ва ҳайвонлар учун мўлжалланган бўлса, шу питомникнинг ҳудудида шу ўсимликлар ва ҳайвонларнинг сақлаб қолиниши, такрор кўпайтирилиши ва тикланишига хавф соладиган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

34-модда. Балиқ хўжалиги зоналари.

Сув объектларини ёки уларнинг қисмларини ўз ичига оладиган, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган балиқлар ва бошқа сув организмлари турларини сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун, шунингдек балиқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар балиқ хўжалиги зоналари ҳисобланади.

Балиқ хўжалиги зоналари экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органларининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади.

Балиқ хўжалиги зоналарида балиқлар ва бошқа сув организмларининг сақлаб қолиниши, такрор кўпайтирилиши ва тикланишига хавф соладиган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

VIII. Муҳофаза этиладиган ландшафтлар.

35-модда. Муҳофаза этиладиган ландшафтларнинг турлари.

Курорт табиий ҳудудлар, рекреация зоналари, сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари, ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари муҳофаза этиладиган ландшафтлар жумласига киради.

36-модда. Курорт табиий ҳудудлар.

Даволаш ва соғломлаштириш хоссаларига, минерал манбаларга, шифобахш балчиқ қатламларига, қулай иқлим ва бошқа шароитларга эга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар курорт табиий ҳудудлар ҳисобланади. Курорт табиий ҳудудлар умумда давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлиши мумкин.

Умумда давлат аҳамиятига молик курорт табиий ҳудудлар Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади.

Маҳаллий аҳамиятга молик курорт табиий ҳудудлар Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади.

37-модда. Курорт табиий ҳудудларнинг режими.

Курорт табиий ҳудудлар учта зонага бўлинади.

Биринчи зонага даволаш хоссаларига эга манбалар, шифобахш балчиқ қатламлари бор ҳудудлар киради. Бундай зонада ҳар қандай фаолият тақиқланади, даволаш хоссаларига эга манбалар ва балчиқ билан даволаш шифохоналарини ободонлаштириш *учун зарур иншоотлар қуриш бундан мустасно.*

Иккинчи зонага санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш уйлариининг ҳудудлари киради. Бу зонада даволаш ва дам олишни ташкил этиш учун зарур бўлган фаолиятни истисно этганда ҳар қандай фаолият, шунингдек бу ҳудудда вақтинча истикомат қиладиган

тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари бошқа аҳолининг яшаши тақиқланади.

Учинчи зонага санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш уйларига туташ ҳудудлар киради. Бу зонада даволаш манбаларига, шифобахш балчиқ қатламларига зарар етказмайдиган ва дам олиш ҳамда даволаниш шароитларини ёмонлаштирмайдиган чекланган ҳўжалик фаолияти юритишга рухсат этилади.

Курорт табиий ҳудудлар доирасида қуйидагилар тақиқланади:

- фойдали қазилмаларни қазиб олиш, минерал сувлар ва шифобахш балчиқ қазиб олиш бундан мустасно;
- кимё, целлюлоза-қоғоз ва металлургия саноати корхоналарининг фаолияти;
- дарахт ва буталарни кесиш (парваришлаш йўсинидаги ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно);
- захарли кимёвий моддаларни қўлланиш;
- ҳаром ўлган чорва моллар кўмиладиган жойларни ташкил этиш;
- захарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар омборларини куриш;
- чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш;
- жойнинг гидрологик режимини ўзгартириш.

38-модда. Рекреация зоналари.

Туризм ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этиш учун қулай жўғрофий ва иқлим шароитларига эга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар рекреация зоналари ҳисобланади.

Рекреация зоналари Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади.

39-модда. Рекреация зоналарининг режими.

Рекреация зоналари табиий объектлар ва мажмуаларнинг ҳолатига қараб турли режимга эга участкаларга бўлиниши мумкин.

Рекреация зоналарида қуйидагилар тақиқланади:

- кимё, целлюлоза-қоғоз ва металлургия саноати корхоналарининг фаолияти;
- дарахт ва буталарни кесиш (парваришлаш йўсинидаги ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно);
- захарли кимёвий моддаларни қўлланиш;
- ҳаром ўлган чорва моллар кўмиладиган жойларни ташкил этиш;
- чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш;
- жойнинг гидрологик режимини ўзгартириш.

40-модда. Сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ҳамда ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари.

Дарёларнинг, кўлларнинг, сув омборларининг, каналларнинг, коллекторлар ҳамда бошқа сув объектларининг ўзанларига туташ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳисобланади. Бу зоналар ифлосланиш, булғаниш, саёзланишнинг ҳамда сув объектлари тупроқ эрозияси маҳсуллари бўлмиш лойка билан тўлиб қолишининг олдини олиш мақсадида, шунингдек энг мақбул сув режимини сақлаб туриш учун ташкил этилади.

Қаттиқ режимга асосланган сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасидаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳил бўйи минтақалари ҳисобланади.

Ичимлик, майший ва даволаш-соғломлаштириш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув объектларига туташ, қаттиқ режим асосидаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ҳисобланади.

Дарёларнинг уваларида, ёйилма конусларда, тоғ ёнбағирларининг этакларида

ташкил қилинадиган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари ҳисобланади.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ҳамда ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари тегишинча экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги, санитария назорати органларининг, геология ташкилотларининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади.

41-модда. Сувни муҳофаза қилиш зоналарининг, соҳил бўйи минтақаларининг, сув объектлари санитария муҳофазаси зоналарининг ҳамда ер усти ва ер ости сувлари ҳосил бўлиш зоналарининг режими.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида чекланган хўжалик фаолияти юритишга йўл қўйилади. Бундай зоналарда қуйидагилар тақиқланади:

- дарахт ва буталарни кесиш (парваришlash йўсинидаги ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно);

- заҳарли кимёвий моддаларни қўлланиш;

- заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар омборларини қуриш;

- ҳаром ўлган чорва моллар кўмиладиган жойларни ташкил этиш;

- чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш;

- канализация-тозалаш иншоотлари ва оқова сувлар тўплайдиган иншоотлар қуриш;

- чорвачилик ва паррандачилик мажмуаларини жойлаштириш, шунингдек суғориш учун «шарбат» (суёқ гўнг) ишлатиш;

- автомобиль транспортини қўйиб туриш, уларга ёнилғи қўйиш, уларни ювиш ва таъмирлаш жойларини ташкил этиш;

- нефть маҳсулотлари омборларини ташкил этиш;

- зигир, каноп ва тери ювиш.

Соҳил бўйи минтақаларида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чеклашлар ва тақиқлардан ташқари қуйидагилар тақиқланади:

- минерал ва органик ўғитларни қўлланиш;

- чорва молларни ўтлатиш;

- ҳар қандай турдаги қурилиш, сув хўжалиги объектларини қуриш бундан мустасно;

- белгиланмаган жойларда қайиқлар боғлаб қўйиладиган жойлар ташкил этиш.

Сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари турли режимли муҳофаза минтақаларига бўлинади.

Дарё ўзанларини ўзгартириш, фойдали қазилмалар қазиб олиш ва сув объектлари ҳолатига таъсир қиладиган бошқа ишларни бажаришга фақат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги органларининг, шунингдек геология ташкилотларининг рухсатномаси билан йўл қўйилади.

Аҳоли пунктлари ҳудудида хўжаликлараро ер тузиш ва режалаштириш ўтказилаётганда сувни муҳофаза қилиш зоналарининг, соҳил бўйи минтақаларининг ва сув объектлари санитария муҳофазаси зоналарининг чегараларини ўзгартириш экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги органлари ҳамда санитария назорати органлари билан келишиб олинishi лозим.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи минтақалари режими ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналарига ҳам татбиқ этилади.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ҳамда ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналарини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

IX. Айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар.

42-модда. Айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудларнинг турлари.

Ўрмон фондининг эрозияга қарши барпо этилган ўрмонлар, шаҳар ўрмонлари, шаҳарларнинг, бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказларининг яшил минтақалари атрофидаги ўрмонлар, алоҳида қимматли ўрмонлар, ёнғоқзорлар, мевали дарахтзорлар, илмий ёки тарихий аҳамиятга молик ўрмонлар эгаллаган ерлари, шунингдек овчилик хўжаликларининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланиш учун мўлжалланган ер участкалари айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар жумласига киради.

43-модда. Айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудларнинг режими.

Айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудларда тирик организмларнинг янги ва кенжа турларини икклимлаштириш мақсадида жойлаштириш ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етказадиган бошқа фаолият тақиқланади.

Айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан қонун ҳужжатларида белгилангандек фойдаланишга йўл қўйилади

X. Давлат биосфера резерватлари, миллий боғлар ва давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар.

44-модда. Давлат биосфера резерватлари.

Ҳудудларни барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш мақсадида давлат биосфера резерватлари — биологик ранг-барангликни сақлаш, табиий объектлар ва мажмуалардан оқилона фойдаланиш учун мўлжалланган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этилиши мумкин. Давлат биосфера резерватлари халқаро биосфера резерватлари тармоғига қўшилиши ва атроф табиий муҳитнинг глобал мониторингида иштирок этиши мумкин.

Давлат биосфера резерватлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади.

Давлат биосфера резерватларининг ҳудудлари давлат биосфера резерватларига фойдаланишга бериладиган ер участкаларида, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат биосфера резерватлари чегаралари доирасидаги ер участкаларида жойлашади.

Давлат биосфера резерватлари ҳудудида қуйидагилар ажратиб қўйилади:

- табиий объектлар ва мажмуаларни асл ҳолатида сақлаб қолиш учун мўлжалланган, давлат кўрикхоналари учун назарда тутилган режимли кўрикхонага айлантирилган зона;

- табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган, кўрикхонага айлантирилган зонага салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият тақиқлангандиган оралик зона;

- давлат биосфера резерватларининг табиий объектлари ва мажмуаларига зарар етказмайдиган хўжалик мақсадидаги ва бошқа тарздаги фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган зона.

Давлат биосфера резерватларининг режими бундай резерватлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлангандиган низомлар билан белгиланади.

45-модда. Миллий боғлар.

Алоҳида экологик, илмий, маданий ва эстетик аҳамиятга эга бўлган, ўсимликларнинг ноёб ва қимматли, шу жумладан манзарали турларини сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва табиатни муҳофаза қилиш, рекреация, илмий ва маданий мақсадларда оқилона фойдаланишга мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар миллий боғлардир. Миллий боғлар ер участкаларида ўсимлик дунёсини қайта тиклаш ва такрор кўпайтириш, шу жумладан комплекс агротехник тадбирлар ўтказиш йўли билан тузилиши мумкин. Миллий боғ ҳудудида яшайдиган ҳайвонот дунёси мазкур ҳудуд экологик тизимининг таркибий қисмидир.

Миллий боғлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади. Миллий боғни бошқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган дирекция томонидан амалга оширилади.

Миллий боғлар бундай боғлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида фаолият кўрсатади.

Ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда барча табиий ресурслари билан бирга ҳўжалик фойдаланувидан олиб қўйилади ва миллий боғларга доимий фойдаланиш учун берилади.

Миллий боғнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси сақлаб қолинишини таъминлаш учун унга туташ ҳудудларда миллий боғ тўғрисидаги низомга мувофиқ қўриқланма зоналар ташкил этилиши мумкин.

Миллий боғ тўғрисидаги низомга мувофиқ миллий боғ ҳудудида ундан мақсадли фойдаланишга зид бўладиган ва ўсимлик объектларининг сақланиши, кўпайтирилиши ва тикланишига таҳдид соладиган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Миллий боғлар ҳудудлари функционал зоналарга ажратилиши мумкин.

46-модда. Давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар.

Икки ва ундан ортиқ давлат ҳудудида жойлашган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобланади.

Давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ташкил этилиши мумкин.

Давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режими Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланади.

XI. Якунловчи қоидалар.

47-модда. Қўриқланма зоналар.

Давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, буюртма қўриқхоналар, давлат табиат ёдгорликлари ва миллий боғлар билан чегарадош ҳудудлар қўриқланма зоналардир. Қўриқланма зоналарда ушбу муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга салбий таъсирнинг олдини олиш мақсадида ҳўжалик фаолияти ва бошқа фаолият чекланади ёки тақиқланади.

Қўриқлаш зоналарнинг ўлчамлари ва режими, шунингдек ер участкаларини сақлаш вазифаси муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш билан бир вақтда белгиланади.

Давлат қўриқхонаси қўриқланма зонасининг бир қисми экологик туризмни ташкил этиш, мазкур ҳудуд учун хос бўлган камёб ҳамда йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимликлар ва ҳайвонларнинг турларини кўпайтириш мақсадида табиий питомниклар барпо этиш учун ҳамда қўриқхонанинг бошқа эҳтиёжлари учун шу қўриқхонанинг ўзига топширилиши мумкин.

48-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни молиялаштириш

Давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари ҳамда давлат биосфера резерватлари қуйидагилар ҳисобидан молиялаштирилади:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

- экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари;
- илмий-тадқиқот, табиатни муҳофаза қилиш, реклама-ноширлик ва маърифий фаолиятдан олинган даромадлар;
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга қаратилган тушумлар;
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузганлик учун ундирилган жарима пуллари;
- мусодара этилган овчилик қуроллари ва балиқчилик асбобларини реализация қилишдан, қонунга ҳилоф равишда қўлга киритилган ўлжа маҳсулотни сотишдан тушган пуллар;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия ёрдамлари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари, табиат боғлари ва давлат биосфера резерватлари ихтиёрига ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маблағлардан ташқари, фуқароларнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга кириб чиқиши ва табиий ресурслардан фойдаланиши учун рухсатномалар беришдан, рекреация, туристик-экскурсия йўналишидаги ва қонун ҳужжатларида йўл қўйиладиган бошқа фаолиятдан келган даромадлар ҳам берилади.

Миллий боғлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия ёрдамлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат буюртма кўриқхоналарини, давлат табиат ёдгорликларини ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш учун маблағлар мазкур муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар қайси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат органлари тасарруфида бўлса, шу маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат органлари томонидан ажратилади.

Хусусий буюртма кўриқхоналари ва табиий питомниклар қайси юридик ва жисмоний шахсларнинг тасарруфида бўлса, шу юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга қаратилган тушумлардан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузганлик учун ундирилган жарима пуллари, фуқароларнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга кириб чиқиши ва табиий ресурслардан фойдаланиш учун рухсатномалар беришдан тушган маблағлардан, рекреация, туристик-экскурсия йўналишидаги ва бошқа фаолиятдан тушган даромадлардан, юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия ёрдамларидан табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун фойдаланилади.

49-модда. Низоларни ҳал қилиш.


Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

50-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент ш., 2004 йил 3 декабрь, 710-II-сон

ЭСЛАТМА: Ушбу қонуннинг 2004 йили қабул қилинган биринчи матнига 1998, 2000, 2014, 2016, 2017, 2018 ва 2019 йиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан ўзгартиришлар киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сенати томонидан киритилган ўзгартиришлар тасдиқланган.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СУВ ХУЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**



**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ
ХУЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**



**«СУВЧИ» ЖАМОАТ
БИРЛАШМАСИ**

МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТНОМА

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!!!

Буюк давлат арбоби, шарқ мутафаккири, улуғ шоиримиз Мир Алишер Навоий ҳазратлари таъкидлаганларидек «Ватанни севмак иймондин дарак». Ватанни севиш бу–ўз уйимиз остонасини, қишлоғимизни, туману-вилоятимизни, мамлакатимизни ва биз бир бўлаги бўлган минтақамизни севиш демакдир. Ватанни севиш бу – жаннатмакон юртимизга ва тинчлигимизга тажовуз қилинган тақдирда, унинг тинчлиги, мустақиллиги, болаларимиз ва набираларимиз ҳамда келажак авлодлар учун, зарур бўлганда жонни фидо қилмак масъулиятидир. Ватанни севиш бу – қишлоқларимиз ва мамлакатимиз табиатини, бойликларини асраб-авайлаш, улардан тежаб-тергаб фойдаланиш, барчасини келажак авлодлар учун табиий ҳолда асраш ва қўнайтириш демакдир, уларни талон-тароғж қилиниши ва оёқ остида топталишига йўл қўймаслик учун курашиш демакдир. Чунки барча бойликларимиз - ўтган авлодларимиз, Биз ва келажак авлодларимиз учун тириклик манбаидир, бугунги кунда уларни муҳофаза қилиш Бизларнинг муқаддас бурчимиздир!

Биз, табиатнинг Оллоҳ ином этган энг сўлим масканида яшаймиз. Виқорли тоғлар, танасида дунёдаги энг қўп олтин-кумушларни сақлаб турган чўлу-биёбонлар, қип-қизил қизгалдоқлар ҳамда лолалар ва гулу-ғиёҳларга бурканадиган ям-яшил қир-адирлар, бир донасини есанг тилни ёрадиган узуму-анжир, қовуну-тарвуз, олмаю-анор ва бошқа танга ором берадиган меваю сабзавотлар ҳамда тирикчилигимиз рамзи бўлган бугдою-пахта битадиган серҳосил ерлар, мамлакатимиз танасини кесиб ўтиб, барчамизга ризқ-рўз улашадиган азим Сирдарё, Амударё ва Зарафшон дарёлари, Бизнинг Она диёримиз табиатидир. Аммо бугунги кунда баъзи юртдошларимизнинг атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисидаги билимларини саёзлиги туфайли, уларнинг табиатга беписандлик билан қарашлари натижасида: супринди ва ахлатларни ариқларга оқизиш; ариқ ва коллекторлар устига ҳоҷатхоналар қуриш ёки улардан чиқаётган ахлатларни оқизиш, чорва молларини чиқиндиларини сув ҳавзаларга оқизиш; сугориш учун қўшни мамлакатлардан маълум тўловлар эвазига олиб келинган сув ресурсларини қишлоқ хўжалик ерлари ва томарқаларни сугориб бўлгандан сунг зовур ва коллекторларга бекорга оқизиб қўйиш; томарқаларни тоза ичимлик суви билан сугориш; машина ва механизмларни тоза ичимлик сувлари билан тозалаш; кўча ва ҳовлилардаги чангларни босиш учун тоза ичимлик сувларини сепиш; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва поллиз экинларини муздек тоза ичимлик сувлари билан совутиш; маиший ахлатларни белгиланмаган жойларга тўкиш; йирик автомобил ва темир йўл трассалари бўйлаб маиший чиқиндилар (сув ва бошқа маҳсулотлардан қолган пластик, полиэтилен, қоғоз ва бошқа идишлар, озиқ-овқат қолдиқлари, машиналарнинг ишдан чиққан эски шина ва покришқалари)ни ташлаб юбориш ва ёқиш; қурилиш материаллари қолдиқлари ҳамда таъмирлашдан чиққан чиқин-диларни махсус жойларга ташламаслик; табиат қўйинида дам олувчиларни тоғли ҳудудларнинг сўлим гўшалари ва сув манбаларини ҳар хил чиқиндилар билан ифлослантириш; дарахтларни синдириш, нодир шиғобахш ғиёҳлар ва манзарали гуллар ҳамда

ўсимликларни пайхон қилиш; ёввойи мевали дарахтлар ҳосилини нобуд ва талон-тароғ қилиш каби салбий ишлар кўзга ташланиб туради.

Бундан ташқари аҳоли сонининг ўсиши, асосий ресурслар бўлган қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликда фойдаланилаётган ерларнинг, сув миқдорининг ва бошқа табиий бойликларнинг эса бир хил сақланиши ҳамда мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши сабабли ўзгараётган жамиятимизда бир қанча муаммолар пайдо бўлмоқда. Асосий муаммолардан бири – атроф-муҳит муҳофазасига эътибор бермасдан табиий бойликлардан хўжасизларча фойдаланишдир. Янги ерлар очилиши ҳамда уй-жой қурилиши учун дарахтлар ва арчазорларни қирқилиши, шифобахш гиёҳлар жойлашган майдонларни бузилиши, қурилиши ишлари учун минглаб йиллик тарихга эга бўлган тоғу-тоишларни, дарёлар қирғоқларини емирилиши, атроф-муҳитни ва сув ресурсларини чиқиндилар билан ифлослантирилиши, таби-атнинг ажралмас қисми бўлган ҳайвонот дунёсини қириши ҳамда бошқаларни кўрсатиши мумкин.

Хурматли юртдошлар!!! Жаннатмакон юртимиз табиати ва бойликларини ўзимиз ва келажак авлодлар учун асраб-авайлашга ҳаммамиз бирдек жавобгармиз. Бунинг учун фуқаролар, Маҳалла ва Қишлоқ Фуқаролар Йиғини, мамлакатимиз ёшлари Ўзбекистон Ёшлар иттиққоқи атрофида жипслашиб, Оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ҳамкорликда табиатни асраш тўғрисидаги мамлакатимизда қабул қилинган қонунларни ўрганиб, кенг тарғиб этишлари, табиатни муҳофаза қилиш ташиқлотлари билан яқин алоқада бўлишлари, мамлакат ва бутун дунё «Қизил китоби»га кирган нодир доривор ўсимликлар, ёввойи гуллар ва мевали дарахтлар, ёввойи қушлар ва ҳайвонлар ҳамда бошқалар тўғрисида етарли билимларга эга бўлишлари, боғча болалари ҳамда мактаб ўқувчилари ва аҳоли орасида табиатни асраш гуруҳларини тузишлари, бегоналар томонидан табиат бойликларини нес-нобуд ва талон-тароғ қилинишига йўл қўймасликлари, мамлакатимиз табиатини ҳар хил табиий офатлар – селлар, қўчкилар, ёнгинлар, zilzilalar, бўрон-туфонлардан муҳофаза қилишлари керак. Экологияга оид муаммоларни ҳал қилишга аввало ўзларининг, шунингдек халқаро, давлат, нодавлат-нотижорат ташиқлотлари ва жамоат бирлашмаларининг эътиборини қаратишлари лозим. Юқорида кўрсатилган ишларни бажаришда Сизга Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги «Сувчи» Жамоат Бирлашмаси доимо кўмакдошдир.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги, Ўзбекистон сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш «Сувчи» Жамоат Бирлашмаси, тел.: 90 3531630, 97 4211630. E-mail: suvchi2001@yahoo.com, Веб - сайт: www.oosuvchi.uz

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармони. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 29 октябрь, 2007.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш» тўғрисидаги ПҚ-1958 – сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент 19 апрел, 2013.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-1958-сонли қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирилиги ҳузуридаги узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4161-сонли қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 мартдаги “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4243-сонли қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4246-сонли қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” 4087-сонли қарори

5. Уточненная схема комплексного использования и охраны водных ресурсов бассейна реки Сырдарьи. Институт «Средазгипроводхлопок», 1983 г.

6. Уточненная схема комплексного использования и охраны водных ресурсов бассейна реки Амударьи. Институт «Средазгипроводхлопок», 1985 г.

7. Схема комплексного использования и охраны водно-земельных ресурсов бассейна Аральского моря. Институт Союзгипроводхоз, Москва, 1987 г.

8. Водпроект – Схема комплексного (рационального) использования водно-земельных ресурсов республики Узбекистан. 1996 г.

9. Женевская Конвенция о влиянии производства электроэнергии на другие государства. Принята 9 декабря 1923 г.

10. "Правила пользования водами международных рек". Приняты рядом государств в г. Хельсинки в 1966 г.

11. "Конвенция по охране и использованию трансграничных водотоков и международных озёр" совершена в г.Хельсинки в 1992 г. государствами Европейского экономического сообщества и передана на хранение в ООН.

12. "Конвенция о праве несудоходных видов использования международных водотоков", совершено в г.Нью-Йорке 21 мая 1997 г. и передано на хранение в ООН.

13. Соглашение между Республикой Узбекистан и Туркменистаном о сотрудничестве по водохозяйственным вопросам. -Чарджев, 1996. -3 с.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилиги билан Туркменистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилиги ўртасида сув хўжалиги масалалари бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим (2017 йил 6 март, Ашхобод)

15. Протокол между Правительством Союза Советских Социалистических Республик и Королевским Правительством Афганистана о совместном проведении работ по комплексному использованию водных ресурсов реки Амударьи на участке пограничном между Советским Союзом и Афганистаном (Кабул, 25 июня 1958 г.)

16. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2005 йил февраль ойидан 2006 йил апрель ойигача муддатда сув ва энергетик ресурслардан рационал фойдаланиш тўғрисида келишув.

17. Сирдарё ҳавзасидаги Норин – Сирдарё сув омборлари каскади бўйича давлатлараро – ҳар йиллик (Қозоқистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги, натижада Тожикистон Республикасини қўшиб олиш билан (1995-1999 йиллар учун) келишув
18. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1993.
19. Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида Низом
20. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисида Низом
21. Кеншимов А.К., Рафиков А.А., Мажидов Т.Ш. Разработка рекомендаций по практическому применению в Центральной Азии международных конвенций по использованию водных и энергетических ресурсов. Материалы проекта РЭЦ ЦА №38-20002. –Алматы-Ташкент, 2002. -149 с.
22. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, "Voriz" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 bet.
23. Majidov T.SH. Irrigatsiya tarmoqlari suv energiyasidan foydalanish. Darslik, Toshkent, 2020. -232 bet.
24. Казаков М., Тагойбеков А., Хомидов А. Особенности деградации ледников Таджикистана в условиях изменения климата, анализ использования водно-энергетических ресурсов Центральной Азии. Международный научный симпозиум «Вода в Центральной Азии», 24-26 ноября 2010 года, г. Ташкент, Узбекистан (от ледников до долин: сближение учёных и практиков в области водных ресурсов).
25. Международные водотоки. Расширение сотрудничества и урегулирование конфликтов Объединённые нации, Нью-Йорк и Женева, 2000. – 207 с. International watercourses. Enhancing Cooperation and managing conflict. United Nations, New York and Geneva, 2000. – 207 p.
26. Сарсембеков Т.Т., Нурушев А.Н., Кожиков А.Е., Оспанов М.О. Использование и охрана трансграничных рек в странах Центральной Азии-Алматы, «Атамур», 2004.-272 с
27. Кадыров А. Вода и этика. -Ташкент, 2003. – 106 с.
28. Турсунов А.А.. От Арала до Лобнора. -Алматы, 2002. – 383 с.
29. Мажидов Т. Использование водных ресурсов как фактор интеграции народов в Центральной Азии. Материалы международной конференции «Будущее Государств Центральной Азии: вместе или?», 26-28 июнь 2001 г. Бишкек, Кыргызстан. –с.75-85.
30. Под знаком Арала. Экологический альманах. Ташкент, 2003.-100 с.
31. Гидроэнергетика Средней Азии. Water Power Engineering of Central Asia. – Москва, Технопромэкспорт. – 45 с.
32. Технико-экономическое обоснование переброски части стока сибирских рек в Среднюю Азию и Казахстан. Основные положения. -Москва, Союзводпроект. – 285 с.
33. Усубалиев Т. "Пусть вода Кыргызстана скрепит дружбу республик Центральной Азии". Кн. "Вода и устойчивое развитие Центральной Азии", Бишкек, 2001г. с. 4-13.
34. Сув ҳуқуқи. Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар учун ўқув қўлланмаси, ТДЮИ, Тошкент, 2004. – 252 бет.
35. Экологик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш асослари. Ўқув қўлланмаси, Гофур Гулом, Тошкент, 2004. – 232 бет.
36. Мўминов С. Сув манбалари муҳофазаси: муаммолар ва ечимлар. «Экология хабарномаси» журнали, 1-2 сонлари, Тошкент, 1997. -28-29-бетлар.
37. Бозорбоев Н. Уй-жой қурувчилар учун 1001 маслаҳат. Меҳнат, Тошкент, 1990. 352 бет.
38. Как построить водопровод. Общественный фонд «Содействие населению в развитии водоснабжения и водоотведения», Информационное пособие для общего пользования, Бишкек, 2001.-101 стр.

39. Вода–бесценный дар природы. НИЦ МКВК,Ташкент,1997.-51 стр.
40. Абрамов Н.Н. Водоснабжение. Стройдат, Москва, 1982. -580 стр.
41. “Жаҳон адабиёти” журналы, 2009 йил, 4-5-сонлар.
42. Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик. Шарк, Тошкент,2001. –284 бет.
43. Абдурахмон Абдулхамид ўғли. Сувнинг баҳоси борми? «Маърифат» газетаси, Тошкент, 2000. – 8 июль.
44. Мелибоев А. Сув мўлми? «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, Тошкент, 2006. – 31 март.
45. Хотамов А. Инсон ва сув.«Мулоқат» журналы, 6-сон, Тошкент, 2003. -24-бет.
46. Маънолар маҳзани. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 4-жилд, Тошкент, 2001. - 448 бет.
47. Ўзбекистон Республикаси. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 10-жилд, Тошкент, 2002. - 226 бет.
48. Абдираимов И. Сувга ёмонлик қилма. «Халқ сўзи» газетаси, Тошкент, 2006. - 29-июль.
49. Мажидов Т. Орошение по опыту предков. «Правда Востока» газетаси, Тошкент, 2006. – 240-сон(25931).
50. Мажидов Т. Сув ҳаёт - деганидир. «Саодат» журналы, 8-сон, Тошкент, 2003. -30-31-бетлар.
51. Мажидов Т. Сув-бебаҳо бойлигимиз. «Гулчехралар» газетаси, Тошкент, 2003. - 9-сон (53).
52. Мажидов Т. Табиат. Фаросат. Ғайрат. «Гулчехралар» газетаси, Тошкент, 2003. - 11-сон (55).
53. Мажидов Т. Суғоришнинг замонавий усуллари. «Мулоқат» журналы, 6-сон, Тошкент, 2003. -32-33 бетлар
54. Интернет материаллари. Значение водк для человека. <http://www.istok-penza.ru/water/entsiklopediya/znachenie-vody-dlya-cheloveka/>
55. Интернет материаллари. Питьевой режим и баланс воды в организме. https://www.water.ru/ /bz/param/drinking_order.php
56. Интернет материаллари. <http://carawan-net.org/node/1629>
57. У двух миллиардов человек нет питьевой воды.<http://carawan-net.org/node/1629>
58. Заключительный отчёт по проекту «Повышение осведомленности и партнерство для устойчивого водного и экологического развития в Узбекистане» в рамках программы Европейского Союза «Устойчивое управление водными ресурсами в сельской местности Узбекистана»,Компонент 3» (uzwateraware) в период с 08.2017 по 09.2020 гг.Ташкент, 2020

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ	Бет 4
КИРИШ	6
1. СУВ ҲАЁТ ШАРБАТИ	7
1.1. Марказий Осиё сув ресурслари ва уларни тақсимланиши	8
1.2. Ўзбекистон Республикаси сув ресурслари ва улардан фойдаланиш	10
1.3. Марказий Осиёда сув ресурсларининг бугунги аҳволи	13
1.4. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва муҳофазаси	16
1.4.1. Атмосферанинг ифлосланиши	17
1.4.2. Сув ресурсларининг ифлосланиши	20
1.4.3. Тупроқнинг ифлосланиши	22
1.5. Маиший ва саноат чиқиндилари, уларни тўплаш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш	24
1.6. Экологик таълим-тарбия	34
2. СУВ ВА ИНСОН	35
2.1. Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш	37
2.2. Сувнинг сифати ва уни ошириш усуллари	41
2.3. Қишлоқларда ҳожатхоналарни ўрнатиш ва маиший оқава сувларни олиб кетувчи канализация тизимини қуриш	45
3. АДАБИЙ БЎЛИМ	48
Сув олтиндан азиз (ривоят)	48
Сув увол (ҳикоя)	49
Сув қадри (кичик ҳикоя)	53
Сув париси (фантастик ҳикоя)	54
Табиат билан уйғунлик (қатра)	57
ШЕЪРЛАР	59
Тарихларда қолган денгизим	59
Сув бу – ҳаёт (шеър)	60
Сув, сув, сув ва яна сув ҳақида	60
Табиат сув ва инсон	61
Тома-тома кўл бўлур	62
Биласизми?	63
Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг	63
Тарих доно муаллим	65
Ўзбекистон миллий энциклопедияси саҳифалари сув ҳақида	66
Сув тўғрисида ўзбек халқ мақоллари	66
4. СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ, ТАҚСИМЛАШ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ	68
4.1. Трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш, тақсимлаш ва самарали фойдаланиш	68
4.2. Халқаро конвенциялар, қоидалар ва қонунлар	76
4.2.1. Гидроэлектрэнергия ишлаб чиқаришнинг бошқа давлатларга таъсири тўғрисида (1923 йил 9 декабрда Женевада имзоланган)	76
4.2.2. Халқаро дарёларнинг сувларидан фойдаланиш қоидалари (1966 йил Хелсинки шаҳрида имзоланган)	77
4.2.3. «Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги конвенция (1992 йил 17 мартда Хелсинки шаҳрида имзоланган)	78
4.2.4. «Халқаро ер усти сув оқимларининг кемалар қатнамайдиган турларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида»ги конвенция (1997 йилда Нью-Йорк шаҳрида имзоланган)	80
4.3. Минтақавий. Марказий Осиёда трансчегаравий сув ресурсларини тақсимлаш	82

4.4. Миллий (маҳаллий). Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш, тақсимлаш ва самарали фойдаланиш	83
4.4.1. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» қонуни ..	83
4.4.2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисида низом	85
4.4.3. Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида низом	87
4.4.4. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”	87
4.4.5. Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида қонуни	88
4.4.6. Ўзбекистон Республикасининг Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида қонуни	89
5. ИЛОВАЛАР	90
5.1-илова. Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича асосий қонун ва қарорлар	90
5.2-илова. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенция ва битимлар	90
СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ, ТАҚСИМЛАШ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ. ҲАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯЛАР, ҚОИДАЛАР ВА ҚОНУНЛАР	91
5.3-илова. Гидроэлектрэнергия ишлаб чиқаришнинг бошқа давлатларга таъсири тўғрисида (1923 йил 9 декабрда Женевада имзоланган)	91
5.4-илова. Халқаро дарёларнинг сувларидан фойдаланиш қоидалари (1966 йил Хельсинки шаҳрида имзоланган)	94
5.5-илова. «Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги конвенция 1992 йил 17 мартда Хелсинки шаҳрида имзоланган)	101
5.6-илова. «Халқаро ер усти сув оқимларининг кемалар қатнамайдиган турларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида»ги конвенция (1997 йилда Нью-Йорк шаҳрида имзоланган)	114
5.7-илова. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ҳукумати ва Афғонистон ҳукумати қироллиги ўртасида Совет Иттифоқи билан Афғонистон чегараси участкасида Амударё сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш бўйича биргаликда ишларни олиб бориш тўғрисида ҚАРОР (Қобул, 25 июнь 1958 йил)	126
СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТАҚСИМЛАШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ КЕЛИШУВЛАР...	127
5.8-илова. Сирдарё ҳавзасидаги Норин-Сирдарё сув омборлари каскади бўйича давлатлараро – ҳар йиллик (Қозоқистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги, натижада Тожикистон Республикасини қўшиб олиш билан 1995-1999 йиллар учун) КЕЛИШУВ	127
5.9-илова. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2005 йил февраль ойидан 2006 йил апрель ойигача муддатда сув ва энергетик ресурслардан рационал фойдаланиш тўғрисида КЕЛИШУВ	127
5.10-илова. Амударё ҳавзасида сув ресурсларини тасдиқлаш	128
5.11-илова. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Туркманистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўртасида битим сув хўжалиги масалалари бўйича ҳамкорлик тўғрисида (2017 йил 6 март, Ашхобод, Ўзбекистон Республикаси учун 2017 йил 6 мартдан кучга кирган)	129
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СУВ ВА СУВ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРИ	131

5.12-илова. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» қонуни	131
5.13-илова. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисида НИЗОМ	161
5.14-илова. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ. Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида низом	180
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЕР КОДЕКСИ, ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҲАМДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР Тўғрисидаги қонунлари	191
5.15-илова. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси	191
5.16-илова. Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни	229
5.17-илова. Ўзбекистон Республикасининг Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонуни	243
5.18-илова. МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТНОМА	259
Фойдаланилган манбалар	261

Т.Ш. Мажидов

**СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
ВА АТРОФ МУҲИТНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
МАДАНИЯТИ**

/ МОНОГРАФИЯ /

ТИҚХММИ Илмий Кенгашининг қарори билан
чоп этишга тавсия қилинган

Мухаррир:

М.Мустафоева

*Босишга рухсат этилди: 25.02.2021 й. Қозғоз ўлчами 60x84 - 1/16,
Ҳажми: 24,5 б.т. 100 нусха. Буюртма № 0051 .
ТИҚХММИ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент 100000, Қори – Ниёзий қўчаси 39 уй.*

